

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Джумаев Рустам Зиятович

КОНФЛИКТОЛОГИЯ

МОНОГРАФИЯ

Тошкент–2018

Мазкур монографияда конфлитологиянинг назарий-методологик жиҳатлари, конфлитологиянинг муҳим йўналишлари сифатида сиёсий диний ва этник муаммоларни тадқиқ этишга қаратилган. Бажарилган ишнинг долзарблиги Ўзбекистонда конфлитология фан сифатида шаклланганлигини кўрсатиш эмас, балки одамларнинг оддийдан то умумбашарий миқёсгача мавжуд қарама-қаршиликлар, зиддиятларга объектив равишда муносабатда бўлиши, уларни бартараф этишда қўлланиладиган илмий ва амалий хулосаларнинг нечоғлиқ ҳаётга тўғри келишини таҳлилий кўрсатишдир.

Мазкур ишда катта эътибор амалий конфлитология, музокаралар олиб бориш технологиялари низоларни ҳал этиш услубларини таҳлил этиш масалаларига қаратилган. Монография олий ўқув юртлари талабалари, тадқиқотчи ва ўқитувчилари ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори,
профессор А.М. Маннонов

Такризчилар:

с.ф.д., профессор Ёвқочев Ш.А.,
PhD Сайфуллаев Д.Б.

Монография Тошкент давлат шарқшунослик институти
Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (26 январь 2018 йил,
6-сонли баённома).

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2018.

Сўзбоши

Инсоният тараққиёти тарихи турли, айна пайтда, ўзига хос манфаатли муносабатларга эга, шаклан мазмунан бир-бирини такрорламайдиган шахс, гуруҳ, қатламлар ҳамда воқеа-ҳодисаларга ҳар хил ёндашувларнинг намоён бўлиши билан характерланади. Турфа маданият ва ёндашувлар ижтимоий ҳаётнинг ривожланишининг оқилона асослари пайдо бўлишига, тараққиёт қонуниятининг назарий ва амалий мезонлари шаклланишига хизмат қилиши билан бирга инсон ва жамият ҳаётида турли ижтимоий хатарлар, таназзуллар, муросасизликнинг, тоқатсизликнинг бетакрор шакллариининг намоён бўлишига олиб келади. “Бугунги кунда бутун дунёда аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётганини, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, “оммавий маданият” каби таҳдидларнинг кучаяётганини ҳисобга оладиган бўлсак, фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум ҳам сусайтирмасдан, аксинча, уларни янги босқичга кўтаришимиз зарур”¹.

Айнан конфликтли вазият феномен хусусиятлари билан ижтимоий ҳаётда алоҳида ўрин тутати ва жамият тараққиётининг барча босқичларида кузатилади. Бунинг индивидуал, оилавий, жамоавий, миллий, минтақавий ва халқаро кўринишларини назарда тутишимиз мумкин.

Маълумки, дунё глобаллашуви, иқтисодий ва сиёсий интеграция жараёнлари таъсирида минтақалар ва ҳудудлар ўзига хос ижтимоий манзара касб этмоқда. Товарлар, таълимотлар, назариялар, ғоялар оқими билан бир қаторда, уларнинг яратувчиси бўлган инсонларнинг дунёқараши ва амалий фаолияти доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Бу ҳол турфа манфаатли муносабатларнинг пайдо бўлишига, манфаат йўналиши қарама-қаршилигига, баъзан тўқнашувларга ҳам сабаб бўлмоқда. Кишилар орасида бундай кайфиятнинг шаклланиши кўпинча ечимда нотўғри йўлнинг танланишига, оқибатда, турфа хил ларзаларнинг рўй беришига сабаб бўлмоқда.

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016.- 176.

Жамият ҳаёти муайян нормалар ва амал қилиш тартибларига асосланади. Бу ҳолат ҳуқуқ ва бурч, эркинлик ва масъулият ҳамма вақт бирга, узвий алоқада амал қиладиган тушунчалар эканлигини таъкидлайди. Фуқароларнинг маънавий-маърифий савияси билми ва малакаси, салоҳияти, умуммаданий даражаси қанчалик баланд бўлса, зиддиятли муносабатлар муросага келиб, эркин, фаровон ҳаётни таъминлашга шарт-шароит яратилади. Жамият ҳаётидаги тинчлик ва адолат ғоялари билан амалдаги нормативлар мазмунининг мувофиқлиги кишилар фаолиятидаги амалий кўникмаларнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлади.

Конфликтология – жамиятдаги ижтимоий конфликтлар динамикаси, уларнинг сабаблари, шунингдек, конфликтлар типологияси, формаларини ҳамда конфликтларни бартараф этишнинг назарий-илмий асосларини тадқиқ этувчи фан. Биз узок йиллар мобайнида собиқ Совет тузумининг мамлакатимиздаги ҳукмронлиги боис, кўплаб ижтимоий-гуманитар фанлар қатори конфликтология назариясини ҳам ўргана олмай келдик. Зеро, совет жамиятидаги ўзига ҳослик “ноконфликтли жамият” билан ҳарактерланар, амалиётда эса ижтимоий конфликтнинг турли типлари ва кўринишларини ҳар қадамда учратиш мумкин эди. Бироқ бу мавзулардан баҳс этмоқ “совет фуқароси” учун мутлақо таъқиқланганди. Шукроналар бўлсинки, мустақиллик туфайли биз кўпга “маҳфий” бўлиб келган мавзулар ҳақида ҳам фикрлаш имконига эга бўлдик.

Конфликтологияни ўрганиш нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга молик. Фаннинг бу йўналиши давлат ва жамиятдаги - индивидлар ўртасидаги майда конфликтлардан то глобал миқёсигача бўлган конфликтларни ўрганиш жараёнида ўзининг реал кўрсаткичлари билан одамларга амалий ёрдам беради. Индивидлар, ижтимоий гуруҳлар, давлатлар ўртасидаги конфликтларни куч ишлатиш ёки тинч, музокаралар ўтказиш йўли билан цивилизацион ҳал этиш ҳамда уларнинг ижобий натижаларини ҳам олдиндан кўрсатиб бериш имконияти туғилади. Конфликтлар табиатини билиш ҳар бир инсон учун ўта муҳимдир. Зеро, ҳеч бир инсоннинг ҳаёт сониялари қарама-қаршиликларсиз бўлмайди. Бу ҳаёт қонуниятидир. Шунинг учун конфликтология назариясини ўрганиш инсон учун, энг аввало, ўз

“инсонийлик табиатини” чуқур англаб етишида муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятдаги конфликтларни четдан кўринишига қараб, оддий бир сўз билан у ёки бу конфликт деб изоҳлаб қўйиш мумкин. Бироқ ўша конфликтни бартараф этиш ёки назарий-таҳлилий жиҳатдан ўрганиш жараёнида унинг нақадар серқирра эканлигига амин бўламиз. Конфликтлар табиатининг ана шундай кўпқиррали хусусиятга эга эканлиги уни таҳлилий жиҳатдан ўкиб ўрганишда ҳам маълум қийинчиликларни юзага келтириши табиий.

I боб. Конфликтологияга кириш

1. Конфликтология тўғрисида маълумот йиғишни таъминлайдиган асосий услублар

Конфликтология – конфликтлар тўғрисидаги фан.

Конфликтология объекти – умуман конфликтлар, унинг предмети – уларнинг юзага келиш, ривожланиш ва тугалланишига доир умумий қонуниятлар.

Конфликтологиянинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- 1) фан объекти бўлиб келган барча конфликтларни тадқиқ этиш, конфликтология назариясини жадал тараққий эттириш;
- 2) мамлакатда конфликтология таълими тизимини яратиш, жамиятда конфликтологияга оид билимларни тарғиб қилиш;
- 3) мамлакатда конфликтларни башоратлаш, олдини олиш ва мувофиқлаштириш бўйича конфликтолог олимларнинг амалий иш тизимини ташкил қилиш.

Биринчи мақсадга эришиш, яъни конфликтология методологияси, назарияси ва услубларини ривожлантириш учун қуйидаги мазмунли ва ташкилий вазифаларни ҳал қилиш талаб этилади:

- 1) хусусий конфликтологик фанларнинг ўта тарқоқлигини енгиб ўтиш;
- 2) конфликтологларни конфликтологиянинг барча тармоқлари билан таништириш ва шу асосда мустақил фанни шакллантириш;
- 3) конфликтларнинг фанлараро тадқиқотларини амалга ошириш;
- 4) конфликтология илмий мутахассислигини ажратиб чиқариш – аввалига, эҳтимол, психология, социология ёки сиёсатшунослик доирасидаги мутахассисликлардан бири сифатида;
- 5) конфликтологиянинг методологик, назарий ва услубий муаммоларига бағишланган илмий ва илмий-амалий конференцияларни мунтазам равишда ўтказиш;
- 6) барча турдаги реал конфликтларнинг вазиятга доир натижаларини ўз ичига олган эмпирик маълумотлар тизимли базасини яратиш;

7) “Конфликтология муаммолари” мавзусида илмий мақолаларни нашр эттириш, фаннинг фундаментал муаммоларини конфликтларга бағишланган бошқа даврий нашрларда кенгроқ акс эттириш;

8) Жаҳон конфликтологлари ҳамжамияти билан илмий алоқаларни кенгайтириш, Ўзбекистонда бу соҳадаги хорижий муаллифларнинг энг аҳамиятли ишларини чоп эттириш.

Иккинчи мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал этилиши лозим:

1) ОЎЮлари ўқув мутахассисликлари рўйхатини кенгайтириб, улар учун “Конфликтология асослари” курси асосий ўқув фанларидан бирига айлантириш;

2) психология, социология, сиёсатшунослик доирасида “Конфликтолог” ўқув ихтисослигини киритиш, кейинчалик мустақил ўқув мутахассислигини жорий этиш;

3) халқ хўжалигининг барча тармоқларида, айниқса раҳбарлар учун, мутахассислар малакасини ошириш тизимида “Конфликтология асослари” ўқув фанини жорий этиш.

Конфликтларни ўрганишда асосий услублар:

1) тузилмавий – конфликтли ўзаро таъсирнинг асосий элементлари ва улардан ҳар бирининг роли аниқланади. ҳодиса тинчлик (ҳаракатсизлик), статика ҳолатида кўриб чиқилади.

Устувор жиҳатлари: услуб ўзгариш жараёнида кўриб бўлмайдиган нарсалар(иштирокчилар таркиби, сабаблари, конфликт чегаралари)ни кўриб олиш имконини беради. Тузилмавий элементларни аниқлаш – конфликтни ҳал қилишнинг энг муҳим шартларидан бири.

Камчилиги: услуб мавжуд бўлмаган нарсани ўрганади, чунки конфликтҳеч қачон тинчлик (ҳаракатсизлик) ҳолатида бўлмай, доимо ўзгариб туради;

2) процессуал-динамик – тузилма-функционал услубни тўлдириб келади.

Процессуал-динамик услуб восита(инструмент)лари – конфликтнинг асосий ривожланиш босқичлари, этапларини аниқлаш. Конфликт динамикаси ҳам **юксалиб бориш** (эскалация), ҳам кескинликнинг сусайиши йўналишида ривожланиши мумкин;

3) конфликтларни типлаштириш (таснифлаш) – услуб конфликт шакллариининг гуруҳланиши, таснифланишини таъминлайди. Гуруҳлаштириш нафақат конфликтнинг турли

кўринишларини (оилавий, таълимий, давлатлараро ва ҳ.к.) белгилаб олиш, балки конфликтларнинг турли-туман шакллари орқали намоён бўладиган моҳиятини чуқур англаб олиш имконини беради.

Хусусияти: барча уч услуб конфликтнинг нима эканлигини тушунтиради. Фаннинг муҳим вазифаси мавжуд нарсаларнигина эмас, балки юз берадиган нарсаларни ҳам тушунтириб бериш ҳисобланади;

4) прогнозлаш – конфликт эҳтимоли мавжудлиги, бўлғусида конфликт келиб чиқиши мумкинлигини аввалдан кўра билиш. Прогноз утопиядан тузилмавий, динамик ва типологик таҳлиллар натижаларига таяниши билан фарқланади.

Прогнозлар қуйидаги турларга бўлинади: қисқа муддатли (бир йилгача бўлган муддатга); ўрта муддатли (бирдан беш йилгача муддатга); узоқ муддатли (беш йил ва ундан узоқ муддатга).

Барча кўрсатилган муддатлар конфликтларнинг олдини олиш ва уларни ҳал қилиш амалиётининг вазифаларини ечишга кўмаклашади.

Ҳал этиш услуби – конфликтологиянинг бошқа фанлардан фарқ қиладиган ўзига хос услуби. У қуйидагиларни шакллантиради: 1) конфликтларни ҳал қилишнинг асосий стратегия ва тактикалари; 2) конфликтдан қочиш стратегияси; 3) конфликтни куч билан бостириш стратегияси ва ҳ.к.

Барча услублар йиғиндиси – конфликт тўғрисидаги фан методологиясидир.

Конфликтологияда қуйидагилар хусусий услублар ҳисобланади: кузатиш; ўз-ўзини таҳлил қилиш; оғзаки ва ёзма сўров; анкеталаштириш; тест сўрови; ишбилармонлик ўйинлари ва ҳ.к.

2. Конфликт тўғрисидаги илк тасаввурлар

Ҳозирги замон илм-фани башарият тарихининг қайси бир даврига мурожаат қилмасин, уларнинг барчасида конфликтларнинг мавжуд эканлигига дуч келади. Аниқроқ қилиб айтганда, конфликт жамият ривожининг доимий ҳамроҳи бўлганлигига амин бўламиз. Конфликтларнинг жамият ҳаётидаги ўрни қадимдан эътиборга молик бўлиб келган. Ҳа, инсоният конфликтлар билан “билағон одам”лар яшаган даврдан буён ҳам-

нафасдир. Шунинг учун бўлса керак илмий доираларга конфликт ҳақидаги илк қарашлар афсоналар орқали кириб келган.

Айнан афсона ва маталларда, ўтган асрларда ижод қилган файласуфлар, тарихчилар ва ёзувчиларнинг фикр-мулоҳазаларию илмий қарашларидаги кўплаб, баъзан эса ўта мулоҳазали фикрлар жамиятдаги конфликтларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари ҳусусида бўлган. Қадимда оқсоқоллар ёки уруғ-қабила бошлиқлари кенгаши конфликтни ҳал қилувчи куч сифатида хизмат қилган. Бироқ инсоният тарихининг кейинги босқичларида илк давлатларнинг вужудга келиши, одамлар ўртасида табақаланишнинг такомиллашиши ва унинг орқасидан ҳар хил сиёсий тизимларнинг юзага келиши ҳар доим ҳам жамиятда барқарорликни таъмин этавермагани табиий ҳол. Бундай ўзгаришлар одамлар ўртасида муайян даражада ижтимоий ҳақсизликни кучайтирган. Алалоқибат конфликтларга замин ҳозирланиб, томонлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар кенгайиб бораверган.

Натижада жамиятда конфликтлар орқасидан унинг таъсиридаги муаммолар кўпайиб борган. Шунинг учун ўтган юзлаб йиллар давомида кишилиқ жамияти тинч-тотув келажакка умид билан қараган, доимо уруш ва қарама-қаршиликсиз жамиятни қуришга интилиб яшаган.

Ижтимоий конфликтларнинг табиати тўғрисидаги илк қарашлар ва тушунчалар орасида қадимги юнон файласуфлари алоҳида ўрин эгаллайди. Машҳур антик файласуф Гераклит ((тахм.)э.р. ав. 530-470 й.) урушлар ва ижтимоий конфликтлар тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларини табиий борлик ҳақидаги умумий қарашлар тизимига боғлашга ҳаракат қилган. Унингча ҳамма нарса ўзаро боғлиқ ва бир-бирига айланиб туради, шу жумладан, инсоний муносабат нормалари ҳам. Дунёда ҳамма нарса куч ва адоват туфайли вужудга келади, деб ҳисоблаган Гераклит. Коинотдаги якка-ю ягона умумий қонун – бу “ҳамма нарсанинг отаси ва подшохи – уруш”. У ҳар қандай жамиятда кимларнидир худо, кимларнидир сиғингувчи одамлар, яна бировларни кул, бошқасини эса озод қилиб белгилаб берган”.

Бу сўзлар орқали Гераклит биринчилардан бўлиб курашнинг жамият тараққиётидаги ижобий ролини тўғри белгилаб беришга ҳаракат қилган. Гераклит қарашларида конфликт ўзига ҳос янги

маънода, мисоли жамият ҳаётининг рамзи, аниқроғи, жамият ривожининг энг керакли ва асосий шарти сифатида намоён бўлади. Гераклитнинг “барча нарсаларнинг асоси конфликт ва кураш” деган тушунчасини қадимги юнон файласуфларидан яна бири Эпикур (эр. ав. 341-270 й.) ҳам кўллайди. Эпикур жамиятдаги тўқнашувларнинг салбий оқибатлари инсонларни тинч-осойишта ва бирдамликда яшашга чорлайди ва қачонлардир шунга олиб келади ҳам деб ҳисоблаган. Шундай қилиб жамиятнинг конфликтсиз ҳолати тўғрисидаги умидлари илк назарий мулоҳазалар билан бойиб борди.

Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври деб ном олган - IX-XII асрларда фаолият кўрсатган мутафаккирларнинг дунёвий маърифатга интилиши ва бу йўлда ўтмиш давлатларнинг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш, инсонни улуғ-лаш, унинг маънавий фазилатларини асослаш борасидаги фикр-мулоҳазалари жамиятдаги конфликтлар ҳақидаги тарихий-тадрижий баҳсларда ўзига ҳослиги билан ажралиб туради.

Абу Наср Фаробий (873-950 й.) биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши ва давлатни қандай бошқариш кераклиги ҳақидаги илмий-назарий билимлар тизимини ишлаб чиқди. Булар асосан куйидагилардир:

- ижтимоий ҳаёт ҳақидаги фан ва унинг вазифаси;
- инсон жамоасининг вужудга келиши, таркиби ва турлари;
- шаҳар-давлат жамоасининг ҳаёти ва фазилати, давлатнинг фаолияти вазифаси ва уни бошқариш шакллари;
- инсоннинг жамиятдаги ўрни ва вазифаси, ақлий, ахлоқий камолоти масалалари;
- давлат жамоасининг мақсад ва вазифалари, инсонни бахт-саодатга эриштиришнинг усуллари ва йўл-йуриқлари.

Фаробийнинг фикрича, жамиятдаги конфликтларнинг бирдан бир сабаби - одамлар тафаккурида ижтимоий ҳаёт, шаҳар-давлат, ахлоқ ва фикр илмларининг тўла шаклланмаганлигидадир. Ўз навбатида юзага келмоқчи бўлаётган конфликтларнинг олдини олишда ҳамда одамларнинг ушбу илмлар буйича олган юқори билимлари ижобий натижалар бериши ҳақида гапириб, назарий билимларнинг эгалланиши амалиётда муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтиради.

Фаробийнинг жамият ҳақидаги мулоҳазаларида “зўравонлик ва мажбурлаш таълимоти” қораланади. Чунки ҳар қандай давлат ва жамиятда “зўравонлик ва мажбурлаш таълимоти”нинг амалиётда акс этиши, ўша давлат ва жамиятдаги конфликтлар шаклланишининг асосидир. Фаробий “зўравонлик ва мажбурлаш таълимоти” га қарама-қарши ўлароқ “табиий эҳтиёж назарияси”ни илгари суради. Зеро одамларнинг биргаликда тотув яшаши, жамоаларга уюшиши, бир-бирига ёрдамлашиб кун кечириши кабилар табиат ва жамиятдаги “табиий эҳтиёж” мавжудлигинингтабиий белгиларидир.

“Одамларга нисбатан – деб ёзади Фаробий, – уларни бирлаштириб турувчи бош мезон – инсонийликдир. Шу туфайли одамлар одамзод туркумига оид бўлганлиги учун ҳам ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим”.

Демак, инсонийлик – энг улугъ неъмат бўлиб, у жамиятдаги конфликтларнинг юзага чиқмаслиги учун одамларни тинч-тотувликка чорловчи илк ижтимоий манба.

Ҳар бир одам ўз даврининг фарзанди, жумладан, Фаробий ҳам. У ўз даври турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда жамиятдаги фозил ва жоҳил шаҳар-давлатлар ўртасидаги фарқларни бир-бирига таққослайди. Деҳқончилик, чорвачилик, туқувчилик, балиқчилик каби соҳалар билан биргаликда касб-хунарга катта эътибор бериш фозил шаҳар-давлатга ҳос бўлган хусусиятдир. Ҳалқларнинг бир-бирлари ҳудудларини босиб олиши, асирларни кул сифатида ишлатиши, фақат ўз давлатининг тинч-тотувлигини, фаровон ҳаётини кўзлаган давлатни жоҳил шаҳар-давлат, деб таърифлайди. У жоҳил шаҳар-давлатларнинг мавжудлигини нафақат давлатда, балки жамиятда ҳам конфликтларнинг тобора кенгайишидаги бош омил сифатида қоралади.

Умуман олганда, Фаробий жамиятда “идеал давлат”ларнинг бўлишини орзу қилади. “Идеал давлат”ларнинг мавжудлиги жамиятда конфликтлар ўрнига барқарорликни таъминлайди. Бундай жамиятга эришишнинг манбаи сифатида, у одамларнинг илм-фанни чуқур эгаллашлари зарурлигини кўрсатади.

Ўрта Осиёдаги илк Уйғониш даври вакилларида бири Абу Али Ибн Сино (980-1037 йй.) дир. Ибн Сино жамиятдаги конфликтлар ҳақида ўзининг “Рисолату тадбири манзил”, “Иншорат ва Танбихат” каби асарларида фикрлар билдирган.

“Рисолату тадбири манзил” асарида шундай ёзади: “...одамларнинг мулкӣй тнҗсизлиги, вазифасининг бир хил эмаслиги, ўзаро фарқдари, инсон ижтимоӣй фаолиятининг асосий сабабидир”. Бизнингча, тарихан бундай ижтимоӣй борлик илк маротаба “акл идрокли одамлар” даврида шаклланган. Демак, бу фикрларга асосланган ҳолда конфликт аввало ижтимоӣй ҳодиса эканлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Ибн Синонинг жамиятда “ўзаро боғлиқлик ва алмашув жараёнида инсонлар бир-бирларини қандайдир мухтожликдан холи этиши” хусусидаги қарашларини Фаробий “табиӣй эҳтиёж назарияси”нинг тадрижий давоми сифатида қараш мумкин. Бироқ юқорида гаъкидланганидек, Фаробий “табиӣй эҳтиёж назарияси”ни жамиятдаги “зўравонлик ва мажбурлаш таълимоти”га қарама-қарши қўйса, Ибн Сино “ўзаро боғлиқлик ва алмашув жараёнида инсонлар бир-бирини қандайдир мухтожликдан холи этиши” дан кейингина жамиятда “адолат қоидалари ва қонунлари ўрнатилади” дейди. “Адолат қоидалари ва қонунлари ўрнатилган” жамиятда эса конфликтларнинг тобора камайиб бориши табиӣй ҳолдир.

Илк уйғониш даври намояндаларидан яна бири Абу Райхон Беруний (973-1048) дир. Унинг жамиятдаги конфликтлар ҳақидаги қимматли фикрлари жамиятда “инсонларнинг мақсад ва ниятлари ҳар хил бўлгач санъат ва ҳунар ҳам турлича бўла бошлаши” – меҳнатнинг таксимланиши борасидаги чуқур мулоҳазаларида учрайди. Пул – бу жамиятда меҳнаттаксимотининг шаклланиши натижасидир, – дейди Беруний. Унингча, инсонлар ўртасида олтин ва қумуш сифатида пулнинг муомалада бўлиши кадр-қимматга эга эмас. Чунки улар инсоннинг ҳеч қандай эҳтиёжини қондира олмайди. Уларнинг кадр-қимматга эга бўлиши асосида товар айирбошлаш ётади. Пулнинг нотўғри ишлатилиши туфайли ёвузлик келтирувчи бойлик юзага келади. Бу бойлик ўз нав- батида мажбурий меҳнатни келтириб чиқаради. Беруний фикрича, пулнинг иккита хусусияти бор: биринчиси, товар айирбошлаш бўлса, иккинчиси, “бегона куч” ёллаш - “бир киши иккинчисига ўртада тузилган шартнома туфайли ишлаши” тушунилади. Пул орқасидан ёлланиб ишлашни Беруний қоралайди. Негаки меҳнатнинг бундай тури муайян қарама-қаршиликлар - конфликтларнинг шаклланишига олиб келади.

Беруний инсон ҳаёти ва ижтимоий ҳолатини белгиловчи омиллар деб куйидагиларни кўрсатади: ақл, меҳнат, эркин танлаш. Ушбу мезонларга асосланган жамиятнинг соғлом жамият бўлиши, инсонлар ўртасида вужудга келган конфликтларнинг кенг ёйилмаслигига олиб келишини алоҳида уқтиради. Жамиятдаги конфликтлар мавжудлигининг муҳим сабабларидан яна бири сифатида одамлар ўртасидаги табақачиликни қоралайди. Табақачилик жамиятда “эркин танлаш” ўрнига шаклланган “эркин бўйсунуш”дир. “Эркин бўйсунуш” замирида томонларнинг кўркуви ва зўравонлиги ётади. Кўркув ва зўравонлик мавжуд бўлган жойда конфликтнинг бўлиши муқаррардир.

Илк Уйғониш даври намоёндаларининг давлат ва жамиятдаги конфликтлар тўғрисидаги мулоҳазаларидан хулоса қилиб айтиш мумкинки, одамлардаги соғлом ақл ва пурмаъно тафаккурнинг ошиб бориши конфликтлар олдини олишдаги бошланғич восита экан. Шунинг учун бўлса керак бу даврда фаолият кўрсатган олимларнинг аксарияти одамларнинг кенг дунёқараш соҳиби бўлишида илм-фаннинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этишган. Тўғри IX-XII асрларда Ўрта Осиёда ижод қилган олимларнинг кўпчилиги ўз ижтимоий қарашларини яхлит ижтимоий-илмий таълимот сифатида яраттирмаган. Бироқ уларнинг ижтимоий соҳадаги, шу жумладаи, жамиятдаги конфликтлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари шунинг учун ҳам қимматлики, биринчидан, уларнинг табиат ва жамиятга нисбатан универсал ёндашув қобилиятига эга эканлигини кўрсатса, иккинчидан, бундан кейинги даврларда шаклланажак илмий-амалий мактабларнинг янги-янги қирраларининг очилишига сабаб бўлган.

Шарқдаги илк Уйғониш даври вакиллари қарашларидан фарқли равишда ғарб дунёси ўрта асрлар – Европа Уйғониш даври намоёндалари ижтимоий конфликтларга мураккаб ва қарама-қарши баҳо бердилар. Негаки бу даврда жамиятдаги ижтимоий зиддиятлар ва қуролли тўқнашувларни машҳур гуманистлар Т. Мор, Э. Роттердам, Ф. Рабле, Ф. Бэконлар кескин қоралаб чиққан эдилар.

Эразм Роттердам (1464-1536 йй.) уруш – “урушни билмаганлар учун ширин” дейди. У бошланажак конфликтнинг мисоли занжир реакцияси янглиғ, ўз домига аҳолининг янги

қатламлари ва давлатларни тартиб кетиши борасида сўз юритиб, қарама-қарши турган томонлар гарчи умумий жиҳатдан ғоявий бирга бўлсалар ҳам, ўзаро сулҳга келишиш-лари мушкуллигига эътибор қаратди.

Инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон(1561-1626 йй.) нинг конфликтлар табиати тўғрисидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқдир. Конфликтология тарихида у биринчи бўлиб давлатнинг ички ижтимоий конфликтлари сабабларини аниқ назарий таҳлил қилиб чиқиб, ижтимоий тартибсизликларнинг моддий, сиёсий ва рухий шарт-шароитларини синчиклаб ўрганган ҳамда уларни бартараф этиш йўллариини белгилаб берган. Ф. Бэкон қарашларида давлат ва жамиятдаги ижтимоий тартибсизликларнинг юзага келишига сабаб сифатида, асосан, моддий сабаблар тушунчаси устуворлиги характерлидир. Масалан, унингча бундай устувор жиҳатлардан бири давлатдаги халқ моддий аҳволининг танглигида намоён бўлади. “...Давлатда қанча ночор бўлса, – дейди у – шунча тайёр кўзғолончидир. Мабодо ночорлар қаторига оддий халқнинг камбағаллашуви сабаб бўлса, хавф ортиб боради ва аниқроқ намоён бўлади, бироқ унутмаслик керакки, қорин учун бўладиган кўзғолонлар хавфларнинг энг хавфлисидир”.

Ф.Бэкон конфликтларнинг сиёсий сабабларини ўрганар экан, давлат бошлиқларининг давлат турмуш тарзидаги ўрни катта эканлигини алоҳида таъкидлайди. Шу билан биргаликда уларнинг давлатдаги ижтимоий қатламлар ва вакиллик органи фикрини инобатга олмасдан қатъий равишда субъектив мулоҳазасига кўра иш тутиши номақбуллигини уқтиради. Агарда шундай ҳолат юз берса, “Халқ бундай бошбошдоқликни қийин ҳазм қилади ва ўзларича мустақил равишда қандайдир янги бошқарув тизимини жорий этишга ва уни ўрнатишга ҳаракат қиладилар. Аслида бундай ҳаракатлар ҳукмдордан норози аъёнлар ва амалдорларнинг яширин бузғунчиликларидан бошланади. Қачонки “ўрталиқ” зиёлилардан халққа йўналиш бериб кўйилса халқнинг кўтарилиши табиий”. Шунингдек, Ф. Бэкон бошқарув тизимидаги сиёсий хатолар билан бирга, ижтимоий тартибсизликларни келтириб чиқарувчи бир қатор рухий омилларни ҳам аниқ ва равшан кўрсатиб берган. Жумладан, “давлат раҳбарининг тилидан чиққан кескин ва

аччиксўз”, “жамият ҳаётидаги кўролмаслик иллоти”, “ҳукумат шаънини булғайдиган, тез-тез кўтариладиган ва осон тарқаладиган миш-мишлар, ёлғон ёки бухтон ташвиқотлар” шулар жумласидандир.

Ижтимоий можароларнинг олдини оладиган йўллардан бири сифатида Ф.Бэкон сиёсий маневр санъатини кўрсатади. “Одамларни бир умиддан иккинчисига етаклаш норозиликнинг олдини оладиган энг яхши восита. Инсонларнинг эҳтиёжларини қондира олмасалар ва уларни келажакка фақат умидлар билан ишонтира оладиган, ҳар қандай адоватни ўз вақтида орзу ва унинг умид учқунлари билан юмшата оладиган ҳукумат оқилдир; бу нарса айтарли мушкул эмас, зеро шахслар ва баъзан бутун бошли партиялар ўз истиқболларига ишонмасаларда, барибир орзу ва умидлари тўғрисида очиқ гапириб, ўзларини ана шулар билан овутадилар”. Шу ўринда Ф.Бэконнинг “давлатга қарши бўлган иттифоқлар ва партиялар орасига қутқу солиб, ўзаро қарама-қарши қилиб қўйиш, уларда келажакка нисбатан ишончсизлик пайдо қилиш”да сиёсатнинг роли ва аҳамияти катта эканлиги тўғрисидаги фикрини эслатиб ўтиш мумкин.

Қай даражадалигидан қатъи назар конфликтнинг олдини олиш, Ф. Бэкон таърифи буйича, норозилар орасида уларни бирлаштира оладиган бош бўлмаслигига эришиш энг “тўзал меъёрдир”. Иккинчи томондан эса, халқ кўзғолонлари ва тартибсизликларини боса оладиган битта, яхшироғи бир нечта бундай шахсларнинг бўлишлари вақти келиб оломон халққа айланганда улар қандай асосий сифатга эга бўлажакдан дастлабки эҳтимолларни беради. Шунинг учун “... ҳарбий бошлиқлар ва халқ фидойилари ишонарли ва обрўли кишилар бўлиши, ажралишлар тарафдори ва шухратпараст бўлмасликлари, шунингдек, давлатдаги асосий амалдорлар билан ҳар қандай лаҳзада тил топиша оладиган шай бўлиши зарур. Акс ҳолда лаҳзалик малҳам оғир касалликдан ҳам хавфлироқ бўлиши мумкин”, – деб ёзади Бэкон.

2. Янги давр

Бу даврда жамиятдаги ҳарбий можаролар, давлатларнинг бир-бирларининг ҳудудларини босиб олишлари ва зўравонликларини XVIII аср инглиз демократлари ва француз маърифатчилари Д. Пристли, Ш. Монтескье, Д. Дидро, Ж.Ж.Руссо, Вольтерлар кескин ва очик танқид қилдилар. Улар ҳарбий конфликтларни “варварлик даври”нинг қолдиғи сифатида баҳолаб эканлар, феодализм даври қолдиқларини йўқ қилиш, янгиланаётган жамиятда “абдий тинчлик”ка олиб келади, деб ҳисоблашган. Шу сабаб бу даврга тааллуқли асарларда, асосан, жамият ҳаётини ташқил қилиш шакллари, ижтимоий конфликтларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш йўллари, давлат тузумига боғлиқ бўлмаган ҳолда фуқаролар тинчлигини таъминлаш ҳақидаги қарашлар устувор туради.

Жамиятда барқарорликни таъмин этиш борасида ўтган асрларда юзага келган назарий лойиҳалар айнан XVIII асрга келиб кенг ва қизиқиш билан муҳокама қилина бошланди. Қизиқарли томони шундаки, мазкур муҳокамалар мантиғи, илгари сурилган ғоялар, ўша даврдаги каби бугунги кунда ҳам ўз қимматини ва долзарблигини йўқотмаган. Назари- мизда XVIII асрда жаҳон тараққиётининг мантиқий асосини кўзлаган, жамият ҳаётини дунё тарихи доирасида кўришга уринган алломаларнинг қарашлари бунга сабаб бўлса нежаб. Мана шу барча сифатлар Жан Жак Руссо(1712-1778)нинг ижтимоий фалсафасида ёркин намоён бўлади. Жаҳон тарихий-тадрижий жараёни унингча, уч асосий йўналишга бўлинади: аввало, барча кишилар тенг ва эркин бўлган “табiiй ҳолат”, кейин цивилизациянинг тобора ривожини натижасида кишилар ўртасидаги тенглик, эркинлик ва бахтнинг йўқолиши, ва ниҳоят учинчиси инсонлар “жамият шартномаси” асосида йўқотилган жамият муносабатлари “абдий тинчлик”, бирлик ва келишувни қайтаришади. Айнан мана шу кўрсатилган асослар атрофида бутун бошли давр манзараси юзага келди.

Ж.Ж.Руссонинг жамиятдаги “табiiй ҳолат” тушунчасини кўпчилик замондошлари тўғри қабул қилишмади. таниқли немис файласуфи Иммануил Кант (1724-1804) “қўшни яшаётган одамлар ўртасидаги тинчлик ҳолати ҳеч қачон табiiй ҳолат

эмас... балки аксинча, уруш ҳолатининг энг паст даражадаги кўринишидир. Вокеликдаги доимий зиддиятлар ва доимий хавфларни ҳис қилиш жамиятга соғлом тинчлик ҳолатини бериши мумкин. Шунга кўра, тинчлик ҳолати ўрнатилмоғи керак” – дейди. Бу ерда биз бир томондан Т. Гоббс наздидаги “табiiй ҳолат – бу ҳамманинг ҳаммага қарши уруши” деган хитобномасига яқинлашгандек бўлсак, иккинчи тарафдан аксинча, Ж.Ж. Руссо таъбиридаги – келажакда мутлақо янги тинчлик ва келишув ҳолати муқаррарлиги ҳақидаги фикрни кўрамиз.

Жамиятдаги конфликтлар борасида янги давр мутафаккирлари томонидан айтилган фикрларда ижтимоий конфликтларнинг сабаблари ва уларнинг олдини олиш борасидаги қарашлар ҳам ўрин олган. Фикрлар нечоғли турлича ва кўп бўлса-да, уларнинг умумий йўналишида бир-бирига муайян уйғунликни кўриш мумкин. У ҳам бўлса жамиятнинг ривожланишида тинчлик ва келишувнинг муқаррарлиги тўғрисидаги, ўрта асрлардаги танглик, тартибсизликлар ҳамда урушларнинг қораланиши, шунингдек, келажакда “абadiй гинчлик” ўрнатиш ғоясининг илгари сурилиши каби фикрлардир. XIX аср бошларида шароит сезиларли даражада ўзгара бошлади. Ўзгарган муҳит ўз навбатида конфликтлар борасидаги фикрларни янги-янги йўналишлар билан бойитди. Гегелнинг қарашларидаёқ урушлар ва ижтимоий бўҳронларга баҳо беришда янгича ёндашувлар шаклланганлиги сезилиб туради. Гегель ўтмишда содир бўлган урушлар ҳақида баҳс этиб, уларнинг жамият тараққиётидаги салбий оқибатларига алоҳида эътибор қаратади. Урушлар тажрибаси жамиятга ҳеч қандай мукамал тараққиётни бермаслигини уқтиради.

Кучли давлат ҳокимияти тарафдори бўлган Гегель, давлат ичидаги оммавий тартибсизликлар нафақат давлат турмуш тарзига, балки жамият бирлигига ҳам путур етказиб, жамият сиёсий ҳаётида “кучсиз сиёсий бўшлиқ”ларни юзага келтириши мумкинлигини эътироф этади. Жамиятнинг тарихий-эволюцион ривожланиш жараёнидаги мураккаб қирраларига кенгрок эътибор бериш ва уларни тушуниб етиш муҳимдир. Негаки ижтимоий конфликтларнинг жамият ҳаётидаги роли тарихий жараён йўналиши қирралари билан объектив равишда боғлангандир.

Юқорида таъкидланганидек, XIX асрга келиб жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётидаги кескин ўзгаришлар, конфликтлар ҳақидаги мавжуд ижтимоий назарияларга ҳам таъсир этмасдан қолмади. Мазкур қарама-қарши назариялар орасида урушларни ёқловчи фикрларнинг ҳам мавжудлиги киши диққатини ўзига тортади. Бундай окимга мансуб назариётчилар ҳаётда томонлар ўртасида конфликт ва тўқнашувлар нафақат табиий равишда юз бериши мумкинлигини, балки уларнинг жамиятнинг тобора юксалиши ва фаровонлигининг асоси сифатида вақти-вақти билан содир бўлиб туриши зарурлигини кўрсатади. Бундай қарашлар эса кейинчалик жамият ҳаётида конфликтларнинг абадий бўлиб туришининг муайян сабаблари мавжудлиги ҳамда уларни жамият ҳаётидан олиб ташлаш мумкин эмаслиги ҳақидаги янгича илмий-назарий ёндашувларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Инглиз иқтисодчиси, роҳиб Томас Мальтус(1766-1834 йй.) нинг “Аҳоли тўғрисидаги қонун тажрибалари” (1798) асарида мамлакат аҳолиси ўртасида ўсиб бораётган ишсизлик муаммосига янгича таъриф берилган. Табиатнинг “абадий” биологик хусусиятларини жамиятда халқнинг кашшоқлашувига бош сабаб қилиб кўрсатган Т.Мальтус, ўзига ҳос “табиий қонуният” яратди. Унга кўра давлатда аҳоли сонининг ортиши геометрик прогрессия, уларнинг яшаш ва ҳаракатланиш воситалари эса - арифметик прогрессияга биноан ўсиб боради. Шу билан бирга ишчилар ахволининг аянчлилигига, саноатнинг ўзгариши ва деҳқонларнинг ерсиз қолдириш сиёсати эмас, балки ишчилар гуруҳининг “енгилтаклик одати” буйича “уйловсиз” кўпайиши энг асосий сабаб қилиб кўрсатади. Табиийки, жамият ривожланишига нисбатан бундай баҳо одамларнинг яшаш учун курашиши нафақат табиий ҳол, балки унинг зарурият эканлигини ҳам яна бир бор намоён қилади. Қолавсрса, мазкур назария одамларнинг “уйловсиз” кўпайиши натижасида турли хил конфликтларнинг юзага чиқишини жамият ривожланишидаги муҳим омил сифатида кўрсатиб ўтади.

Маълумки яшаш учун кураш муаммоси инглиз биологи Чарльз Дарвин (1809-1902 йй.) таълимотида ҳам марказий ўринни эгаллаган. Унинг асосий назарий ғоялари биологик эволюция тўғрисидаги “Турларнинг табиий танлов натижасида

келиб чиқиши ёки яшаш учун курашда тоза насли турларни саклаб қолиш” (1959 й) илмий асарида баён этилган. Асарнинг асосий ғояси унинг номидаёқ ўз аксини топган, яъни тирик табиатнинг ривожланиши яшаш учун олиб борилаётган доимий курашда, янада аниқроғи энг яшовчан турларнинггина табиий танлов натижасида омон қолишида эканлиги исботлаб берилган. Ч.Дарвин ўзининг мазкур таълимотини жамият тараққиётига татбиқ этганми ёки йўқми айтиш қийин. Умуман олганда, олимнинг ижодини ўрганган тадқиқотчилар ўртасида бу борада ягона фикр мавжуд эмас. Тўғри, унинг кетидан “ижтимоий дарвинизм” оқими пайдо бўлди, аммо бу оқим тарафдорлари жамият тараққиётини табиий танлаш ва яшаш учун курашнинг биологик қонунлари асосидагина тушун- тиришга ҳаракат қилганлар.

Кейинчалик яшаш учун кураш принципига асосланган (бу жиҳатдан Дарвин таълимотига яқин), бироқ яшаш учун курашга ижтимоий тамойилларни асос қилиб олган позитивизмнинг раҳнаmolаридан бири Герберт Спенсер (1820-1903 йй.) майдонга келди. У жамият тараққиётида асосий қонун бўлган жамият шукуҳига энг мослашган индивид- ларнинг яшаши ҳақидаги ғояни илгари сурди холос. Г.Спенсер таълимотига кўра жамиятдаги мавжуд карама-қдрши-ликлар ҳолати кўп қирралидир. Худди шу жиҳати билан у фақат алоҳида жамият орасидаги мувозна нагни эмас, балки жамият ва уни ураб турган табиий олам ўртасидаги муносабатларни ҳам ўзига камраб олади. Шунинг учун ҳам олим жамиятда конфликт қонунини умумий ва энг асосий қонун сифатида эътироф этади.

Г.Спенсер таълимотида жамият билан табиий муҳит ўртасидаги муносабатлардан ташқари жамият ривожининг тарихий чегаралари ҳам ана шу қонуният асосида бўлиши басн этилган. Унингча жамиятдаги табиий муҳитнинг илк сарчашмалари жамият ривожининг муайян босқичида халқлар ва ирқлар ўртасида тўлиқ тенглик юзага келмагунча намоён бўла олмайди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида АКШда ижод қилган машҳур олим Уильям Самнер (1840-1910 йй.) яшаш учун курашда прогресснинг муқаррар омили сифатида инсониятнинг энг кучеиз ва онгсиз кдтлами ҳалок бўлиши шарт деган ақидани олға суради. Ғолиблар-чи!? – Ғолиблар эса жамиятдаги ишбилармон тадбиркорлар, иш одамлари, банкирлар ва шу кабилар –

барча “умумбашарий қадриятлар ижодкорлари ва умуман энг яхши инсонлар саналар эди”.

Конфликтология борасидаги консерватизмга асосланган фикрлардан фарқли равишда, У.Самнер қарашлари фаннинг илмий ирмоқларига кутилмаган “тошкин” сингари кўшилди. Унинг қарашларида позитивистик оханг ҳукмрон эди. Тарихий-этнографик материалларнинг қатламига таянган У.Самнер, ижтимоий муносабатлар мсърини ўрганишда тизимли услубий ендашувга асос солиб, гуруҳлар ичидаги ва гуруҳлараро муносабатларни шу тарзда ўрганишни бошлаб берди. Конфликтларни тадқиқ қилишда гуруҳлараро конфликтларга алоҳида эътибор қаратиш У.Самнер таълимотининг асосий бўғинларидан бири бўлди.

Конфликтлар борасидаги янги назарий - таҳлилий мотивлар поляк олими, юрист Людвиг Гумплович (1838-1909 йй.) ижодида ҳам учрайди. Жаҳон тарихининг - ирқлар ўртасидаги доимий курашдан иборат эканлигини эътироф этган олим, ирқларнинг юзага келиши ҳамда уларнинг бир-биридан фарқини биологик жиҳатдан эмас, балки улар маданиятларининг ўзига ҳос хусусиятларидандир деб ҳисоблайди. Алоҳида ирқ - ўзига ҳос бир маданиятдир. Шу боис конфликтларнинг сабабларини фақат инсон табиатидангина эмас, балки ўзига ҳос мавжуд маданият типларининг ижтимоий феноменидан излаш керак. Негаки маданиятлар ижтимоий феномени конфликтларнинг қандай тус олишини – оддийдан то мураккабгача бўлган босқичларининг ижтимоий ҳаёт талабларига монанд ўзгариб бориши жараёнидаги илк маълумотларни бериши мумкин.

Л.Гумплович фикрича, конфликтлар ягона ва зарурий ижтимоий жараён эмас. Бироқ, кенг ижтимоий жамоалар ҳамда давлатларни вужудга келтирадиган ижтимоий бирлашувлар аҳамиятга молик жараёндир. Чунки бу ерда конфликтнинг асосий ҳал қилувчи ролни уйнашининг сабаби битта, яъни жамиятда ижтимоий гуруҳлар айнан конфликт натижасидагина бирлашадилар. Жамиятда янги қоидалар бирлигининг шаклланиши алоҳида-алоҳида гуруҳлар кураши натижаси сифатида намоён бўлиши мумкин.

Л. Гумпловичнинг жамиятдаги ижтимоий конфликтлар табиатига нисбатан муносабатларини уч асосий тезисга бўлиш мумкин:

1) конфликтлар тарихий жараён негизи, уларнинг ҳаммаси турли характерга эга бўлсалар-да, тараққиёт омили ҳисобланади;

2) жамиятнинг ҳукмронлар ва бўйсунувчилар (хизматкорлар)га бўлиниши, шунингдек, улар ўртасидаги муносабатларнинг ноуйғунлигидан келиб чикадиган конфликтлар ҳам абадий ҳодисадир;

3) конфликтлар жамиятнинг бирлашувига ёрдам беради, кенг бирлашмаларнинг шаклланишини таъминлайди.

Ҳозирги пайтда юқорида номлари зикр этилган олимлар томонидан илгари сурилган баъзи илмий-назарий ғоялар ҳали ҳам фойдадан холи бўлмай, жамиятдаги айрим долзарб муаммоларни ҳал этишда ўзига ҳос аҳамиятга эга. Зеро, улар жамиятда содир бўладиган турли хил умумий фундаментал конфликтларни назарий жиҳатдан таърифлашган. Ижтимоий тизимни такомиллаштиришда уларнинг алоҳида аҳамиятини асослаш билан биргаликда, жамиятда конфликт ва барқарорлик, уруш ва тинчлик ҳолатларининг алмашилиб туришини кўрсатиб беришган.

XIX-XX асрларга келиб, конфликтларни тадқиқ этишда илмий муҳитга социология фани кенгроқ таъсир ўтказа бошлади. Жамиятнинг ривожланиши ва ривожланишини таъмин этувчи куч ижтимоий тизимнинг фаолият кўрсатиши қонуниятларини таърифлашда социологиянинг мустакил фан сифатида майдонга келиши инсоннинг жамият ҳаётини тушунишида янги бир саҳифани очди. Социология турли файласуфларнинг жамият тўғрисидаги фикрларию, фалсафий қарашларидан кейин, қатъий илмий услублар ёрдамида йиғилган маълумотладни умумлаштириш мақсадида назарий тизим услубига ўтади. Статистик йиғилмалар, анкета сўровлари, тарихий-киёсий умумлаштирув, ўрганилаётган жараёнларга (объектга) назарий-услубий ёндашувлар каби илмий тадқиқот услублари жамият ҳодисаларини англаш воситаларининг зарурий шартлари бўлиб хизмат қилди.

Конфликт муаммоларини тадқиқ ва тасниф этиш социологияда турлича йўналишлар билан амалга оширилган. Уларнинг ҳаммаси ҳам конфликтни ижтимоий ҳаёт тамойилларининг якуний категорияси сифатида тан олишмасада, Бироқ конфликтларнинг жамият турмуш тарзида муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва уларнинг назарий таҳлили зарурлигини эътироф этишган.

Немис социологи Георг Зиммель (1858-1918 йй.) “конфликт социологияси” терминини илмий сиёсий луғатлар мажмуасига биринчи киритган олим сифатида тан олинган. Унинг асримиз бошларида нашр этилган асарларидан бири ҳам шундай номланади. Олимнинг фикрича, конфликтлар жамиятда ижтимоий интеграцияни муайян даражада мувофиқлаштиради, ижтимоий билимларнинг Аниқ хусусиятларини Аниқлаб, уларни ташкил этиш принциплари ва меъёрини мустаҳкамлайди.

20-йилларга келиб, Чикаго мактабининг кўзга кўринган социологлари - Роберт Парк (1864-1994 йй.), Эрнест Берджесс (1894-1964 йй.), Албион Смолл (1854-1926 йй.)лар Г.Зиммелнинг назарий қарашларини давом эттирадилар.

Улар ижтимоий жараёни ўзаро боғлиқ бўлган тўрт ҳаракат: мусобақа, конфликт, мослашув ва ассимиляция асосида куриб чиқишади. Конфликтлар жамиятдаги ушбу ўзаро ижтимоий муносабатларда марказий ўринни эгаллаб, ижтимоий жараёндаги мусобақадан мослашув ва ассимиляцияга ўтказувчи ролини уйнайди ва бу билан ижтимоий ўзгаришларнинг муҳим манбаига айланади. Социологиянинг амалдаги мақсади – конфликтлар трансформациясини ўзаро ҳамкорликка мувофиқлаштириш ҳамда ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабатларини яхшилашдан иборатдир.

4. XIX аср охири - XX аср бошида конфликтологиянинг ривож

XIX аср охири XX аср бошларида конфликтология билан шуғулланувчи мутахассислар орасида Карл Маркс (1818-1883)нинг ижтимоий назариясига қизиқишнинг кучайиши кузатилади. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки К.Маркс социологияси жамиятнинг ривожланиш жараёни тўғрисидаги асосий фикр ва мулоҳазаларга сезиларли ўзгаргиришлар киритди.

К.Маркс таъбирича жамиятда одамлар ўзларининг онг ва шууридан қатъи назар бир-бирлари билан муносабатга киришадилар. Ушбу муносабатларнинг бирлиги ижтимоий материяга. Яъни умуман умумий ижтимоий борлиққа боғлиқ бўлиб, ўз навбатида бундай жараёнлар илмий тушуниш мумкин бўлган ижтимоий муносабатларни шакллантиради.

1859 йилнинг январида К.Маркс ўзининг “Сиёсий иқтисод танқиди” китобига ёзган “Сўз боши”си билан тарихни материалистик тушунишнинг амалий тарихий муддатини бошлаган дейиш мумкин. К.Маркс назарида жамият тизими тўртта асосдан тузилган: ишлаб чиқариш кучлари – ишлаб чиқариш муносабатлари – сиёсий усткурма – жамиятни тушуниш ва англаш шакллари. Маълумки ушбу асосларнинг умумий тизими ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари марксизм ижтимоий назариясининг асосий мезони ҳисобланади.

Шу билан биргаликда К. Маркснинг ушбу назарияси ижтимоий социологиянинг қатъий ишлаб чиқилган ва илмий асосланган – умумий социология назариясинигина эмас, балки марксизм таъбиридаги конфликтнинг аниқ тизимли назариясини ташкил қилади.

Бироқ марксизм ўз даврини тушуниш ва идрок этишдан нарига ўтолмаганини, чалкашканлигини шу ўринда эътироф этиш зарур. Бундай чалкаш шакллардан бири – келажакда конфликтларни тўгатиш мумкинлиги тўғрисидаги қарашдан иборатдир. Маркснинг фикрича, инсоният XIX аср охирида тарихий ўзгаришлар билан юзма-юз турган ва келажакда ҳақиқий тарихий давр бошланиши мумкин. Бошланажак давр жамиятда сиёсий инқилоблар, бутунлай барҳам топиши, моддий бойликларнинг ортиши натижасида умумжамят муносабатлари табиатини ҳам ўзгартириб юбориши, конфликтларнинг эса фақатгина саноат фабрикалари доирасидаги муносабатлардагина мавжуд бўлишини таъминлаши керак эди. В.И.Лениннинг социалистик жамиятда антагонизмнинг бутунлай йўқолиб кетиши ва “янги инсонни” тарбиялаш ҳақидаги мулоҳазалари К. Маркснинг бу таълимотига қарши бўлмасдан, аксинча, ана шу принципларни тасдиқлар ва тўлдирад эди.

Шунингдек, марксизмда жамиятдаги турли табақалар манфаатлари қарама-қаршилигидан келиб чиққан ҳар қандай ижтимоий конфликт, аввало, унинг сиёсий аҳамияти тарафидангина қаралар эди. Бу эса унинг бошқа ижтимоий фанлар нуқтаи назаридан қараш имкониятини чеклаб қўяр эди.

XX асрнинг биринчи ярмида марксизмнинг ҳеч қандай аралашуви ёки таъсирсиз жамиятдаги фақатгина келишув ва барқарорликнигина эмас, балки конфликт ва унинг ортидан юзага

келадиган ўзгаришларга ҳам алоҳида эътибор бера бошлаган илмий оқимлар вужудга келди. (В.Паретто, Г.Моска, Ж.Сарель, Ф.Оппенгеймер, А.Бентли).

Элита назарияси билан илмий доирада машҳур бўлган итальян тадқиқотчиси Вильфредо Паретто (1848-1923), ўз таълимотида инсон табиати доимо иккиланувчанлик хусусиятига эга эканлигини таъкидлаган. У инсон онги англаш учун эмас, кўпроқ гаразгуйлик мақсадига йуналтирилган бўлади, деб ҳисоблайди. Бунинг натижасида инсонлар ўзларининг фарлиятлари ва хатти-ҳаракатлари нимага қаратилганини яшириш учун жамиятда турли хил назарияларни уйлаб топадилар. Ҳар қандай жамиятдаги назариялар ва мафкура-ларнинг мавжудлигига сабаб – муайян одамлар ўз хатти-ҳаракатларини хис-хаяжонлар пардаси остидагина кўрсатиб, ҳақиқий мақсадни эса яширишдан иборатдир. Шундай қилиб инсон рухиятининг номақбул қатламлари уларнинг ҳаракатларида бошқарув ролини ўйнайди.

В.Паретто инсон рухиятининг асосий ролини эътироф этгани ҳолда, жамиятнинг ижтимоий турланувчанлиги башариятга доимий ҳамроҳдир, зеро индивидларнинг ҳам биопсихологик сифатлари худди шундай доимийдир. В.Пареттонинг ижтимоий ўзгарувчанлик ҳақидаги фикрлари аввало давлат ва жамиятдаги бир туда амалдорлар, Аникроғи, кам сонли бошқарувчилар – элитага нисбатан айтилган фикрлардир.

Элиталарнинг алмашинуви ва улар ўртасидаги кураш В. Паретто таърифича, жамиятнинг туб моҳиятини англатади. Унингча, башариятнинг табиий бир қонунияти бор. У ҳам бўлса кўплаб ва турли хил асосдаги конфликтлар жамиятнинг ривожланиш жараёнига доимо ҳамроҳлик қилади. Аммо конфликтларнинг роли ва аҳамияти бошқарувчи элитанинг аниқ ёки ноаниқ ривожланиш босқичига ҳам боғлиқ. Негаки мавжуд элиталар давлат ва жамиятдаги сиёсий тизимлар барқарорлигини таъминлаш, қулай динамик мувозанатни ушлаб туришдагина эмас, балки инқилобий ҳарактерга эга бўлган радикал ўзгаришлар орқали бошқарувчи элита вакиллариининг ўрин алмашинувини – табиий “тўхтовсиз алмашинув” жараёнига айлантириши ҳеч гап эмас.

В.Паретто билан бир даврда яшаган сиёсатшуносликнинг асосчиларидан бири, итальян юристи Гаэтано Моска (1858- 1941)

ҳам элита ҳақидаги назариянинг яратувчиларидан бири эди. Унинг 1896 йилда чоп этилган “сиёсий ёки бошқарувчи гуруҳ” ҳақидаги асари (“Сиёсий фанлар элементлари”) Италияда замонавий сиёсий тадқиқотларнинг ривожланишига пойдевор бўлди. Г. Моска фикрига кўра ҳар қандай жамиятда икки абадий гуруҳ мавжуддир:

1) ҳукмронлик қилувчи “сиёсий гуруҳ” – зиммасига давлатнинг барча мажбуриятларини олади ва албатта, бир қатор институтларга эга бўлиб, улар муайян имтиёзлардан фойдаланади;

2) бошқариловчи гуруҳ – бу яхши уюшмаган кўпчиликни ташкил қилувчи гуруҳ. Тадқиқотчининг фикрича, неча асрлардан бери давлат ва жамиятда ҳалқ вакиллиги ва суверенитети тўғрисидаги назарий билимлар фақат орзудангина иборат. Аслида эса реал ҳукумат доимо “сиёсий гуруҳ” кўлида бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. Ҳалқ ҳокимияти, демократик жамият ва социализм – буларнинг ҳаммаси утопия (хомхаёл) ва биронтаси ҳам жамият қонунлари ва ижтимоий инсон табиатига мос келмайди. Ҳокимият ҳеч қачон ҳалқ ҳокимияти тариқасида намоён бўлолмайди. Лекин энг кўпи билан, дейди тадқиқотчи, у фақат нисбийликда ҳалқ манфаатига хизмат қилиши мумкин холос.

Г.Моска давлатдаги бошқарувчи олий табақа - элита кўлида мулкчилик ва шу каби бошқа асосларнинг бўлишини эмас, балки уларнинг онг ҳамда билимларини оширишга хизмат қилувчи “илмий сиёсат”нинг зарурлигини эътироф этади ва уни яратишга интилади. Бундай “ҳокимиятга муносиблар”ни тарбиялашни ва унга амалий етишишни Г.Моска узоқ келажакка дахлдор деб ҳисоблайди. Унгача тарих сахнаси – зўрлик ва конфликтлар жамиятдаги ўзгаришлар ва ижтимоий барқарорлик жараёнлари учун асосий роль ўйнайдиган гуруҳлараро кураш майдони бўлиб қолаверади. Ушбу курашлар натижаси ҳар бир даврнинг аниқ талабларига мос у ёки бу гуруҳлар ғалабасига боғлиқ бўлади.

Германияда Франц Оппенгеймер (1864-1943) конфликтнинг бошқача сиёсий концепциясини ишлаб чиқди. Тадқиқотчини давлатнинг вужудга келиши ва унга ёндош ижтимоий жараёнлар хусусиятлари кўпроқ қизиқтиради. У давлатнинг вужудга келишида иқтисодий сабаблар асосий роль уйнамайди деб

ҳисоблайди. Ф.Оппенгеймер таъбири билан айтганда, давлат – бу шундай ҳукуқий институтдирки, бунда бир-бирларига зўрлик билан боғлаб кўйилган биринчи гуруҳ истилочилар ҳамда иккинчи гуруҳ истило қилинганлар ўртасидаги муносабатлар мужассамлашгандир. Жамиятдаги гуруҳлар ва давлатларнинг ўз ички ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш омиллари асосида вужудга келиши ҳақидаги қарашларни қаттиқ танқид қилган Ф.Оппенгеймер уларни “назария ва амалиётдаги ижтимоий зулм манбаи” деб эълон қилади. Унингча, давлатчилик одамларни маълум бир ғояга бўйсундириш ёки маълум ҳудудда яшаётган аҳолини истило қилиш йўли билан вужудга келади. Ана шундай жараёнларда гуруҳлар ўртасидаги қарама-қарши муносабатлар шаклланади ва бундай муносабатлар кўп ҳолларда ўзгармасдан қолаверади. Фақатгина эксплуатация шакллари жисмоний қийноқдан иқтисодий ва сиёсий зўравонликка айланиб ўзгариши мумкин ҳолос. “Тахминан 5000 йилларча аввал – деб таъкидлайди у – ҳалқларнинг бир-бирини истило қилиши бошланган бўлса, унинг натижасида тенгсизлик шуури ҳам инсон танасига кириб жойлашгандир. Ўз-ўзидан аёнки, кейинги тарих, қолаверса, одамлар турмуш тарзи мана шу касаллик оқибатида ҳар хил даражадаги конфликтлар билан ёнма-ён бўлиб келмокда ва бу шундай бўлиб қолажак”.

Европалик олимлардан анча фарқ қиладиган сиёсий концепцияни АҚШда Артур Бентли ишлаб чиқди. Уни жамиятдаги умумсиёсий фаолиятнинг бир қисми бўлмиш сиёсий ҳаётгина кўпроқ қизиқтиради. А. Бентли концепциясининг асосини “гуруҳ”, қолаверса, “сиёсий гуруҳ” тушунчаси ташқил этади. Сиёсатшунослик доирасида сиёсий гуруҳлар сирасига нафақат сиёсий партиялар, балки бошқа сиёсий институтларнинг ҳам кириши табиий. Уларнинг фаолиятларини таҳлил этиш натижасида гуруҳларнинг олдида кўйган мақсад ва вазифаларини аниқлаш мумкин. Сиёсий гуруҳлар фаолиятлари давомида ўз манфаатларини ҳам ҳаракатларига мувофиқлаштириб борадилар. Турли манфаатли гуруҳларнинг тўқнашуви натижасида А.Бентли таъкидлаган жамиятнинг сиёсий ҳаёти юзага келади. Ушбу “ҳаёт” турмуш тарзининг шаклланиши замирида ётган кучларга олим алоҳида эътибор қаратади. Шунинг учун бўлса керак, А.Бентли биргина “зўрлик” термини орқали шаклланган сиёсий ҳаётга

таъриф беришни маъкул куради. Бироқ тазйиқ, – дейди у, – фақат жисмоний азоблаш ёки куч ишлатишдангина иборат эмас. Гуруҳларнинг бир-бирига нисбатан тазйиқ этиш истагининг борлиги жамиятдаги оддий ҳолдир. Аммо “тазйиқ” тушунчасининг кўлами кенг бўлиб, гуруҳларнинг бошқа гуруҳларга таъсир этиш шакллари бўлмиш – кураш ва намойишлардан тортиб, очик баҳслар насихатбозликкача бўлган хусусиятларни ўзига қамраб олган.

Шундай қилиб, XIX ва XX аср бошларида мавжуд ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий-назарий концепциялар натижасида конфликтология муаммоларига нисбатан кизиқишнинг ортиб кетиши табиий бир ҳолдир. Айтиш жоизки, жамиятдаги конфликтларни таҳлил этиш бу даврларда асосан ижтимоий дарвинизм ва марксизмнинг услубий талқини, ғарб социологияси ва сиёсатшунослиги, юриспруденцияси асосида амалга оширилган. Назаримизда, ушбу илмий йуналишлар услубий хусусиятларида конфликтлар асосига кириб боришдаги ҳам кучли, ҳам салбий жиҳатларнинг борлиги эътиборга молик. Жамият тараққиёти ва конфликтология муаммоларига нисбатан тегишли хулосалар чиқарилишида ўша даврдаги ижтимоий ва сиёсий воқеаларнинг бевосита ва сезиларли таъсир ўтказиши ҳам табиий. Бу даврда илгари сурилган илмий ғоялар тўғрисида сўз кетганда, улар орасида бугунги кунда ҳам долзарблиги ва умумийлигини йўқотмаган айрим назарий концепцияларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, конфликтнинг жамиятдаги одатий ижтимоий ҳолатлиги тўғрисидаги қатъий фикр. Турли хил биологик, рухий, ижтимоий ва бошқа омиллар асосида ҳар хил даражадаги конфликт ҳолатларни келтириб чиқариш инсон табиатига, шунингдек, жамиятга ҳос хусусиятдир.

Иккинчидан, конфликтлар жамият тараққиётида бир қатор ижобий вазифаларни ҳам ўтайди. Улар жамиятнинг тобора ривожланиши, ижтимоий билимлар бирлигининг сакланиши ва уйғунлашувида, умумий аҳамиятга молик бўлган мажбурий тартибот ва ижтимоий қадриятларнинг жамиятда мустаҳкам ўрнатилишида ўзига ҳос ўрин тутди.

Учинчидан, жамиятдаги муайян конфликтлар ҳамда мазкур ҳолатни келтириб чиқарган омиллар, яъни конфликтлар тизими

ва бу тизим аниқланадиган ижтимоий ҳаёт ўртасидаги боғлиқлик ва бирликнинг мавжудлиги.

Тўртинчидан, бошқарувчи озчилик ва бошқарилувчи, яъни тобе кўпчилик ўртасидаги зиддиятнинг доимийлиги.

Бешинчидан, манфаатлари бир-бирига зид бўлган турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро келишуви ва уларнинг муаммоларни биргаликда бартараф этиши жамиятда маълум ижтимоий барқарорликка сабаб бўлади. Жамият тараққиётига нисбатан ушбу ҳолат ўсиб боровчи барқарорлик тарзида тадқиқ этилади. Конфликтологиянинг ҳозирги замон тамойиллари асрнинг 30-йилларидан бошлаб конфликтология муаммоларига назарий жиҳатдан қизиқиш нисбатан сусая борди. Ушбу ҳолат аввало АҚШ, кейинроқ эса Европада кузатила бошланди.

Жамиятдаги конфликтларга бўлган олдинги қизиқишнинг маълум даражада пасайиши оқибатида конфликтология муаммолари борасидаги илмий ишлар ўз аудиториясигагина эга бўлиб қолди. Бўлар турли хил, амалдаги жамият тартибларига нисбатан танқидий ёндошувчи, ислохотлар ва келажакка қатъий ишонч билан боқувчи ижтимоий ва сиёсий ҳаракатлар эди. Лекин Чикаго мактабининг гуллаб-яшнаши даври (1915-1935)да бу ҳолат аста-секин ўзгаради. Бу вақтлардаги илмий муҳитнинг олдинги даврлардан фарқи шуки:

1) ижтимоий тадқиқотларнинг асосий буюртмачилари сифатида давлат ва ҳусусий тадбиркорлик компаниялари ва бошқа ҳар хил муассасалар кўпая борди. Улар тадқиқотчилар мактабларини керакли маблағлар билан таъминлаб турарди;

2) буюртмачиларнинг талаби ва қизиқишига жавобан тадқиқотларнинг мундарижаси ва маъноси ҳам ўзгаради;

3) муаммоларни ўрганишдаги умумназарий тадқиқотлар ўрнини, кундалик, аниқ тавсиялар ва натижаларга эга тадқиқотлар эгаллайди;

4) тадқиқотчилар олдида тўғридан тўғри мавжуд ташқилий тизимлар сақланиб туриши мумкин бўлган шароитларни белгилаш, ана шу вазиятларга мувофиқ шахсларнинг фаол иштирокини таъминлаш вазифаси турарди.

Шаклланган бу тўрттала янгича шарт-шароитларнинг таъсири оқибатида муаммоларга нисбатан ёндашувларда ҳам муайян ўзгаришлар юзага келди. Масалан, конфликтология

муаммоларининг таҳлили мавжуд конфликтли ҳолатларни ҳал этиш услуби нуқтаи назаридан амалга оширила борди. Баъзи социолог ва ҳуқуқшунослар жамиятдаги кўплаб иш ташлашлар, намоёишлар, қуроли тўқнашувлар ортидаги муаммолар ва урушларнинг келиб чиқиш сабабларини тадқиқ қила бошладилар. Бироқ бу тадқиқотлар кўпроқ эпизодик ва эмпирик тадқиқотлар кўринишида эди. Кўриниб турибдики, тизимли конфликтлар таҳлили ўрнини рухий зўриқиш ва уларни енгиллатиш услублари эгаллай бошлади. Натижада жамиятдаги конфликтларнинг сабаби сифатида фақат икки томон ўртасидаги қарама-қаршилик ва зиддиятлар биринчи ўринга чиқиб қолади. Ваҳоланки, конфликт(қандай ҳарактерда бўлмасин)ларнинг юзага келишида ўзига ҳос объектив ва субъектив сабаблар мавжуд бўлади.

Конфликтология муаммоларини назарий тадқиқ этишда четга чиқиш сабабларидан яна бири сиёсий ҳарактерга эга бўлиб, асосан бу ҳолат марксизмнинг “таъсир куч”лари билан боғлиқ эди. Негаки бир қатор ғарб давлатлари олимларининг тафаккурида конфликтология муаммоси марксизм билан тенглаштирилди. Уларнинг фикрича, гуёки ижтимоий конфликтларга назарий қизиқишларнинг ортиб бориши конфликтларни қувватлаш эҳтимоли, конфликтларнинг кўпорувчилик фаолиятига ҳомийлик қилиш ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин эди.

Конфликтология муаммолари борасидаги тадқиқотларнинг сусайиш жараёни XX аср 40-йилларининг охиригача сақланиб турди. Тўғри, бу давргача конфликтларни тадқиқ этиш борасидаги ҳаракатлар бутунлай тўхтаб қолмаган, фақатгина ушбу муаммолар буйича чиқишлар, таҳлилий ёндашувлар сезиларли даражада қисқарди холос. Натижада жамиятнинг функционал модели асосида конфликтларга нисбатан умумий муносабат ҳам ўзгарди. Ушбу ўринда жамиятдаги бош-бошдоқлик сабабларини функционал услуб доирасида тадқиқ этишни мисол тариқасида келтириш мумкин. Мазкур оқимнинг вакили, америкалик социолог назарийчи Толкотт Парсонс (1902-1979) конфликтли ҳолатларнинг таҳлиliga катта эътибор берди. Бироқ у конфликтларни тадқиқ қилиш ва бартараф этишда жамиятнинг бирор келишувга эришишини интеграцион жараён сифатида баҳолади. Ана шу нуқтаи назардан Парсонс конфликтни ижтимоий зиддият, енгиб ўтиш лозим бўлган ўзига ҳос жамият касаллиги деб билади.

Т.Парсонс жамиятдаги барқарорликни таъмин этувчи қатор “функционал асослар”ни ишлаб чиқди ва уларга асосланган ҳолда жамиятда шаклланган меъёр ва қадриятларга мувофиқ равишда ижтимоий тузумни ўшлаб туриш, ижтимоий конфликтлар ва бухронлардан сақланиш мумкин деб ҳисоблайди. Булар:

Биринчидан, ўша жамият эътиборли қисмининг биологик ва рухий эҳтиёжларини қондириш.

Иккинчидан, жамиятдаги устувор меъёрлар асосида шахсларни тарбияловчи “ижтимоий назорат” органлари фаолиятини кучайтириш.

Учинчидан, жамиятда ҳар бир шахсга белгилаб берилган вазифа ва ҳаракатларни жамиятдаги меъёрлар билан мувофиқлаштириш.

Т.Парсонс ижтимоий тартиботни жамиятнинг “табiiй шакли” сифатида баҳолар экан, асосий эътиборини жамиятдаги интеграция муаммоларига қаратиб, мавжуд тузумнинг можароларсиз турмуш тарзга эга бўлишини кўллаб-қувватлайди. Агарда бунинг акси бўлса, аввало жамиятдаги ижтимоий-рухий зиддиятларни юмшатиш ва ижтимоий тизим муаммоларини бартараф этиш учун уларнинг “функционал асос”ларини ўрганиб чиқиш зарурлигини тавсия этади.

Ижтимоий конфликтларга нисбатан Т.Парсонс тўтган ёндашувни “инсоний муносабатлар” (Public relations) мактаби вакиллари ҳам ўз тадқиқотларида тадбиқ этдилар. Уларнинг фикрича, саноати ривожланиб бораётган давлатларнинг халқаро муносабатларда ўзини тутиши ва олиб бораётган сиёсати ижтимоий консенсусга асосланмоғи лозим. Шундагина улар ўзининг ривожланиш даражаларини бир меъерда сақлаб туриши мумкин. Ушбу мактабнинг таниқли вакили Гарвард университети профессори Элтон Мэйо(1880-1949)дир. У “Ҳозирги замон бош муаммоси” сифатида “саноатда тинчлик ўрнатиш”га эришишнинг тобора қийинлашиб бораётганини кўрсатади. Конфликт, унингча, жамиятдаги ута мудҳиш “ижтимоий касаллик”дир. Уни бартараф этиш учун аввало “ижтимоий мувозанат” ва “ҳамкорлик ҳолати”ни давлат ва жамиятда қарор топтириш учун ҳаракат қилмоқ керак. Шундагина “соғлом жамият”га эришиш мумкин. Шу ўринда савол туғилади. Хуш, “соғлом жамият”нинг ўзи нима?!

Э.Мэйо бундай жамият шаклланишининг илк кўртагини ишлаб чиқарувчиларга нисбатан оптимистик кайфиятнинг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қидиради. Шунинг учун у ишлаб чиқаришда хусусий рағбатлантиришни гуруҳ (жамоа) рағбатига, иқтисодий рағбатни - ижтимоий-рухий (ижобий таъсирга эга маънавий иқлим, меҳнатдан коникиш, бошқарувда демократик услубнинг устуворлиги) рағбатга алмаштириш зарурлигини айтади. Меҳнат унумдорлигини оширишида янги воситалар сифатида “муқобил бошқарув”, “меҳнатни инсон рухиятига азоб етказмаслик даражасига етказиш”, “хизматчилар маърифатлилигини ошириш” ва ҳоказоларни таклиф этади. Мана шундай ғояларни илгари сўрганлиги учун ҳам Э.Мэйо ва унинг мактаби вакиллари “инсоний муносабатлар” мактаби деб ном олган бўлса ажаб эмас.

Бироқ вақт ўтиши билан “инсоний муносабатлар” мактаби вакиллари илгари сурган ғояларга нисбатан муносабатлар ўзгара бошлади. Буларнинг сабаби:

биринчидан, янгича шаклланаётган ишлаб чиқариш муносабатлари амалиётида улар билдирган фикрлар, ўртага ташлаган таклифларнинг унчалик тўғри келмай қолганлиги;

иккинчидан, 50-йиллардаёқ “соғлом жамият”, унинг муаммолари ҳақида янги-янги назарий қарашлар майдонга кириб келмоқда эди. Учинчидан эса, халқаро муносабатларда янгича тартибот шаклланиб боргани сари жамият тараққиётига ва унинг муаммоларига нисбатан янгича ёндашувларни талаб этарди.

Маълумки, 40-йилларнинг охири ва 50-йилларнинг боши жаҳонда “совуқ уруш”нинг бошланиш даврларига тўғри келади. Айнан “совуқ уруш”нинг бошланиши билан жамиятдаги конфликтология муаммоларига нисбатан илмий доирадаги баҳсу мунозаралар янада сезиларли тарзда шаклланди. Конфликтология муаммолари борасидаги мазкур баҳс олдинги мунозаралардан фарқ қилиб, улар кўйидаги услубий асосларга эга:

1) умумий қарашлардан аниқ таҳлилий баҳсларга ўтиш;
2) конфликтларнинг объектив ва субъектив сабабларга эгаллигини англаб етиш;

3) конфликтларга нисбатан утопик қарашлардан қочиш ва б.

Ўзгараётган жамиятда конфликтларни ана шундай илмий асосларда тадқиқ этиш ҳаракати кучайиб борди. Аниқроқ қилиб

айтадиган бўлсак, конфликтология муаммоларига нисбатан назарий жиҳатдан қизиқиш “ғарб маданияти” шукуҳига зид ҳодиса сифатида баҳоланмайдиган бўлди. Шу ўринда савол туғилади. Нима учун айнан “ғарб маданияти” шукуҳига? Чунки бу даврларда марксизм ғоялари ҳукмрон бўлган давлатларда конфликтология буржуа фани сифатида талқин қилиниб, уни ўрганишга шартли равишда эътибор қилинмасди.

50-йиллардан бошлаб, асосан, саноати ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам ўзгара бошлади. Негаки ишлаб чиқаришни сезиларли даражада кучайтирган илмий техника инқилоби давлатнинг иқтисодий ролини оширибгина қолмасдан, балки ишлаб чиқариш институтларини ишлаб чиқариш муносабатларида янги шериклар сифатида намоён қилди. Шулар қатори касаба уюшмаларининг роли ҳам ошиб, улар муайян гуруҳлар манфаатларини химоя қилувчи уюшмалар сифатида ўз фаолиятларини жонлантirdи. Ушбу ўринда уларнинг конфликтологияга нима алоқаси бор? – деган савол туғилиши мумкин. Назаримизда бу омилларнинг конфликтологияга алоқаси жуда катта. Чунки ўзгараётган муҳитда конфликтологияда ҳам ҳар хил қарашларнинг юзага келишига, эскича қарашларнинг эса ўзгаришига жамият иқтисодий структурасининг тубдан ўзгариши асосий сабаблардан бири бўлиб ҳисобланади.

Зеро, жамият ўзгариши билан назарий-илмий муҳитнинг ҳам ўзгариши табиий. Назарий жиҳатдан муносабатлар йўналишининг ўзгариши икки йўналишда кечди. Бир томондан, функционализмга анъанавий кайфиятда қаралган бўлса, иккинчи томондан эса функционализм танқидий назардан ўтказилди. Бунинг натижасида 50-йиллар охири 60-йилларнинг бошларида функционализм жамиятдаги барқарорликни ғоявий йўналишда боғлаб ўрганганлиги, шунингдек, конфликтларни ижтимоий таҳлил қилолмаганлиги ва уларга муқобил баҳо беролмаганлиги аниқланди. Функционализмнинг танқидий баҳоланишига америкалик социолог Роберт Мертоннинг 1949 йилда нашр этилган “Ижтимоий назария – ижтимоий тизим” деб номланган каттагина илмий иши ҳам сабаб бўлди. Мазкур асарда жамиятдаги, одамлар ўртасидаги очик ва мавҳум ижтимоий вазифалар, шунингдек, номутаносиб вазифалар, ижтимоий зиддиятлар кенг таҳлил

этилган эди. Айни шу даврда конфликтология муаммоларига нисбатан замонавий янгича ёндашув тамойиллари пайдо бўлди. Улар орасида Л.Козернинг, Р.Дарендорф ва К.Боулдинг яратган назарий концепциялари бошқаларникига нисбатан кенг шуҳрат қозонди.

1956 йилда замонамиз тадқиқотчиларидан Льюис Козернинг “Ижтимоий конфликт функциялари” номли китоби нашр этилди. Унда Л.Козер конфликтсиз жамият, демак конфликтсиз ижтимоий гуруҳлар ҳам бўлмаслигини таъкидлар экан, конфликтлар жамият тузумининг янгича ривожланиши ва алмашишида ижобий аҳамиятга эга эканлигини алоҳида уқтиради. Л.Козер “конфликтнинг ижобий функционал концепцияси” деб номланган назарий дастурини классик функционализм назариясига қарама-қарши тарзда ишлаб чиқди. Унда конфликтлар ижтимоий таҳлил чегараларидан ташқарида ўрганилади. Агар функционал тизим тарафдорлари ижтимоий конфликтларда ижтимоий зиддиятлар, жамиятнинг тартибсизланиш белгиларини кўрса, Л.Козер эса аксинча, конфликтларнинг жамиятдаги ҳар қандай тартибсизлик ва барқарорликни таъмин этишдаги ижобий ролига эътиборини қаратди ва уни асослаб беришга уринди. Унинг фикрича, жамиятдаги барқарорлик жамиятдаги конфликтли муносабатлар ва улар ўртасидаги алоқалар турига боғлиқ. Жамиятда қанчалик кўп конфликт турлари бўлса, уларни гуруҳларга ажратиш шунчалик қийинлашади. Қолаверса, жамиятдаги конфликтларни умумий қилиб бир-бирига яқин деб эътироф этиш ўта мантиқсизликдир. Гарчи улар диний ёки этник ҳарактер касб этсаларда, барибир конфликт тарзда умумий қадриятлар ва меъёрларга эга эмасдилар. Демак, конфликтлар ўзаро бир-бирларига боғлиқ бўлмасалар, жамият бирлиги учун яхши замин яратилган бўлади деган хулосага келиш мумкин.

Конфликтология муаммоларига бўлган қизиқиш Европада ҳам яна қайта уйғонди. 1965 йили немис тадқиқотчиси, “саноатлашган жамият” ва “посткапиталистик” концепциялари тарафдори ва ташвиқотчиси Ральф Дарендорф Германияда “гуруҳий тизим ва гуруҳий конфликт” номли асарини чоп эттирди. Икки йилдан сўнг эса Америкада тадқиқотчининг “Ҳаёлотдан ҳоли” (“Вне утопии”) эссеси дунё юзини кўрди. Унда олим назарий таҳлиллар асосида жамиятнинг янги тузилиш

моделларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. Унинг “конфликтли жамият” концепцияси – дунё ҳокимияти конфликтлар ва ривожланишлар асосидаги “аксилхаёлий” турмуш тарзида қурилган эди. Агар Л.Козер конфликтнинг ижтимоий бирликни таъмин этишидаги ижобий ролини асослашга уринган бўлса, Р.Дарендорф конфликтни ижтимоий организмнинг перманент (чигал) ҳолати деб ҳисоблайди. “Конфликтнинг борлиги эмас, унинг йуклиги қандайдир ғалати ва ғайритабиий ҳол. Жамият ёки муассасада конфликт ҳолати сезилмаса, албатта, бу – шубҳага олиб келади” – деб таъкидлайди Р.Дарендорф. Шунинг учун жамиятда ҳам, муассасаларда ҳам, шахслар ўртасида ҳам дезинтеграция ва конфликтлар мавжуд. Ҳар қандай жамиятнинг турмуш тарзи конфликт асосида қурилган. Чунки жамият ҳам, жамиятдаги қадриятлар ҳам ўзгарувчандир. Зеро, инсоният жамиятида доимийлик йўқ, холбуки ҳеч нарса доимий эмас. Шу боисдан ҳам айнан конфликтда турли бирлашмалар ва эркинликнинг ижодий асоси, шунингдек, ижтимоий муаммолар устидан назорат ва мақсадга мувофиқ равишдаги қулай муҳит мужассамлашган бўлади.

Р.Дарендорфнинг конфликтология муаммоларига нисбатан билдирган қарашлари антифункционал йўналишда эканлигини таъкидлаган ҳолда, бирданига уни сиёсий радикализм оқимига киритиб қўйиш мумкин эмас. Тадқиқотчи бежиз ўзини замонавий либерал деб атамаган ва бу хусусият унинг жамиятда гуруҳий можароларнинг муқаррарлиги ҳақидаги фикрларида, шунингдек, хатто, очиқ фуқаролар урушини асослашга уринган К.Марксни қаттиқ танқид қилганлигида аниқ-равшан кўриниб турибди.

Америкалик социолог ва иқтисодчи, “Конфликтнинг умумий назарияси” муаллифи Кеннет Боулдинг, мавжуд конфликтларнинг тўлиқ илмий назариясини тирик ва жонсиз табиат, шахсий ва умумий ҳаёт доираси кўринишларида тасвирлаб беришга интилди. “Конфликт” атамаси унинг тадқиқотларида жисмоний, биологик ва ижтимоий хусусиятлардан келиб чиқиб кенг таҳлил қилинади. К.Боулдинг “денгизнинг қуруқлик билан ёки ердаги бир турнинг бошқа бир шакл билан туганмас уруши”ни кўрсатар экан, жонсиз табиатнинг ҳам жиддий можаролардан ҳоли эмаслигини уқтиради.

К.Боулдинг ўзининг “Конфликт ва ҳимоя. Умумий назария” (1963) номли асарида “ҳамма конфликтларнинг умумий унсурлар ва ривожланишнинг умумий намуналарига эга”, – эканлигини эътироф этади. Ана шу умумлашган жиҳатларни ўрганиш эса конфликтнинг фавқулодда сабабларининг ўзига ҳос томонларини илғаб олишга ёрдам беради. Ушбу қоида “конфликтнинг умумий назарияси”даги услубий асосни кўрсатгани каби, ҳукукий изоҳлаш имкониятларини ҳам беради.

Қарама-қаршиликсиз яшаш истаги – яхши ғоя. Бироқ инсон – ижтимоий-сиёсий мавжудот. Шунинг учун ҳам инсоният тобора ривожланган муҳитда яшаш учун интилади. Ривожланиш эса қарама-қаршиликсиз бўлмайди. Қарама-қаршилик томонлар ўртасида конфликтларни келтириб чиқариши табиий. XX асрнинг 70-йилларига келиб жамиятдаги инқирозли ҳолатлар – конфликтларни ижобий тарафдан ўрганиш янада кенгайди. Айниқса, жамиятнинг конфликтларсиз ривожланиш ғоясини “муқобил” социологиянинг атоқли вакили, америкалик социолог Алвин Гоулднер (1920- 1980) қаттиқ танқид қилди. Унинг фикрича, социологиянинг асосий вазифаси жамиятнинг конфликтли ҳолати ва жамият ривожланишига тўсиқ бўладиган инқирозли вазиятлар сабаблари ва уларни бартараф этиш йўллари аниқлашдан иборатдир. Ғарб жамиятининг инқирозини А.Гоулднер инсоннинг тобора яқкалашиб кетиши, дунёга нисбатан одамларнинг мақсадли қарашларининг йўқолиши, билим ва ҳокимият ўртасидаги зиддиятли муносабатларнинг ривожланишига боғлиқ деб баҳолайди.

А. Гоулднер барча мавжуд социологик илмий қарашларни, жумладан марксистик ғоявий концепцияни ҳам танқид қилгани ҳолда, ўзининг “танқидий-рефлекс” концепцияси орқали мафкуравий қарашлардан қутулишга бошқаларни чақиради. У ҳозирги замон ғарб жамияти ижтимоий тизимини учта гуруҳга ажратади, яъни:

- эски буржуазия ёки пулдор капиталист гуруҳи;
- пролетариат;
- пайдо бўлган янги зиёлилар гуруҳи.

А.Гоулднер, айниқса сўнгги гуруҳга кўпроқ эътибор қаратади. Юксак маданий капитал соҳиби ҳамда танқидий мулоқот маданияти хусусиятларига эга бўлган янги зиёлилар

гуруҳи ҷамиятдаги ижтимоӣ ривожланишларни амалга оширади. А.Гоулднер янги зиёлилар гуруҳини бир-биридан фарқ қилувчи икки ижтимоӣ гуруҳга бўлади:

- илмий-техника соҳасидаги зиёлилар
- ақлий (ижтимоӣ соҳадаги) зиёлилар

Олим айнан ақлий ҳусусиятга эга бўлган зиёлиларни келажакда ҷамият ривожига бекиёс ҳисса қўшади деб умид қилади.

Ҷамиятнинг конфликтларсиз ривожланиши борасидаги қарашлар Ч.Милле ва бошқаларнинг асарларида ҳам танқид қилинган. Бироқ 80-йиллар бошида жаҳонда нафақат ривожланиш, балки тинч-тотув яшаш ва доимий барқарорликка эришиш учун конфликтларга чек қўйиш ҳақидаги қарашлар шаклланди. Бундай жараёнга, аввало, умумбашарий муаммоларни бартараф этиш учун давлатларнинг ҳамкорлигига бўлган табиӣ талаб сезиларли таъсир ўтказди. Биринчилар қаторида “умумбашарий муаммолар”ни тадқиқ этишга Рим клуби аъзолари алоҳида эътибор қаратиб, бу борада “тизимли таҳлил” услубини қўлладилар. Ушбу клуб Ҳалқаро ноҳукумат ташкилоти бўлиб (1968), ўз сафига жаҳондаги кўплаб давлат ва ҷамоат арбобларини, олимларни бирлаштирган эди. Клубнинг Римда ўтказилган биринчи йиғилишида (шунинг учун ташкилот Рим клуби деб атала бошлаган) инсоният ҳаётидаги умумбашарий муаммоларнинг нечоғлик мураккаб бўлиб, уларни бартараф этиш учун ер юзидаги мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш лозимлигини, зеро, ҳеч бир давлат инсониятга хавф солиб турган бундай глобал муаммоларни алоҳида ҳолатда еча олмаслигини, жаҳон оммасига қарата баён қилди.

“Ўсиш чегаралари” – Рим клуби томонидан 1972 йилда тайёрланган биринчи маърузалар тўпламидир. Ушбу маърузалар мажмуаси Массачусетс технология институти илмий- текшириш гуруҳи томонидан тайёрланган (Денис ва Донелл Медоуз раҳбарлигида) бўлиб, маърузалар матни халқаро ҳамжамятнинг юксак эътирофига сазовор бўлди. Ботинан қарама-қарши тарафлари бўлишига қарамай маърузалар китоб холида чоп этилганидан сўнг, жаҳон илғор оммаси инсоният олдида турган умумбашарий муаммолар – атроф-муҳитнинг ифлосланиб кетиши, “демографик портлаш”, иқтисодий тенгсизлик ва шу

кабиларнинг олдини олиш учун зудлик билан ҳаракат қилиш кераклигини бир қадар англаб етди. Клуб аъзолари амалда бундай инқирозлардан чиқиб кетиш учун қилинаётган ҳаракатларнинг кечикаётганлиги жаҳонда турли конфликтлар ва хавф-ҳатарларга сабаб бўлиши шубҳасизлигини таъкидлаганди.

Клубда ўтказилган йиғилишларда кўплаб сиёсий зиддиятлар, уруш ва можаролар, тинчлик муаммолари муҳокама этилди. Ушбу муҳокама этилган муаммоларнинг асосини ер юзида тинчликни таъминлаш масаласи ташқил этди. Зеро тинчликни таъминлаш урушнинг йўқлиги демакдир. Қолаверса, ер юзида урушларга барҳам бериш тинчлик ҳақидаги мақсадларнинг самарали интиҳосидир. Фақат жаҳон ривожланишидаги уйғунлик шароити, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик орқалигина мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликка эришиш мумкин. Давлатларнинг ўзаро ҳамкорликка интилиши халқаро кескинликларни юмшатиш учунгина эмас, балки давлатлар умумманфаатлари муштараклигини ҳам намоён этади. Қолаверса, узоқ келажакни кўзлаб қилинган ҳамкорлик шартлари томонлар учун мусобақалашув ёки рақобатлашувдан кўра манфаатлироқдир.

Барқарорлик ва тинчлик шароитида жамиятнинг янгича турмуш тарзига эришиш учун Рим клуби мутахассислари ижобий тараққиёт ва ўсишнинг янгича концепцияларини таклиф қиладилар. Клуб аъзоси, германиялик таниқли жамоат ва сиёсат арбоби Э.Пестель узвий тараққиётнинг ўзига ҳос томонларга эга эканлигини айтиб, уни кўйидагича таърифлайди:

- ўзаро алоқадорликдаги тизим, яъни бир-бирига зарар етказмасдан ўзаро боғлиқ равишда ўсадиган тизим жамиятдаги прогрессив ўзгаришлар;

- турли хил тизим қисмлари талабларига жавоб берадиган кўптомонлама ривожланиш, шунинг учун ҳам дунёнинг турли минтақаларида жойлашган давлатлар турлича ривожланади (бунинг устига ривожланиш жараёни вақт ўтиши билан ўзига ҳос хусусиятларидан келиб чиқиб ўзгариб туради);

- мақсадларнинг координацион муштараклиги тинчликни таъминлашга дахлдор эканлигини билдиради;

- тезкорлик, ҳаракатчанлик ва мослашувчанлик ривожланишнинг бориши жараёнида вужудга келадиган тасодифий

таъсирларни бартараф этишда кўл келади. Бош мақсад йўналишига бундай хусусиятлар ҳеч қандай ҳалақит бермайди;

- одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш ва керакли нарсалар билан таъминлашни тараққиётнинг бош мезони сифатида билиш;

- ривожланиш босқичида қийинчиликлар ва янги муаммоларнинг даражасига қараб баҳо бера оладиган вақт ўлчовини англаш;

- мақсадларнинг доимий “янгиланиб бориши”, яъни “эски” мақсадларга эришилганидан ёки қайта мулоҳаза этилганидан сўнг, яна “янги” мақсадларнинг юзага келиши.

Конфликтология муаммолари хусусида XX асрда билдирилган турли хил мулоҳазалар билан танишиб шундай фикрга келдикки, яъни конфликтология муаммоларига нисбатан тадқиқотлар кўлами икки йўналишда ўз аксини топган.

Биринчи. Ғарбий Европа(Франция, Голландия, Италия, ГФР, Испания)да шаклланиб ўзининг муайян ривожланиш босқичига эга бўлган илмий институтлар фаолиятига боғлиқ.

Иккинчи. АҚШда юзага келган ва ривожланган илмий йўналиш. Умуман иккала маконда тадқиқот олиб борган олимларнинг мақсадлари муштарак, фақат улар объектга нисбатан турли хил услубий ёндашувлар асосида ўз фикрларини баён этишган холос. Қаранг, тадқиқотлардан бири ғалабага эришиш йўллари ҳақида фикр юритиб: “Тинчлик истасанг урушни ўрган”, – дейди. Тинчликни сақловчи институт тадқиқотчилари эса тинчлик ва келишув муаммоларига эътибор қаратадилар. Яна мисол тариқасида 1990 йилда рус тилида нашр этилган Р.Фишер ва У.Юриларнинг “Тотувликка йўл ёки мағлубиятсиз музоқаралар” китобини келтириш мумкин. Умуман олганда, кейинги йилларда конфликтлар ва уларни ҳал этиш йўлларига қизиқиш тобора ортиб бормокда. Албатта, бунга реал ҳаётнинг табиий тақозоси сифатида қараш керак. 1997 йил Сеулда бўлган халқаро сиёсий фанлар ассоциацияси конгрессида қўйилган масалалар ҳам фикримизни исботлаб турибди. Маълумингизким конгрессда муҳокама қилинган масалалар ер юзидаги конфликтлар ва уларни бартараф этиш масалаларига қаратилган эди.

XX асрнинг 90- йилларигача кўплаб соҳалар қатори конфликтология муаммолари билан шуғулланиш ўзбек тадқиқотчилари учун епик мавзу бўлиб келди. Бунинг сабаби эса барчамизга аён, собиқ СССР ҳудудида бундай “буржуа фанлари”ни ўрганишга зарурат йўқ эди. Шукроналар бўлсинки, 1991 йил 31 августга келиб давлат мустақиллигига эришдик. Мустақиллик ижтимоий ҳаётга, унинг жамики йўналишларига нисбатан илмий қарашларда объектив ёндашиш имкониятини берди. Шу жумладан, конфликтология муаммоларига нисбатан ҳам.

Конфликтология Ўзбекистонда фан сифатида давлат мустақиллиги билан ҳамоханг бир вақтда юзага келган, десак муболаға бўлмас. Негаки, яқин-яқинларгача биз ўрганиб келаётган фанлар қаторида конфликтологияни учратмас эдик. Ҳозирги вақтда давлатимизнинг бир қатор илм даргоҳларида конфликтология фан сифатида ўқитилмокда. Шу ўринда кўйидаги савол туғилиши табиий, яъни, конфликтологияни ўрганиш бизга нима учун керак?!

Бизнингча, конфликтологияни ўрганиш реал ҳаётимиз талаби. Чунки мустақиллик бизга, аввало, эркин яшаш ҳуқуқини берди. Зеро, эркин яшаш ҳуқуқи одамлар онгида шунчаки бир тушунча бўлиб қолмаслиги керак. Уни тўла англашимиз, ҳис қилишимиз ва амалиётда тўғри қўллай билишимиз зарур. Ана шундагина мустақиллигимизнинг янада боқий бўлишига ўз улушимизни қўшган бўламиз. И.А.Каримов ўз нутқларидан бирида мустақил Ўзбекистонда ўтказилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритиб, “ислохотлар аввало одамлар онгидаги ўзгаришлар бўлиши керак”, – деганди. Дарҳақиқат биз агар ўз эркин яшаш ҳуқуқимизни, ўтказилаётган ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етмасдан ижтимоий ҳаётга эскича тафаккурда қараш билан қолаверсак, ҳаётимизда муайян тушунмовчиликларнинг юзага келиши табиий. Конфликтологияни ўрганиш давлатда, қолаверса, жамиятда ҳар қандай тушунмовчиликлар, қарама-қаршиликлар, борингки, урушларни қандай бартараф этиш, терроризмга қарши курашиш йўл- йўриқларини назарий-таҳлилий асосда кўрсатиб беради.

Маҳаллий конфликтология мактабининг шаклланиши

Ўзбекистон конфликтологияси бугунги кунда мустақил фан сифатида шаклланишнинг яқуний босқичини бошидан кечирмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида конфликтологияга оид билимлар фанлараро парадигмасининг контурлари белгиланиб, улар асоси сифатида тизимли эволюцион ёндашув олинди. Сўнгги пайтда конфликтология тармоқларини ташкил қилган хусусий (алоҳида) конфликтология фанларида бу фан муаммосининг кўп сонли қизиқарли ва муҳим тадқиқотлари ўтказилди.

Аммо маҳаллий конфликтологлар ҳозирча конфликтлар моҳиятини англаш, уларнинг таснифи, генезиси, тузилмаси кабиларга нисбатан умумий ёндашув ишлаб чиқа олмадилар. Бундай ёндашув кўпчилик конфликтологлар томонидан конфликтология фанининг мазмун-моҳияти тўғрисидаги тизимли тасаввур(қараш)ларнинг битта, яхшиси бир неча вариантини муҳокама қилиш асосида ишлаб чиқилиши мумкин.

Соҳанинг бугунги кундаги долзарб аҳамиятини инобатга олиб, нафақат махсус мактаблар балки, мавжуд илмий марказлар ўртасида ҳамкорликнинг дастурий омиллари ҳам жадаллик билан йўлга қўйилмоқда.

Маҳаллий олимлар фикрига кўра, конфликт ва ундан ҳимояланиш даврнинг энг долзарб муаммоси бўлиб, уни ҳал қилиш (ечиш) нафақат муайян билим, балки у одамларнинг масалаларни амалда конфликтсиз ҳал қилишга хоҳиши, истагини ифода этади.

Амалий билимлар конфликтологияга оид ғоялар манбаи сифатида

Амалий билимлар – бу ҳаёт жараёнида тажриба орқали йиғиладиган ва қисман авлоддан авлодга узатиладиган конфликт олди ва конфликтли вазиятларда ўзини тутиш принциплари, усуллари ва услублари тўғрисидаги маълумотлардир.

Конфликт чоғида инсон хулқига таъсир кўрсатадиган омиллар 90% га унинг шахсий ҳаётини тажрибаси ва фақат 10% га – илмий конфликтологияга оид билимлар билан белгиланади.

Иккинчи мустақил муаммо – конфликтологияга доир оддий билимларга ўзгартириш киритиш йўллари излаш, уларни конфликтлар тўғрисидаги илмий билимга мувофиқлаштириш.

Халқ донолигидан конфликтни ҳал қилиш усули сифатида фойдаланиш. Шахслараро конфликтда ўзини тутиш тажрибаси билан боғлиқ бўлган халқ донолиги мақоллар, маталлар, эртакларда жамланиб, уларда ўз аксини топади. Бир мажмуага тўпланган мақоллар халқ ҳаёти тўғрисидаги мулоҳазалар мажмуи, одамлар томонидан қилинган аниқ тавсифлар, кузатувлар ва умумлашмалар тизимини ташкил этади. Мақолларда йиллар давомида йиғилиб, образли тарзда ифодаланган атрофдаги оламнинг нотўғри талқинлари ва ҳақиқий билимлар ҳам акс этган. Шунингдек, халқнинг мавжуд воқеликка берган баҳоси, унинг ҳаётга, шу жумладан конфликтларга бўлган қарашлари аниқ-равшан ифодаланган.

Россияда турли конфликтли вазиятлар ва зиддиятларни тавсифлаб келган мақоллар, идиоматик ифодалар ва метафоралар сони ҳисоблаб кўрилганида, улар билан 700 дан ортиқ тегишли фразеологизмлар боғлиқ эканлиги маълум бўлди. Улардан: 21,2% нинг калит сўзи «тотувлик (келишув)»; 5,2 – «тинчлик»; 14,3 – «жанжал»; 52,7 – «муштлашув»; 6,6% - «сўкишув».

184 та мақол очикдан-очик муштлашиш, қарама-қаршилик, конфликтга чақирган бўлса, 157 та мақолда тотувликка, тинчликка чақириб, уларда муштлашув, конфликтлар қораланган. 92 та фразеологизмда халқ донолиги билан аниқ ифода этилган одамлар ва ҳайвонлар ўзаро муносабатлари, уларнинг конфликтлардаги роли ажратиб кўрсатилган. Шунингдек мақолларда бошқа одам томонидан конфликт, конфликтли ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган таҳдидларнинг турли хиллари мавжудлиги аниқланган.

II-боб. Конфликтология предмети ва услублари.

Конфликт тушунчаси

Илмий-сиёсий адабиётларда “*конфликт*” тушунчаси турлича таърифланади. Шу боис ҳам “конфликт” атамасининг кўплаб маънодаги таърифлари бор. Улардан энг асосийси мазкур атаманинг томонлар ўртасидаги қарама- қаршилик, аввало, ижтимоий зиддият тушунчасига яқинлигидир.

Конфликтни тушунишга бўлган икки хил ёндашув мавжуд. Улардан биринчиси конфликтни анча кенг – тарафлар, фикрлар, кучлар тўқнашуви деб таърифлайди. Бундай ёндашувга кўра конфликтлар жонсиз табиатда ҳам юз бериши мумкин. “Конфликт” ва “зиддият” тушунчалари амалда ҳажмига кўра қиёсланувчан бўлиб қоладилар. Иккинчи ёндашув конфликтни оппонентлар ёки ўзаро таъсир субъектларининг бир-бирига зид (тескари) йўлланган мақсадлари, манфаатлари, позициялари, фикрлари ёки қарашларининг тўқнашуви деб тушунишда. Конфликтли ўзаро таъсир субъекти – алоҳида одам, ёки одамлар ва одамлар гуруҳи.

Конфликт тушунчасига икки принципал аниқлаштириш: биринчиси – конфликтни кенг маънода тушунишни торайтириб, конфликтлар фақат социал ўзаро ҳаракат(таъсир)да юзага келади дея ҳисоблаш; иккинчи аниқлаштириш конфликт моҳиятига тегишли. Конфликт моҳияти фақат зиддият юзага келишида, манфаатлар тўқнашувида эмас, балки юзага келган зиддиятни ҳал қилиш усулида, социал ўзаро таъсир (ҳаракат) субъектларининг қарама-қаршилигида. Конфликт моҳияти – умуман конфликт субъектлари ўзаро қарама-қаршилигида бўлади.

Тушунчанинг тўлиқ таърифи: **конфликт** – ўзаро таъсир (ҳаракат) жараёнида пайдо бўладиган жиддий зиддиятларни ҳал қилишнинг энг кескин усули бўлиб, конфликт субъектлари қарама-қаршилигидан иборат бўлиб, одатда, салбий ҳис-кечинмалар (эмоциялар) билан кечади.

Конфликт олди вазияти – бу вазиятда конфликт субъектлари қарама-қаршилик қиладилар, аммо салбий ҳис-кечинмалар (эмоциялар) кечирмайдилар (масалан, мунозара давомида), ё аксинча, салбий ҳис-туйғулар кечириб, аммо уларни ташқи тарафдан намоён қилмайдилар, бир-бирларига қаршилик кўрсатмайдилар.

Конфликт субъектлари қарама-қаршилик соҳалари: 1) мулоқот; 2) ҳулқ; 3) фаолият.

Конфликт тушунчаси билан боғлиқ фанлар: ҳарбий фанлар, тарих, педагогика, политология (сиёсатшунослик), идеология, ҳуқуқшунослик, психология, социобиология, социология, фалсафа, иқтисодиёт.

Маълумки, ҳар қандай ҷамиятнинг юзага келиши асосида муайян конфликтларни, қарама-қаршиликларни бартараф этишдек мураккаб жараён ётади. Бу ҳолатни сўзлардангина иборат деб ҳисоблаган марксистик таълимот, бизнинг ҷамиятимизга бундай жараён ҳос эмас, деб конфликтология муаммоларини инкор этиб келган. Колаверса, социализм ўзининг ҷамиятда гуруҳий конфликтлар йўқ деган яна бир ғояси билан ажралиб туради. 30-йилларнинг охиридаёқ бир қатор муаллифлар социалистик ҷамият тараққиёти – бу “конфликтсиз” ҷамиятга эришишдир, деган ғояни илгари сурдилар. Бу ғоя социализм даврида ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш кучларига мос келишини эътироф этганлиги билан ҳам ажралиб туради.

Социалистик таълимот конфликтология муаммоларига нисбатан айнан ҷамиятдаги конфликтларни эмас, балки ҷамиятдаги қарама-қаршилик, яъни бир-бирига қарама- қарши бўлган кучлар ўртасидаги муносабатларнигина тадқиқ қилган, десак муболаға бўлмас. Қизикарли томони шундаки, социализм шароитидаги зиддиятли муаммолар билан шуғулланган кўплаб ҷамиятшунослар томонидан қарама-қаршиликларнинг асоси сифатида ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги тафовутга эътибор берилган, холос. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ҳамда эскилик ва янгилик ўртасидаги муносабатлардан кейин юзага келадиган ҳолатларга эса баъзидагина эътибор қаратишган. Бу фикрларни нима учун келтирдик? Албатта, “қарама-қаршилик” ва “конфликт” тушунчалари ўртасидаги фарқларни кўрсатиш учун.

Ҷамиятдаги муайян қарама-қаршилик муаммолари билан шуғулланишни тўла маънодаги конфликтология муаммолари билан шуғулланиш дейиш қийин. Бироқ конфликтларни тадқиқ этиш муайян қарама-қаршиликларни ҳам тадқиқ этишдир, дейишимиз мумкин. Конфликт ва қарама-қаршилик ўртасидаги яқинлик ва фарқли жиҳатлар, бизнингча, қуйидагилардир, яъни:

■ биринчидан, назарияда конфликт ва қарама-қаршилик синоним сўзлар бўлиши мумкин, бироқ амалиётда уларнинг чегаралари бир-бирига мос келмайди;

■ иккинчидан, биргина қарама-қаршилик ўзаро айри- айри ҳолда таҳлил этилиши мумкин, аммо конфликтга бундай таҳлилий ёндашиш ўта содда ҳолатдир;

■ учинчидан, ҳар қандай қарама-қаршилик муайян шароитда конфликтга айланмасдан барҳам топиши мумкин;

■ тўртинчидан, ҳар қандай қарама-қаршилик конфликтларнинг бошланғич нуктаси ҳисобланиши ҳам мумкин. Чунки қарама-қаршиликларни ҳаракатлантирувчи кучларнинг ўзаро муносабатга киришуви оқибатида қарама-қаршилик конфликтга айланади.

Шундай қилиб, конфликт - объектив ва субъектив сабаблар асосида қарама-қарши томонларни ҳаракатлантирувчи кучларнинг тўқнашув нуктасидир.

“Қарама-қаршилик” тушунчасидан ташқари “конфликт” тушунчасига синоним сифатида баъзан мусобақалашув, тортишув, рақобат тушунчалари ҳам ишлатилади. Тўғри бу тушунчаларнинг амалиётида ҳам конфликтдаги сингари кескинлик бор. Бироқ конфликт замиридаги кескинлик зулмга, ўз таъсирига олиш каби хусусиятлари билан бутунлай бу тушунчалардан фарқ қилади. Демак, конфликт ва мусобақалашув, конфликт ва тортишув, конфликт ва рақобат бир нарса эмас экан. Аммо баъзан мусобақалашув, тортишув ва рақобат конфликт даражасига кўтарилиши мумкин.

Шу ўринда айтиш жоизки, бизнинг бахсимиз жамиятдаги мавҳум кучлар, фазовий ёки маълум табиат ҳодисалари ва ғайриоддий ҳоллар ўртасидаги тўқнашувлар тўғрисида эмас, балки ижтимоий ҳаёт субъектлари: инсонлар, алоҳида шахслар ва ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий қатламлар, сиёсий партиялар ёки давлатлар ўртасида учрайдиган ижтимоий ҳодисалар тўғрисидадир.

Шунинг учун ҳам биз икки шахс ёки гуруҳларларнинг аниқ бир мақсадга эришиши, бир-бирларига ҳалакит бериши, рақиб манфаатларини чиппакка чиқариши ёки уларнинг қарашлари ва ижтимоий йўналишларини ўзгартириш йўлида фаол ҳаракат қилишларидан баҳс этаяпмиз. Айрим муаллифлар “конфликт”

атамаси кўп нарсаларга, масалан, ҳаётда яшаш учун курашаётган жамики мавжудотларга нисбатан ҳам кўлланиши мумкиндир, (ҳаттоки “зооконфликтлар” мажуддир) деган фикрдалар. Бироқ, биз ижтимоий конфликт деганда инсонлар ўртасидаги можароларни назарда тутмоқдамиз. Ижтимоий конфликт – бу томонлардан бири бошқасининг ҳудудларига бостириб кириб, бойликларини эгаллаб олиши, муҳолиф кучларнинг ҳокимият тепасидагилар билан тўқнашувларидан тортиб, то умумбашарий аҳамиятга молик қарама-қаршиликларнинг ҳаётда ўз таъсир кучларини кўрсатиши демакдир. Шунингдек, ижтимоий конфликт деганда шахс ёки гуруҳнинг бевосита бошқа кишилар (ёки гуруҳлар) фаолиятларига тўскинлик қилиши ёки зарар етказишлари ҳам тушунилади. Бундан ташқари конфликт атамаси муаммолар, мунозаралар, рақобат ва савдолашув, бевосита ёки билвосита зўрлик, зулм ўтказиш тушунчаларини ҳам ўзида ифода этади. Қолаверса, конфликт тарихий ҳодисадир. Негаки ҳар бир давр ўз даврининг қарама-қаршилиги-ю конфликтлари билан таҳлил ва тасниф этилади.

Ижтимоий конфликт (лотинча *conflictus* – тўқнашув) – турли ижтимоий бирлашмалар – гуруҳлар, давлат, миллат, ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий институтлар ва шу кабиларнинг тўқнашувлари натижасида юзага келади. Улар ўртасидаги зиддиятлар, асосан, улар манфаатларининг, мақсад ва тараққиёт тамойилларининг ўзаро қарама-қарши ёки бир-бирига зидлигини ифода этади. Ижтимоий конфликт конкрет ижтимоий вазиятда содир бўлиб, конкрет ижтимоий ечим талаб этгандагина ҳал этилади. Ижтимоий ечимнинг қачон қарор топиши ижтимоий кучлар(гуруҳлар, миллат, ижтимоий гуруҳлар ва ҳоказо.)нинг ўз олдига кўйган мақсадлари кўлами ва мақсадга эришиш учун қилаётган ҳаракатларининг кескинлик даражасига боғлиқ.

Конфликтология муаммоларини тадқиқ этувчи илмий услубий ёндашувлар ижтимоий ҳаётнинг турли қатламларини ўрганишда ҳам кўлланилади. Масалан, бирор давлат сиёсий ҳаётини олайлик. Давлатда истиқомат қилувчи одамлар ва гуруҳларнинг турмуши, албатта, сиёсий аҳамиятга молик кадриятлар билан йўғрилган. Бу табиий ҳолдир. Халқаро муносабатлардаги жараёнларни тадқиқ этишда конфликтология муаммоларини ўрганишга қаратилган илмий-услубий ёнда-

шувлар энг муҳимдир. Шунингдек, юриспруденцияда ҳам бундай ёндашувлар зарур. Зеро, бунда умумий конфликтнинг бир қисми сифатида инсонлар ўртасидаги зиддиятлар, уларнинг юзага келиш механизми ўрганилади.

Конфликт чегаралари. Конфликтларнинг табиатини, уни бошқа ҳолатлардан фарқлаш учун унинг чегараларини, яъни замон ва макондаги ўрнини аниқлаб олиш лозим.

Конфликтларнинг чегарасини уч вазият орқали аниқлаш мумкин, яъни: макон, замон ва тизим ичидаги ҳолатга қараб.

1. Макон чегараси конфликтнинг қайси ҳудуд оралиғида содир бўлиши билан аниқланади. Зеро, макон аниқ бир ҳудудни ёки ер юзининг маълум бир минтақасини қамраб олган бўлиши мумкин. Турли хил масштабдаги конфликтлар - уйдаги тўполондан тортиб, то жаҳон урушини қамраб олган конфликтларнинг аниқ чегарасини билиш (ҳар бир субъект учун) у уйдаи ёки халқаро муносабатларга дахлдорми конфликтни тадқиқ қилувчилар учун муҳим эътиборга эга. Конфликтларнинг маконий чегараси аниқлангач, ўша жой номи билан аталиши табиий. Масалан, Афғонистон, Косово, Тоғли Қорабоғ, Тожикистон, Украина, Грузия ёки Шимолий Кавказ воқеалари ва бошқалар айнан конфликт содир бўлган маконнинг аниқ чегаралари кўрсатилган ҳолда тилга олинади.

2. Замон чегаралари – конфликтнинг ибтидоси ва интиҳосини ёки унинг давомийлигини аниқлаб беради. Конфликтнинг бошланиши, давом этиши ёки барҳам топиши унинг иштирокчилари ўртасидаги конфликт ёки консенсуснинг қанчалик шаклланганлик даражасига боғлиқ. Бундай ҳолатларда қарама-қарши томонлар ўртасига четдан шахсларнинг (оилада, гуруҳлар ўртасида), давлатларнинг (халқаро муносабатларга оид конфликтларда) келиб кўшилиши ёки воситачилик қилиб тўғри ёки нотўғри баҳо бериши ҳам конфликтнинг вақт кўламига сезиларли таъсир этиши мумкин.

3. Ҳар қандай конфликтнинг бошланиш вақти бир томоннинг бошқа бир томонга қарши ҳаракатининг бошланиш жараёнида юзага келади. Ушбу мураккаб вазият, яъни конфликтнинг бошланиш жараёни ўзаро мос келадиган уч босқичда амалга оширилади:

1) иштирокчи бошқа иштирокчига (яъни, рақибига) зарар етказиш учун онгли равишда ва фаол ҳаракат қилади; бу ерда ҳаракат жисмоний ҳаракат ёки информация узатиш (оғзаки сўз, матбуот, телевидение, интернет ва ҳоказо) орқали амалга оширилиши мумкин;

2) иккинчи иштирокчи (рақиб) кўрсатилаётган ҳаракатлар унинг манфаатларига қарши қаратилганлигини англаб етади;

3) шунинг учун иккинчи иштирокчи биринчи иштирокчининг ҳаракатларига қарши фаол ҳаракатлар қилади. Худди ана шу пайтни конфликтнинг бошланиш жараёни дейиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, агар фақат биргина иштирокчининг ўзи ҳаракат қилса, ёки конфликт субъектларига айланиб қолишдан хавфсираб томонлар олдиндан ўз ҳаракатларини, яъни режалаштирилган мақсадлари қандай оқибатларга олиб келишини чуқур таҳлил этганлари ҳолда, ўз шаштидан қайтсалар, конфликт содир бўлмаслиги мумкин.

Агарда амалиётдаги ҳаракатлар агрессив бўлса-ю, фақат бир томонга тааллуқли ҳаракат қилинса, уни ҳали конфликт деб бўлмайди. Ҳолбуки, тахмин этилган рақиб ана шу ҳаракатларни тўғри деб ҳисоблар; балки у биринчи иштирокчига қарши ҳаракатларни амалга оширишга ботина олмас ёки қандайдир бошқа фикрларга бориб, рақибига бўйсунар. Бундай ҳолатда у биринчи субъектга қарши ҳаракат қилмайди. Бу вазиятда томонлар ўртасида тўла маънодаги қарама-қаршилик ёки конфликт юзага келди дейиш қийин.

Юқорида айтилганларга конфликтология муаммолари билан шуғулланувчи баъзи мутахассислар томонидан ажратиб кўрсатилган конфликтнинг махфий ривожланиш босқичи, аниқроғи, конфликтни олдиндан режалаштириб, унга тайёргарлик кўриш даври зид эмас. Конфликтнинг махфий ривожланиш босқичини ажратиб кўрсатиш халқаро аҳамиятга молик катта конфликтларгагина ҳосдир. Масалан, давлатлар ўртасидаги урушни режалаштириш. 1940 йилда СССРга қарши тузилган “Барбаросса” режаси билан Гитлер СССР ва Германия ўртасидаги уруш ҳаракатларини бошламади. Конфликтнинг ечими 1941 йил 22 июнда бошланганлиги барчага маълум. “Барбаросса” режаси собиқ СССР ва Германия ўртасидаги зиддиятларнинг махфий ривожланиш босқичига киради.

Маълумки, томонлар қарама-қаршилигини ифодаловчи конфликт халқаро муносабатларда фақат уруш ҳаракатлари билангина чекланмайди. Уруш ҳаракатларисиз ечиладиган дипломатик, савдо ва чегара можароларини сиёсий ёки муроса йўли билан ечадиган конфликтлар ҳам бўлиши мумкин, албатта. Ушбу ўринда манфаатлари мос келмасдан ўзаро зиддиятга киришган томонлар тўғрисида гап борапти. Шундай қилиб, конфликт икки томон(ёки кўп томонлар)нинг ҳаракатларига қараб бошланади. Унинг бошланишига, кўпинча бир томоннинг қилган ҳаракатлари сабаб бўлади, бу эса асосан воқеалар интиҳосида конфликтнинг сабабчисини аниқлаш имконини беради. Масалан, 1991 йилдаги Ироқ-Қувайт ўртасидаги конфликтни олайлик. Бу урушда конфликтнинг бош сабабчисини аниқлаш қийин эмас. Ироқнинг кўшни мамлакатга нисбатан олиб борган агрессив ҳаракатлари БМТ ва жаҳон афкор оммаси томонидан кескин қораланди ва салбий баҳоланди. Ушбу далилларнинг ўзиёқ конфликтнинг бош сабабчиси бўлган давлатни кўрсатиб турибди.

Энди конфликт якуни тўғрисида баҳс юритсак. *Конфликтнинг якуни* ҳеч қачон бир хилда бўлмайди. Конфликт ҳали юзага келмасдан ўз ечимини топиши мумкин, масалан: томонларнинг ўзаро сулҳи асосида. Бироқ ҳамиша бундай бўлавермайди. Конфликт якуни бир томоннинг можаросидан чиқиб кетиши, ёки унинг тор-мор этилиши (урушда ёки бирон бир жинойтда), батамом йўқ этилиши ёки экспансия қилиниши оқибатида ҳам якунланиши мумкин. Шунингдек, можарога учинчи томоннинг аралашуви туфайли ҳам конфликтнинг барҳам топиши мумкин. Худди шундай ҳолат кўпроқ “криминал” (жиной) характердаги конфликтларда кўзга ташланади. Халқаро муносабатларга доир конфликтларда ҳам учинчи кучларнинг (давлатлар, халқаро ташкилотлар) аралашуви натижасида ўртадаги конфликтларга барҳам берилиши кўпроқ учрайди. Масалан, БМТ кўшинларининг конфликт бўлаётган ҳудудга киритилиши, дипломатик воситачилик ва ҳоказо.

Шундай қилиб, конфликт якуни барча қарама-қарши томонлар ўртасидаги бевосита ёки билвосита қилинаётган ҳаракатларнинг (келиб чиқиш сабаблари, ривожланиши, конфликт чегараларининг ҳар хиллигидан қатъи назар) тўхтатилиши билан белгиланади.

Энди конфликт ривожланишининг ички тизим аспекти ва унинг шу аспектларга ҳос чегараларини кўриб чиқамиз. Ҳар қандай конфликт хоҳ оилада ёки гуруҳлар ўртасида бўлсин, хоҳ давлат ёки халқаро муносабатларга тегишли бўлсин - аниқ бир тизимда рўй беради. Конфликтнинг ички тизим алоқалари мураккаб ва кўп қирралидир. Бир тизимга кирувчи икки томон ўртасидаги конфликт ўта чуқурлашиб кенг қамровли ёки торроқ доира билан чегараланган бўлиши мумкин. Конфликт ўз- ўзидан пайдо бўлмайди. Муайян объектив ёки субъектив сабаблар асосидагина юзага келади. Икки оила ўртасидаги конфликт бошқа қўшниларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Халқаро конфликтлар, терроризм бошқа давлатларга ҳам ёйилиб кетиш хавфи билан дахшатлидир. Зеро бундай конфликтлар фақат ҳудудий масаладагина бўлмай, ижтимоий, миллий, сиёсий жиҳатларни ҳам ўзига қамраб олади. Давлатлараро конфликтларда жамиятнинг энг кўп қатлами иштироқ этиши мумкин.

Конфликтнинг ички тизим чегараларини аниқлаш учун унда иштироқ этаётган барча томонларни билиб олиш лозим. Конфликта иштироқ этувчи ўзаро қарама-қарши томонлардан ташқари, конфликт майдонида бевосита иштироқ этмаётган - бузғунчилар, бирор томонга ёрдам берувчилар, умумий манфаат нуқтаи назаридан бир томонга тарафкашлик қилувчилар, халқаро ташкилотлар ва бошқаларнинг барчаси конфликтнинг нафақат умумий чегарасига киради, балки маълум даражадаги субъектига ҳам айланади. Чунки таъкидланганларнинг барчаси - шахслар, давлатлар, ташкилотлар конфликтдаги умумий тизимнинг бир элементларидир.

Муайян тизимдаги конфликт чегараларини аниқлаш, аввало конфликтга иштироқчиларининг ўзига ҳос тортилиш даражасига боғлиқ. Конфликтлар ички тизими чегараларини билиш рўй бераётган жараёнларга нечоғли таъсир ўтказиш, масалан, мавжуд умумий тузумни бутунлай инқироздан олиб қолиш (мумкин бўлса, албатта!) учун зарурдир.

Конфликт предмети. Ҳар қандай конфликт қамров доираси кенг бўлган ички ва ташқи ҳолатларга боғлиқ бўлиб, бу ҳолатлар қанчалик ўзгарувчан ва ўзига ҳос бўлмасин, барибир улар ўртасида мутаносиблик мавжуд. Конфликтнинг ташқи ва ички омиллари бир-бирига боғлиқ бўлса-да, ўша ташқи ёки ички

омилларни тадқиқ этишдаги услубий ёндашувлар бир-бириникидан фарқ қилиши мумкин. Ички ва ташқи ҳолатни ўрганишда юзага келадиган фарқликларни аввало, конфликтнинг қамров доираси, уларнинг аниқ бир категорияларга, йўналишларга эга бўлиши каби сабаблар юзага чиқаради. Лекин конфликтни умумий қилиб (ички ёки ташқи ҳолатларга ажратмасдан) тадқиқ қилинганда конфликт йўналиши ва унинг мавжудлигини белгиловчи икки жиҳати – яъни конфликт предмети ва унинг объектини ажратиб кўрсатиш керак.

Конфликт предмети деганда томонлар ўртасида объектив жиҳатдан мавжуд бўлган ёки бирор мақсадни кўзлаб юзага келтирилган муаммо тушунилади. Холбуки, ушбу муаммо томонларнинг ўзаро конфликтга киришувига сабаб бўлади. Эътиборли жиҳати шундаки, бунда ҳар икки томон ҳам ушбу муаммони ўзларининг фойдасига ҳал этилишидан манфаатдор бўлади. Демак, конфликт предмети – конфликт иштирокчилари, яъни субъектларнинг ўзаро курашга киришиб, ўзларича бирор ечимга ҳаракат қилишини ўзига жо қилган асосий зиддиятлар мажмуасидир. Бу тўқнашувлар асосида ҳокимиятни эгаллаш, у ёки бу бойликка эга бўлиш ёки рақибидан доимо биринчи туриш истаги ётади.

Конфликтни бартараф этиш йўллари топиш, асосан унинг предмети қанчалик аниқланиб таҳлил этилганлиги билан белгиланади. Гарчи бу баъзан ўта мушкул вазифа бўлса-да! Кўпгина конфликтлар мураккаб ва чалкаш тарихга эга бўлиб, археолог сингари унинг ҳар бир босқичини бирма-бир кўриб чиқишга тўғри келади. Чунки конфликт предмета бир неча қатламлардан иборат бўлиши, оқибатда бир-бирига боғлиқли тарзда кўплаб “оғрикли нуқталар” ҳосил қилиши мумкин. Бирор оиладаги давомли конфликтлар ёки миллатлараро конфликтларнинг нечоғли кўп қиррали ҳусу-сиятларга эга эканлиги бунга мисол бўла олади.

Конфликт предметини тадқиқ этиш фақат томонлар ўртасидаги воситачи ёки арбитр(хакам)ларгагина тегишли бўлиб қолмасдан. Балки бевосита конфликт субъектларининг ҳам муҳокама мавзуси бўлиши мумкин. Бундай муҳокамалар томонларнинг ўзаро мунозаралар олиб бориши билан амалга оширилади. Субъектлар ўртасидаги музокаралар (воситачилик ёки хакамлик қилишга нисбатан олганда) ўзининг томонлар

ўртасида рўхан муаммони хис қилиши, ижтимоий ўзаро таъсир этиш кучига (муносабатларга нисбатан) эғалиги, имкониятларнинг бир қадар кўплиги билан ажралиб туради. Гап шундаки, музокаралар чоғида субъектларнинг ўзига ҳос яширин манфаатлари умумий “манфаатлар конфликт”и доирасида ҳал этилади ёки аксинча. Музокаралар предметида эса айнан манфаатлар конфликта танлаган предметнинг худди ўзи. Бироқ, бу ерда томонлар конфликтдаги каби ҳаракат қилмайдилар. Улар ўртасидаги мубохасалар рисоладагидек олиб борилиб, у кўпроқ илмий баҳс ёки бозордаги савдони эслатади. Бироқ музокаралар – мавжуд муносабатлар юзасидан бўладиган мубохасадир. Қолаверса, бу баҳс ва мунозараларда томонлар манфаатларининг қарама-қаршилигидан сўз юритилади.

Музокаралар давомида томонлар ўзларининг конфликтлари предметини аниқлаб олиши ёки уни маълум даражада ҳаёлан тасаввур этишлари мумкин. Бироқ музокаралар жараёнида томонлар бир-бирига нисбатан тутаётган позицияларини, воситачилар эса конфликтни юзага келтирган асосий “ядро”ни аниқлаб олишлари керак. Ана шу конфликт “ядро”си кейинроқ “конфликт объекти” тушунчасини англаб етишда керак бўлади.

Конфликт объекти. Социологлар фикрича, аслида барча конфликтларда гап икки нарса: ресурс ва унинг устидан назорат қилиш ҳусусида боради. Ушбу нуқтаи назардан ҳокимиятни эгаллаш ресурслар устидан назорат ўрнатиш, мулкка эғаликни кулга киритиш эса, чексиз ресурсларга эғаликни кўлга киритиш демакдир. Ресурсларни моддий ва маънавий ресурсларга бўлиш мумкин. Маънавий ресурслар жамики мавжуд ресурсларни яратувчи омилдир. Бу фикр албатта, бошқа фанларнинг кўплаб мутахассислари томонидан муқаррар шаклда ифода этилмайди. Бироқ барча мутахассисларнинг умумий фикрларини таҳлил этганда, “конфликт объекти” деган тушунчага нисбатан ва бу тушунча орқали конфликтнинг иккала иштирокчилари ҳам эгаллашга ҳаракат қиладиган ана ўша конкрет моддий ёки маънавий бойлик назарда тутилганлигининг гувоҳи бўламиз. Конфликт объекти сифатида шахс, гуруҳлар ёки давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилувчи моддий дунё ва ижтимоий борликдаги мавжуд нарсалар у ёки бу кўринишда намоён бўлиши мумкин. Моддий дунё ва ижтимоий борлик элементларининг

маълум бир конфликт объекти бўлиши учун, ушбу элемент устидан назорат ўрнатишга ҳаракат қилаётган турли ижтимоий субъектлар манфаатлари унинг атрофида бир-бирига туташган ҳолда бўлиши керак. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин: чиройли ўйинчок устида талашиб қолган болакайлар ўртасидаги муносабатлар, у ёки бу ҳудудни ўз назоратига олиш истагида юрган давлатлар ўртасидаги халқаро конфликтлар ва б.

Муносабатларнинг муайян тизимидаги конфликт объекти – доимо танқис ресурслар бўлган. Масалан:

- бўш директор лавозимида даъвогарлик қилаётган икки ўринбосар;

- дўкондаги сўнгги нон учун навбатда турганларнинг жанжали;

ҳақиқатда, ногаҳон юзага келадиган муаммоларни ана шу ресурслар ўрнини тўлдириш билан ҳал этиш мумкин. Афсуски, инсонлар ҳаётида учраб турадиган бундай кўплаб муаммоларни барча томонларнинг истаганидек ҳал этиб бўлмайди. Кундалик ҳаётимизда содир бўлиб турадиган бир қатор конфликтлар объектини ажратиб олганимизда, умумий ҳарактерга эга муаммолар доирасини белгилаб олиш мумкин. Масалан, бирор нарсани олиш учун навбатда туриш, бекатларда йўл транспортини кутиш ва бошқалар махсулотлар етишмовчилиги ёки транспорт ресурсларининг чекланганлиги билан боғлиқ эмасми?!

Гап шундаки, томонлар ўртасидаги ана шу объектнинг объективлик нуқтаи назаридан бўлинмаслиги унинг субъектив бўлинмаслигига ҳам боғлиқ. Агар икки ёш болага чиройли икки хил ўйинчок тутказсангиз, уларнинг ҳар бири шериги уйнаётганни олишга ҳаракат қилади. Бошқача айтганда, ресурсларнинг етишмовчилиги ва характери аниқлаш ҳамда объект чегараси нисбий тушунча бўлиб, у ўзгарувчан ҳусусиятга эга.

Бироқ, конфликт аниқ объектга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. “Объектли” конфликтдан ташқари конфликт категориялари ўз устидан назорат қилишга йўл бермайдиган “объектсиз” конфликт турига ҳам ажратилади. Масалан, оддий кўп каватли уйдаги икки қўшнилардан бири ёзув устида ишлатган пайтда, иккинчи қўшни бирор санъат асбобини чалаяпти. Биринчи қўшни музыка товуши унга ҳалақит бераётгани учун деворни тақиллатади... Натижада конфликт бошланади. Кўриниб турибдики, конфликтга икки

томоннинг ўзаро келишиб вазиятни юмшатишга интилиши эмас, балки бир томон фаолияти иккинчисининг ишига ҳалақит бериб, унинг фаолиятини сусайтириб юбориши сабаб бўлмокда.

Конфликтология ва ҳуқуқ

Зўрлик ва куч ишлатишни инкор этиш.

Ҳар қандай фанда ўрганиладиган ҳодисаларни идрок этиш услублари мавжуд. Ҳуқуқий конфликтология эндиликда шаклланаётган фанлар қаторига киради. Шунинг учун ҳам уни тайёр ҳақиқат мажмуаси ёки аксинча, котиб қолган илм деб баҳолаб бўлмайди. Унда ҳали ҳуқуқий амалиёт муаммоларини ечишнинг услуб ва шакллари ривожланиш палласида.

Ҳуқуқий конфликтология психология, ҳуқуқ назарияси ва ҳуқуқ социологияси сингари тармок фанларни ўзида мужассамлаштирган. Фаннинг илмий тадқиқотлар йўналиши айнан ушбу соҳаларнинг илғор услубий принципларини ҳам ўзида жо этгандир. Ўз навбатида ҳуқуқий конфликтологиядаги илмий принциплар бошқа илмларнинг ҳам олдида турган баъзи глобал муаммоларни ҳал этишда, шунингдек, услубий, илмий-таҳлилий тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий конфликтология услубияти демократик жамият учун энг макбул ёндашув сифатида ҳамкорлик стратегияси, мурса ва ниҳоят, консенсус услубларини таклиф этади. Шунингдан назардан қараганда, ҳуқуқий конфликтология конфликт ҳолатларни бартараф этишда зўрлик, куч ишлатиш йўллари билан аҳамиятлидир. Қолаверса, тарихий тажриба жамиятдаги конфликтларга нисбатан томонларнинг куч ишлатиш, зўрлик қилишдан кўра мурса ва консенсус йўлини тутиши янада фойдалироқ эканлигини исбот қилди.

Куч ишлатиш ва зўрликни инкор этиш йўли билан ҳам мавжуд конфликтни тўғри йўлга бошқариш, умуман жамият манфаатлари йўлида мавжуд муаммони ҳал қилиш ёки конфликтни бартараф этиш имкони туғилиши мумкинлигини эътироф этса бўлади. Бироқ биргина рационал бошқарувнинг ўзи ижтимоий-ҳуқуқий конфликтни бартараф этиш ёки уни алмаштириши мумкин эмас. Аммо у ижтимоий, сиёсий -ҳуқуқий ва маънавий йўқотишларни камайтириш йўллари кўрсатиши

мумкин. Шунинг учун бундай омилларга конфликтларни тартибга тушириш технологияси, услублари ва бошқа шакллари асосланади. Натижада амалиётда қарама-қарши турган томонлардан бирини ён босишга мажбур қилиш, иккинчи томонга манфаатли чекинишлар ўрнига, ўзоқ ва давомли келишув ёки воситачилик ёрдамида ҳар икки томоннинг ҳам манфаатларига ҳилоф бўлмаган сулҳ шартлари тақлиф этилади. Жамият тараққиётига тўсқинлик қилаётган конфликт ва зиддиятлар худди мана шу йўл орқали бартараф этилади.

Ижтимоий ва психологик технологияни, конфликтология илмини амалиётда тизимли қўллай билиш ҳуқуқий конфликтология асосий услубларининг амалиёти учун муҳим омил ҳисобланади.

Асосий ёндашувлар. Илмий услубиятни маълум қоидаларнинг биргаликдаги фалсафий мажмуаси, мантикий ёндашувлар ва тадқиқотнинг махсус усуллари деб баҳолаш мумкин. Келтирилган таърифда кўриниб турибдики, ҳуқуқий конфликтологиянинг услубиёт захираси анчайин мураккаб бўлиб, у энг кўп ва турли даражадаги умумийлик ва англаш масалаларини ўз ичига олади, масалан:

- ҳамма фанлар ва илмий англашнинг барча босқичларида қўлланиладиган умумий фалсафий услуб;

- махсус ёки аниқ услублар, яъни бирор жараёнларни англаб етишда қўлланиладиган статистик, конкрет социологик, қиёсий-ҳуқуқий, рухий, математик услублар.

Фалсафий концепция илмий тафаккурнинг асосий йўналишларига мансуб бўлган икки йўналиш - эмпирик ва рационал ёндашувларга катта эътибор қаратган ҳолда умумий тизим унсурлари ва илмий даражалари компонентларини ҳам эътироф этади. Эмпирик ва рационал ёндашувларнинг бир-биридан фарқланиши асосида конфликтларнинг амалиётда қандай кечиши ёки уларнинг илмий шархлари қандай ҳусусиятларга эга эканлиги ётади.

Биринчи йўналиш, яъни эмпирик ёндашув бевосита объект ичида кузатув ва тажрибага суянади;

иккинчи, рационал ёндашув эса конфликтни ўрганиш, уни англаб етишни шакллантириш ва такомиллаштиришга боғлиқ. Бундан англашиладики, икки йўналиш ҳам ўзаро боғлиқ бўлиб

бир-бирини у ёки бу даражада тўлдиради. Эмпирик ёндашув кузатув ва тажрибаларни янада жонлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, тадқиқотларни илмий асосда исботлаши учун назарий (рационал) ёндашув олдига янги вазифалар қўяди. Назарий (рационал) ёндашув фаннинг илмий мазмунини ривожлантиради, янги уфқлар очади, фактларни изоҳлайди ва ниҳоят уларни умумлаштириб яна эмпирик тадқиқотга татбиқ этиш учун тавсия этади.

Мантикий ва тарихий услублар фаннинг мавҳумликдан конкретликка ўтиши билан боғлиқ. Улар фандаги таърифлар тартиби ва кетма-кетлигини аниқлайди ҳамда тушунчалар, категорияларнинг назарий тасвирини белгилайди.

Конфликтларни ўрганишда қайси бир услуб ёки ёндашув қўлланилмасин, улар ижтимоий-ҳуқуқий тараққиёт диалектикасини эътиборга олиши керак.

Категориялари. Диалектика қонунлари англашнинг мантикий воситалари билан ҳуқуқий тадқиқотлар маъносига эгаллиги боис ўзаро боғлиқдир. Масалан, таҳлил ва синтез (ҳодисаларни ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш ва хулоса чиқариш) нисбатан ноаниқроқ ҳуқуқий реалликдан тобора аниқроқ муҳитга ўтишга ёрдам беради. Таҳлил воситасида ягона ҳуқуқий бирлик алоҳида қисмларга (ҳуқуқий меъёр, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқий фактлар ва ҳоказо) бўлинади ва улар мустақил равишда кўриб чиқилади, сунгра хулоса воситасида ҳуқуқий бирликнинг воқелигида барча қисмлар ўзларининг ҳамма кўринишлари ва хусусиятлари билан англанади.

Диалектиканинг асосий категориялари бу умумий алоқалари ва хусусиятлар тушунчасини ўзида жо қилган бўлиб, бунда алоқа ва хусусиятлар барча нарсаларга ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига, шунингдек, ҳуқуқий конфликтларга ҳам таъллуклидир. Асосий фалсафий категорияларга хусусийлик ва умумийлик, сабаб ва оқибат, эҳтиёж ва тасодиф, мазмун ва шакл, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик ва ҳоказо жуфт категориялар кириши мумкин. Масалан, сабаб ва оқибат категориялари тахдилига, “ижтимоий муносабатлар - ҳуқуқ нормалари” категориясининг биринчиси — сабаб, иккинчиси — оқибат сифатида намоён бўлишини кўрсатади. Қонуншунос учун сабаб оқибатни туғдиришлигини билиши ва аксинча бўлмаслигини асослаши ўта

муҳимдир. Бу борада жамиятга ихтиёрий, эркин ўйлаб топилган ҳуқуқий шарҳлар эмас, конкрет, ижтимоий ҳаёт талаб этадиган нормалар зарур.

Услублар. Ҳуқуқий конфликтологияда махсус ва аниқ услубларни тушуниш катта аҳамиятга эга. Умумий илмий тушунча моҳиятини англамасдан ҳуқуқ мундарижаси ва формалари, қонунчилик тизими, шу жумладан, ҳуқуқий тизим; умумий илмий нормалар тушунчасисиз ҳуқуқнинг амалга ошиши, унинг шарҳи, ҳуқуқий муносабатлари, қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботи, ҳуқуқий жавобгарлик ва бошқалар, шунингдек, демократия категориялари; жамиятдаги сиёсий ташкилотлар; давлат, унинг моҳияти, мундарижа ва формалари, унинг механизм ва функциялари кабиларсиз ҳуқуқий мезонлар ривожланиши мумкин эмас.

Фаннинг умумий категориялари аниқ услубларни йукка чиқармайди, аксинча уларни умумлаштиради. Мантиқий услуб ҳуқуқни мантиқий англаш ва тушунтириш, шарҳлаш хусусиятларини ўзида акс эттиради. Зеро у тафаккур қилиш ҳамда мантиқнинг диалектик ва формал қонуниятларига асослангандир.

Ҳуқуқ, ҳуқуқий муносабатлар ўз хусусиятларига кўра мантиқни акс эттиришнинг энг қулай шакллари ҳисобланади.

Мантиқнинг ҳар бир категориялари (қиёслаш, зиддият, учинчи фикрни тан олмаслик, етарли асослар) ҳуқуқни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, унинг хусусиятларини доимо намоён этади. Барча асосий ҳуқуқий процедуралар (бажариладиган иш тартиби) ва жараёнлар (аввало-ҳуқуқий ижодда ва уни ҳуқуқий амалиётга кўллашда) қатъий тафаккур шакллари тушунчаларни, мулоҳазаларни ҳамда хулосаларни амалиётга тўғри кўллай билиш қоидалари асосига қурилади.

Конфликтларни ҳуқуқий асосда ўрганиш ва тушунтиришда мантиқий воситалардан фойдаланиш яратилажак қонунларнинг янада мустаҳкамланишига, ҳуқуқнинг тўғри ва зиддиятларсиз тизимини шакллантириш, жумладан ҳуқуқий нормаларни тўғри ва асосли равишда кўллай билишни шакллантиради.

Қиёсий услуб ҳуқуқий тушунчаларни қиёслаш, ҳодиса ва жараёнларни, улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли томонларни англаб етишда кўлланилади. Қиёслаш натижасида ҳуқуқий тизимнинг жамиятдаги умумий ёки алоҳида ҳуқуқий инсти-

тутлари ва нормалари, ривожланиш ва якуний сифатлари ўрнатилади.

Ҳуқуқшунослик ва ҳуқуқий амалиётда қиёсий услубнинг кўлланиши умумий ҳуқуқ илмида нисбатан мустақил бўлган илмий йўналиш — қиёсий ҳуқуқшунослик фанининг шаклланишига олиб келди.

Социологик (конкрет-социологик) услуб турли хил ҳуқуқий можароларни ўрганиш, қабул қилинаётган қарорларнинг натижасини билиш, шунингдек, ҳуқуқий бошқарув ёки ҳуқуқий жиҳатдан химояланишнинг ишончли ва зарурлигини англашда кўлланилади. Социологик услуб нафақат аввалдан мавжуд бўлган муаммоларни ечишда чуқур таклифлар киритишга, балки муаммога нисбатан янгича саволларни ҳам ўртага ташлаши мумкин. Масалан, бугунги бозор муносабатлари шароитида биргина давлат ва ҳуқуқ асосларининг умумий қоидалари, хусусият ва принципларини билишнинг ўзигина камлик қилади. Амалий муносабатлар чоғида бу омилларнинг қай тарзда фаолият кўрсатиши, умуман давлат-ҳуқуқий тизимида аввало уларнинг ижобий натижа кўрсатишини англаш ўта муҳимдир.

Конфликтларни ўрганишда илмий ёндашув таклиф этаётган тавсиялар — барча ижтимоий омилларни чуқур ўрганиш, уларнинг тараккиётга ҳоҳ ижобий, ҳоҳ салбий таъсир этишидан қатъий назар, конфликтни биринчи ўринда ҳуқуқий ҳаёт даражасидан келиб чиқиб тадқиқ этишга қаратилгандир.

Ушбу вазиятларда ҳуқуқий материал мавхум категорияларда эмас, балки конкрет фактлар асосида тадқиқ этилади. Ҳуқуқий муносабатларнинг бўзилишидан юзага келадиган конфликтларни социологик услубда ўрганиш турли хил ҳужжатлар ва ижтимоий-ҳуқуқий тадқиқотлар, шунингдек, ҳалқ орасидаги суров ва материалларни математик асосда тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Зеро, “ракамлар, фактлар ва ҳужжатлар - социологиянинг юрагидир”. Буларсиз социологиянинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун ҳам, социологик услуб деярли барча гуманитар фанларда бош услубий омил сифатида намоён бўлмокда.

Социологик услубнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у мураккаб жараёнларни тадқиқ этишни энг содда ва тушунарли услубда амалга оширади. Социологик услуб амалий жараёнларда

кўзатилаётган ҳусусиятларнинг ўзаро боғлиқлигига катта эътибор қаратади. Таҳлиллар ҳисобланган корреляция асосидаги муҳим омилларни илғаб олишга имкон беради. Муаммога нисбатан асосий фундаментал таъсирлар ёки омилларни ажрата олиш жараёнларнинг ўзаро алоқадорлигини ва қонуний ҳолатлар буйича тадқиқотларни яна давом эттиришга сабаб бўлади.

Демак, муайян услубни танлаш ва уни ишга нисбатан устувор деб билиш тадқиқотнинг предмети ва вазифаларига боғлиқ эмас. Чунки конфликтларни тадқиқ этишдаги энг асосий таҳлилий систематик услуб конфликтларни юзага чиқиши асосида ётган ҳуқуқ нормаларининг бузилиши, қонунларга риоя этмаслик ва бошқа омилларни умумий комплекс жараёнининг асоси сифатида қарайди. Ана шундагина ҳуқуқий тизимни янада такомиллаштириш ва келажақда амалиётда қандай муносабатларни шакллантириш учун ҳаракат қилиш кераклигини аниқлашга имкон туғилади.

3. Ҳуқуқий конфликтология ва бошқа фанлар

Ҳуқуқий конфликтология ҳусусиятлари. Шундай қилиб, ижтимоий конфликт – манфаатлари ўзаро зид, асосланган билим ва қадрият омиллари қарама-қарши бўлган субъектларнинг тўқнашувидан келиб чиқар экан.

Машҳур конфликтолог Л.Козер фикрига кўра конфликт - “ижтимоий мавқе, ҳокимият ва етишмаётган моддий бойликлар учун курашдан иборат бўлиб, бунда биринчи томон иккинчи томонга зарар етказиш, унинг манфаатларини топташ учун ҳаракат қилади”. Томонлар ўртасидаги бу кураш “қоидаларсиз уруш” шаклида ҳам бўлиши мумкин, бироқ бундай конфликтлар аксарият ҳолларда у ёки бу ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий, диний, техникавий ёки бошқа меъёр ва қоидаларга асосланади. Айнан шу ердан конфликт тўғрисидаги илмий қараш дунёга келади.

Конфликт иштирокчилари манфаатларининг турли томонга йуналтирилганлиги, уларнинг жамиятдаги умумқадрият ва моддий бойликларга нисбатан турли хил муносабати, зиддиятларнинг объекти ва предметининг ҳар хил бўлишидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, конфликтлар ҳам ўз навбатида турлича тус олиб, турли хил ҳусусиятларга эга бўлиши мумкин. Ҳуқуқий

конфликтология конфликтнинг ҳуқуқий жиҳатдан характерланишини умумлаштиради ва ўрганади. Конфликтларни амалиётдаги ҳуқуқий воситалар ва тизимлар асосида реал ўрганиш конфликтнинг келиб чиқиши, уларни бартараф қилиш имкониятининг борлиги ёки йуклиги, агар бор бўлса бу фаолият қандай амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатиб беради. Шунинг учун, аввало конфликтнинг қайси элементлари ҳуқуқий табиатга эга ёки ҳуқуқий институтлар ва категориялар билан боғлиқлигини аниқлаб олиш зарур.

Агар ушбу тадқиқотни мантиқий асосда ўтказмоқчи бўлсак, конфликт ва унинг элементларини аниқлаш учун, аввало унинг иштироқчиларини аниқлаб олиш зарур. Улар уч даражадаги субъектлардан иборатдир:

- шахслар;
- ижтимоий гуруҳлар;
- ҳалқлар (давлатлар).

Ҳуқуқий жиҳатдан бу тақсимотни икки асосий субъектларга ажратиш мумкин: яъни, жисмоний ва ҳуқуқий шахслар. Шундай қилиб, конфликтли муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатлари маълум бўлди десак бўлади. Мабодо конфликт юридик шахслар ўртасида бўлса, у албатта, ҳуқуқий тус олади. Чунки ана шу субъектлар ўртасида ҳуқуқий муносабатлар шаклланган (ёки бор) ва бу конфликтни ҳуқуқий йўл билан ҳал этиш осонроқ. Бу эса назарий конфликтология предметиدير.

Баъзан конфликтнинг ичига чуқурроқ кириб борсак, унинг албатта, жисмоний шахслар ўртасидаги (якка кишилар, гуруҳ, оломон ва ҳоказо.) конфликт эканлигига амин бўламиз. Жисмоний шахслар аниқ ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти ҳам бўлиб, бу уларнинг конфликтдаги ўзларини тутишига сезиларли таъсир кўрсатади. Муайян ҳуқуқий муносабатни шакллантирганлигига қараб конфликт субъектлари конфликтда ўз ўрни ва ҳолатини белгилаб олишлари шарт. Чунки уларнинг конфликт вақтидаги хатти-ҳаракатларига нисбатан ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ҳам, конфликт иштироқчиларининг ҳам фикрлари бир хил бўлмоғи лозим. Акс ҳолда конфликт иштироқчисига бошқа субъектларнинг нотўғри муносабат билдириши бир қадар чалкашликларни юзага келтиради. Конфликтнинг барча субъектлари фуқаролик, маъмурий

ёки жиноий иш жараёнида жавобгар, аризачи, жабрланувчи, айбланувчи ёхуд гувоҳ сифатида иштирок этиши мумкин.

Баъзи ҳолатларда конфликтнинг ҳуқуқий аспекти барча иштирокчиларга эмас, балки алоҳида субъектларгагина алоқадор бўлади. Масалан, оммавий тартиббузарликларни олайлик. Оломон оммавий тартиббузарликда иштирок этаётган бўлса-да, милиция ходимлари қонун буйича тўполоннинг раҳнамолари ва раҳбарларинигина ушлашга ҳаракат қиладилар ва улар судда қонун буйича жавобгар бўладилар. Конфликт сабабларини ўрганиш ҳуқуқий тадқиқотлар вазифасига ҳам киради. Бироқ конфликт сабабларини аниқлашда конфликтларнинг асосан икки тури мавжудлигига амин бўламиз. Булар – манфаатлар конфликти ва когнитив (яширин) конфликтлар.

Манфаатлараро конфликт замирида “маълум бир гуруҳнинг ўз манфаатлари йўлида бошқасидан устунликка эришиш мақсади” ётиб, бу ҳаракат бевосита рақибнинг у ёки бу даражадаги ҳолатини, у суянган қадриятларни топташга қаратилган бўлади. Когнитив (яширин) конфликт асосида эса билим ҳақидаги баҳслар – шахс ёки гуруҳлар ўртасида шаклланган у ёки бу қарашларни инкор этиш ёки уларга кўшилиш, рақибнинг фикрини ўзгартиришга ўриниш ва шунга оид мунозараю мубохасалар ётади.

Амалий конфликтларни тадқиқ этиш натижаси шуни кўрсатадики, конфликтларнинг назарий жиҳатдан бўлиниши уларни юзага келгирган сабабларга боғлиқ экан. Шу нуқтаи назардан конфликт сабабларини *объектив*, яъни ташқи сабаблар воситасида юзага келган ва *субъектив*, яъни конфликт иштирокчиларининг характери ва хатти-ҳаракатларига боғлиқ тармоқларга бўлиш мумкин. Тўғри, конфликт ҳам ўз типологиясига эга. Яъни,

- умумбашарий ва минтақавий конфликтлар;
- гуруҳлараро ва шахслар ўртасидаги конфликтлар;
- манфаатлар конфликти ва яширин конфликтлар;
- кескин ёки суст конфликтлар;
- тугал ёки давомли конфликтлар ва х-к.

Ҳуқуқий конфликтларни ҳам худди шундай типологияларга ажратиш мумкин. Бироқ ҳуқуқий конфликтларда нисбатан ҳуқуқий тафсифномаларнинг кўплиги уни умумий конфликтология доирасидан ажратиброк кўрсатади. Улар

жумласига ҳуқуқий тармоқларда мужассамлашган, шунингдек, фақат ҳуқуқ татбиқ этилишини тақозо этадиган конфликтлар ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Аниқроғи, ҳуқуқий конфликтология амалиётида кўпроқ суд ва арбитраж орқали конфликтли вазиятларни ҳал этиш масаласи қўрилади. Равшанки, суд ва арбитраж амалиётида асосан меҳнат, фуқаролик, молия, оилага оид ҳуқуқий масалаларнинг номувофиклигидан юзага келган конфликтлар қўрилади. Шунингдек, экологик ва ҳўжаликлар ўртасидаги конфликтлар билан биргаликда жиноий, жиноий-процессуал ва бошқа тартиббузарликлар ҳам ҳуқуқий конфликтологияда тадқиқ этилади. Бундай конфликтларга давлат ички муҳитидаги конфликтлар ёки ҳуқуқий конфликтологиянинг кўйи босқичи сифатида қараш мумкин.

Ҳуқуқий конфликтологиянинг кўйи босқичидаги конфликтларни ўрганиб, уларни бартараф этиш учун қонун-қоидаларни билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Агар муаммога фақат қонун-қоида асосида ёндашсак, масаланинг бир томонига юридик жиҳатгагина эътибор берган бўламиз. Нечоғли у ҳуқуқий конфликтология деб аталмасин, масалага объектив ёндашиш учун ҳуқуқий қонун-қоидалар билан биргаликда ҳуқуқшунос-ликнинг ижтимоий томонига ҳам эътибор беришимиз лозим. Ҳуқуқшуносликнинг ижтимоий томони билвосита ёки бевосита психология ва социология фанлари билан боғлиқдир.

Ҳуқуқий конфликтологиянинг жамиятга ёки юқори босқичига доир муҳити ҳалқаро ва миллатлараро конфликтларни ўз ичига олади. Бундай муаммоларни тадқиқ этишда ҳуқуқий конфликтологиядаги нафақат ҳуқуқшуносликка оид ёндашувлар, балки объектга нисбатан психологик ва социологик нуқтаи назардаги ёндашувлар ҳам бир томонламаликка йўл қўйиши мумкин. Негаки ҳалқаро ва миллатлараро конфликтлар аввало сиёсий характер касб этиб, уни ўрганиш ва бартараф этиш учун сиёсий билимларни ҳам тақозо этади.

Демак, юқорида айтганимиздек конфликтология ва унинг ҳуқуқий конфликтология сингари тармоқлари ҳам бевосита ёки билвосита психология, социология ва сиёсатшунослик билан боғлиқ экан. Уларнинг бир-бирига боғлиқлик даражаси конфликт кўламини аниқлаш жараёнида шаклланади ва шунга қараб ҳуқуқий, психологик, социологик ёки лозим топилса сиёсий ёндашувлар амалиётга тадқиқ этилади.

III Боб.

Конфликтлар табиати ва турлари

1. Конфликт сабаблари ва мотивация

Ижтимоий сабаб тушунчаси. Ижтимоий мухитда конфликтнинг юзага келтирган сабабни асослаш ўта мушкул ва чигал вазифа. Ҳар бир ижтимоий ҳаракат ўзига ҳос хусусиятларга эга. Бунинг устига унинг чегарасига кўплаб қарама- қарши ҳодисалар ҳам туташган бўлади. Конфликт ана шу туташув чизиғига таъсир этувчи объектив ва субъектив сабаблар асосида юзага келади. Конфликтни юзага келтирган ўша объектив ва субъектив сабабларни таҳлил этиш учун кечаётган ҳодисалар ва инсонлар ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ этиш зарур. Бу эса кечиб ўтган воқеа-ҳодисалар мотивациясида ойдинлашади.

Мотивация кўпинча субъектлар ўртасидаги у ёки бу муомаланинг ички, субъектив натижаси сифатида талқин этилади. “Мотивация – деб ёзади С.Л.Рубинштейн, – бу тажрибада бевосита ифодаланган жараёнларнинг инсон тафаккурида субъектив детерминацион тарзда акс этишидир”. Тўғри таърифдаги сўзларни бирма-бир ўқиб олмасдан бирданига уни ҳазм қилиш қийин. Шундай бўлса-да айтиш ўринлики, инсонлар ёки маълум ижтимоий гуруҳлар ўз ҳаётий тажрибаларига таянмасдан муайян орзу-истакларини амалга оширишлари мушкул.

Баъзан мотивациянинг субъектив тарзда амалиёт юзини кўриши бир қатор қийинчиликларни юзага чиқаради. Масалан, бирор конфликтдан кейин бир томонни бошқарган шахсда ҳам, уни ёклаб чиққан одамларда ҳам ўтган воқеаларга нисбатан субъектив мотивлар юзага келиши табиий. Бу жиҳатдан мотивацияни бир-бирига мос келмайдиган ёки маълум даражада бир-бирига мос келадиган қисмларга бўлишимиз мумкин. Мотивлар маълум бир қийинчиликларни келтириб чиқарса-да, бўлиб ўтадиган баҳслардан кейин томонлар учун умумий тугал хулосалар яшаш имконини ҳам беради.

Турли хил конфликтлар мотивацияси чоғида конфликт асосида сабабми ёки баҳона турганлигини кўриш қийин эмас. Ҳар қандай конфликт орқасида сабаб ёки баҳона туришидан қатъи назар, томонларнинг ўз манфаатларини қондиришга ҳаракат қилишлари турган гап. Бироқ кўпгина ҳаётий

конфликтларнинг сабаблари: кўролмаслик, хасад, зулмкорлик, бахиллик, моддий етишмовчилик, рақибдан устунликка интилиш ва х.к. Баъзан эса судда бир томоннинг иккинчи томонни сиғдирмаслиги, сиёсий можаролар буйича чиқиша олмаслиги каби хатти-ҳаракатлар конфликтга бош сабаб сифатида талқин этилган фикрларни ҳам учратамиз. Бизнингча, (оддийдан то глобал даражадаги) конфликтлар орқасида турган сабаб билан баҳонанинг бир-биридан жуда катта фарқи бор. Тўғри сабаб ҳам, баҳона ҳам конфликтни юзага келтириши мумкин. Бироқ, конфликтни ўрганишда баҳона ва сабабга нафақат илмий-назарий жиҳатдан, балки сиёсий жиҳатдан ҳам бир хилда тасниф бера олмаймиз.

Оммавий конфликтлар мотивацияси шуни кўрсатадики, конфликт орқасида ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу қийинчиликлари, элита билан халқ ўртасида юзага келган тафовутлар ва ҳоказолар туради. Масалан, иқтисодий қийинчилик, сиёсий симпатия ва антипатия, популистик йўл билан сиёсий лидерликка интилиш ва бошқалар. Бундай ҳаракатлар мотиви давлатнинг ҳалқаро миқёсдаги ўрни билан ҳам маълум даражада боғлиқлигини кўрсатади. Аслида эса, конфликтлар мотивацияси замонавий ҳаёт қийинчиликларини объектив равишда акс эттиришга йуналтирилгандир.

Ушбу мулоҳазаларни лаконистик асосда жамлаган ҳолда айтиш мумкинки, қайси даврда ёки қандай маконда бўлишидан, объектив ёки субъектив сабаблар асосида юзага келишидан қатъи назар, конфликт аввало маълум бир томонларнинг ўзаро қарама-қаршилигидан юзага келади.

Қарама-қаршилик бу жамиятнинг мантикий моҳиятини ўзида акс эттириб, жамиятнинг ҳаракатланиши ва ўзгариб туришини шакллантирадиган кучдир. Ҳар бир қарама-қаршилик умумжамят қарама-қаршиликлари оқимида ўзига ҳос эътиборни талаб этади ҳамда муқобил ечимни ҳам такозо қилади. Масалан, иқтисодиётнинг муайян соҳасидаги баъзи бир қарама-қаршиликлар ечими иқтисодиётнинг ўз доирасида эмас, балки сиёсий ёки мафкуравий қарашлар доираси орқали ҳам ҳал этилиши мумкин ёки аксинча.

Ҳар қандай конфликтнинг пайдо бўлиши қарама-қаршиликларнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Конфликтнинг пишиб етилиши ва тобора кулоч ёйиши

реал қарама-қаршиликларнинг энг баланд чўққига етганлигидан далолат беради. Ушбу конфликтнинг ҳал этилиши ана шу қарама-қаршиликни ҳам янги хусусиятлари билан бирга йук қилиши табиий.

Қарама-қаршиликларнинг типлари. Конфликтлар классификациясини муфассал ўрганиш учун қарама-қаршиликларни ҳам типларга бўлиб чиқмок мақсадга мувофикдир. Мана шу муаммони ўрганишга тегишли бўлган бир қатор илмий тадқиқотлар мавжуд. Рус файласуфларининг эътироф этишларича, қарама-қаршиликлар умумий ҳарактерга эга бўлган ҳолда қарама-қарши томонларнинг турлича муносабатлари шароитида акс этади. Шунинг учун қарама-қаршиликлар ички ва ташқи, асосий ва иккинчи даражали каби типларга бўлинади.

Шунингдек, қарама-қаршиликлар антагонистик ва ноантагонистик, тизимли ва тизимсиз, бир тизимга туширилган ва эркин йўналишли каби хусусиятларга ҳам бўлинади. Типология қарама-қаршиликларнинг аҳамиятига қараб ҳам: асосий ва асосий бўлмаган, бош ва иккинчи даражали ва ҳоказоларга ажратилади. Қарама-қаршиликлар замонда ҳам сезиларли фарқларга эга: бутун бошли тарихий даврга тегишли ёки ундан холи ўзоқ вақтга (масалан, ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги), қисқа ва ўтқинчи.

Конфликтлар табиатини ўрганишда қарама-қаршиликлар типлари қандай аҳамиятга эга? Гап шундаки, конфликтнинг ривожланиш жараёнида унинг асосида ётган зиддият кўзга ташланади. Янгилик ва эскилик ўртасидаги қарама-қаршиликлар муайян конфликтни, масалан, эски тузум унсурларини (бошқарув тизими, сиёсий партия ва ҳ) сақлаб қолишга интилиш ёки улардан кутулиш орқасида қилинган ҳаракатлар билан боғлиқ конфликтларни келтириб чиқариши табиий. Ушбу жараёнларда қарама-қаршиликлар нечоғлиқ ёркин ва чуқур бўлса, конфликт ҳам шунга мос равишда ўзгариб боради.

Бу ерда қарама-қаршиликларнинг барча типологияси бошланғич турланиш сифатида конфликтларнинг ҳам типларига киради. Қолаверса, олдинроқ биз конфликтми ёки қарама-қаршилик – барибир, ҳар хил тўқнашувлар, фақат ўз манфаатлари йўлида қилинган ҳаракатлар, кейинчалик томонлар ўртасида бир-бирларининг, қарашларини ўзгартиришга ва ижтимоий ҳаётга

нисбатан бошқача ёндашишни тақозо этувчи баҳслар, тортишувлар ҳамда мунозараларга сабаб бўлишидан сўз юритган эдик. Умуман конфликт ва қарама-қаршилик типлари ўртасидаги энг асосий фарқ бу томонлар ўртасидаги қарама-қаршиликнинг турли хил элементларга эга бўлишидир. Конфликтлар типологияси мавзусига кўйироқда алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Манфаатлар ва эҳтиёжлар. Инглиз олимлари РЛусева, Х. Паиссо бу ҳақда тўхталиб шундай деганлар. “Жамики илмий ва диний адабиётларда манфаатлар тўқнашуви муаммоси бош мавзулардан бири бўлган, балки ушбу мавзунини Аллоҳ ҳақидаги ёки севги ва ички тугёнлар ҳақидаги мавзуларга тенглаштириш мумкиндир”. Эҳтимол, бу “манфаат” тушунчасига нисбатан жуда ошириб юборилган баҳодир. Бироқ, конфликтологияда ҳам манфаатлар тўқнашуви фаннинг марказий муаммоларидан бири сифатида ўрганилади.

Жамиятдаги конфликтлар табиати ҳақида сўз юритганда, аввало қарама-қарши томонларнинг маълум манфаат чегаралари тўғри келмай қолганлигини тушунмок керак. Глобал миқёсдаги конфликтлар эса давлатларнинг табиий бойликлар устидан назорат ўрнатиш учун қиладиган ҳаракатларини, шунингдек, ҳудудий муаммолар ва бошқа масалаларни англатади. Манфаат кўпинча моддий бойликлар муаммоси бўлмасдан, балки диний, маданий интилишларга боғлиқ ҳолда бўлиши ҳам мумкин. Манфаатлар тўқнашуви ва қарама-қаршиликларни объектив ва чуқур таҳлил (асосан, гуруҳий, гуруҳлараро ва миллий) этиш натижасида мамлакатдаги, минтақадаги ёки кичик бир ижтимоий гуруҳ ўртасидаги конфликт суръатини ҳам аниқлашга эришиш мумкин.

Турли хил конфликтларни таҳлил этиш тажрибаси шуни кўрсатадики, қарама-қарши томонларнинг ҳаракатлари асосида аниқ бир сабаб ётмасин, барибир ўша асосий сабаб пойдевори томонларнинг ўз манфаатларига бориб тақалади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, қарама-қаршилик асоси томонлар кўзлаган манфаатларнинг бир-бирига мос келмаслигидадир. Масалан, II жаҳон уруши бошларида Гитлер Германияси бегона ерларни босиб олишга интилса, қолган Европа давлатлари эса ўз озодлиги ва мустақиллигини сақлашга интилди. Ёки бўлмасам оилада эр билан хотин ўртасидаги пулни ишлатиш масаласини олайлик.

Ҳар бири ўзини ҳақ билиб, пулни ўз манфаатлари йўлида ишлатишни истайди ёки умум оила эҳтиёжига қараб ишлатиш тарафдори.

Манфаатларни конфликт асоси деб билиб, уни тадқиқ этаётган баъзи олимлар конфликт замирида манфаат муаммоси билан биргаликда эҳтиёж масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш кераклигини айтади. Масалан, одатда эҳтиёж категорияси қачонки истеъмолчига (шахс, гуруҳ, жамият) нимадир етишмаган такдирдагина амалиётга чиқади. Ва тўғридан-тўғри у истеъмолчининг манфаати билан уйғунлашиб кетади. Тадқиқотчи К.Ледедранинг фикрича, ижтимоий конфликтнинг бош сабаби конфликт субъектларининг инсоний эҳтиёжларининг тўла равишда таъминланмаганлигидан келиб чиқади. Инсоний эҳтиёжнинг бошланиши “Аниқ шахс” эҳтиёжидан бошланади. Умумхавфсизликка эҳтиёж, ижтимоий оламга тегишлиликни тан олиш ва ҳоказолар биргина шахсга эмас, у билан бир қаторда ижтимоий гуруҳларга, этник бирлашмаларга, бутун давлатлар ва жамиятга ҳам ҳосдир. Конфликтолог Ж.Бертон таърифича, “инсониятнинг асосий эҳтиёжларини қондирадиган ҳаракатларгина конфликтларнинг батамом тугалланишидан далолат беради”. Бунга боғлиқли равишда бир қатор муаммолар, конфликтнинг психологик сабаби сифатида инсоний эҳтиёжларнинг очикдан очик бошқа бир томондан тажовўз қилинишидир, дейди у. Бироқ конфликтда қарама-қарши томонлар табиий равишда ўз мақсадлари томон интилар экан, бундай жараёнда бир- бирларига зарар етказмасдан ҳаракат қилишлари мумкин эмас.

Инсоннинг инсон эҳтиёжларига нисбатан тажовўзкорона муносабатда бўлишига сабаб нимада? Ва бундай ҳаракатлар асосида нималар ётади? Шу каби саволлар туғилганда бир қатор мутахассислар тенгсизлик, иқтисодий нобарқарорлик, ижтимоий-сиёсий тараққиёт даражаси, жамиятдаги гуруҳлар ва қатламлар ўртасидаги тафовутлар каби умумий ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларга эътибор қаратишади. Масалан, Р.Дарендорф жамиятда тенгсизликнинг юзага келиши билан бир вақтнинг ўзида унинг орқасидан конфликт ҳам туғилади, дейди. Яъни ҳар қандай конфликт жамиятнинг шу жамиятда яшаётганларга берган

инъоми, аниқроғи, жамиятнинг тенгсизлик ва нотёқислик устига қурилганлиги мавжуд конфликтларнинг бош сабабидир.

Манфаатлар конфликти. Кейинги вақтларда конфликтларни тадқиқ этишда янги-янги назарий концепцияларнинг юзага келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай концепциялардан бири депривация концепциясидир. Ғарб мутахассисларининг фикрича, мазкур концепцияни асосан кўлами жиҳатидан кенг камровли бўлган қарама-қарши қарашлар, интилишлар ёки манфаатлар тўқнашувини тадқиқ этишда қўллаш мумкин. Бошқа назарий концепциялардан депривация концепциясининг фарқи шундаки, бунда конфликтлар вақтидаги муҳит ёки конфликтдан кейинги муҳит билан биргаликда конфликтли муҳит ва конфликтдан кейинги муҳитдан субъектларнинг баҳраманд бўлиши ёки бўлмаслигига катта эътибор қаратилади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, депривация концепцияси жамиятдаги эҳтиёжлар ва шунга ҳос манфаатлар доирасининг умумий механизмдаги алоқадорлиги ва уларнинг бир-бирига мувофиқлашувини очиқ беради.

Ижтимоий ҳаётда объектив имкониятлардан келиб чиқиб шахс, гуруҳлар ёйинки жамият манфаатлари муайян шароитларда бошқа ижтимоий субъектларнинг манфаатлари доираси билан тўқнашиши табиий: манфаатлар конфликти когнитив конфликтдан томонлар ўртасидаги қарама-қаршилик асосида турли ижтимоий субъектларнинг манфаатлари тўқнашуви туриши билан фарқланади. Агар когнитив конфликтда муҳолиф субъектларнинг мақсади ҳақ бўлса-да, уни тан олмасдан, бирор бир асосга таяниб ўзининг ҳақлигини исботлашга интилиш, муҳолифнинг камчиликларини (ўз нуқтаи назаридан) кўрсатиш ва уни тан олмаслик ҳарактерли бўлса, манфаатлар конфликтда бошқачарок муҳит ҳукмрон бўлади. Яъни, манфаатлар конфликтда субъектлар рақибнинг манфаатлар “ҳудуди”ни эгаллашга, уни ўз манфаати измига солишга ёки бўйсундиришга интилиш ҳусусиятларининг борлиги унинг ўзига ҳослигини кўрсатиб беради. Тўғри, ҳар қандай конфликт субъектларнинг манфаатлар доирасининг (аурасининг) бир-бирига тўғри келмаганлиги ва мувофиқлашмаганлигидан юзага чиқади. Бироқ манфаатлар конфликти бошқа конфликт турларидан, нафақат муҳолиф манфаатларини “экспансия” қилиш ҳусусиятига эгаллиги

билан, балки субъектлар манфаатларини ўз таъсир доирасига олишга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Конфликтнинг бундай тўрини кўпроқ давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатларда кузатиш мумкин.

9) Конфликтлар типологияси

Умумий тасниф. Маълумки, типология муаммоси барча фанларга оид тушунча бўлиб, ҳар бир фандаги назарий типология ўзига ҳос объектларга қаратилганлиги билан фарқланади. Ижтимоий фанларда типологик бўлинишнинг табиий фанлардаги сингари аниқ кўринишда бўлиши ғоятда мушкул. Шунингдек, ижтимоий фанлардаги услубий жиҳатларни ҳарактерлаш ҳам жуда қийин вазифа.

Конфликтлар типологиясини ўрганиш ва уларни бири-биридан фарқлашда улардаги муайян ўхшашлик ва турли мезонларнинг мавжудлиги олдинга қўйилган мақсаднинг имкониятлар доирасини биров чигаллаштиради. Шундай бўлса-да конфликтлар типологиясини назарий жиҳатдан яратиш кўпгина тадқиқотчиларнинг доимий машғулоти бўлиб келмоқда.

Умумий типология ҳақида ҳар хил қарашлар мавжуд. Бироқ барча тадқиқотчиларнинг ҳеч қандай мунозараларисиз тан олинган бир фикр мавжудки, бу муайян конфликтни ягона типологияга киритиб бўлмаслик ҳақидаги фикрдир. Негаки конфликтлар катта-кичиклигидан қатъи назар, кўпқиррали назарий-амалий асосларга эга.

Ҳар қандай шароитда ҳам қарама-қаршиликлар ва конфликтлар абадий ва доимий ҳарактер касб этади. Чунки унинг объекти ва субъекти марказида инсон туради. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида конфликтларнинг маълум бир қисмини ҳал этиши мумкин. Бироқ конфликтлар тизимига яна бошқа конфликтлар қўшилавермаслигига ҳеч қандай қафолат йук. Лекин, шу ўринда конфликтларни бартараф этиш буйича муайян ёндашувларнинг мавжудлигини айтиб ўтиш жоиздир. Зеро, бундай ёндашувлар конфликтларни маълум даражада тугатишда, уларнинг типологиясини яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Тизимли ёндашув. Конфликтлар типологиясини яратишда тизимли ёндашувни қўллаш мумкин. Аввало айтиш керакки,

тизимли ёндашувни тор ва кенг маънода тушунмоқ лозим. Бирок қандай маънода қўлланилмасин, унинг иккала жиҳати ҳам бир-бирига боғланган ва бир-бирини доимо тулдириб туради. Ушбу ёндашувга асосан, тизим ҳаракатлари ва унинг муайян таркибий қисмлардан иборатлиги ва унда маълум воситаларни қўллашга қаратилган ҳаракатлар умумий тизим функцияси ва унинг элементларига мувофиқлашади. Тизим таркибий қисмларининг функциялари ҳам умумий тизимга мансуб бўлиб, ягона умумий мақсад сари йуналтирилган бўлади. Ўша таркибий қисмлар бош мақсадга эришиш йўлида ўзларининг махсус функцияларини бажаради. Бу жиҳатдан умумий тизимнинг таркибий қисмлари ўз функцияларига нисбатан фарқланиши мумкин.

Ҳар қандай жамият тизими ўзига ҳос бўлиб, ундаги воқелик фақат ўша тизим учунгина ўзгармас ва доимийдир. Жамият тараққиётига нисбатан эса мавжуд тизимлар муқаррар эмас, зеро, унда ички қарама-қаршиликлар мавжуд. Тизимлар жамиятда юзага келиши ва ривожланиши, гуллаб-яшнаши мумкин. Ҳар бир тизимнинг ўзига ҳос хусусиятларга эга бўлишини вақт белгилаб беради.

Тизим доимо ички қарама-қаршиликларни келтириб чиқарадиган ички норозилик туйғуларини ўзида кечириб туради. Аввало эҳтиёжнинг қониқмаслигидан юзага келадиган ҳар бир норозилик, қарама-қаршилик ёки конфликт орқасида умумий тизим ва тизимнинг бирор таркибий қисми (бир-бутунлик ва қисм); узук-юлуқ ва доимий муносабатлар (структура ва функция); ички ва ташқи; уюшган ва уюшмаган; доимий ҳар хиллик ва доимий бир хиллик хусусиятлари конфликтнинг ҳам шу хусусиятларга ҳос турларга бўлинишидан дарак беради.

Структуравий-функционал таҳлил услубида (Т.Парсонс, Р.Мертон, К.Дэвис ва б.) ижтимоий тизим барқарорлигини таъминловчи тузилмалар ва механизмларни ўрганиш конфликтларга оид ҳам тузилмавий, ҳам функционал хусусиятга эга бўлган бир қатор қарашларни юзага келтирди. Масалан, Т.Парсонснинг фикрича, ҳар бир тизим “субъект”дан тўртта умумий мажбурий бўлган талабни такозо этади. Бўлар:

- ташқи объектга мослашиш;
- мақсадли яшаш;
- тизим элементлари ўртасида конфликтсиз муносабатларни ёклаш (интеграция);

- институционал характердаги қадриятларни маъқуллаш.

Ушбу қайдлар, унингча, жамиятнинг конфликтсиз бўлишида муҳим ўрин тутадиган устувор тамойиллардир.

Р. Мертон Т.Парсонс қарашларидан фарқли равишда, маълум тизимда қарама-қаршиликларнинг юзага келмаслиги учун аввало ижтимоий структурага (ижтимоий ҳаёт тузилиши) эътибор бериш керак, дейди. У ўзининг “Ижтимоий структура ва анатомия” асарида индивидларнинг жамиятга мувофиқлашишида, бешта тур (конформизм, инновация, ритуализм, ретризм, ғалаён) мавжудлигини айтади. Ушбу турларнинг индивидлар томонидан инкор этилиши кутилмаганда муайян конфликтларни келтириб чиқаради.

Умуман олганда, тизимли ёндашувни инкор этиш ва изчиллик мезонлари асосида қарама-қаршиликларни классификациялаш услубини энг мақбул ёндашув дейишдан йироқмиз. Маълумки, диалектика изчил тараққиётнинг умумий чизгиларини кўйидагича таъкидлаган;

- тизим элементлари ёки маълум таркибий қисмлар ўртасида ички қарама-қаршиликнинг пайдо бўлиши ва унинг кенгайиши;

- нобарқарорлик ва тизимнинг йук бўлиши ва янгича бир тизимга ўтиш.

Тизимни таҳлил этиш билан шуғулланаётган бугунги замон тадқиқотчилари бундай тараққиёт асосларининг бўлиши муқаррарлигини таъкидласалар-да, бироқ бу услубни тизим ривожланишининг ягона омили сифатида қарамайдилар. Бундай қарашларда муайян бир тизимга нисбатан ўзгаришларни “тизимни йук қилиш” воситасида қарамасдан, янгича тизимни янада юксалтириш воситалари орқали яратиш кераклиги таъкидланади. Юксалтириш (янгича ёндашувлар асосида) муайян тизимнинг тараққиёт манбаи эмас, балки мавжуд тизимга қарши ҳаракатдир. Агар унга манба сифатида ёндашилса, унинг диалектикадан фарқи қолмайди. Юксалтириш мавжуд тизимни бирданига йук қилмасдан, балки, янгича тизимни тадрижийлик асосида яратишдан иборатдир. Зеро, жамиятга нисбатан тизимли ёндашувнинг аҳамияти ҳам шунда.

Баъзи олимлар конфликтларни тизим нуқтаи назаридан иккига бўлишган: яъни, тизим ичидаги ва тизим ташқарисидаги

конфликтларга. Шу ўринда тизим ичидаги қарама- қаршилик ва конфликтлар талқинига ҳам тўхталиб ўтсак. Марксча таълимотда, тизим ичидаги қарама-қаршиликлар ва конфликтлар – эскича ишлаб чиқариш муносабатлари билан янгича ишлаб чиқариш кучлари ўртасида мавжуд бўлади ва шу вақтда ижтимоий ҳаётда эски тизим ўрнига янги тизимнинг шаклланиши ҳақидаги фикрлар таъкидланган. Ижтимоий тизимга нисбатан бундай қарашлар бугунги кунда танқид қилинмоқда. Масалан, Л.Козер жамиятни ижтимоий тизимни иккига бўлади. Улардан:

биринчиси – “ёпиқ” тизим;

иккинчиси эса, хурфикр, очиқ тизим.

Унингча, “ёпиқ” тизим вакиллари ўз манфаатларини инқилобий куч ишлатиш йўли билан амалга оширса, хурфикр жамият вакиллари эса мавжуд конфликтларни ижтимоий институтлар орқали бартараф этишни ёқлайди ва шунинг учун ҳаракат қилади.

• Ғарб тадқиқотчилари ичида Э.Гидденс қарашлари ҳам ўзига ҳосдир. Унинг фикрича, ҳар қандай жамият ягона гуруҳий тамойилларга асосланмайдиган ҳокимлик ва эксплуатация формалари хурфикрлиги билан ҳарактерланади. Шунинг учун кишилиқ жамиятидаги гуруҳларга тугал баҳо беролмаётган назарий тафовутлардан фарқли равишда, амалиётда гуруҳларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлган эксплуататорлик муносабатларининг учта тури мавжуддир. Бўлар:

1) давлатлар ўртасидаги эксплуататорлик муносабатлари;

2) эксплуататорликнинг биринчи турига тўла мос келувчи ёки мос келмайдиган этник гуруҳлар ўртасидаги эксплуататорлик муносабатлари;


3) эркаклар ва аёллар ўртасидаги эксплуататорлик муносабатлари (жинсий асосларга таянган эксплуататорлик). Жамиятда қандай гуруҳлар бўлмасин, уларнинг турмуш тарзи ушбу эксплуататорлик кўринишларидан холи эмас.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, тизим ичидаги қарама-қаршиликлар назарий конфликтлар типологиясининг асосида турар экан. Шу жиҳатдан ҳам уларни фақат гуруҳий қарама-қаршилик кабилидагина чегаралаб бўлмайди.

Конфликтлар доираси. Конфликт субъектлари ва унинг доиралари кўринишини алоҳида-алоҳида кўрсатишга асосланган конфликтлар типологияси энг осон ва тушунарлидир.

Конфликтларнинг типологиясини кўйидагича умумий чизмага солиш мумкин:

1 - жадвал



1-якка тартибдаги конфликт; 2-гуруҳлараро конфликт, 3-иқтисодий конфликт; 4-сиёсий конфликт; 5-манфаатлар конфликти; 6-когнитив конфликт (қарашлар қарама-қаршилиги); 7-зўрликка асосланган конфликт; 8-куч ишлатмасдан юзага келган конфликт.

Мана шу хусусиятларга асосланиб жамиятдаги конфликтларни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий, миллатлараро, шунингдек, кундалик турмушда учраб турадиган тор доирадаги конфликтларга бўлиш мумкин.

Агар иқтисодий конфликтларга эътибор қаратсак, унинг натижасида янги жамиятга ўтиш ҳолати юз беради ва бозор иқтисодиёти олдингисидан фарқли равишда ўзгаради. Масалан, мантиқан олиб қараганда, давлат мулкчилиги асосида шаклланган жамиятда давлатнинг ўзи иқтисодий конфликт учун замин яратиб беради. Давлатда эртами ёки кечми конфликтнинг бўлиши муқаррар. Конфликтнинг кечроқ содир бўлишига давлатнинг мафкуравий кучлари ҳам сабаб бўлиши мумкин. Лекин мафкура ҳам котиб қолган нарса эмас. Унинг ўзгариб ривожланиб бориши табиий. Ана шу мафкуравий ўзгариш жараёнида иқтисодий муҳит ундан айри холга тушиб қолади ва натижада иқтисодий инқирозлар – иқтисодий конфликтларга йўл очилиши турган гап. Собиқ СССР даврида ишсизлар йук, иш

ташлаш ҳолатлари ва гуруҳлараро кураш ҳам йўқ деган шиорлар ўйлаб топилган эди. Аслида-чи?! Аслида умумдават миқёсида иқтисодий соҳадаги конфликтлар гуёки йўқдек кўринса-да, у конфликтлар ўз вақтини кутиб турарди. Мавжуд мафкура уларни шунга мажбур қилган.

Бозор муносабатлари шароитига ўтиш жараёнида иқтисодиётнинг янгича қонуниятларини кўриш мумкин. Мантиқан олганда бозор – бу қарама-қаршиликларнинг рақобат майдонидир. Томонлар ўртасидаги муносабатлар иқтисодий рақобат доирасидан чиқиб конфликтли ҳолатга келиши ҳам мумкин. Бундай бўлишга сабаб иқтисодчиларнинг соф иқтисодиёт қонунлари доирасидан чиқиб, иқтисодий муҳит учун номақбул воситалардан фойдаланишидир. Қолаверса, иқтисодий соҳа билан шуғулланиб келувчиларнинг иқтисодий иш юритиш манбаларини, иқтисодий билим асосларини билмасликлари ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мана шундай ҳолатларга йўл кўйилса, гарчи бозор иқтисодиётига ўтиш даври бўлса-да ўта хавфли конфликтлар кутилмаганда юзага келиши ва давлатга катта зарар етказиши мумкин. Масалан:

- иш ташлаш;
- локаут ҳолатлар;
- ўта молиявий инқироз ва б.

Бу билан бозор иқтисодиётига ўтиш конфликтлар эвазига олиб борилади демокчи эмасмиз. Аксинча, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай давлат халқ ўртасидаги савдо-сотиқ ва ишчи кучи масалаларига алоҳида эътибор беришини айтмоқчимиз холос.

Сиёсий доирадаги конфликтлар – бу нисбий олганда демократик жамиятдаги табиий ҳолатдир. Лекин кўпинча сиёсий доирадаги конфликтлар кенг камровли ҳолатларга айланиб боради – кўзғолон, оммавий тартиббузарлик ва ниҳоят охири - фуқаролар уруши. Бундай жараёнлар сиёсий конфликтлар доирасига кирса-да, демократик жамиятда ўз манфаатлари учун курашишнинг гайриқонуний кўринишларидир. Тўғри, ўша кўзғолон ёки оммавий тартиббузарликлар давлатнинг қандай сиёсат олиб бораётганлиги билан ҳам боғлиқ.

Биз сиёсий конфликтларни демократик жамиятдаги одатий ҳол деганимизда, давлатдаги сиёсий ҳаракатлар ва партиялар, Парламент

фракциялари, қолаверса, шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг ўз сиёсий ҳуқуқ ва бурчларини билишлари ва унга риоя қилишлари сингари омиллардаги нисбийликни назарда тутаётимиз.

Кўплаб замонавий сиёсий конфликтлар диний ва миллатлараро муносабатлардаги ноуйғунлик билан ҳарактерланади. Агар муаммо ўрганилса ўша ноуйғунликлар орқасида ҳаракатга келтирувчи куч сифатида муайян сепаратистик ёки диний уюшмаларнинг турганлигини кўриш мумкин.

Агар меҳнат, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, таълим соҳасидаги манфаатлар қарама-қаршилигини ўзида акс эттирган конфликтларни кўриб чиқсак, улар юқорида айтилган икки умумий конфликт турлари – иқтисодий ва сиёсий конфликтларга бориб такалади. Бўлар нафақат иқтисодий ва сиёсий конфликтлар билан боғлиқ, балки уларнинг келиб чиқишидаги (давлат ичида) бош мезонлардир ҳам.

Конфликтларни унда иштирок этувчилар сони, бошқарилиш даражаси, илгари сурилаётган ғоялари ва бошқа жиҳатларига қараб ҳам классификациялаш мумкин. Ёки бўлмасам конфликтларни унинг давом этиш вақтига қараб ҳам ўзоқ муддатли ёки қисқа муддатли конфликтларга; ресурсларга нисбатан ҳам моддий, рухий ва ижтимоий омилларга таянган конфликтларга; макон ва замон жиҳатидан чегараланганлик даражасига ёки субъектларнинг имконият даражаларига ва бошқа хусусиятларига қараб ҳам типларга ажратиш мумкин.

Кўйида америкалик конфликтолог Р. Далнинг ижтимоий конфликтлар классификациям ва унинг ўзига ҳос хусусиятларини акс эттирувчи жадвалини хавола қиламиз.

2-жадвал

Конфликтлар	Рақиблар жуфтлиги	Рақиблар даражаси	
		паст	баланд
Кумуляция ҳолатига эга бўлган	доимий биполяри	меъёрли биполяри	Поляри- зация
	кўпкўтбли (кўп)	меъёрли кўпкўтб	чуқур сегментац
Бир-бирига туташиб	ўзгарувчан ҳолатда	меъёрий кўшилув	меъёрий сегментац

Поляризация деганда, Р.Даль жамиятнинг иккита асосий кўтбга бўлиниб кетиб, улар ўртасидаги кескин қарама-қарши

ҳолатларнинг юзага келишини назарда тутати. Сегментация деганда эса, жамиятда муайян даражадаги қатлам ва гуруҳларнинг юзага келиши, уларнинг бирор консенсусга келинмасдан ўртадаги конфликтларнинг тобора авж олиши тушунилади.

Конфликтлар доирасини тадқиқ этиш чоғида қайсидир типга мансуб бўлган конфликтларни яна бир-биридан фарқ қилувчи (баъзан эса бир-бирини тўлдирувчи) классификацияларга ажратиш мумкин. Шулардан миллатлараро конфликтларга тааллуқли бўлган айрим қарашларимиз асосида келтириб ўтмоқчимиз:

1) *“Бошқарилиши қийин бўлган хис-хаяжонли” конфликтлар.* Гап қирғин ва тўполонлар тусидаги конфликтлар ҳақида бормоқда. Бундай конфликтлар учун тартибсиз ҳолатлар “ташаббускор”лари мақсадларининг ноаниқлиги ва бошқалар у ёқда турсин “ташаббускор”лар учун ҳам содир бўладиган воқеаларнинг ўзлари кутмаган даражадаги оқибатлари характерлидир. Бундай конфликтларда ташқи омиллар кўпинча ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади. Бироқ улар конфликт содир бўлаётган жойда катнашмасдан ташқи субъектлигича қолаверади. Бундай ҳолатларга 1989 йилда содир бўлган Фарғона воқеалари, 1991 йил 16-17 январда талабалар шаҳарчасидаги нохушликларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

2) *“Мафкуравий дастур”ларга асосланган конфликтлар.* Бундай конфликтлар муайян тарихий шароитга эга бўлган сиёсий, миллий ва диний ҳаракатларнинг амалий фаолиятлари билан боғлиқ. Одатда маълум бир давлат ёки минтақадаги миллий талаблар стихияли тарзда эмас, балки ижобийми ёки салбий бўлишидан катъи назар муайян мафкуравий асослардан кейин шаклланади. Шунинг учун мафкуравий характердаги бундай конфликтлар муддати кўпинча ўзоқ муддатгача кескин тарзда давом этади. Ўша кескинликларнинг орқасида маъмурий-худудий бўлинишга оид тортишувлар, давлат ёки маъмурий мақомини олиш масаласи ва шу каби муаммолар туради. Ўзоқ вақтлардан бери давом этиб келаётган курдлар масаласи, Кашмир, Яқин Шарқдаги муаммолар бундай конфликтларга мисол бўла олади.

3) *“Сиёсий институтлар” тизимидаги конфликтлар.* Ноаниқ чегаралар, давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги

муносабатларда, шунингдек, сиёсий партия ва ҳаракатларнинг фаолиятида учраб турадиган конфликтлар ушбу конфликтлар камровига киради.

Мазкур бўлим охирида яна бир бор таъкидлашни лозим топдикки, конфликтлар типологияси бир қарашда умумий ҳулосалардек кўринади. Негаки маълум бир конфликтнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта типларга мансуб бўлиши табиий эканлигини унутмаслик керакки, конфликтларни типларга ажратишдан мақсад бу содир бўлиб ўтган ёки бўлаётган воқеа-ҳодисани тадқиқ этишнинг бошланғич нуқтасини топишдан иборатдир. Қолаверса, назарий ва амалий жиҳатдан конфликтлар типологиясини ўрганиш конфликтларни бартараф этишдаги бошланғич омил эканлигига қараб унинг юзага келиши, ривожланиб бориши ва мухтасар ҳолатидан баҳс этишимиз мумкин.

10) Конфликт функцияси

Конфликтнинг функцияси ва ижтимоий роли. Конфликтнинг инсон ва жамият турмуш тарзига бевосита алоқадорлиги ва таъсирини ҳар жабҳа, ҳар сонияда кузатиш мумкин. Унинг алоқадорлиги ва таъсир кучини ижтимоий конфликт жамият ҳаётининг умумий мазмунини белгилаб беришида; иккинчидан эса жамиятдаги ижтимоий конфликтлар ва турмушнинг бошқа жабҳаларида кузатиш мумкин.

Шу ўринда савол туғилади юқорида айтилган биринчи умумий функция, яъни ижтимоий конфликт жамият ҳаётининг умумий мазмунини белгилаб бериши деганда нимани тушунмок керак? Бу ҳолат конфликт субъектлари ўртасида муаммога нисбатан очиқ ёки яширинча тарзда муносабат билдиришларида намоён бўлиб, кўпинча жамият ривожига асосида қарама-қарши мезонлар туришини уқтиради. Иккинчи умумий функция - бу бевосита амалий фаолият, яъни муайян конфликтларнинг содир бўлиши билан боғлиқдир. Назарий таҳлиллар чоғида бу икки аспектни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Зеро умумий маънода жамият ривожига асосида маълум қарама-қаршиликлар турса-да, ўша қарама-қаршилиқ жамиятнинг маълум бир даври учун муҳим бир конфликт ҳисобланади.

Конфликт функциясини тушунтириш учун ижтимоий ҳаётнинг икки муҳим соҳаси - моддий ва маънавий муҳит тўғрисида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Моддий мезонларга асосланган конфликтлар функцияси жамиятнинг биринчи навбатда иқтисодий ҳаёти билан боғлиқдир. Зеро, бундай конфликтлар сиёсий ва ҳуқуқий меъёрларнинг бузилишидан келиб чиққан тақдирда ҳам. Иқтисодий ривожланган давлатларда моддий мезонларга асосланган конфликтлар функцияси тез-тез кўзга ташланиб туради.

Конфликтларнинг жамият маънавий ҳаётига ҳам таъсир этиши табиий. Бу жараёнда маънавий доирада кескин ўзгаришлар юз бериб конфликт функциясининг салбий оқибатлари яққол сезила бошлайди. Маънавий муҳит, маънавий қадриятлар, урф-одатлар, одамлар тафаккури барча-барчаси тезликда эмас, балки маълум бир тарихий давомийликда ўзгариб боради. Бундай ўзгаришлар одатда ўзоқ муддатли мафкуравий курашлар жараёнида шаклланади (одамларнинг моддий эҳтиёжига қараб ва бошқа ҳолатларда уларни мажбуран шакллантирилиши ҳам мумкин).

Шунингдек, конфликтлар умумжамят тафаккурида воқеликка нисбатан кескин чора-тадбирлар кўриш кераклигини ҳам шакллантиради. Бу конфликтнинг ўзига ҳос кескин функциясидир. Бундай жараёнда субъектлар барча ўрганиб қолгандек, жамиятга ва унинг тараққиётига бир хил назарда эмас, балки бошқа-бошқа томонлардан объектив эътибор бериш кераклигини ҳамда кўпчилик назаридан четда қолган хусусиятларни очиб беради.

Биз юқорида моддий ва маънавий мезонларга асосланган конфликт функциялари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдик. Лекин конфликтли муносабатларни таҳлил этганда унинг амалий киймати фақат моддий ва маънавий оқибатлар билангина чекланмаслигининг гувоҳи бўлдик. Шулар билан бир қаторда конфликтнинг ижтимоий организми хусусиятларидан келиб чиқадиган конфликт функциялари ҳам мавжуд. Конфликтнинг бундай функцияларига оғох этувчи, информацион, дифференциациялаш ҳамда динамик вазифаларни бажарувчи функциялар киради.

Огох этувчи функция. Мазкур функция конфликтни жамиятнинг маълум бир макондаги ўзига ҳос даражага ва бошқа хусусиятларга эга бўлган ҳолати сифатида намоён қилади. Бунда конфликтни келтириб чиқарган сабаб ёки баҳоналар чуқур таърифланмайди. Бироқ конфликт ҳақида умумий дарак бериш функцияси бажарилади холос.

Информацион функция. Бу функция огох этувчи функцияга яқин бўлса-да, ўзининг амалий кўлами жиҳатидан ундан тубдан фарқ қилади. Информацион функцияда конфликт тафсилоти кенгроқ ёритилади. Конфликтнинг маълум сабаблар асосида юзага келганлиги, жараёнларнинг улар билан объектив боғлиқлиги каби жиҳатлар информацион функцияда ўз аксини топади. Қолаверса, конфликтнинг янада кенгайиши ёки аксинча бўлиши, конфликт йўналиши, унда ички ва ташқи омилларнинг ўрни ва бошқалар информацион йўналишга эга.

Дифференциациялаш функцияси. Ушбу функция конфликтда муҳим ўрин тутadi. Бу конфликтда вужудга келадиган ижтимоий дифференциаланиш жараёнларини ўзида акс эттириб, конфликтнинг ижтимоий муҳитга нечоғли таъсир этганлигини кўрсатиб беради. Бунда кўйидаги кетма-кетлик шаклланади:

- 1) конфликт;
- 2) дифференциацияланиш жараёни;
- 3) иккита қарама-қарши йўналиш;
- 4) поляризация.

Бу функция юқоридаги босқичлардан сўнг иккига бўлинган қарама-қарши томонларнинг ўзига иттифоқдош излаши ва улар билан интеграцион жараёнларни шакллантириши (албатта, рақибга қарши куч сифатида) каби жараёнларни ҳам кўрсатиб беради.

Динамик функция. Ушбу функциянинг сиёсий ахамиятини ўз вақтида марксизм таълимоти “ гуруҳлараро кураш ва ижтимоий инқилоблар” характери сифатида очиб берган эди, яъни ҳар қандай ижтимоий конфликт жамият тараққиётини тезлатиши, ижтимоий ўзгаришларнинг шаклланишига олиб келиши шарт, деб қаралган.

Тўғри конфликтнинг маълум даражада бундай динамик функцияси ҳам бор. Лекин бунда кўйидаги асосларга ҳам эътибор бериш керак. Биринчидан, вақт катта роль ўйнайди; иккинчидан, ҳар қандай ижтимоий конфликт ҳам жамият прогрессига доимо

таъсир ўтказавермайди. Буни бошқачарок айтадиган бўлсак, конфликт таъсирида жамият ўзгариши мумкин, лекин конфликт функциясининг динамикасини қай томонга йуналтирилганлиги ўта муҳим.

Конфликтнинг функционал қарама-қаршилиги. Конфликтлар функцияларини тадқиқ этишдан олдин уларнинг жамиятдаги мавжуд қарама-қарши тенденциялар асосида шаклланишини айтиб ўтмоқ жоиз. Шунинг учун ҳам конфликтнинг диалектик ва ички қарама-қаршилиқ табиати ўзига ҳос мувофиқлашган муҳит билан йўғрилгандир. Поляк олими Я.Штумский конфликтнинг ана шундай жиҳатларини тадқиқ этиб, бешта бир-бирига қарама-қарши жуфтликдан иборат ижтимоий конфликт функциясини ишлаб чиққан. Улар кўйидагилардан иборат:

- *фарқ қилувчи ва бир-бирини тўлдирувчи функция,*
- *интеграцион ва дизинтеграцион функция,*
- *ниқобланган ва ниқобсиз функция,*
- *прогрессив ва регрессив функция,*
- *позитив ва негатив функциялар.*

Ижтимоий конфликтнинг фарқ қилувчи ва бир-бирини тўлдирувчи функцияси конфликт иштирокчилари билан характерланади. Яъни, содир бўлиб ўтган ёки бўлаётган конфликтга нисбатан конфликт иштирокчиларида турли фикрлар юзага келиб, бу фикрлар табиий равишда бир- биридан фарқ қилиши ва бир-бирини у ёки бу даражада тўлдириши турган гап. Иштирокчилар ўз фикрларига қараб гуруҳларга бўлиниши мумкин ва бу жараёнда муайян қарашларни илгари сурувчи қарама-қарши ҳаракатларнинг юзага келиши ҳеч гап эмас. Албатта бундай ҳолатлар барча конфликтларда ҳам содир бўлавермайди.

Конфликтларнинг интеграцион функцияларни бажариши табиий. Бироқ маълум бир жамиятда қарама-қарши фикрдаги кишилар ҳам интеграцион жараёнларда иштирок этиши мумкин. Масалан, бир давлат фуқаролари фикрларининг турфа хиллигидан қатъи назар ўз давлатининг юксалиши йўлида бирлашишига шубҳа йук. Шунингдек бирор давлатда интеграцион муҳит ҳам юзага келиши мумкин. Масалан, давлатдаги партия ва ҳаракатлар, диний мазҳаб ва бошқалар ўртасида.

Ҳалқаро муносабатларда интеграцион ва дизинтеграцион жараёнлар маълум бир давлат ичидагига нисбатан янада яққолроқ кўзга ташланади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Я.Штумскийнинг конфликт функцияси борасидаги қарашлари кўплаб конфликтолог олимлар қарашларидан тубдан фарқ қилади. Улар кўйидалардан иборат:

- ниқобланган ва ниқобсиз;
- тараккийлашган ва таназзулга юз тутган ;
- позитив ва негатив функциялари ҳақида тўхталиб бирига қарама-қарши муҳитларнинг конфликт барҳам топгандан кейин ҳам юзага келиши.

У ўзининг конфликт функцияси борасидаги концепцияси билан бирор конфликт барҳам топгандан кейин ҳам жамият ҳеч қачон муаммодан қутула олмаслигини айтади. Негаки бартараф этилган конфликт ўз навбатида ижтимоий ҳаётда ўзига қарама-қарши томондан янги бир конфликтнинг юзага келишига имкон яратади. Масалан, урушни олайлик. Уруш маълум бир вақтга келиб ўз нихоясини топиши мумкин. Лекин урушнинг туташи бундан кейин ижтимоий ҳаётда конфликтнинг батамом йук бўлиб кетиши дегани эмас, — дейди олим.

Конфликтлар жамиятда умумий ёки қарама-қарши функцияларни бажармасин, барибир, нисбий маънода ҳар қандай конфликт функцияси ўша конфликтнинг жамиятга нечоғли йўқотишлар олиб кетирганлигидан келиб чиқиб баҳоланиши керак. Чунки кўламининг қандайлигидан қатъи назар, конфликт жамиятда у ёки бу даражадаги йўқотишларни юзага келтириши табиий. Йўқотишлар деганда фақат моддий мезонлар эмас, балки у билан биргаликда маънавий-ахлоқий, рухий мезонларни ҳам назарда тутамиз. Зеро, ижтимоий ҳаётда моддийлик билан маънавий муҳит муштаракдир.

4-боб. Диний конфликтлар

1.Диний конфликтлар турлари.

Дин ижтимоий ҳаётнинг бир бўлаги бўлиб, у бутун бошли ижтимоий ҳаётда ягона ҳукмрон бўла олмайди. Улар кўйидаги сабаблар билан изоҳланади, яъни:маконий сабаблар-ер юзининг барча минтақаларида одамзод турмуш тарзи бир даврнинг ўзида юзага келмаганлиги;маълум бир минтақада яшаётган инсонлар бошқаларникидан тубдан фарқ қиладиган ўзига ҳос турмуш тарзига эга бўлганлиги;географик муҳитнинг одамлар турмуш тарзига нисбатан таъсир этиш и ва б.функционал сабаблар:муайян муҳитдаги диннинг (гноселогик жиҳатдан қараганимизда) аввало ўзига ҳос тартиб қоидаларни ўрнатиш мақсадида юзага келганлиги;катта-кичиклигидан қатъи назар диний таълимотлардаги урф-одатлар, расм-русмларнинг бир-биридан у ёки бу даражада фарқланиши;диннинг пайдо бўлишига нисбатан ягона қарашнинг йуклиги;ҳаёт доимо ўзгаришда, ўзгариш эса динга ва динга эътиқод қилувчиларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Энг асосийси, ўзгаришларнинг таъсир даражаси барча динларга нисбатан бир хилда бўлмаслиги ва бошқалар.Шу жиҳатдан қараганимизда диннинг хусусияти ва даражаси жамият ва унинг ривожланиш босқичлари билан бир хилда кечмайди. Дин жамиятнинг муайян босқичида пайдо бўлган бўлса, унинг маълум бир босқичида гуллаб-яшнаши ва бу жараён маълум давргача давом этиши ҳам мумкин.Дин ижтимоий феноменининг ўзига ҳослиги ҳақида сўз кетганда, уни ижтимоий ҳаётнинг бир қатор парадигмалари (ахлоқ, санъат, фалсафа, ҳуқуқ, фан ва б.)дан фарқлаш мумкин. Динга ижтимоий феномен сифатида қараб, унинг жамият билан алоқадорлигини тадқиқ этиш натижасида жамият қирраларининг ижтимоий жиҳатдан ҳам фарқланишига (дифференциациялашувига) амин бўлиш мумкин. Агар жамият ривож ҳақида сўз кетаётган бўлса, айтиш мумкинки, ижтимоий ҳаёт барча тармоқларининг, шу жумладан, диннинг ҳам тараққиёт асосларининг юзага келишида маълум даражадаги улуши бўлиши табиий. Бундан англашиладики, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари феномени бир- бири билан боғлиқ бўлиб, уларни бир-биридан айри ҳолда тасаввур қилиш

мумкин ҳам эмас. Шу ўринда савол туғилади. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўзида мужассамлаштирган умумий жамият феномени қандай характерланади?

Аввало “*жамият*” тушунчасига тўхталсак. “Жамият” тушунчаси умумий маънода, инсоният тарихий-тадрижий тараққиётининг маълум бир босқичида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуасини ифодалайди. Аниқроқ қилиб, айтадиган бўлсак, “жамият” тушунчаси маълум гуруҳ аъзолари ўртасидаги ва гуруҳлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ўзаро алоқадорлигини англатади. Ижтимоий муносабатлар эса шахс ёки гуруҳлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа муносабатлар йиғиндисидир. Демак, шахс ва муайян ижтимоий гуруҳлар жамиятнинг бир аъзолари экан.

Ҳар қандай жамият ўзига ҳос ижтимоий муносабатларга, шунингдек, ўзининг моддий ва маънавий яратувчанлик имкониятларига ҳам эга бўлади. Шу жиҳатдандан қараганимизда “жамият” “*маданият*” тушунчасининг амалий жиҳатларини ҳам акс эттирар экан-да, дейишимиз ҳам мумкин. Тўғри “маданият” ва “жамият” тушунчалари тавсифи жиҳатдан бир-бирига жуда яқин туради. Бундай бўлишига сабаб битта, яъни ҳеч бир жамият маданий қадриятларсиз ёки аксинча, ҳеч бир маданият жамиятдан ташқарида бўлмайди. Жамиятда инсонлар яшайди, маданиятни эса ана шу инсонлар яратади. Агар иқтисодий соҳа жамиятнинг бир ижтимоий бўлаги бўлса, иқтисодий ишлаб чиқариш эса мазкур жамиятнинг фақат иқтисодий яратувчанлиги эмас, балки аввало шу жамиятнинг маданиятидир. Ёки бўлмасам, ижтимоий ва маънавий соҳа жамиятнинг ўзига ҳос бўлган соҳаларидан иборатдир. Бироқ жамият ижтимоий ва маънавий турмуш тарзидаги қўлга киритилган ютуқлар мажмуи ҳам аввало маданиятдир, десак муболаға бўлмас.

Кўриниб турибдики, маданият тушунчаси ҳам жамият тушунчаси сингари кенг маънода қўлланилар экан. Бироқ жамият ҳам, маданият ҳам умуминсоний ҳодиса. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўзига ҳос моддий ва маънавий муҳитга эга бўлиб ана шу муҳит иккала тушунчани бир-бирига яқинлаштиради. Масалан, жамият эса ижтимоий ҳаётдаги барча соҳалар(иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳуқуқий ва б.)нинг муштараклигини, уларнинг ўзаро алоқадорлигини ўзига қамраб олса маданият ижтимоий ҳаётдаги

жамики амалий ишлар (моддий) ва ахлоқий-рухий (маънавий) кечинмаларнинг ҳаммасини ўзида жо этади.

Шу ўринда дин жамиятнинг маълум бир ижтимоий соҳаси сифатида кўрилиб, кўпроқ маданият тушунчасига дахлдордек туюлади. Шунинг учун ҳам биз назарда тутаётган “дин ва жамият” умумий “дин ва маданият”нинг бир бўлаги экан деган хулосага шошилмаслик керак.

Тўғри, ҳар бир дин ўз маданиятига эга. Бироқ ҳар бир дин маданияти аввало ўзининг ички қонуниятлари, расм- русмлари асосида юзага келади. Шунинг учун ҳам у бошқа диний маданиятлардан фарқланади.

“Дин - маданият” деганда бошқа нарсаларни назарда тутаётирмиз. Маълумингизким, жамиятга, унинг тараққиётига нисбатан икки хил ёндашув мавжуд - бири формацион, иккинчиси эса, цивилизацион (тамаддуний). Жамият тараққиётига формацион ёндашув ўзининг гуруҳий ҳарактерга эга эканлиги, қолаверса, жамиятни бир томонлама тадқиқ этишга йуналтирилганлиги боис илмий услублар доирасидан чиқиб кетмоқда. Цивилизацион ёндашув аввало жамиятнинг барча қирраларига бир хилда йуналтирилганлиги билан ажралиб туради. Цивилизация – бу ривожланиш демакдир. Цивилизациянинг мақсади фароғатли ва фаровон жамият яратишдан иборат. Ушбу жиҳатларга эгалиги билан жамиятга цивилизацион ёндашиш аҳамиятлидир.

“Цивилизация” атамаси борасида ҳам бугунги кунда ҳар хил қарашлар мавжуд. Масалан Гарвард университети қошидаги стратегик тадқиқотлар институти собиқ директори С. Хантингтоннинг фикрича, цивилизация – бу аввало маданиятга оид тушунчадир. Ҳар бир цивилизация умумий маданиятнинг объектив элементлари (тил, тарих, дин, урф-одатлар) ва инсонларнинг унга субъектив равишдаги ёндашувларидан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Унингча, келгуси дунё бир-бири билан алоқада бўлувчи ва бир-бирига таъсир этиб турувчи етти ёки саккиз цивилизацияга эга бўлади. Булар – 1) ғарб; 2) конфуцийлик (Хитой); 3) япон; 4) ислом; 5) индуист; 6) славян-православ; 7) Лотин-Америка, булардан ташқари бўлиши мумкин 8) Африка цивилизациялари.

С.Хантингтон фикрича, келажакдаги умумбашарий конфликтлар миллий (XIX асрдаги сингари) ёки мафкуравий (XX асрдаги сингари) тусда эмас, балки маданий омиллар асосида аниқланади. Келгуси жамиятда шаклланажак саккиз цивилизация – бу аввало саккиз маданий муҳит демакдир. Жаҳон сиёсати ана шу маданий муҳитларнинг ўзаро тўқнашуви ва рақобати асосида шаклланади. Қолаверса, жаҳондаги давлатларни умумий сиёсий ёки иқтисодий белгиларига қараб эмас, балки у ёки бу маданиятга мансублигига қараб табақалаштириш мумкин.

Тарихан жамиятдаги классик ва мафкуравий конфликтларда асосий савол “*Кимнинг тарафидасан?*” кабилида бўлган бўлса, цивилизациялараро конфликтларда эса асосий савол “*Сен кимсан ва қаердансан?*” кабилида бўлади,- дейди С. Хантингтон. У келгуси жамиятда маданиятнинг ролини ошишига асосий сабаблардан бири сифатида кўйидаги омилларни кўрсатади, яъни “коммунистлар демократлар бўлиши ёки бойлар камбағал бўлиб қолиши мумкин. Ёки аксинча. Лекин руслар ҳеч қачон эстон, озарбайжон, арман бўлиб қолмайди. ...Тўғри одам қони ярим араб ва ярим француздан иборат бўлиши мумкин. Бироқ одам ҳеч қачон ярим католик ва ярим мусулмон бўлолмайди”.

С.Хантингтон ўзига ҳос маданий муҳитга эга бўлган цивилизацияларнинг чегараларига алоҳида эътибор қаратади. Унингча, ҳар бир цивилизация чегараларини аниқлаш мушкул. Цивилизациялар чегаралари туташган жойлар доимо конфликтли вазиятда бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундайлигича қолади. Масалан, Яқин Шарк минтақаси, Кашмир ҳудудлари, Шаркий Туркистон, Шаркий Европа, Греция ва Туркия ҳудудлари, Кавказорти минтақаси ва бошқалар.

Бир неча цивилизацияга мансуб халқлардан ташқил топган давлатларнинг вақти келиб парчаланиб кетиши - бу қонуният. Чунки давлатда яшаётган халқларни сиёсий ёки иқтисодий жиҳатдан бирлаштириб туриш мумкин, бироқ маданий жиҳатдан улар мансуб бўлган цивилизацияларни ўзоқ вақт “темир чегара”лар билан ушлаб туриш қийин. Олим бунга мисол тариқасида собиқ СССР ва собиқ Югославиядаги дезинтеграция жараёнларини кўрсатади.

Шу ўринда фикрларимизни бир умумлаштирсак. Атрофимизни ўраб турган ёки биздан олис-олисларда мавжуд

бўлган ҳаётни “жамият” ёки “маданият” деб атаймизми, барибир, иккаласида ҳам дин (“жамият”да муҳим бир ижтимоий соҳа, “маданият”да муайян бир цивилизация сифатида) муҳим аҳамиятга эга экан. Шу ўринда айтиш жоизки, бизнингча, “жамият”, “маданият” ёки “цивилизация”каби тушунчаларни ижтимоий жиҳатдан тадқиқ этишда уларнинг ўртасига “девор” қўйиб бўлмайди. Чунки “жамият” ҳам, “маданият” ва “цивилизация” ҳам барча гуманитар фанларга оид умумий категориялар бўлиб, улар нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам ҳаётда бир-бирига боғлиқдир. Колаверса, жамият - борлиқ - олам. Зеро, ҳар қандай маданият ва цивилизация борлиқ - оламда кечади. Борлиқ - оламдаги яққаю ягона онгли мавжудот эса одамдир. Олам ва одам кечагина пайдо бўлган эмас, улар ўз тарихий андозаларига эга. Агар олам ва одам ўртасидаги муносабатларга мантиқан ва терапрук назар солсак, консенсусдан кўра конфликтли баҳсу мунозараларнинг кўп эканлигига амин бўламиз. Баҳс мавзуси эса ўша - ўша (оламда одам пайдо бўлгандан кейин юзага келган) инсон ҳаёти ҳамда инсон руҳи ҳақидаги масалалардан иборат. Хўш, инсон қачонга келиб ушбу баҳсларга мухтасар ясаши керак?

XIX аср 60-йилларининг бошида машҳур социолог Т. Парсонс жамиятда барқарорлик ўрнатишнинг назарий асосларини ишлаб чиқди. Унингча, инсонлар ҳаётидаги тушунмовчиликларга, ўзлуксиз қарама-қарши баҳсу мунозараларга фақат барқарор бўлган жамиятдагина чек қўйиш мумкин. Тадқиқотчининг фикрича, дин - жамиятнинг барқарорлиги ва нобарқарорлигини таъминловчи бош омил экан...

Т. Парсонс жамиятни бир ижтимоий тизим сифатида қараб, уни тўртта майда тизимлардан иборат дейди, яъни:

- биологик организм;
- шахс;
- ижтимоий тизим;
- маданий тизим.

Булардан энг охиргиси жамиятнинг “рамзий ресурс”ларини, тизимлардаги норматив ўзгаришлар чегарасини, шунингдек, индивид хулқ-атворини аниқлаб беради.

Жамиятнинг барқарорлиги даражаси бир қатор функцияларни бажаради. Булар:

- жамиятда адаптация(мослашиш)ни таъминлаш;
- мақсадли хатти-ҳаракатлар;
- жамиятнинг интеграциялашуви;

- маданий хулқ-атвор наъмуналарини назорат қилиш ва қўллаб-қувватлашдир. *Адаптация* жамиятнинг атроф- муҳит билан табиий равишдаги мувофиқлашувидан иборатдир. Мазкур вазифанинг қандай бўлишини жамият ичидаги иқтисодий тизим ҳал этади. *Мақсадли хатти-ҳаракатлар* - бу жамиятдаги табиий равишда юзага келадиган режалар, дастурлар ва уларни амалга ошириш учун қилинадиган амалий ёндашувлардир; ижтимоий тизим ичидаги бу функцияни асосан сиёсий тизим бажаради. *Интеграция* бу ҳар қандай конфликтлардан холи бўлиш учун қилинган ҳаракат бўлиб, бу функция оилада шахслар, умумбашарий микёсда эса давлатлар томонидан амалга оширилади. Учала босқич амалга ошгач, тўртинчи босқич, яъни муайян даражадаги ривожланган жамият шаклланади. Бундай жамиятдаги *маданий муҳит* ҳуқуқий тизимнинг ижтимоий жиҳатдан янада такомиллашувига олиб келади.

Юқорида қайд этилган босқичлар ва уларда бажариладиган функциялар ушбу жамиятда дин ўз қонуниятини асосида, одамлар динга эътиқод тарзида ёндашгандагина тўла амалиёт юзини кўриши мумкин. Агар дин ўз ахлоқий рухий ва маънавий шукуҳ билан йўғрилган ички қонуниятларидан четга чиққан ҳолда, сиёсий масалалар билан ҳам аралашса жамиятда нобарқарорлик учун маълум даражадаги қулайликлар юзага келади. Оқибатда жамиятда дезинтеграция жараёнлари бошланади. Бу жараён жамиятдаги маълум бир минтақада, давлатда “ҳокимият-дин” ёки “сиёсат-дин” муаммоси сифатида талқин этилиши мумкин.

Кўриниб турибдики, бутун жамиятда барқарорликка эришиш қийин. Ана шу қийинлик минтақа ёки аниқ давлатларга барқарорлик нуктаи назаридан баҳо беришда нисбий муносабат билдиришни талаб қилади.

Жамиятдаги дезинтеграция жараёнлари туфайли юзага келган диний ҳарактердаги конфликтлар функционал жиҳатдан уч йўналишда бўлиши мумкин. Булар:

1) давлат бошқаруви ва дин алоҳида бўлган жамиятдаги диний эътиқод ва қонуний тизим ўртасидаги тушунмовчиликлар туфайли юзага келган, яъни диннинг сиёсийлашуви;

2) катта-кичиклигидан катъи назар динлараро келишмовчилик;

3) муайян бир дин ичидаги гуруҳларнинг ўзаро келишмовчиликлари.

Агар муаммога умумий асосда баҳо берсак, бугунги жамиятдаги диний конфликтлар асосан консерватор – традиционалист(анъанавийчи)лар билан динни ислох қилишни ёқловчи модернистлар ўртасида бўлмоқда. Лекин ҳар иккала йўналишдаги фаолият ҳам сиёсатга у ёки бу даражада боғланган. Масалан, ислом динига мансуб традиционалистлар ёки исломни ислох қилишни ёқловчи оқимлар фаолиятида бу ҳолат сезиларли.

2. Конфликтми ёки консенсус

Бугунги дунё ривожланиши мураккаб йўналишдан бормоқда. Ҳаётда мураккаблик бу “совуқ уруш” тугаши билан жаҳоннинг турли минтақаларида ҳавфсизликка эътиборнинг қонуний равишда кучайганлигидир. Давлатлар ҳавфсизлиги ҳақида гап кетганда шуни айтиш ўринлики, давлатлар чегаралари ҳавфсизлигини белгиловчи географик шарт-шароитларнинг аҳамияти каттадир. Лекин 80-йиллар охиригача ҳавфсизлик борасидаги баҳсларда соҳа мутахассислари ўша шароитларнинг қитъа ичи ва анклав ҳолатдаги давлатларга хос хусусиятларигагина кўпроқ тўхталарди. Бу бежиз эмас, албатта. Ўша даврлар халқаро муносабатлари тарихий-тадрижий тараққиётида, биринчидан, II жаҳон уруши ниҳоясигача бир давлатнинг бошқа бир давлатни босиб олиши; иккинчидан, урушдан кейин икки қутбли дунё шароитида ”қутб”ларнинг ўз назорат доиралари учун кўрашиши ҳукмрон эди. 90-йиллар бошига келиб бундай жараёнлар ўз хотимасини топганлиги барчага маълум. XX асрнинг охирида жаҳон сиёсий системаси янги бир босқичга

- Жаҳон куч марказлари (АҚШ, ЕИ, Хитой, Россия) рақобати ва кураши шароитига утди. Бу эса назарий жихатдан юқорида давлатлар ҳавфсизлиги борасида айтилган “босиб олиш” ва “назорат доиралари учун кўраш” даврларига ҳам яқун ясади, улар урнига халқаро муносабатларда давлат- ларнинг ўз таъсир доиралари учун кўраш даври бошланганлигини билдиради.

Дунё куч марказлари (АҚШ, ЕИ, Хитой, Россия) рақобати ва кураши шароити давлатлар ҳавфсизлигини белгиловчи географик омилларнинг нафақат қитъа ичи ёки анклав ҳолатидаги давлатларни, балки ўша шарт-шароитларнинг барчаси – қитъа давлатлар, орол давлатлар ва қирғоқ бўйи давлатларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Бу кенг қамровлилик ўз навбатида ўзига хос геосиёсий майдонда ўз таъсир доиралари учун кўрашаётган томонларнинг геомафкўравий тўқнашувига олиб келгани табиий.

Агар маълум бир маконда ўз таъсир доиралари учун кўрашаётган етакчи хорижий давлатлари-субъектлар, ўша макон “эгаси” бўлган давлатларни эса - объектлар деб олсак томонларнинг геомафкўравий қарама-қаршилиги асосида ҳар бирининг миллий манфаатлари номувофиқлигини кўришимиз шубҳасиз. Миллий манфаат, аниқроғи, давлатларнинг ўз ички сиёсати ва ундан келиб чиққан ташқи манфаатларига эга бўлиши жаҳон давлатчилиги тарихидан маълум бўлган давлатларга хос умумий бир қонуниятдир. Аммо бугунги сиёсий муҳит миллий манфаатга ёндашув борасида янгича босқичга кўтарилган. Маълум бир минтақалар - макон учун юқорида таъкидлагандек “субъект”лар ва “объект”ларнинг мавжудлиги ёки объект - давлатнинг ташқи оламдаги манфаатли ҳаракатлари у ёқда турсин, унинг ички миллий манфаатларидаги амалий дастурларнинг шаклланишида “субъектлар” ўрнининг сезиларли бўлаётганлигининг ўзиёқ, кўп марказли («полицентристик») дунё шароитининг нечоғли мураккаб хусусиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Демак, бугунги халқаро муносабатларда мавжуд ёки ўз ижроси пиллапоясида тўрган ҳар қандай умумбашарий концепциялар, уруш ва тинчлик муаммолари кўпроқ геосиёсатнинг ўзгармаган географик унсурларию ўзгарган инсоний унсурларидан тортиб дунё ва минтақа сиёсий куч марказларининг географик ва геосиёсий жойлашувидан келиб чиққан ҳолда умумийликдан яққаликка томон тамойилига мос келаётганлигини кўришимиз мумкин.

5-Боб. Конфликтология муаммолари тизимида миллий-этник муносабатлар

1. Миллий-этник конфликт тушунчаси

Икки кутбли дунёдан кўп марказли, полицентрик дунёга ўтиш умумжаҳон миқёсида ўта сиёсий кескинликларга барҳам берилишига қарамасдан, бугунги кунда бир қанча мураккаб муаммоларнинг янгича тусда вужудга келишига ҳам муҳит яратди. Бунга мисол – “рангли инқилоблар”, “араб баҳори”, Яқин Шарқ муаммолари ва ҳ.к. Бундай жараёнлар сиёсий ва ижтимоий конфликтлар тизимида юқорида биз кўриб ўтган геосиёсий, диний муаммолардан ташқари, этник ҳарактердаги муаммоларда ҳам яққол кўзга ташланади. Негаки бугунги мураккаб дунё шароитидаги этник муаммолар халқаро алоқаларнинг ўтган муҳим босқичлари - давлатларнинг босиб олиниши ёки давлатларнинг назорат доиралари учун кўраш муҳити ҳукмрон бўлган давлатлардаги этник муаммолардан тубдан фарқ қилади. Қолаверса, бугунги янгиланаётган жамиятда ижтимоий ҳодисалар динамикасининг юксалаётганлиги ва миллий-этник жараёнларнинг интенсив ўзгараётганлигини ҳисобга олган ҳолда миллатлараро муносабатларга оид конфликтларни конфликтологиянинг муҳим бир йуналиши сифатида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Хўш, миллатлараро конфликтлар деганда нимани тушуниш керак?!

Бунинг учун энг аввало “этник умумийлик” ва “этнос” тушунчаларини таҳлил қилиш лозим, чунки улар ўзига хос жиддий услубий аҳамиятга эгадир. Фанда узоқ давом этиб келаётган мунозараларга қарамасдан “этник умумийлик” тушунчасига қўйидагича таъриф бериш мумкин: этник умумийлик – кишиларнинг жамоа бўлиб яшаш тарзининг тарихан вужудга келган ижтимоий гуруҳ шаклидир. Кишиларнинг бундай жамоаси табиий тарихий йўл билан унга мансуб кишиларнинг хоҳиш иродаларидан мустақил равишда қарор топади ва ривожланади. “Этник умумийликнинг” энг муҳим объектив хусусиятларидан бири этник мансубликнинг белгилари ҳисобланган – тил, урф-одатлар, анъаналар, динлар, этнос аъзоларининг маданий бирлиги, улар хулқ-атворларининг ўзига хос жиҳатларини ўзида акс эттиради.

“Этнос” нисбатан барқарор ривожланган, умумий тил ва маданиятга, шунингдек, бошқа шу сингари ўзини-ўзи англаш

асосида бирлашган умумлашмалар(этнослар)га, эга бўлган муайян худудда тарихан таркиб топган кишиларнинг барқарор жамоасидир. Мазкур таърифдан кўйидагича хулоса чиқариш мумкин: этнос - кишиларнинг ҳар қандай жамоаси эмас, балки у шундай кишилар уюшмасини ундан бошқа шу сингари бирлашмалардан ўзини-ўзи англаши билан фарқ қиладиган куриниши. Этнос ўзи мансуб бўлган мажмуавий бирлик номида ўзини аталиши билан ажралиб туради.

“Миллатлараро конфликтлар” тушунчаси дефинитив таърифланиши лозим, чунки у этнослар орасидаги тарихан таркиб топган зиддиятларнинг моҳиятини ва сабабларини аниқлашда жиддий амалий аҳамиятга эгадир.

Конфликтларни билиш доимо унда намоён булувчи зиддиятларнинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганишни, бу зиддиятларнинг турларини ва муқобил шаклларини ўзига қамраб олади. Шундай ҳам бўладики, конфликтга асос бўлиб келувчи зиддият ечилиши мумкин, аммо конфликт яширин ёки очик шаклда сакланиб қолаверади. Ва, аксинча, конфликт ҳал этилса ҳам зиддият қолаверади. Арманистон ва Озарбайжон ҳукумати ўртасидаги муносабатларда шундай ҳолат рўй бермокда.

Этник конфликтлар миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятларнинг муайян бир ҳолати ва шакли сифатида намоён бўлади . Шу сабабли юкорида келтирилган вазиятлар асосида “конфликт” тушунчасининг моҳиятини кўйидагича таҳлил қилиш мумкин:

Миллатлараро конфликтлар – миллатлараро муносабатлар соҳасидаги, этник гуруҳлар ўртасидаги зиддиятларнинг аниқ мазмунини ва кишиларнинг хилма-хил шаклдаги ижтимоий хатти-ҳаракатларида намоён булувчи у ёки бу социал-сиёсий ё иқтисодий мазмундаги манфаатлари, мақсадлари ва позицияларини акс эттирувчи мураккаб социал- сиёсий ҳодисадир.

Миллатлараро конфликтлар икки ёки ундан ортик томонлар ўртасидаги социал муносабатларнинг инъикосидир. Бу муносабатлар ва уларнинг иштироқчилари ўртасидаги ўткир зиддиятлар мазкур конфликтда ўз аксини топади. Миллатлараро конфликтларнинг илдизида турли этник гуруҳлар ўртасидаги манфаатлар тафовути ётади. Кўпинча бу манфаатлар бир-бирига

қарама-қарши йўналган бўлади. Бундай конфликтлар жумласига иктисодий, социал, сиёсий, ҳудудий, ер-сув можароларини киритиш мумкин.

Мазкур конфликтлар ўзига хос муайян белгиларга эгадир. Бу белгилар конфликтларнинг бошқа турдаги конфликтлардан фарқ қилдирувчи хусусиятларини ифодалайди. Миллатлараро конфликтларнинг ўзига хос жихатларидан бири- уларнинг кутилмаганда тезда (портлаб) пайдо бўлиши ва ривожланишидир. Когнитив этник конфликтларда эса жараёнлар яширин равишда кечади. Бундай конфликтларни пайкаб олиш жуда кийин. Аммо этнослар муносабатлари ички кескинлашувининг ташқи намоён бўлиши, кўпинча, тез утувчан хусусият касб этади.

Кишиларга кенг миқёсда психологик таъсир курсатиш мақсадида вужудга келган зиддиятларга нисбатан нотўғри ахборот ва нотўғри йуналиш бериш, конфликт ташкилотчиларининг асл мақсадларини яшириш ва ниқоблаш каби ҳолатлар бундай конфликтлар учун хосдир.

Миллатлараро конфликтлар мавжуд куч ва воситалардан, халқаро ҳуқуқ нормаларида таъқиқланган усул ва воситалардан чегарасиз фойдаланиш оқибатида тинч аҳолига нисбатан зўравонлик қилиш, ҳатто геноцидга йўл қўйиш каби ўта кескин шаклларга ўсиб ўтиши мумкин. Бундай конфликтларда куйидаги конунга зид акциялар содир бўлади. Улар жумласига, террор, гаровга олиш, оммавий кирғин, талончилик, асирларга нисбатан шафқатсизлик каби ғайриинсоний муносабатлар киради.

Миллатлараро конфликтларнинг амал қилишида, гарчи улар конфликтнинг дастлабки босқичида унинг вужудга келишига сабабчи булмаган бўлса, ҳам, этнослар ўртасидаги анъанавий зиддиятлар яна жамланиши мумкин. Муносабатларнинг кескинлашуви оқибатида конфликтдан сунгги синдром рўй берадики, у ҳолда гарчи конфликтни ҳал этишга эришилган бўлса ҳам, конфликт бошқа йуналишга бурилиб, янги босқичда, (ўзгача сабабларга кўра) бошқа қатнашчилар иштироқида яна давом этиши мумкин.

Миллатлараро конфликтларнинг яна бир характерли хусусияти шундаки, бу конфликт фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларига хавф солувчи, ҳамда конунга зид хатти-ҳаракатларга йўл очиши мумкин. Миллий, ирқий ёки диний

адоватни кўзга, аҳоли гуруҳларига миллий, ирқий, этник ёки диний белгиларига қараб уларни четлаш ёки камситиш жиноий фаолият ҳисобланади.

Миллатлараро конфликтларнинг яна бир хусусияти шундаки, унинг таъсир доираси миқдорлари мавжуд бўлиб, унга қараб конфликтнинг жамият учун хавфлилик миқёсини олдиндан чамалаш ва шунга қараб унинг ривожланиш кўламини башорат қилиш мумкин. Жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий тузумида конфликтлар даражаси, миқёси, кескинлиги, пайдо бўлиши соҳалари, катнашчилар сони, интенсивлиги, томонларнинг узаро душманлик даражалари, жамиятдаги социал-сиёсий ва ахлокий-психологик ҳолатнинг кескинлик вазияти билан бир-биридан фарқ қилади.

Конфликтнинг яна бир параметри жумласига унинг иштироқчилари, ташкилотчилари ёки ташаббускорларининг мақсади киради. Зеро, мақсад унга эришиш учун қандай воситани танлаш йўлини кўрсатади. Ундан ташқари, мақсад конфликтлашувчи томонларнинг манфаатларини белгиловчи компонентдир. Манфаат эса, ўз навбатида шаклланган ёки шаклланаётган мақсаддир. Конфликт иштироқчиларининг манфаат ва мақсадлари заминида конфликтнинг мазмуни акс этади.

Албатта, конфликтнинг узаро таъсирга киришувчи барча элементларини бир пайтнинг ўзида ҳисобга олиш қийин, лекин шунга қарамадан унинг асосийларини эътиборда тутиш керак. Бунинг учун аввало мазкур белгиларнинг катъий илмий асосланган тизимини тузиб чиқиш, уларнинг структуравий-функционал муносабатларидаги, миллатлараро конфликтларда тутган ўрнини аниқлаш зарур.

Конфликтнинг мазмунини белгилаш уни илмий тадқиқ этиш, мақсадга мувофиқ равишда бошқариш ва унга сиёсий баҳо бериш жиддий аҳамиятга эгадир. Конфликт мазмуни, бир томондан, миллатлараро конфликтларнинг табиати ва сабабини ўзида мужассамлаштиради, иккинчи томондан у конфликт иштироқчиларининг мақсадлари ва манфаатларида акс этади.

Конфликт мазмуни унинг структураси билан ҳамбарчас боғлиқ, улар бир-бири билан боғланган бўлиб, бир-бирини тақозо қилади. Конфликт структураси ўз ривожланишида конфликт

мазмунига таъсир этибгина қолмасдан, уни хатто ўзгартириши ҳам мумкин. Бу қонуният эса конфликтларни бошқаришда алохида аҳамиятига эга.

Конфликт мазмуни кўпинча асосий зиддиятларни хал этиш усуллари билгилантиди. Конфликтнинг структураси айнан шу конфликтгагина хос бўлган ўзига хос социал системадир. Бу системанинг элементларини эса иштирокчилар, сиёсий ва этник гуруҳлар, бирлашма ва х.к.лар ташкил қилади. Конфликт структурасининг ҳар бир элементи мазкур конфликтга ўзига хос таъсир кўрсатади. Шунингдек, улар конфликтни ривожлантириш ва бошқаришга таъсир этиш кўламини ва самарадорлигига қараб ҳам турличадир.

Шундай қилиб, этник конфликтлар - муайян келиб чиқишга, мазмун ва шаклга, система ва структурага, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги социал-сиёсий жараёнлар ривожланишида муайян босқичларга эга бўлган аниқ ҳодисалардир.

Яна бир мураккаб ва мунозарали масала конфликтларни фарқлаш ҳисобланади. Конфликтларни танланган асосга кўра у ёки бу турга киритиш бўйича турлича ёндашишлар мавжуд. Конфликтларни ҳудудий тарқалиши бўйича локал ва минтақавий конфликтларга бўлинади. Локал конфликтларнинг кенгайиш радиуси, унинг иштирокчилари таъсир доирасининг кучсизлиги туфайли чекланган бўлади. Минтақавий конфликтлар эса катта кучга, салоҳиятга эга бўлиб жуда кенг миқёсда ёйилиш имкониятига эга бўлган ва турли шаклларда ифодаланадиган конфликтлардир.

Минтақавий конфликтларни БМТнинг собиқ Бош котиби Бутрос Ғолий бошқачароқ таърифлайди. Унинг фикрича, “совуқ уруш” даврида жаҳоннинг биполяр яъни, икки қутбли конфронтацияси даврида минтақавий конфликтлар ҳоқимият учун глобал миқёсдаги кўрашнинг бир қисми сифатида намоён бўлади. Бундай конфликт иштирокчиларига қарама-қарши мафкура вакиллари сифатида қарашган. Бу конфликтларнинг географик ўрни эса уларнинг учинчи ҳукмрон давлат учун стратегик аҳамиятига қараб баҳоланар эди. Улар ўзида катта миқёсдаги ҳарбий интервенция хавфини сақлайди.

Шу билан биргаликда Бутрос Голий “минтақавий конфликт” атамасига янгича таъриф бериш лозим деб хисоблайди, чунки уларнинг сони тобора кўпайиб, оқибатлари эса мураккаблашиб, хатто башорат қилиб бўлмас даражада чигаллашиб бормоқда .

Шунингдек, ноантагонистик (келиштириб бўладиган) ва антагонистик (келиштириб бўлмас) конфликтлар ҳам мавжуд. Ноантагонистик конфликтлар ўз вақтида ҳал этилмаса, улар антагонистик конфликтлар босқичига ўсиб ўтиши мумкин. Шу сингари мавҳум ва реал конфликтлар ҳам бўлади. Агар сиёсий ва ахлокий таъсир этиш мақсадида конфликт ҳолати имитация қилинса, бундай конфликт мавҳум конфликт дейилади. Реал конфликтларда эса конфликт иштироқчилари реал вазиятдаги шарт-шароитларни англаб, уларни ўз онгида акс эттирган ҳолда бу можарода қатнашади.

Испаниялик политолог Ж.С.Санистебан икки хил турдаги конфликтларни бир-биридан фарқ қилишни тавсия этади: жамият асосларига путур етказмайдиган ва унинг иштироқчилари бу конфликтни ечиш учун мазкур социал системани бутунлай ўзгартириш керак эмас дсб хисоблайдиган ва жамиятни тубдан ўзгартиришни талаб қиладиган конфликтлар мавжуддир.

Н.Косолаповнинг фикрича, конфликтларни фарқлаш асосида табиий жараён ётиши керак. Шунингдек, субъектлар орасидаги ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар, уларнинг характери ва бу омилларда конфликтнинг тутган ўрни масалалари ҳисобга олиниши лозим.

Конфликтлар ички (давлат ичидаги) ва ташқи (давлатлараро) конфликтлар сифатида ҳам фарқланадилар. БМТнинг маълумотларига кўра дунёда давлатларнинг ичида миллатлараро конфликтлар кўпроқ ёйилган бўлади. Бундай конфликтлар миллатлараро муносабатларнинг тўғри бошқарилмаганлиги ва шу соҳадаги муаммоларнинг ҳал қилинмаганлигидан келиб чиққандир.

Конфликтлар социал структураларни қисман камраб олиши мумкин, бундай конфликтлар жузъий конфликтлар дейилади, аммо улар ҳам муайян шарт-шароитларда умумий конфликтларга ўсиб ўтиши мумкин. Бундан ташқари, очик ва яширин, тинч ва куч ишлатиладиган конфликтлар ҳам бўлиши мумкин. Баъзида

улар тинч холдаги мулоқотлар даражасидан очик тўқнашув даражасигача бўлган ораликда ўзгариб туради.

Баён этилган конфликт турларини аниқлашга қаратилган ёндашувлардан миллатлараро конфликтларни ажратишда ҳам фойдаланиш мумкин. Аммо реал социал воқеликда, амалиётда фақат битта конфликт туригагина мансуб бўладиган бирорта ҳам конфликт учрамайди. Миллатлараро конфликтларни тахлил этишдан шу нарса маълумки, конфликтлар айна бир вақтда ҳам очик, ҳам зўрликка асосланган ва табиийки, антагонистик бўлади. Яна шуни ҳам инобатга олиш лозимки, конфликт иштироқчилари мавжуд социал-сиёсий системани ўзгартиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишмайди.

Улар сиёсий ҳуқуқларини кенгайтириш, хусусан, қонун чиқарувчи органларда этносларнинг сонларига мутаносиб равишда ўринлар ажратиш каби мақсадларни илгари сурадилар. Шундай ҳолат 70- йилларда Белгияда бўлиб ўтган эди.

Бу муаммолар узил-кесил ҳал қилинмаганлигига қарамай, шундай хулоса чиқаришга ҳақлимиз: миллатлараро конфликт турини белгилаш учун мазкур конфликтнинг социал- сиёсий табиати ва мазмуни дастлабки асос ва мезон бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, қуйидаги конфликт турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- сиёсий-ҳуқуқий конфликтлар, улар ҳал этилмаган ва ҳуқуқий жихатдан тартибга солинмаган сиёсий муаммолар асосида вужудга келади.

- муайян ҳудуддаги жойни, бир давлатдан бошқа халққа **олиб** бериш ёки бу жойдаги бошқа этноснинг ҳуқуқларини тан олдириш билан боғлиқ бўлган ҳудудий этник конфликтлар;

- бошқа жойга кўчириб юборилган, депортация қилинган халқлар билан туб жой аҳолиси ўртасидаги конфликтлар;

- турли хил динларга мансуб бўлган аҳолига эга бўлган **жойдаги** кишилар гуруҳи ўртасидаги этноконфессионал конфликтлар. Буни Ливанда мусулмонлар ва христианлар ўртасидаги 80чи йилларнинг конфликти мисолида кўриш мумкин;

- кланлараро (уруғ-аймоқлараро) этник конфликтлар, бу Конгода(Киншасада)ги ҳоқимият учун турли уруғ-аймоқлар вакилларининг кураши бунинг мисолидир.

Юқорида номлари зикр этилган конфликтлардан ташқари жамиятда, унинг элитаси, аслзодалар ва жамиятнинг бошқа қатламлари ўртасидаги, турли хил сиёсий элиталар ўртасидаги конфликтлар ҳам борки, уларда баъзан умумий **мақсад** бирлиги бўлишига қарамасдан, айрим конкрет масалалар хусусида улар орасида кескин кураш боради. Албатта, бу конфликтлар бир сиёсий муҳитда руи берсада, лекин уларнинг ҳудудий, иқтисодий, диний ва бошқа манфаатларининг бир-бирига тубдан мос келмаслиги ҳамда келиштириб бўлмаслиги уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади .

Табиийки, конфликтнинг ҳар қандай тури ҳам “соф” ҳолда жуда камдан-кам учрайди, улар асосан бирлашиб кетган бўлади. Бир конфликтнинг ўзи айна пайтда юқорида айтилган икки ёки ундан ортиқ конфликтларнинг белгиларини ўзида қамраб олади. Кўпинча, бир турдаги конфликт бошқа турдаги конфликтга ўтиши мумкин. Конфликтнинг турини туғри тавсифлаш, яъни квалификациялаш унинг вужудга келиш сабабларини, табиатини, мазмуни ва структурасини туғри аниқлаш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Мустақил давлатлар ҳамдустлиги(МДХ)нинг айрим минтақаларида рўй берган ҳодисалар ҳақидаги маълумотларнинг тахлили натижасида, миллатлараро конфликтларнинг қуйидаги шаклларида аниқланди:

- ҳоқимият органлари томонидан расмий равишда рухсат берилмаган норозилик митинглари, намоёишлар ва юришлар ўтказиш, рақиб томонга у ёки бу масала буйича муайян талаблар қўйиш;

- у ёки бу масала буйича ён беришга мажбур қилиш мақсадида иқтисодий чоралар қўриш, масалан, ўзга этник гуруҳ вакилларига нисбатан иқтисодий блокадалар (камал- лар) ўрнатиш;

- ҳаракатланиш эркинлигига ғов қўйиш, ҳарбий кучлар воситасида муайян этнос вакилларини яшаш жойларидан қўвиб чиқаришга интилиш. Бундай ҳолат Жанубий Осетия аҳолисига нисбатан Грузия томонидан қўлланилган;

- у ёки бу миллатга мансуб бўлган фуқароларнинг оммавий равишда бошқа жойга кетишига рухсат беришга мажбур қилувчи талаблар қўйиш;

- оммавий безорилик ва бошқа шу сингари жамиятга қарши хатти-ҳаракатларни амалга ошириш. (Бу ҳаракатлар оммавий тартибсизликларни вужудга келтиради. Фарғонада, Ўш вилоятида рўй берган ҳодисалар бунга мисол була олади);

- диндорларнинг экстремистик кайфиятдаги қисми никоби остида ягона Ислом давлати ўрнатиш зарурлиги ҳақидаги талаблар билан чиқишларини уюштириш ва қўпоровчилик, террор ҳаракатларини олиб бориш (Яқин Шарқ);

- этнослар ўртасида вужудга келган зиддиятларни энг кескин ва хаддан ошган шаклда ечиш усули қуролли конфликтлардир. Ушбу ўринда Арманистон-Озарбайжон ва Грузия-Абхазия ўртасидаги қуролли тўқнашувларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган конфликтлар ҳам мустақил ҳам комплекс ҳолда намоён бўлиши мумкин. Аммо бу ҳолатда айрим кишилар ёки этник гуруҳлар ўртасида турмушдаги маиший заминда вужудга келадиган конфликтлар билан миллатлараро конфликтларни аралаштириб юбориш ёки айнанлаштириш керак эмас. Тўғри, мазкур конфликтлар маиший ахволдаги ечилмаган муаммолар замиридан ҳам ўсиб чиқиши мумкин.

Яққол антагонистик ва конфронтацион ҳарактерларда намоён бўлган миллатлараро конфликтлар зўравонлик, шунингдек мақсадга ҳарбий йўл билан эришиш сингари кескин шаклларга ўсиб ўтиши мумкин. Зўрлик сиёсий, социал, иқтисодий омиллар билан биргаликда психологик омилга ҳам эгадир. Бунга мисол тариқасида гаровга олиш, террористик акциялар ўтказиш кабиларни кўрсатиш мумкин, бундай акциялар сиёсий арбобларни, тинчликни қарор топтирувчи структуралар вакиллари ўзгартириш сингари конкрет мақсадларни эмас, балки аҳолини қўрқитиш, омма орасида дахшат ва ваҳима уруғларини сочишни кўзлайди. Будённовскда гаровга олинганларни кулга олиш ва уларни озод қилишга интилиш сиёсий масалаларни ечишда зуравонликдан фойдаланилганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Зўрлик - бир ёки бир қанча шахсинг бошқа бир шахс ёки бир қанча шахсларни оилада, ҳукмдорда, сиёсатда, давлатда, гуруҳда, элитада, гуруҳда, ҳукмрон миллат ва миллий гуруҳларда ўз тазйик остига олиш ва ўз манфаати йўлида уларга зулм

ўтказишидир. Зўрлик бу қонунга қарши, демократияга қарши бўлган ва кишиларнинг эркинликларини чегараловчи ноинсоний ҳаракатдир.

2. Миллатлараро конфликтларнинг сабаблари

Конфликтларнинг сабаблари ва уларнинг олдини олиш йўллари, шунингдек, ривожланиш босқичларини таҳлил ва тасниф этиш ҳамда улардан тегишли хулосалар чиқариш ҳозирги шароитда алоҳида аҳамиятга эга бўлган муҳим масаладир.

Конфликтларнинг сабабларини англаш уларнинг шаклланиш механизмларини таҳлил этиш учун назарий аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, балки шундай вазиятларнинг ички ва ташқи сабабларини фарқлаш, уларни бартараф этишга жиддий ёндашиш имконини берганлиги туфайли ҳам муҳим.

Миллатлараро конфликтларнинг сабаблари жуда кенг доирада бўлиб, этник мунозаралар, социал-иқтисодий тенгсизликлардан тортиб, мафкуравий рақобатгача ва ҳатто ҳокимият учун очикдан-очик курашгача бўлган ҳодисаларни ўзига қамраб олади. Конфликтларни вужудга келтирувчи кўпгина тарихий, иқтисодий, географик ва экологик омиллар кейинчалик ҳам сақланиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Конфликтларнинг сабабларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун тегишли чоралар кўриш жамиятда барқарорликни сақлашнинг муҳим омилдир. Конфликтларга мойил бўлган ҳудуд аҳолисининг социал-иқтисодий, сиёсий ва миллий хусусиятларини ўрганиш миллатлараро конфликтларни илк куртаклари кўринишиданоқ олдини олишга, пишиб етилаётган қарама-қарши вазиятнинг кескин конфликтга ўсиб ўтишига йўл қўмасликка ёрдам беради. Бундай тенденцияларни, конфликтнинг шаклланиш механизмини билиш жамиятга қарши оммавий ҳаракатларнинг шаклланишига асос ва сабаб бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган вазиятларни оқилона бартараф этиш йўллари аниқлаш ва социал-этник кескинликнинг юзага келишига йўл қўймаслик имконини беради.

Ҳар бир муайян конфликтнинг тарихий манба, миллий-психологик хусусият, у ёки бу этнос менталитетининг ўзигагина хос бўлганлиги учун миллатлараро конфликтлар сабаби

классификациясини тавсия қилиш мумкин эмаслиги аниқдир. Шунинг учун ҳам конфликтни вужудга келтирувчи ҳар бир сабаб ўз мазмунига кўра конкретдир.

Миллатлараро конфликтлар энг аввало миллатлараро муносабатларнинг ҳолатини акс эттирсада, уларни баҳолашнинг ўзига хос мезонидир. Миллатлараро муносабатлар - ижтимоий муносабатларнинг энг нозик, сезгир ва тез жароҳатланувчи тури, кўпинча у кутилмаган ўзгаришларга учраши мумкин. Айнан шу муносабатлар ўзига хос миллий манфаатларни адекват ёки ноадекват акс эттирувчи турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларининг тўқнашуви соҳасини белгилайди. Миллатларнинг иқтисодий, социал ва маданий қадриятларини тақсимлаш ва истеъмол қилиш, тили, маданияти, анъаналари, одат ва маросимларини ривожлантириш билан боғлиқ, ўзларига хос бўлган манфаатларининг қондирилиши бўйича ўзаро таъсир жараёнини ифодаловчи миллий муносабатлар моҳиятидан келиб чиқади. Бундан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: миллатлараро конфликтларнинг сабабларини аниқлашнинг методологик асоси миллий манфаатлардир. Уларнинг зиддиятга киришган ҳолатига қараб, конфликтолди вазият шаклланишининг бошланғич босқичини аниқлаш мумкин. Демак, миллатлараро конфликтларнинг сабабларини турлашнинг асоси сифатида миллий манфаатларни ҳисоблаш мумкин.

Бу конфликтлар - тасодифий ҳодисалар эмас, балки улар чуқур тарихий жараёнларни акс эттиради. Шу туфайли конфликтларнинг сабабларини таҳлил этишда тарихий омилни ҳисобга олмаслик асло мумкин эмас. Постсовет ҳудудида вужудга келган этносоциал мураккабликларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

1918 йиллардан бошлаб, Россияда сиёсий раҳбарлар ва партия йўлбошчилари орасида миллий муаммоларга тор, догматик социал-гуруҳий ёндашиш мавжуд эди. Бундай қарашларда реал воқелик талаблари зўр бериб инкор қилиниб келинди. Иттифоқ таркибида миллий-маданий автономиялар тузиш ҳақидаги ғоялар ҳам шу туфайли унутилиб, расман федератив деб эълон қилинган давлат моҳияти жиҳатидан қатъий марказлашган бошқарувга асосланган унитар давлат бўлиб қолаверди. Бу охир-оқибатда мамлакатда тоталитар режимнинг

ўрнатилишига, иттифокдош республикаларнинг автономлашуви у ёқда турсин, ҳатто улар мустақилликларининг чекланишига олиб келди.

Узоқ вақтлар мобайнида мантиққа ва тарихий далилларга зид равишда, турли этносларни ташкил этувчи кишилар онгида ва этносоциал жараёнларда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида лом-мим дейилмади.

Ўз вақтида ечимини кутаётган миллий муаммолар куч ишлатиш воситасида тинчитилди, миллий муносабатларнинг аҳволи эса шу қадар сиёсатлаштирилиб ва мафкуралаштирилиб баҳоландики, оқибатда уларнинг ҳолатига реал воқеликка тубдан зид бўлган тус берилди.

Шундай қилиб, постсовет ҳудудидаги миллий муаммолар кескинлашувининг асосий ва жиддий сабабларидан бири, бу миллатлараро муносабатлар соҳасидаги йўл қўйилган хатолар ва бузилишлар ҳисобланади. Бундай ишларнинг энг қўпол ва оғир шакллари жумласига бутун бошли халқларга нисбатан 30-50 йилларда қўлланилган оммавий қатағонларни киритиш мумкин. Бу ерда гап ўн минглаб, юз минглаб аҳолиси бўлган бутун бошли этник гуруҳлар ва халқларни бир жойдан бошқа жойга мажбуран депортация қилиниши, кўчирилиши ҳақида бормоқда. Бундайлар ичида корейс, немис, чечен, қрим татар, латиш, украин ва бошқа халқ вакиллари бор эдики, уларни Сибир, Ўрта Осиё, Урал ва собиқ СССР Европа қисмининг шимолий районларига кўчиришди.

Бу ҳам етмаганидек, иккинчи жаҳон уруши даврида бир қанча халқларнинг, Волга буйи немисларининг, қалмоқлар, чеченлар, ингушлар, қорачойлар, болгарларнинг миллий давлатчилиги, ҳамда аҳолисининг бешдан бирини қрим татарлари ташкил қилган Қрим АССР тугатилди.

СССР Халқ комиссарлари Совети қошида бундай кўчиришларни уюштириш, ташкил этиш учун махсус кўчирма бошқармаси ташкил этилди, ҳамда бу ишларни амалга ошириш НКВД зиммасига юкланди. Бунинг устига, бундай кучиришларнинг сабаби, реал воқеликка мос келмас, атайин ўйлаб чиқарилганлиги шундоқ кўриниб турар, соғлом ақлни лол қолдирувчи ишлар эди. Аҳолини мажбуран кўчиришда уларга фақатгина энг кам миқдорда зарурий нарсаларнигина олишга

ижозат берилар эди. Янги жойларда эса кўчирилганлар учун, уларнинг фуқаролик ҳуқуқи ва эркинликларини чек-ловчи алоҳида режим ўрнатилган эди. Вазият ўта қалтис тус ола боради, яъни кўчирилганларнинг кўпчилиги бу янгича шароитларга мослашмаган, уларнинг кўплари, ҳатто, кўчиб бориш пайтида йўлдаги қийинчиликлардан, овқат етишмаслигидан, очликдан қирила боришарди. Кўчирилганлар орасида кексалар ва гўдаклар, айниқса, кўпроқ нобуд бўлишди. Шундай қилиб, кўчиб борганлар орасида ўлим миқдори кучайиб кетди.

Боз устига бундай ҳолат депортация қилинганлар кўчирилган жойида мураккаб социал вазият, маҳаллий халқлар билан уларнинг орасида миллатлараро низо чиқишига асос бўларди. Бу ҳақда СССР халқ комиссарлар Советининг 1938 йил 5 январда қабул қилган “Ўзбекистон ССРга кўчирилган корейсларнинг хўжалик ишлари билан шуғулланиши бўйича тадбирлар” ҳақидаги қарорининг мазмуни билан танишиш кифоя. Мазкур қарорнинг 3 бандида шундай деб ёзилган: “СССР Наркомземига қуйидаги мажбурият юклансин: Ўрта Чирчик районидаги шоли совхози ва Стрелков номли пахта совхози тугатилсин ва уларнинг ери корейс совхозларига берилсин. Шунингдек, “Пятилетка” пахтачилик совхозидан 1700 гектар ер ажратиб олиниб, улар ҳам корейс совхозларига топширилсин... Тугатилган совхозларнинг барча қурилишлари, совхоз буюмлари, моллар, уруғлар ва барча мулклари корейс совхозларига олиб берилсин”. Собиқ СССР олий давлат органларининг бундай ҳатти-ҳаракатлари ва қарорлари маҳаллий аҳолининг онги ва кайфиятига салбий таъсир этмай қолмасди, албатта.

Тоталигар система халқларни мажбуран депортация қилиш орқали ўз бошқариш режасини мустаҳкамлашга интилни, бу интилиш планли асосда олиб борилиб, ҳатто давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Масалан, 1937 йилнинг 21 августида СССР халқ комиссарлар Совети ва ВКП(Б) МКнинг “Корейс халқини Узоқ Шарқ ўлкасининг чегара районларидан кўчириш ҳақидаги” №1428-326 қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга биноан корейс халқи Қозоғистон ва Ўзбекистонга, қисман Қирғизистонга, Астрахан ва Сталинград вилоятларига кўчирилиши лозим эди.

Мазкур қарорда бу тадбирни зудлик билан амалга ошириш ва 1938 йил 1 январигача якунлаш ҳақида кескин шаклдаги кўрсатма бор эди. Шунингдек, қарорда кўчиришнинг бориши ҳақида, кўчирилганлар сони ва қанча киши кўчиб келганлиги ҳақидаги маълумотларни ҳар 10 кунда телеграф орқали хабар қилиб туриш талаб қилинган эди. 30 йилларнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёга мажбуран депортация қилинган корейслар сони 175 мингдан ошган эди.

Расмий ҳоқимият органлари бу акцияни СССР билан Япония орасида вужудга келган зиддиятлар туфайли амалга оширилди, деб изоҳлашарди. Гўёки Узоқ Шарқнинг Япония томонидан босиб олиниш хавфи бўлганлиги сабабли чегараларни мустаҳкамлаш учун бундай чора кўриш зарур эди. Бу тезисни далиллаш учун корейс аҳолисига нисбатан, уларни жосусликда, сотқинликда, душманга ёлланганликда айблаш ва шубҳа қилиниши атайлаб бўрттириб кўрсатилди.

Волга бўйида яшовчи немис аҳолиси бошига ҳам шундай қисмат тушди. Уларни СССР ХКС ва ВКП (б) МКнинг 1941 йилнинг 12 августида қабул қилинган 2060-935с сонли қарорига асосан қўвгин қилишди. Немислардан ҳаммаси бўлиб 1209430 киши қўвгинга учради, уларнинг аксарияти яъни, 500 мингга яқини Қозоғистонга кўчирилди. Мазкур қарорга қонуний тус бериш мақсадида 1941 йил 28 августда СССР Олий Советининг “Волга бўйи районларида яшовчи немисларни кўчириш ҳақида” деб аталган № 21 -160 сонли Фармони эълон қилинди. Бу фармонда ҳарбий органларнинг Германиядан олган маълумотларига қараганда гўёки Волга бўйи районларида минглаб, ўн минглаб жосуслар ва қўпоровчилар бўлиб улар мазкур жойларда портлашлар содир этишга тайёрланаётган эмиш деган фикр асоссиз равишда илгари сурилган эди. Гўёки, шу сабабли барча немис аҳолисини бошқа жойга кўчириш лозим деб топилган.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, кўчирилган немисларга қўйилган ҳуқуқий чекланишлар 1955 йилдагина олиб ташланди, 1964 йилга келиб улар маъмурий кузатувдан озод қилинди, келган жойларига қайтиб кетиш ҳуқуқини эса немислар 1972 йилдагина қўлга киритишди.

1944 йилнинг май ойига келиб крим татарларидан (ўша пайтда Қримда 218 минг киши яшаган) 180014 кишини кўчириш

иши якунланди. Бундан ташқари Қримда яшовчи греклар, арманлар, Грузия ССР нинг чегара районларида яшовчи курдлар ҳам кўчирилган.

СССР НКВДсининг махсус кўчирув бўлими маълумотномасига қараганда, 1946 йилнинг октябрида махсус кўчирилган жойларда яшовчилар 2463940 кишидан иборат бўлиб, улардан 655.674таси эркаклар, 829084таси аёллар, 979182таси эса 16 ёшгача бўлган болаларни ташкил қилган.

Бугунги кунда илмий истеъмолга киритилаётган янгидан-янги архив маълумотлари И.Сталин миллий сиёсатининг нафақат мамлакат олий ҳокимият органлари, балки мамлакатнинг кўпчилик аҳолисига нисбатан репрессив хусусиятини фош этишга кўмаклашади. Бундай мажбуран кўчиришларни “айрим ишчи кучи етишмаётган жойларни иқтисодий жиҳатдан ўзлаштириш”, деган тезисга асосланиб “оқлаш”га интилишган. 1927 йил март ойида кўчиришлар иши буйича ўтган 1 Бутунроссия кенгашида СССР Марказкуми Президиуми кўрсатмасига ишора қилиниб, “Кўчириш тадбирлари асосан Узоқ Шарқ, Сахалин, Сибирь ва бошқа районларнинг аҳолисини кўпайтиришга йўналтирилиши лозим”, - деб қайд этилди.

Бу тадбир айниқса, коллективлаштириш даврида кенг қулоч ёйди. 1931 йилнинг 1 феввалида СССР СНК ва ЦИК “Ўлка (вилоят) ижроия комитетлари ва автоном республикалар ҳукуматларига қулоқларни яхлит коллективлашган жойлардан кўчириб юбориш ҳуқуқини бериш” ҳақида қарор қабул қилган, бунинг оқибатида 1932 йилга келиб, депортация қилинганлар сони 3,4 млн. кишига етди.

Бу билан бир қаторда планли равишда вилоятлараро ва республикалар ичида кўчиришлар амалга оширилган. Бу асосан СССР ҳудудида II жаҳон уруши даврида ҳарбий ҳаракатларнинг бошланиши билан айрим районларни “ишончсиз” кишилардан “тозалаш” баҳонасида янада кучайди. “Антисоветчи”, “бегоналар”, “шубҳалилар”, “давлатга хавфли унсурлар” ва бошқалар қувғин қилинди.

1937-1939 йилларда қонунчиликнинг кўпол равишда бузилиши оқибатида қарийб барча иттифоқдош республикалар жиддий зарар кўришди. Сталин шахсига сиғиниш йиллари Ўзбекистон халқлари ҳаётида оғир жароҳат қолдирди. Фақат 1937

йилдан 1939 йилгача Ўзбекистон ССР НКВД “учлик”лари 41 минг кишини қўлга олди, улардан 37 мингдан ортиқ киши жазоланди, 6 910 киши отилди, 1939-1953 йиллар ичида 61 799 киши қўлга олинган, улардан 56 112 киши турли муддатларга қамалган, 7 100 киши отилган.

Миллатлараро конфликтларнинг сабабларидан бири миллатчиликнинг намоён бўлиши ва шовинизмдир. Ўтмишдаги аразлар билан алангаланган миллатчиликнинг авж олиши тезда агрессив тус олади, бу серблар ва хорватлар ўртасидаги конфликтда яққол намоён бўлди.

Шуни ҳам эътиборда тутиш лозимки, этник хусусиятларнинг бир ёқлама бўрттириб кўрсатилиши, гарчи этноцентризмнинг гноцеологик илдизлари бўлишига қарамасдан ҳам ўзича миллатчиликни туғдиравермайди. Бошқа миллатларга нисбатан нописандлик билан қарашда, уларни камситиш, уларга нисбатан мурасасиз бўлиш ва ишончсизлик билан қараш бир халқнинг бошқа халқдан афзаллигини таъкидлаш, ўз миллатини улуғлаш, миллий адоват ва ирқчилик руҳиятини кўзгатиш каби ноинсоний ҳаракатларда миллатчилик сиёсати, дунёқараши, мафкураси ва психологияси шаклланади. Баъзи ҳолларда эса миллатчилик диний заминга таяниб келади. Диний устуворликни таъкидловчи бундай миллатчилик клерикал миллатчилик деб аталади.

Республикамиз Биринчи Президенти И.А. Каримов миллатчиликни Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига раҳна солувчи жиддий таҳдидлардан бири, деб қарар экан, шундай деганлар: “Ҳозирги замон тарихи шуни яққол кўрсатмоқдаки, ўзларининг сиёсий ва бошқа мақсадлари йўлида миллий масалани дастак қилиб олишга интиладиган кучлар, энг аввало, одамларни юксак даражада сафарбар этадиган ҳиссиётларга умид боғлайдилар. Кейинчалик уларни ҳар қандай сиёсий донишмандлик ва соғлом фикрни инкор этадиган жангари тажовузкорлик йўлига буриб юбориш мумкин, деб уйлайдилар”.

Инглиз тарихчиси А.Тойнби миллатчилик - дунёдаги энг кучли мафкурадир, агар миллий манфаатлар конфликти пайдо бўлса, бошқа ҳеч бир мафкура миллатчиликка қарши тура олмайди, деб ёзган. Умуман олганда, миллатчилик кўпқиррали ва турли хил комбинацияларда ва турлича шаклларда учрайди: анъанавий, диний, этномаданий концепцияларга (панисламизм,

панславянизм, пантуркизм, панарабизм, панроманизм, панамериканизм, негритюд ва бошқалар).

Миллатчиликнинг яна бир хавфли томони шундаки, у улуг ҳокимиятчилик шовинизмига, ирқчилик ва фашизм сингари сиёсий фанатизмнинг ўсиб чиқишига энг қулай замин бўлиб хизмат қилиши мумкин. Америкалик профессор Фрэнсис Фукуяма ёзганидек, “дунёдаги аксарият миллатчилик ҳаракатлари ўз сиёсий дастурларига эга бўлмай, бирор аниқ-равшан социал-иқтисодий ташкилий рсжани илгари сурмай, қандайдир бошқа кишилар гуруҳидан мустақил бўлишга салбий интилиш билан чекланишади”.

Шу муносабат билан собиқ СССРда миллий узликни англашнинг ўсишини миллатчиликнинг намоён бўлиши деб талқин этилган бошқа бир ҳолатни эсга олайлик. Ўша даврда тоталитар режим халқларнинг ижтимоий ҳаётидаги “барча-барча”ни иқтисод, маданият, санъат, ҳаёт тарзи ва бошқа кўп жиҳатларини унификация қилиш, яъни ягоналаштириш ишини амалда қўллай бошлаган эди. Ўзбекистон Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, бу ҳол маънавий соҳага катта талофат етказди. Ўн йиллар мобайнида тор гуруҳий ёндашиш билан социалистик реализм концепциясининг, ҳар бир халқда ягона совет маданияти ва миллий маданиятдек икки хил маданият бўлиши ҳақидаги назариянинг ҳукмронлик қилиши шундай мафкуравий замин яратдики, ундан бир хил тарздаги ҳаёт, бир хилда фикрлаш, бир хилда маданий руҳ сингари зерикарли бир хиллик ва миллий маданиятларни писанд қилмасликдек дард униб чикди. Йиллар мобайнида “душманлик руҳидаги гуруҳий маданият билан” курашиш шиори остида маданият ва санъатнинг анъанавий шакл ва жанрлари уриб чиқарилди. Ўзбек маданияти ва адабиётининг энг илғор намояндалари антисовет руҳидаги ижоди намунаси деган тамға остида қувғин қилинди, йўқотилди.

Унификациялашга интилиш одати ўша пайтда миллий ўзликни англашнинг ҳар қандай ўсишига, миллий маданиятга алоҳида эътибор беришнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан салбий муносабат билан биргаликда олиб бориларди. Бундай одат кўпинча нафақат ижодий зиёлилар вакиллари, балки айрим маҳаллий ҳокимият раҳбарларини ҳам очикдан-очик “миллатчиликда”, “сиёсий хушёрликни йўқотганликда” айблашга

айланиб кетарди. Шу сабабли мустақил Ўзбекистан халқи миллий ўзлигининг равнақи кўп ҳолларда ўтмишда бўлиб келган миллий ҳаёт, миллий сиёсат соҳасидаги чеки- нишларга ва кўпол хатоларга нисбатан норозилик сифатида намоён бўлар эди.

Ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусияти шундаки, жаҳон халқларининг ҳам моддий, ҳам маънавий ҳаёти тобора байналминаллашиб бориши, ҳамма жойда этник ўзликни англаш билан, уйғунлашиб бормокда.

Миллатлараро конфликтларнинг таҳлили ҳар бир конфликтнинг заминида демографик, тарихий ва географик омиллар мавжудлигини кўрсатади. Шу билан биргаликда ўтмиш ва келажакнинг нисбатини аниқлаш зарур, чунки этник конфликтларнинг кечишида кўпинча халқларнинг тарихан кўчирилиши натижасида вужудга келган сиёсий давлатнинг миллий давлатчилик тузилишини аниқлашда йўл қуйилган анъанавий зиддиятлар, хато ва камчиликлар қайта жонланиши мумкин.

Шу муносабат билан Ўзбекистан Республикаси Биринчи Президенти ўзининг “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфзликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида “Бундай шароитда Марказий Осиёнинг ҳамма давлатларида турлича нисбатларда яшаётган, турли соҳаларда ва турли даражаларда кўп асрлардан бери таркиб топган, тарихий ўзаро алоқалари намоён бўлиб турган асосий этносларнинг жойлашиш хусусиятини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Минтақадаги ҳар бир давлат этник жихатдан ранг-баранг бўлгани сабабли, ҳар қандай танглик кескинлашиб, қўшни мамлакатлар фуқаролари ўртасидаги тотувлик ва барқарорликка путур етказди” дейди.

Миллий гуруҳларнинг ҳозирги тақсимланиши шундан далолат берадики, Ўрта Осиёда миллий белгиси бўйича давлат тузиш анъанаси бўлмаган. Ўрта Осиёда Россия колонизациясигача бўлган даврда давлатчилик ёки сулолалар белгиси бўйича (Қорахонийлар, Темурийлар, Шайбонийлар) ёки ҳудудий белги бўйича (Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари) бўйича шаклланган эди. Ўрта Осиё республикалари ўртасида 20 йилларда чегараларни белгилаш пайтида вазият янада мураккаблашди, чунки бундай чегараланишлар этник группалар ва халқларнинг ҳудудий жойлашувига ҳар доим ҳам мос

келавсрмас эди. Умуман олганда, Ўрта осиелик миллат вакиллариининг кўпчилиги ўзи яшаётган Республиканинг чегарасидан ташқарида қолиб кетишди. Натижада, кўпчилик туб жой аҳолиси ўз ота-боболари ўтган тупроғда яшаётган бўлишига қарамасдан кам сонли миллат вакилига айланиб қолишди.

Миллатлараро конфликтларнинг сабабларидан яна бири жамиятнинг Ҳиндистондагидек касталар (алоҳида гуруҳлар) бўйича қатламларга ажралиб кетганлигидадир. Юртимизда жамиятнинг касталар бўйича табақаланиши жуда қадимдан шаклланган эди. Қадимги Далварзинтепа ҳаробаларидан топилган археологик қазилмалар ҳам Марказий Осиё худудида қадимги буддавий монастирлар бўлганлигидан ва халқнинг турли хил социал қатламларга ажралганлигидан далолат беради. Шунингдек, энг қадимги минг йиллар мобайнида халқнинг онгига сингиб кетган диний урф-одатлар ва анъаналар ҳозирги кунгача ҳам халқнинг кундалик ҳаётида сақланиб келмокда. Бундай одатлар ила халқнинг касталарга ажралиши ҳам бор, улар давлатнинг сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётига таъсир этмасдан қолмайди.

Ҳиндистондаги вазиятга қайтайлик. Ҳиндистонда бугунги кунда шундай бир мураккаб диний-этниқ вазият қарор топганки, у билан боғлиқ бўлган сиёсий муаммолар мамлакат ичидаги вазиятга жиддий барқарорликни издан чиқарувчи таъсир кўрсатмокда. Айниқса, Ҳиндистоннинг шимоли-шарқида жойлашган Ассам штатида вазият анча оғир бўлиб, миллатчилар гуруҳининг, фаолияти кескин кучайиб бормокда. Мамлакатнинг ғарбида жойлашган Гужарат штатида касталараро зиддиятларга боғлиқ ҳаракатлар, шимолида - Жамма ва Кашмир штатларида эса жамоалараро можаролар авжига чиқмокда. Панжоб штатида сикх сепаратистлари давом эттираётган мураккаб вазият ҳамон сақланмокда. Улар ўнлаб террористик актларни амалга оширишмокда. Ҳиндистоннинг собиқ бош министри Индира Гандининг ўлдирилиши ҳам сикх сепаратистлари томонидан ташкил этилган.

Этниқ конфликтларнинг сабабларидан бири кланлар ўртасидаги ҳокимият учун курашда намоён бўлади. Тожикистон, Африка, Жанубий-Шарқий Осиё ва бошқа минтақалардаги ёш давлатларда ана шундай ҳоллар рўй бермокда. Африка мамлакатларида қабилалараро кураш - трайбализм кўринишида

намоён бўлиб, то ҳозирги пайтгача ривожланиб келмокда. Масалан, шу асосдаги ҳокимият учун кураш Нигерияда, бугунги кунда эса Конго(Киншаса)да яққол намоён бўлмокда.

Миллатлараро конфликтларнинг яна бир манбаи ҳудудларга даъво қилишда, ўзидаги ва ўзга давлат чегараларидаги ерларни даъво қилиб чиқишда намоён бўлади. Бундай кураш ҳам давлатнинг ичидаги, ҳам давлатлараро ҳудудий-маъмурий бўлиниш микёсида рўй бсради.

Бунга XVII асрдан буён Португалия, Нидерландия ва Буюк Британиянинг Кабиндани – Африканинг Атлантик океани соҳилларида жойлашган қуруқликни эгаллаш учун олиб борган курашини мисол сифатида келтириш мумкин. Ярим асрдан кўпроқ вақт ичида алоҳида мустамлака ҳисобланган анклавни 1950 йили португаллар Анголага бирлаштирди, сўнгра 1963 йилдан бошлаб, Кабиндада нефть конлари очилгач, Кабинда анклавини озод қилиш fronti (ФЛЕК) ўз ҳаракатини бошлади. Мана 35 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса, ҳам у ерда ҳамон уруш давом этмокда.

Кўпинча ҳудудий даъволар қуролли қўзғолонлар кўринишидаги конфликтларнинг бошланиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай конфликтлар кўпинча, ўтмишда чегараларни белгилашда йўл қўйилган хато ва камчиликлар туфайли вужудга келади. Ливия ва Чад ўртасидаги ҳудудий можаро бу давлатлар орасидаги Аузу чегара чизиғи туфайли бошланиб, ҳарбий конфликтга айланиб кетди. Ливия асари йўқ бу Саҳрои Кабирнинг энг шафқатсиз, тап-тақир чўл-биёбонида жойлашган мазкур ҳудудга бўлган эгалик ҳуқуқини, ўзининг бу жой билан бўлган қадимги тарихий- этник алоқаларига ва айрим колониал давлатлар орасидаги шартномаларга асосланган ҳолда даъво килди.

Ҳал қилиниши мушкул бўлган ҳудудий баҳслар муаммоси кўпгина давлатларга, айниқса, ўтмишдаги мустамлака зулмидан қутулиб чиққан, аммо ундан чигал ҳудудий муаммоларни мерос қилиб олган Африка ва Осиё мамлакатларига хосдир. Бундай муаммоларнинг кўпчилиги сиёсий ва иқтисодий, шунингдек, аҳолининг миграцион жараёнлари билан боғланган демографик омиллар бўлиб, уларга асосланган конфликтлар узок тарихий ўтмишга бориб тақалади.

Агар ҳудудий муаммоларга кенг маънода конфликтларнинг потенциал манбаи деб қаралса, унда кўп миллатли давлатларнинг таркибидаги кам сонли миллат вакиллариининг чиқишлари ва мустақил давлат ёки автономия тузиш учун интилишларини сепаратизм деб айтмаслик мумкин эмас. Бунга Шри-Ланкада тамил миллатига мансуб аҳоли ўртасида рўй берган сепаратизм мисол бўлиши мумкин. Тамиллар мамлакатда федератив автономия тузиш шиорини илгари суришди ва Тамил Илам сепарат давлати тузишни талаб қилиб чиқишди. Марказий Шри-Ланка ҳукумати тамилларга автономия беришни рад этганлиги учун улар террор йўлига утиб, ўз ҳуқуқдарини қонунга зид усулда ҳимоя қилиб чиқишга мажбур бўлишди. Шунга ўхшаш ҳодиса, баскларга нисбатан, Испанияда ҳам рўй берди. Басклар ҳам Испания ҳукумати билан рўй берган конфликтни ечиш манбаи сифатида террор йўлини танлашди. Собиқ Югославия Социалистик федератив республикасининг Косово ўлкасида худди шу борадаги вазият кескинлашди. Масалан, Сербия таркибига кирган Косоводаги албан миллатига мансуб бўлган аҳолининг ҳаёти билан боғлиқдир. Косоводаги конфликтнинг сабаблари Болқон халқларининг ягона давлатга бирлашиши фақат XX асрнинг бошларидагина рўй берди ва бу жойда уларнинг ҳарбий Европанинг бошқа кўпгина мамлакатларида бир неча асрлар муқаддам бўлиб ўтган миллий идентификациялаш (тенглаштириш) жараёни ҳозиргача давом этмокда.

Югославиядаги воқеалар муносабати билан полиэтник мамлакатларнинг тарихий ривожланиш хусусиятларига эътиборни қаратиш зарур. Мазкур федерациянинг парчаланиб кетишининг сабабларидан бири вужудга келган бошқаришнинг муқаррар равишда тоталитар марказлашувга айланувчи маъмурий буйруқбозлик системасининг федерация принциплари билан мос келмаслигидадир.

Масалан, 1946 йилдаёқ Чехословакияда асимметрик давлат системаси шаклланганлиги равшан эди. 1948 йилги Конституция бўйича словак миллий ҳоқимият органларига фақат маҳаллий ўз-ўзини бошқариш, соғлиқни сақлаш, таълим ва бир қанча бошқа соҳалардаги ҳуқуқларгина берилган эди. Бу эса 1960 йилдан бошлаб Чехословакияда давлатнинг федератив тузилиши учун миллий ҳаракатнинг ёйилиб кетишига сабаб бўлди. 1970 йилдан бошлаб

мамлакат қонунчилигига яна барча ҳуқуқларни марказга ўтказувчи, федерализмга зид бўлган маъмурий-буйруқбозлик системасини қарор топишига олиб борувчи ўзгартиришлар киритилади.

Миллатлараро конфликтларнинг сабабларидан яна бири сепаратистик ҳатги-ҳаракатлардир, яъни айрим миллатларнинг ажралиб чиқишга, мустақил давлат ёки автономия тузишга интилишларидадир. Сепаратизмнинг ривожланишига омма онгида давлат суверенлиги билан миллат суверенлигининг идентификация қилиб аңланиши жиддий таъсир кўрсатади, бу эса конкрет шарт-шароитларда аҳоли орасида сепаратистик кайфиятнинг шаклланишига олиб келувчи муайян омилларда яққол намоён бўлади.

Масалан, Канададаги Квебек вилоятида рўй берган миллатлараро конфликтга тил муаммоси ҳам баҳона бўлган, чунки у ерда сепаратистик ҳатти-ҳаракатлар етарли даражада кескин ва очикдан-очик кўриниб қолганди. Мазкур вазиятда воқеалар қуйидагича ривожланди: ҳукумат француз тилида гаплашувчи аҳоли яшайдиган провинцияда рекламалар, эълонлар ва кўча номлари ҳамда бошқа ёзувларни француз тилидан бошқа тилда ёзилишини таъқиқловчи қарор чиқарди. Бироқ Канада Олий суди 1988 йили мазкур қарорни бекор қилди, бу эса охир оқибатда аҳолининг француз тилида гаплашувчи қисмининг ўзлари яшаб турган давлат таркибидан ажралиш талаби билан майдонга чиқишига сабаб бўлди.

Миллатлараро конфликтлар кам сонли миллат вакиллари ҳуқуқларининг чекланиши ёки камситилиши сабабли ҳам вужудга келиши мумкин. Трансильванияда руминлар ва венгрлар орасидаги конфликтнинг илдизи шунда эдики, венгрларга берилган бир хил ҳуқуқ ва эркинликлар, айти пайтда миллий жиҳатдан кам сонли бўлган руминлар учун амалга оширилмаган эди. Бу эса этник камсонли аҳолини камситишларга олиб келди. Чаушеску режими эса, нафақат венгрларнинг, айти пайтда бошқа камсонли миллатларнинг ҳам миллий ўзига хосликларини юзага чиқармай, миллий манфаатларини камситиб, руминлар оммаси орасида эса миллатчилик уруғларини ёйиб келди. Бу ҳол ўз навбатида очик норозиликларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Кавказорти, Молдова ва МДҲ давлатларининг бошқа ҳудудларидаги конфликтлар умумсоциал зиддиятларнинг ўзига

хос конкрет этник ифодаланишидир. Шунини ҳам айтиб ўтиш жоизки, бу конфликтларда камсонли миллатлар билан тубжой аҳолиси ўртасидаги зиддиятлар яққол кўзга ташланади. Бундай муаммолар юқорида қайд этилганидиск, Канадада французлар, Руминияда венгрлар, Сербияда албанлар, Хорватияда эса серблар қаршисида кескин турибди. АҚШда, Япония, Хитой, Корея, Вьетнам ва бошқа Осиё мамлакатларидан келган америкаликлар орасида ҳам шунга ўхшаш муаммолар рўй бермокда.

Этник кўпчилиكنи ташкил этувчи аҳоли билан бир жойда тўп бўлиб яшовчи этник камчилиكنи ташкил этувчи аҳоли ўртасидаги конфликт фузинлар билан абхазлар, Молдовадаги гагаузлар ўртасидаги муносабатлар. Болтик буйидаги руслар мисолида содир булмокда. Кўпчилик социологлар бу ҳодисани энг аввало моддий неъматлар ишлаб чиқаришдаги зиддиятлар билан боғлаб тушунтиришади.

Айни пайтда шунини ҳам таъкидлаш лозимки, америкалик олим Илтон Эсманнинг фикрича, мамлакатдаги юксак иқтисодий даража ҳам, юксак иқтисодий усиш суръати ҳам этник конфликтларга қалқон бўла олмайди. Кишиларнинг иқтисодий даражаси қанчалик юксалса, улар шунчалик кўп норози бўлиб қолаверишади, чунки уларнинг талаб ва эҳтиёжлари шу кадар тез усиб боради.

Баъзи олимлар қайси минтақада этник гуруҳлар ўртасида фарқлар катта бўлса, ўша жойда этник конфликтлар пайдо бўлиши мумкин дсб ҳисоблайдилар. Ҳали ечилмаган эски конфликтлар туфайли ҳам яна янги конфликтларни вужудга келиши мумкин. Масалан, иккинчи жаҳон уруши даврида депортация қилинган қримлик татарларнинг ўз ватанига қайтиши масаласи. Тартибга солинмаган, бошқарилмаган миграция, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, рухсатсиз уй-жой қурилишлари маҳаллий аҳоли билан қрим татарлари ўртасида конфликт вазиятни туғилишига олиб келди.

Келтирилган таҳлилдан келиб чиқадиган хулоса шуки, этник конфликтларнинг шаклланишига битта эмас, балки бир қанча омиллар таъсир кўрсатар экан. Ушбу ўринда ҳукуқий даъволар, конфессиялараро зиддиятлар, миграцион жараёнлар, камсонли этник гуруҳлар ҳукуқларининг камситилиши, туб жой аҳолисининг миллий тили, урф-одатлари, маданиягига нисбатан

ҳурматсизлик, иқтисодий инқирозларнинг кучайиши ва бошқаларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Шунингдек, 60 йилларнинг ўрталарида Буюк Британияда кескин кучайиб кетган миллий муаммолар конфликтларни келтириб чиқарган. Бу айниқса, Шимолий Ирландияда яққол намоён булди. Ҳозирги Шимолий Ирландия конфликта нафақат иқтисодий шарт-шароитлар яна кўплаб миллий, социал-иқтисодий ва диний омилларнинг чирмашиб кетишининг оқибатидир. Бу конфликт мамлакатни 20 йил мобайнида титратиб туради.

Бу конфликтни ҳал қилишга ҳалигача давом этиб келаётган зўравонлик ва террористик актлари, аҳолининг камсонли католиклари билан кўпсонли протестантлари ўртасидаги зиддиятлар ҳалақит бериб келмоқда. Шимолий Ирландияда икки мамлакат манфаатлари - Ирландия ва Буюк Британия манфаатлари тўқнашди. Масала шундаки, конституцион ҳуқуқий вазият буйича Шимолий Ирландия Бирлашган қиролликлар таркибига киради. Аммо 1920 йилги Англо- Ирландия шартномасига кўра Шимолий Ирландия кўпчилик аҳолининг хоҳиш иродасига биноан ажралиб чиқиш ҳуқуқига эгадир. Айни пайтда эса, Ирландия Республикаси Шимолий Ирландияни ўзининг миллий ҳудуди деб ҳисоблайди.

Конфликтларнинг кескинлашуви, тинч можаронинг қуролли конфликтга айланиб кетишига у ёки бу томонда ўқотар ва бошқа турдаги қурол-яроқларнинг мавжудлиги, ёки уларга учинчи томондан бундай қуролларнинг етказиб турилиши сабаб бўлмоқда. Ҳарбий ёрдам кўрсатиш этник кескинликни пасайтирмайди, балки бу ҳол конфликт катнашчиларининг янада фаолроқ ва ҳатто агрессивроқ ҳаракат қилишига йўл очади.

Айниқса, қурол-яроғ билан савдо қилиш ўта салбий оқибатларга олиб келади: ўтмишда қуролланмаган минтақаларни қурол-яроғ билан таъминлаб вазиятни беқарорлаштиради, кескинликни, шубҳаланишни кучайтиради, янги-янги душманлик ўчоқларини туғдиради. кўпинча ҳимоя учун мўлжалланган қурол-яроғлар агрессия учун хизмат қилади (Масалан Афғонистон, Эфиопия ва бошқа жойларда). Айниқса, инқироз ёки конфликт пишиб келаётган вазиятда жойларга қурол-яроқ экспорт қилиш хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги пайтда конфликтлар айнан қурол-яроғ бозоридан озиқланади. Кейинги тўрт йил ичида, бундай молларни сотиш ҳажми ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Масалан, Стокгольмдаги тинчлик муаммоларини тадқиқ этувчи халқаро институтнинг йиллик маърузисидаги маълумотларга қараганда, 1997 йили жаҳонда қурол-яроғ савдосининг ҳажми 1996 йилдаги 22,54 миллиард доллардан 25 миллиард долларга кўтарилган.

Кўриниб турибдики, агар Чеченистонда етарли миқдорда ҳозирги замон қуроллари бўлмаганда, қуролли конфликт ҳам бўлмаган бўлар эди. Бу қурол-яроғларнинг кўпчилик қисми чеченистонлик жангариларга қуролларни ҳийлакорлик билан пуллаш натижасида бориб қолган. Масала шундаки, 1990 йилнинг октябрида “Ҳарбий гуруҳ қўшинларини Германиядан узил-кесил олиб чиқиб кетиш ҳақида”ги қарор қабул қилингандан сўнг собиқ ГДР дан Совет ҳарбийларининг аслаҳахоналаридан қисқа вақт ичида 60 минг ўқотар қуроллари йўқолади. Кейинчалик маълум бўлишича, сербиялик ва чеченистонлик ҳарбий бўлинмаларнинг кўпчилик қисми ўша қуроллар билан таъминланган экан.

Собиқ СССРнинг парчаланиш шароитидаги айрим қуролли конфликтлардан шундай хулоса чиқдики, аҳолида, айниқса, уюшган жиноятчи гуруҳлар қўлида кўплаб қурол- яроғларнинг тўпланиши конфликтларнинг қуролли шаклга айланишига шароит яратди.

Конфликтлашувчи томонлардан бирининг қурол-яроғ етказиб бериш ёки қурол-яроғ сотиб олиш учун молиявий ёрдам беришларга кескин чек қўйиши конфликтларнинг авж олишига тўсиқ бўлади ва унинг олдини олишга шароит яратади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов мазкур омилга эътиборни қаратиб, Олий Мажлиснинг XII сессиясидаги нутқида яна бир бор таъкидлаганидек, Афғонистонга қурол-яроғ етказиб бериш, толибларга ҳарбий техник ёрдам деб аталган “хайр-эҳсон” ўн минглаб бегуноҳ кишиларнинг, болалар, аёллар, кексаларнинг қурбон бўлишига олиб келмоқда. Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 48 сессиясидаёқ Афғонистонга қурол-яроғ етказишга эмбарго эълон қилиш ташаббуси билан чиққан эди. Агар ўтган 4 йил ичида

эмбарго механизми ишга тушганда Афғонистонда бугунги кунда катта миқёсда олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатлар тўхтармиди?

Миллатлараро конфликтлар учун сиёсатчилар, миллий етакчилар ёки дин уламоларининг ўйламай туриб, ёки атайлаб чалғитиш мақсадида айтган ёлғон, провокацион гапи, ёки қандайдир бир ҳодиса, ҳатто олди-қочди уйдирмалар ҳам чакмоқ тош вазифасини ўташи мумкин. Ҳокимият (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд қилувчи) ва бошқарув органларининг сиёсий жиҳатдан хато қарорлари ҳам миллатлараро конфликтларга баҳона бўлиши мумкин. Реал вазиятни ҳисобга олмасдан у ёки бу қарорни чиқариш, ёки тегишли қарорларни ўз вақтида чиқармаслик ҳам конфликтларнинг авж олишига туртки бўлиши мумкин.

Масалан, Арманистон ва Озарбайжон аҳолиси ўртасидаги социал-сиёсий кескинликнинг кучайишига Тоғли Қорабоғ автоном Республикаси Олий Совети Мажлисида республиканинг Озарбайжон таркибидан чиқиб, Арманистон ҳукумати структурасига бўйсунishiга мўлжаллаб қабул қилган қарори сабаб бўлди. Зеро, мазкур қарордан Озарбайжон ҳукуматининг хабари бўлмаган.

Қайд этилган вазиятларда этнослараро, конфессиялараро конфликтлар дастлаб ўзидан-ўзи, сўнгра эса ташкилий равишда то катта миқёсдаги ҳарбий ҳаракатлар даражасигача бўлган қуролли можарога айланиб кетиши мумкин.

Бир ёки бир неча давлатлар доирасида миллатлараро конфликтларнинг пайдо бўлиш хавфи манбаларидан бири табиий захиралар танқислиги ҳам бўлиши мумкин. “халқаро ҳаёт” журнали (АҚШ) ва хавфсизлик муаммоларини ўрганувчи “Шарқ-Ғарб” институти вакиллари 1989 йили “давра столи” атрофидаги мунозара пайтида АҚШ Конгресси вакиллар палатасининг Европа ва Яқин Шарқ буйича комитети раиси Ли Хэмилтон “минтақавий конфликтларнинг сабаблари табиий бойликлар, қочоқлар ва аҳолининг катта миқёсда кўчишлари бўлиши мумкин, айрим экологик муаммолар эса икки томонлама ва кўп томонлама конфликтларни вужудга келтириши мумкин”, - деган нуқтаи назарни илгари сурди.

Америкалик сиёсатшунос Ральф Петерс ҳам “Параметрлар” журнали саҳифаларида шундай нуқтаи назарни илгари суради: ресурсларнинг тақчиллиги келажакда қарама- қаршиликларнинг

бевосита сабабчиси бўлиб келиши мумкин. Унинг фикрича, энг зарур бўлган хомашё бойликларига эгалик қилиш ҳуқуқи учун курашиш маҳаллий ва минтақавий конфликтларга олиб боради. Бугунги кунда, деб таъкидлайди у, конфликт нефть учун кураш кўринишида, келажакда эса сув учун кураш кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Миллатлараро конфликтларни оммавий ахборот воситалари ҳам қўзғатиши мумкин. Матбуот органларида миллий эҳтиросларни қайнатувчи дезинформацион (чалғитувчи) маълумотларнинг эълон қилиниши миллий туйғу уйғотиш ёки сепаратистик кайфиятнинг ёйилишига сабаб бўлиши мумкин. Ёлғон ахборотларни оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тарқатиш мумкин, оқибатда айрим тажрибасиз журналистлар бундай ахборотни ўйламасдан, мантиқан таҳлил этмасдан, ўз нуқтаи назарларини асослашда далил сифатида фойдаланишлари мумкин.

Ўтмишдаги вазиятдан андоза олиб, ё турли хил ижтимоий системалар нуқтаи назаридан баҳо бериш оқибатида оммавий ахборот воситаларининг ўзи ҳам конфликтнинг ташаббускори бўлиб қолиши мумкин.

Конфликтда иштирок этувчи қарама-қарши томонларнинг тўқнашиш эҳтимоллигига ишора қилувчи фикрларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши оқибатида, у социал ва миллатлараро кескинликларнинг доимо жиддийлашувида ҳам беихтиёр ташаббускор ролини бажариши мумкин. Шундай қилиб, жамоатчилик фикри конфликтнинг юзага кслиши муқаррар эканлиги, унинг кескинлашуви, ҳатто қуролли қўзғолонга айланиши мумкинлиги ҳақидаги фикрга кўникиб қолади. Оқибатда конфликтга қарши туриши мумкин бўлган кучларни интеллектуал, ахлоқий ва психологик жиҳатдан қуролсизлантиради.

Миллатлараро конфликтларнинг юқорида баён этилган сабаблари бир-бири билан ўзаро боғланган, шу сабабли ҳар бир конфликтни таҳлил этишда қандайдир бир сабабни эмас, балки бир қанча сабабларни қараб чиқишга тўғри келади. Маълум даражада бу сабабларнинг бири асосий бўлиб, қолганлари эса унга эргашиб келади. Аммо шунга қарамасдан конфликтларни бартараф этишда уларни вужудга келтирувчи сабабларни бир бутун яхлит ҳолда ва комплекс ўрганиш лозим.

6-боб. Конфликтларни бартараф этиш

1. Музокаралар конфликтларни бартараф этишнинг асосий омилидир

Этнослар ўртасидаги конфликтларни бартараф этишда қарама-қарши томонларнинг ўзаро музокаралар олиб бориши муҳим ўрин эгаллайди. “Демократия шароитларида эса, – деб таъкидлайди Ўзбекистан Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов, – давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланади”.

Баҳсталаб муаммоларнинг тинчлик йўли билан ҳеч қандай қон тўкилишларсиз ҳал қилишнинг бугунги кундаги бирдан бир ва синалган йўли музокаралар олиб боришдир.

БМТнинг собиқ Бош котиби Кофи А.Аннан ташкилотнинг бир йиллик иш фаолияти ҳақида сўзлай туриб, ҳар қандай яхши уюшган ташкилот пойдеворининг мустаҳкамлигини белгиловчи омил, бу унинг аъзоларининг ҳар қандай баҳсталаб муаммоларни куч ишлатиш ва зўравонликларсиз, тинч йўл билан ечишга тайёр эканликларини билдирувчи қафолатларидир, деб таъкидлади. Бугунги кунда дунёнинг турли мингақаларида давлатлараро, давлат ичкарасидаги кескин конфликтлар билан бир қаторда тинчлик, осойишталик ўрнатиш мумкинлигига қатъий ишонч, умид туғдирувчи ҳудудлархам мавжуд. БМТнинг бирламчи мақсадларидан бири конфликтларни тўхтатиб туриш, томонларни муросага келтириш, уларнинг келиб чиқиш асосларини бартараф этишга қаратилган маблағларни ажратиш орқали тинчлик, осойишталик ўрнатишга қаратилган ўзгаришлар кўламини кенгайтиришдан иборатдир.

Конфликт ва конфликт ҳолатлар социал жамиятлар тутган позицияларининг инъикосигина эмас, балки бошқача қилиб айтганда, ҳар бир инсоннинг йўлдошидир. Шунинг учун ҳам, конфликтларни ечишдаги музокара усулининг моҳияти унинг социал-сиёсий аҳамияти билангина чегараланмайди. Сиёсатчилар, дипломатлар, ҳуқуқшунос ва тадбиркорлар, касаба уюшмалари лидерлари, шу жумладан, оддий олди-сотди билан

шуғулланувчи фуқаролар ҳам музокара олиб борадилар. Маълум бўладики, музокаралар жараёни ер юзида истиқомат қилувчи ҳар бир шахсга бегона бўлмаган, умумий нуқталарга эга бўлган фаолиятдир. Музокараларни олиб боровчи шахсларга нисбатан бўлган қизиқиш ижтимоий эҳтиёж сифатида юзага келади. Табиийки, уларнинг характери ҳам, бу қизиқишларнинг кўлами ҳам бутунлай фарқлидир.

Музокаралар жараёни ҳақида билимларга, шунингдек, музокаралар олиб боришнинг тактикаси ҳақида тасаввурларга эга бўлишлик ҳар бир сиёсатчи, дипломат ва ҳарбий шахс учун зарурдир. Улар, ўз фаолиятлари давомида, ишлаб чиқилган, синалган методик тавсияларга суянган ҳолда юзага келган ҳар бир ўзига хос ҳолатга нисбатан ўз билимларини қўллай олиш малакасига эга бўлишлари лозим.

Америкалик олим, профессор Г.Райфф Гарвард университетининг Ж. Кеннеди номидаги давлат бошқаруви мактабида “Баҳсталаб муаммоларни музокаралар ёрдамида ечиш усуллари” тўғрисида махсус курс олиб борарди. Музокаралар ҳақидаги унинг фикрлари алоҳида диққатга сазовор. Унинг фикрича, музокаралар инсон билимлари ва фаолиятининг алоҳида соҳаси ҳисобланади. Г.Райффнинг “Ҳар бир соғлом фикрловчи киши ўзаро баҳс ва келишмовчиликларни муваффақиятли ҳал этишга эришишни ўрганиши зарурлиги, баҳс ва музокаралар жараёнида иштирок этувчиларнинг ҳар бири эгаллаши зарур бўлган фан ва санъат” ҳақидаги фикрлари кўпчилик олимлар, сиёсатшунос ва дипломатлар томонидан эътироф этилгандир. “Бу шунинг учун ҳам зарурки,- деб ҳисоблайди Х.Райфф,- бирон бир конфликт сабаб бўлиб ижтимоий ҳаёт ўз барқарорлигини йўқотмасин. Аксинча, умумий манфаат ва қизиқишларни излаб топиш ва ривожлантириш орқали ижтимоий ҳаёт ўз турғунлигини кўпроқ сақлаб қолиш имкониятига эга бўлсин”.

Г.Райфф музокаралар ҳақидаги билимларни ва қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш соҳасидаги тизимли фан ютуқлари билан ҳамкорликда олиб бориш усулини жорий этди. “Интерактив жараён” тушунчасини илмий истеъмолга киритди. Интерактив жараён тарафларнинг ҳеч бири томонидан зўрлик билан ўтказилмайдиган, аксинча ҳар икки тарафнинг диалог

асосида ўзаро келишуви натижасида ҳосил бўладиган ёндашувларнинг мажмуи, ҳосиласидир.

Демак, юқорида қайд этилганлардан мантикий хулоса сифатида айтиш мумкинки, музокаралар конфликтлар тугунини ечиш ёки уларни ҳал этиш усулларида биридир. Бу усулнинг бошқаларидан фарқли жиҳати шундаки, муаммонинг ечими ва бир қарорга келишлик ҳар икки тарафнинг бевосита иштирокида ишлаб чиқилади. Улардан юқори турувчи ёки суд ташкилотларининг бу жараёнга аралашмасликлари музокара усулининг ўзига хос хусусиятини белгилайди. Музокаралар ҳамкорликда бир қарорга келиш жараёнидир. 1990 йил Самарканд вилоятининг “Жума” қишлоғида содир бўлган ачинарли бир ҳодисани муаммога томонлар манфаатини тенг қўймай ёндашишликнинг оқибати сифатида баҳолаш мумкин. Воқеа содир этилган вақтда Республика раҳбарларидан бири конфликтга киришган тарафлар билан музокара олиб бориб, томонлардан бирининг тазйиқи остида масалани уларнинг фойдасига ҳал қилади. Устига устак, уларнинг хоҳиш-истаклари чизиғидан чиқмай туриб, тегишли тилхат ҳам беради. Бу ҳолат иккинчи тарафнинг сабр косасини тўлдириб юборади ва оммавий тартибсизликларнинг бошланишига сабаб бўлади. Юқоридагига ўхшамаган воқеа 1991 йилнинг декабрида Президент И.А. Каримов билан бўлиб ўтган эди. У қутурган фанатик(мутаассиб)лар ўртасида қолиб кетган бўлса ҳам “Ислом лашкарлари”нинг лидерлари билан бевосита, тўғридан-тўғри музокаралар олиб боришга киришади.

Экстремистик характердаги хатти-ҳаракатларни авжига чиқа бошлаган оломон билан муомала қила билишлик, оломоннинг психологияси, кайфиятини яхши билиш, ўта жиддий хавфли ҳолатни жуда тез баҳолай билиш қобилияти, ушбу вазиятдаги энг унумли ва яккаю ягона, тўғри қарорга кела билишлик, тўда раҳнамолари билан тўғридан-тўғри мубоҳасага киришишлик, уларни оммадан ажратишда шарқ менталитетига хос бўлган барча урф ва удумларга тўла амал қилишлик, учрашув иштирокчиларини алоҳида, хавфсиз жойга таклиф қилмай, аксинча уларнинг уйида, бир пиёла чой устида муаммоларни ечишга интилишлик ҳамда Президентнинг жасур иродаси каби компонентлар мажмуи Бўка воқеалари пайтида музокаралар

жараёнининг бошланиши ва муваффақиятини белгилаб берди. Айнан шу чора-тадбирлар ҳамда онгли таваккалчилик минглаб кишиларнинг қурбон бўлишларини олдини олди. Акс ҳолда, машҳур “қулупнай” ҳодисасининг такрорланиши ҳеч гап эмасди.

Музокаралар давомида ечиладиган энг муҳим муаммо аста-секинлик билан фикр(нуқтаи назар)лар ўртасидаги фарқларни енгиб боришлик, у ёки бу муаммонинг ечими юзасидан бир қарорга келиш, бир хил йўл тутиш учун қатнашчиларнинг хатти-ҳаракати, тутадиган йўли – позицияларининг яқинлашувига эришишдир. Бошқа сўз билан айтганда, конфликтни бартараф этиш мақсадида юзага келган муаммони ҳал этишнинг ҳар икки тараф манфаатларига мос келадиган ечимини топиш – музокаралар жараёнининг асосий моҳият илдизига айланиб қолади.

Музокаралар олиб бориш жараёни ҳар бир шароитда ўзига хос хусусиятга ва турли ҳолатларда ҳар хил кўринишларга эга бўлса-да, илмий ва расмий манбаларда бу жараённинг мукаммал ёки аниқ бир тўхтамга келинган таснифи берилмайди. Музокаралар қатнашувчиларининг таркиби, сони ёки муҳокама қилинаётган муаммонинг ҳарактерига кўра фарқланадилар. Агар тасниф учун айнан шу мезонлар асос қилиб олинадиган бўлса,, музокаралар: икки ёқлама, кўп томонлама, ички сиёсатга оид, тижорат билан боғлиқ ва бошқа... турларга ажратилиши мумкин. Музокаралар, эришилган натижаларга кўра муваффақиятли ва самарасиз (барбод бўлган), давомийлигига кўра узоққа чўзилган ва ўз вақтида ўтказилган, қатнашувчилар сонига кўра –фақат алоҳида ваколатли қатнашувчилар иштирокида ёки кўпчилик иштирок этган каби турларга бўлиниши мумкин.

Ечилиши лозим бўлган муаммоларнинг мураккаблигига кўра музокаралар қуйидагича бўлиниши ҳам мумкин:

1. Ўта мураккаб - уларда эришиладиган битимнинг аниқ ечими (ҳарактери) ҳақида олдиндан аниқ фикр билдириш жуда мушкул;

2. Мураккаб - музокараларнинг бундай турида айрим масалалар юзасидан аниқ битимга келишилган, тўхтамга келинган бўлади;

3. Оддий – музокараларнинг бундай турида тарафларнинг ўзаро бир битимга келишишлари учун ортиқча куч, саъй- ҳаракат

талаб этилмайди, аксинча, ҳал этилган муаммо ҳуқуқий нормалар асосида мустаҳкамланади, холос.

Тарихий фактлар шуни курсатадики, авваллари, музокаралардан минтакавий ёки ундан ҳам катта миқёсдаги кучлар қарама-қаршилиги, урушлар, қуролли тўқнашувлар натижаларини қайд этишдагина истифода этилган. Бундай ҳолатларда музокаралар ғалаба қозонган тарафга мағлубиятга учраган томон устидан ўз ҳукмини ўтказиш учун бир восита (шакл) вазифасини ўтаган.

Этнослар ўртасидаги конфликтларни бартараф этишда қўлланадиган музокараларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, улар конфликтлар натижаларини қайд этувчи ҳолатгина эмас, балки конфликт ҳолатдан чиқишнинг муқобил (альтернатив) усули сифатида ҳам баҳоланади.

Икки ёқлама қабул қилиш мумкин бўлган қарорларни излаб топишга йўналганлик, мослашувчанлилик, тарафларнинг қонуний манфаатларини ҳисобга ола билишлик, музокаралар олиб боришдаги икки ёқлама келишилган тамойилларга сўзсиз амал қилишлик каби ҳолатлар юқорида қайд этилган музокаралар учун хосдир.

Барча музокаралар, шу жумладан этнослар ўртасидаги конфликтларни бартараф этишга қаратилгани ҳам, икки жиҳатдан холи эмасдир. Яъни, мазмун (предмет) ва процессуал (жараён) жиҳатдан.

Музокаралар асосини ташкил қилувчи муаммоларни таҳлил қилиш орқали музокаралар концепциясини ишлаб чиқиш ва музокаралардаги аниқ позицияни тайёрлаш - музокараларнинг мазмун жиҳатини ташкил этади.

Процессуал (жараён) жиҳати эса у ёки бу мазмун жиҳатига эришишнинг восита (йўл)ларидан иборатдир.

Яқиндагина бир-бирига манфаатлари бутунлай зид бўлиб турган тарафларни бир умумий фикрга келишувга келтириш, муҳокама қилинаётган мавзу юзасидан уларнинг позиция ва қарашларини мувофиқлаштириш каби миллий хавфсизлик масалаларига тегишли қарашларни бир нуқтага келтириш музокаралар жараёнининг энг муҳим ва асосий халқасидир. Музокараларнинг бу механизми қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- музокараларнинг стратегияси;
- тактикаси;
- техник жиҳатлари;
- олиб бориш тартиби.

Гарчи бу механизм музокара қатнашчиларини иккига ажратиб турувчи тўсикларни бартараф эта олмаса-да, бир тўхтамга келиш йўлидаги қарама-қаршиликларни аниқлаш ва фарқлашда самарали хизмат қилади. Баъзан, шундай бўладики, музокара қатнашчиларини турли мухолиф гуруҳларга ажратиб турувчи муаммолар сиёсий ҳам, ижтимоий ҳам эмас, балки техник хусусиятга эга бўлиб чиқмоғи мумкин. Музокараларнинг бош мақсади, низолашувчи тарафларнинг баҳсталаб муаммони ечиш йўллари ва усуллари тўғрисида бир хил тўхтамга келишувларидир. Келишув - музокаралар жараёнидаги ҳамкорона ҳаракат ва меҳнатнинг натижаси. У тарафлар бир-бирини тушунувини шу даражага етказадик, бу даражадан туриб ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имконият ва омиллар пайдо бўлади.

Эришилган келишув, бир вақтнинг ўзида, тарафларнинг кейинги режа, хатти-ҳаракатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамловчи ҳолат ҳамдир. Бу, айтилиши мумкин, вақтда, тарафларнинг куч ишлатиб қиладиган ҳаракатларининг олдини олиш воситасидир.

БМТ Бош Котиби Кофи Аннанинг юқорида номи зикр этилган маърузасида қайд қилинишича, Тожикистонда тинчлик ва миллий келишувни ўрнатиш тўғрисидаги умумий битимнинг имзоланиши жанговор ҳаракатларнинг бутунлай тўхтатилишига олиб келмаган бўлса-да, музокаралар Тожикистондаги мухолиф кучларнинг ўртадаги низоларни тинчлик билан бартараф этиш истаклари мавжудлигини намойиш этди. Айнан шу музокаралар Эрон Ислом Республикаси ва Россия Федерацияси каби давлатларнинг шундай ижобий натижага эришиши учун ўз ёрдам қўлларини чўзишга тайёр эканликларини ҳам намоён этди.

Афғонистонда эса бутунлай бошқача ҳолат. У ердаги қарама-қарши кучлар можароларни тинчлик йўли билан бартараф этишга унчалик ҳам истак билдирмадилар.

У ердаги мантиқсиз, биродаркушлик жанглари ҳамон давом этмокда. Айрим мамлакатларнинг эса, уларга сиёсий ва

ҳарбий ёрдам кўрсатиш орқали бу курашларни рағбатлантираётганликлари ғоятда ачинарлидир.

Мухолифат тарафлар вакилларининг мунозаралари жараёнида муаммоларнинг таҳлил қилиниши - музокаларнинг асосий услубидир. Этнослар ўртасидаги конфликтлар сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги миллий хавфсизлик масалаларини қамраб олар экан, томонларнинг сиёсий масалалар юзасидан фикр алмашмоғига асосий эътиборни қаратмоқ лозим.

Сиёсий масалалар юзасидан фикр алмашиш дейилганда – интерсубъектив (субъектлараро) коммуникатив ўзаро алоқа услуби; сиёсий мазмунга эга, ҳар икки тараф манфаатларини аниқлашга қаратилган, умумий позицияларни излаб топиш, муаммоларнинг ўз вақтида ечилиши, ўй, мақсад ва ҳаракатларнинг мослашуви каби тил воситалари билан амалга оширилувчи икки ёқлама мулоқот (кўп томонлама мулоқот фарқли ўлароқ) эътироф этилади. Сиёсий мунозара томонларнинг барча масалалар юзасидан очиқ-ойдин бўлишликлари билан концептуал равишда боғлиқ бўлиб, айрим муаммолар, масалан, конфликтларни бартараф этиш, ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш каби ҳолатларни ечишда ўзаро бир-бирини тушу- нишлик ва томонларнинг биргаликдаги ҳаракатларини бошқара олишлик каби имкониятлар мавжудлигини назарда тугади. Мунозара “келишув ва келишмаслик” тамойиллари асосига қурилади.

Музокаралар – куч ишлатиш йўли билан олиб бориладиган ҳаракатлардан ҳамкорликка, муаммоли масалалар ечимидаги консенсусга, тарафлар манфаати ва позициялари юзасидан ўзаро битимга келишишга қаратилган йўл демак. Томонлардан бирининг фақатгина ўз манфаатларини амалга оширишга қаратилган интилишлари конфликт асосида ётган у ёки бу ижтимоий муаммоларнинг ечими юзасидан бир қарорга келиш имкониятини йуққа чиқаради. Бундай вақтларда музокаралар муваффақиятли тугамайди. Ақсинча, улар конфликтнинг авж олиши(эскалация)га хизмат қилади.

Конфликтни бартараф этиш мақсадида олиб борилаётган музокараларда керакли битимга келишишнинг ягона йўли консенсус, яъни икки томонлама келишувдир. Айни вақтда сўз, музокараларда фақатгина бир тўхтамга, битимга келишиш

ҳақидагина эмас, балки конфликтни бартараф этиш юзасидан олиб бориладиган кейинги ҳамкорлик ҳақида бораётир.

Консенсус бу ҳали тарафлар инсонпарварлигининг на- мойиши ҳам, ўзларининг эгаллаб турган принципиал позиция- ларидан воз кечиши ҳам дегани эмас. Консенсус, ушбу вазиятда, қарама-қарши тарафлардан бирининг (ҳар иккиси бўлса нур устига аъло нур) муросага келишувини англатади. Аммо бу муроса ақл билан йўғрилган, миллий хавфсизлик манфаатларига зарар етказмайдиган бўлиши керак.

Қатор хорижий мутахассисларнинг ҳисоблашларича, музо- каралар олиб боришнинг рационал-ижобий (позитив) даражаси музокара қатнашчилари фикрининг қуйидаги масалаларга кўпроқ жалб қилинишини талаб этади:

- конфликтни бартараф этишнинг асосий муаммоси;
- юзага келган низоларни ҳеч қандай куч ишлатмасдан, конструктив диалог воситасида бартараф этиш мумкинлигига қатъий ишончнинг борлиги.

Бундан кслиб чиқадиган мантикий хулоса шуки, тарафлар ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишда куч иш- латиш, мажбурлаш ва эзиш каби усуллар истифода қилинмайди. Яқин кунларимизда ҳам қарама-қаршиликларни бартараф этишнинг устунликка эга усули сифатида қаралган бу усулини бугунги кундаги ижтимоий ҳаётнинг нормаси сифатида қараш мумкин эмас. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, авваллари, совет жамиятшунослари кураш ва куч ишлатишликни қарама-қарши- ликларни бартараф этишнинг ягона усули сифатида тан олар- дилар. Бундай қарашнинг сабабини англаш учун антогонистик гуруҳлар манфаатининг анъанавий социалистик концепциясини тушунишнинг ўзи кифоя. Унда ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар ҳам гуруҳий кураш нуқтаи назаридан келиб чиқиб кўриларди. Бир гуруҳнинг ғалабаси, сўзсиз, иккинчисининг мағлубиятини англатар эди.

Конфликтларни бартараф этишнинг бундай усули ўша вақтда мавжуд бўлганлигининг сабабини ҳамкорлик ва бир- галикда ишлашнинг назарий концепцияси ишлаб чиқил- маганлиги билан асослаш мумкин. В.А.Кременюк томонидан билдирилган иккинчи бор қарашга ҳам эътироз билдириш мумкин. У СССР ва АҚШ ўртасидаги музокаралар муам-

моларини таҳлил қила туриб, шундай хулосага келади: “Музокаралар - қарама-қарши кучлар курашининг яширин шакли. Унинг иштирокчиларининг биринчи мақсади - “Ғалаба”. Бу ғалабага музокаралар жараёнида, унинг шартлари асосида эришилади. Музокаралар тарафлар кучларининг муносабати билан тугридан-тугри боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, факатгина ҳар иккала томон учун ҳам қабул қилиниши мумкин бўлган ҳолат юзага келгандагина музокараларга киришиш мумкин. Акс ҳолда улардан қочиш керак”.

Ушбу формула дипломатик музокаралар жараёнида қўлланиши мумкин бўлса, ҳам уни этнослар ўртасидаги конфликтларни бартараф этишга татбиқ этиш сира мумкин эмас. Ҳозирги замон шароитларида, музокаралар, қарама-қарши тарафларнинг биргаликда ҳаракат қилишликларининг асосий шакли сифатида қаралади. Ўзаро келишув кимнингдир “ғалаба” қилишидан кўра кўпроқ аҳамиятга эга бўла бошлади. “Рақиб”га эса бир ишга бел боғлаган ҳамкор, шерик сифатида қарала бошлади.

Ушбу ҳолат муаммоларни ечишда куч ишлатиш ва урушлар олиб боришдан тинчлик йўли билан ҳал қилишга, конфронтациядан консенсусга ўтишга қаратилган халқаро муносабатларнинг бугунги кундаги умумий анъаналарини ифодалайди. Қарама-қаршиликларнинг консенсус имкониятлари шу билан асосланадики, “конфликт, муносабат ва социал алоқаларнинг алоҳида шакли сифатида томонларнинг фарқли, мувофиқ бўлмаган жиҳатларини, зиддиятларинигина таъкидлаб қолмасдан, уларни биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи қандайдир ҳолатлар ҳам борлигини кўрсатади. Бу ҳолатларсиз кураш ҳам, келишув ҳам, бирдамлик ҳам йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас”.

Муроса, ўзаро келишув ва бир-бирини тушунишлик музокара жараёнининг асосий мақсад йуналишларидир. Улар нафақат мамлакат ичидаги низоларни, балки, минтақавий ва улкан халқаро миқёсдаги муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ ҳолатларда ҳам объектив ҳарактердаги кенг имкониятларни яратади.

Конфликтга киришган томонлар қачон ва қайси вақтда музокаралар олиб боришга ўтишлари лозим? Савол алоҳида асос эътиборга эга бўлиб, унга бирдай жавоб бериш мақсадга мувофиқ бўлмасди. Конфликт ёки бўҳрон(кризис)лар ҳолатида “музокаралар мана бу ерда, мана бу вақтда олиб борилиши лозим”

дейилган бирор низом ёки қонун-қоида халқаро тажрибада ҳам йўқ. Юқорида таъкидланганидск, миллий муносабатларда ижтимоий тангликнинг юзага кслиши этнослар ўртасида муайян конфликт мавжудлигидан дарак беради. Бу босқичда олиб борилган музокаралар, одатда самарасиз ва натижасиз бўлади. Фақатгина этнослар ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг асослари маълум бўлиб, уларни келтириб чиқарувчи муаммо ва сабаблари аниқланганидан сўнггина ўтказилган музокаралар самарали хусусиятга эга бўлиши мумкин. Бошқа сўз билан айтганда, конфликт олди ва ҳаттоки, конфликт ҳолати бошланган вақтда музокаралар олиб борилиши мақсадга мувофиқ эмасдир. Чунки, бу вақтда қарама-қаршиликларнинг моҳият ва сабаблари ҳали аниқланмаган бўлади. Бундай ҳолатларда ижтимоий тангликни юмшатиш учун бошқа чора-тадбирлар асосида иш кўрилади.

Конфликт воқеаларининг ривожидан давомида рухсат этилмаган намоёишлар, митинглар уюштириш, оммавий тартибсизликлар, зўравонлик қилиш (масалан, шахсларни гаровга олиш), қурол ишлатиш каби конфликт шакллариининг юзага келиш хавфи туғилган чоғда конфликтнинг олдини олиш мақсадида музокараларни ташкил қилишга ўтиш лозим.

Бордию, конфликт ривожланиб, юқорида қайд қилинган ҳолатлардан бирига ўтгудек бўлса,, музокараларнинг қанчалик тез бошланиши миллий хавфсизлик манфаатларига шунчалик мос кслиб, кўриладиган зарарларнинг олдини олиш имкониятини беради.

Халқаро, сиёсий, дипломатик муносабатлар тажрибасида музокаралар олиб боришнинг қуйидаги уч босқичи фарқланади: Биринчи босқич - музокаралар мавзуси, томонлар қарашларининг баён этилиши, музокара қатнашчилари томонидан кун тартибига киритилиши лозим бўлган масалалар ва музокаралар тартиби каби ҳолатларнинг мазмун доираси шакллантирилади.

Иккинчи босқич – тарафларнинг тутган ўрни ва уларнинг далил-асосларининг баён этилиши. Бу босқичнинг ўтиши учун тарафлар тузилажак шартнома (битим)нинг асосий, умумий ҳолатлари юзасидан аниқ фикрга эга бўлишлари ва бир-бирларини тушуниб ёндашишлари лозим бўлади. Тегишли ҳужжатларни тайёрлаш учун махсус ишчи гуруҳи ташкил қилинади. Тарафларнинг навбатдаги ишларига асос бўлиб хизмат

қилувчи шартномавий (битим) лойихасининг ишлаб чиқиши ушбу босқич ўталаётганлигининг ташқи ифодасидир.

Учинчи босқич - тарафларнинг тутадиган йўли, эгалладиган ўринларининг келишуви, ҳужжат матни устидаги ишлар, унинг таҳрир ва муҳокама қилиниши, шартнома таркибий қисмлари юзасидан келишув, шартноманинг энг сўнгги якуний матнини тайёрлаш.

Музокара иштирокчилари бир битимга келишиш зарурлигига баробар эҳтиёж сезганларидагина тарафлар ўзаро келишишлари мумкин. Масалан, қон тўқилишларнинг олдини олиш учун босқинчилик, талон-тарож қилиш каби жиноятларни содир қилмаслик, фуқароларнинг яшаш шароитларини бир маромга келтириш ҳамда уларга осойишта ҳаёт яратиб бериш каби ҳолатлар ҳақида келишиб олинади.

Музокаралар олиб боришга рози эканлигини билдириш, ҳар доим ҳам, тарафлардан бирининг шартнома (битим)га эришиш истагини, интилишини ифодалайвермайди. Агар:

- тарафлардан бири ишнинг бошланишидан оқ музокаралар жараёни билан боғлиқ муаммоларни четлаб ўтишга ҳаракат қилса;

- музокаралар олиб боришдан мақсад жамоатчилик фикрига таъсир этиш ёки халқаро жамоатчиликни жалб қилиш бўлса, ;

- тарафлардан бири иккинчи тарафнинг далил-исботларини қабул қилмай, конфликтни келтириб чиқарган айбдорларни топишга интилиб, музокаралар олиб боришда масофа ушлаб туриш (конфронтация) йўлини танласагина юқоридагига ўхшаш ҳолат вужудга келади.

Баъзан, музокаралар муддатининг чўзилиб кетиши уларни боши берк кўчага олиб келиб қўйган ҳолатлар ҳам бўлади. Уларнинг давом этиши ўртага тушадиган кафилларга боғлиқ бўлиб қолади. Кафиллик конфликтларни ечишда учинчи тарафнинг ҳам иштироки бўлиши лозимлигини талаб этади. Томонларнинг хоҳиши ва розилигига кўра қўшилган учинчи тараф музокаралар жараёни ташкилий аспектлари ва тартиби билан боғлиқ масалаларни ишлаб чиқишда иштирок этади. Ҳар иккала тараф учун ҳам мақбул бўлган музокаралар ечимини топишда қатнашиб, ушбу масалалар юзасидан ўз таклиф ва

мулоҳазаларини ҳам киритиш ҳуқуқига эгадир. Аммо, унинг таклиф ва мулоҳазалари ўзаро низода бўлган тарафлар учун мажбурий қарор деб қабул қилинмайди.

Айрим хорижий мамлакатлардаги сиёсий ва этнослар ўртасидаги конфликтларни бартараф этиш амалий тажрибасидан йиғилган айрим умумий тавсияларга эътибор берайлик.

- Музокараларда гапни кўпайтирмаслик, тарихга узундан-узоқ сафар қилмаслик, аҳамиятсиз нарсаларга ортиқча таъриф бермаслик лозим. Асосий масаладан ўзини четга олиб қочиб, кутилмаган томондан яна қайтиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлмайди.

“Тилга ортиқча эрк бериш,- дейди Гарвард университети бизнес мактабининг профессори Майкл Уилер, бирор иш, масала юзасидан музокаралар олиб боришга қодир бўлмаган инсонни тезда ажратиб қўяди. Потенциал шерик билан бирон- бир шартномани муҳокама қилаётганда орага тушган ҳар бир жимликни тўлдиришим зарур деб сира ўйламаслик лозим. Айтиб ўтилган ҳолатларга яна бошқа, зарур бўлмаган қўшимчаларни киритишга ҳаракат қилгандан кўра сукут сақлаш афзалроқдир”.

Америкалик экспертларнинг маслаҳатига кўра, музокара столи атрофида “60 га 40” формуласига амал қилингани маъқул. Яъни, музокара давомида 60 фоизини тинглаб, 40 фоизини сўзлаб ўтказиш лозим.

- Музокара иштирокчилари кўнгилли равишда, яъни ўзлари келишган ва истаган ҳолда ўзаро муносабатларнинг самимий этикет нормаларга амал қилиш мажбуриятини олишлари ҳамда конфликт муносабатларнинг эмоционал - ортиқча ҳис-туйғуга берилиш билан боғлиқ йуналишидан воз кечиш лари лозим.

Музокараларда қатнашувчи тарафларнинг вакиллари бир-бирларига нисбатан одоб ва хушмуомалада бўлишлари; киши шахсини ҳақоратловчи ибораларни, ўхшатишли эпитетларни қўлламасликлари; кучли тарафнинг вакили сифатида такаббурлик ва манманликка берилмасликлари, руҳан эзилишга олиб келувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширмасликлари лозим. Ҳар бир музокара, иштирокчиси ўзаро миллий муносабатлар масаласини ечаётганда юқори маданиятли бўлиши, тарихдан амалда бўлиб

келаётган урф-одат ва расм-русмларга катта ҳурмат билан қарай олиш фазилатларига эга бўлиши ниҳоятда муҳимдир.

- Шунинг ҳам назардан қочирмаслик керакки, илгари, музокараларда кучсизроқ тараф кучли тарафга ён босиб келган бўлса, бугунги кунга келиб вазият ўзгарди. Энди тарафлардан қайси бири бошланишиданоқ шериги (2-тараф) томонидан қабул қилиниши мумкин бўлмаган, реал бўлмаган, унинг қонуний талабларини қондира олмайдиган, икки томонлама муносабатлар характерини тўлиқ ифодаламайдиган талабларни қўядиган бўлса, шу тараф ён босади.

- Музокаралар ишчанлик ва конструктив руҳида бўлишлари лозим; тарафлар аниқ таклифлар киритиш билан биргаликда музокара иштирокчилари томонидан ишлаб чиқилиб, келишиб, кун тартибига киритилган барча масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашишга тайёр бўлишлари лозим.

- Бирон бир масала юзасидан келиша олмаслик ёки аниқ бир фикр, тўхтамга эга бўлмаслик иккинчи тарафга жуда қўл келиши мумкин. Бу эса ҳеч қандай ақлга сиғмайдиган фикр ва талабларнинг ўртага тушишига асос бўлади. Шунинг учун ҳам ўз позициясини аниқ ва равшан баён қилиш, ҳар бир гапни далиллар билан асослаш, шерикни устамонлик билан алдашга ҳаракат қилмаслик лозим. Айниқса, сўнггиси, музокаралардаги вазиятнинг оғирлашуви ва зиддиятларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин.

Юқоридаги тавсияларнинг музокаралар жараёнида қўлланиши, сўнгги натижада, уларнинг муваффақиятли ўтишини таъминлашда ёрдам беради.

Музокараларнинг самарадор бўлиши қатнашчиларнинг “сиёсий иродаси” билан ҳам бевосита боғлиқдир. Агар қатнашчилар сиёсий етук, ақлан баркамол кишилардан ташкил топган бўлса, шубҳасиз, жараён муваффақиятли кечади. Қабул қилинган битим эса ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим босқич бўлиб қолади.

Музокаралар муваффақияти кўп жиҳатдан уларнинг назарий ишлаб чиқилганлигига, яъни ушбу муаммони тадқиқ қилиниш даражасига, илмий ўрганилганлигига боғлиқдир. Бу тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб музокараларни олиб боришда қўллаш мумкин бўлган, асосли амалий тавсиялар ишлаб чиқилади. Аммо

буларнинг барчаси ҳам қонуний характерда бўлмай, шартли хусусиятга эга. Чунки музокаралар олиб боришнинг ягона назарияси ҳали амалда мавжуд эмас. Шунга қарамай, дипломатик, сиёсий, савдо-иқтисодий музокараларни олиб бориш жараёнида тўпланган тажрибалардан келиб чиқиб берилган тавсиялар музокаралар механизми самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- музокараларда қатнашувчиларнинг энг мақбул сонини танлаш;

- музокаралар олиб боришнинг вақтинчалик доирасини кенгайтириш;

- энг муҳим масалалар юзасидан экспертлар сонини кўпайтириш;

- соф техник такомиллашув - музокаралар жараёнида таржима сифатини ошириш, ёрдамчи ишчи органлар сонини кўпайтириш.

Қайд қилинган тавсияларга қўшимча сифатида яна қуйидаги икки бандни ҳам қўшиш мумкин бўларди:

- музокараларга тажрибали, чиниққан музокарачиларни йўллаш;

- музокараларга аввалдан, пухта тайёргарлик кўриш.

Юқоридаги ва уларда қайд эгилмаган яна бошқа кўпгина сабабларга кўра:

- мавжуд музокара жараёнлари тартибига оид билимлар ҳажми ва даражасини жиддий равишда чуқурлаштириш;

- анъанавий ва ноанъанавий таҳлил услублари ёрдамида музокаралар жараёнини тадқиқ қилиш;

- ушбу жараённи такомиллаштириш юзасидан амалий тадбирлар ишлаб чиқиш лозимдир.

Музокара олиб бориш тажрибалари шуни кўрсатадики, музокараларда максимал даражада ғалаба қозониш эмас, балки муаммоларни ҳал этиш тамойили қўйилса, музокара жараёнининг самарадорлиги кескин суръатларда кучаяди.

Музокаралар жараёнини таъминлашнинг оптимал - ҳар иккала тараф манфаатларига мос келадиган вариантини танлаш учун унинг модели, аввалдан, тайёрланган бўлиши керак. Шунинг ҳам унутмаслик лозимки, музокараларнинг ўз ҳаракат чизиғи, оқими, маълум ўйин қоидалари ҳам мавжуд. Ўйинли андоза (ёки

моделлаштирув) – музокаралар жараёнини гавдалантирувчи ўйинли ҳолатларни яратиш демакдир. Модель абстракт хусусиятга эга бўлмасдан аниқ бир конфликт ҳолатга (айнан) мос бўлиши керак. Уни ишлаб чиқиш чоғида воқеалар ривожининг оддий мантиқ учун аввалдан айтиб бериш қийин бўлган томонларини ҳам ўйлаб, тарозига солиб, таҳлил қилинади. Шунингдек, музокараларни олиб бориш учун зарур бўлган барча шарт-шароит ва замин ҳозирланади.

Моделлаштирув бўлажак иштирокчини музокара жараёнига тайёрлаш билан боғлиқ бир қанча ҳолатларда синаб кўриш имконини беради. У ўзини музокара иштирокчиси ўрнида кўриш орқали баҳслашаётган томонларнинг олдиларида кўндаланг бўлиб туриши мумкин бўлган барча муаммолар комплекси билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлади. Олдиндан ишланган музокаралар сценарийси моделлаштирувнинг ҳақиқатга яқинлашувини кучайтиради. Бунда ҳар икки тараф манфаатларининг тенг қўйилиши энг мақсадга мувофиқ иш бўлади.

Моделлаштирувни оддий ўйин деб қабул қилиш тўғри бўлмасди. Чунки, аслини олганда, бу бўлажак музокараларнинг айнан ўзини тиклаш ва тасаввур этишга қаратилган, катта куч ва меҳнат талаб этиладиган ҳолат бўлиб, амалда ҳам шундай бўлиши эҳтимолдан холи эмасдир.

Музокаралар жараёнини моделлаштириш учун, бўлажак иштирокчи, конфликтга асос бўлган муаммоларнинг барча сабаблари ҳақида ҳамда низолашувчи тараф томонидан вакил бўлиб қатнашадиганларнинг портретлари ҳақида ҳам тўлиқ ахборот ва маълумотларга эга бўлиши керак. Бу шерикларнинг музокаралар вақтида ўзларини қандай тутишлари мумкинлигини: улар эгаллаган позицияларининг нозик ва бўш жойларини аниқлаш, уларга тетишли таъсир кўрсатиш орқали конфликтни бартараф этишга кўндириш имкониятларини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, музокаралар жараёнини ташкил этишнинг бош мақсади - низолашувчи тарафлар бир-бирларига қарши туришдан воз кечиб бир битимга келишувлари ва уни тегишли хужжатлар асосида мустаҳкамлаб, биргаликда, ҳаётда амалга оширишга киришувларини таъминлашдан иборатдир.

2. Конфликтлар ечимида информацион воситаларнинг аҳамияти

Бугунги кунда ахборот майдони, коммуникация воситалари замонавий жамият ҳаётига ўзининг жиддий таъсирини кўрсатмоқда. Қолаверса, инсоният умумжаҳон информацион муҳитида яшамокдаки, унда ахборотнинг мавқеи ва долзарблиги кучайиб бормоқда. Шундай экан давлатнинг миллий манфаатлари ва хавфсизлигини таъминлаш, бошқа сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий вазифаларни бажаришда ахборотнинг тўғрилиги, тўлалиги ва долзарблиги муҳим роль ўйнайди.

Бу маънода конфликтлар (авваламбор миллатлараро йўсиндаги) ечимида уларнинг ўзгариши ёки динамикасига бевосита таъсир кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларнинг ўрни ва мавқеи катта аҳамиятга эгадир. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, бугунги кунда тинчликни ўрнатиш операцияларининг ўтказилишида тинчликсевар кучлар ва оммавий ахборот воситаларининг параллел манфаатлари ёки уларнинг бирдамлиги мавжуд экан.

Генерал Льюис Макксензининг сўзларига қараганда - “менинг ихтиёримдаги қурол-яроғ мажмуасида энг кучлиси оммавий-ахборот воситалари бўлган. Тинчликни ўрнатиш ва зўравонликни йўқ қилишда ҳарбий кучларга нисбатан уларнинг таъсири анча устунлик қилган”. Босниядаги инглиз ҳарбий контингентининг раҳбари ўз фикрини бундан ҳам аниқроқ билдириб шундай дейди: “БМТнинг операциялари ўтказилганда, оммавий ахборот воситалари фаол иштирокчилар сифатида бўлишлари лозим. Вазиятни бошқа йўналишга ўзгартириш учун фото ва кинокамера бўлишининг ўзи етарли бўлади ... Улар бизнинг қурол-яроқларимиз билан биргаликда фойдали қўшимча куч сифатида ишлатилади. Ундан ташқари, ҳарбий операцияни бошлашдан аввал ҳар сафар уларнинг қоидаларини қўшимча ўрганиш керак, оммавий ахборот воситаларини ушбу операцияда ишлатишда эса бундай ҳаракатларнинг ҳожати йўқ”.

Айнан шундай фикрлар ва умуман оммавий-ахборот воситаларини бошқа конфликтлар ечимида қўллаш таҳлили информацион таъминотнинг алоҳида ва муҳим ўрнини ифодаламакда. Фикримизча, конфликтларнинг бартараф

этилишида “информацион таъминот” эмас, балки “информациянинг тарғибий таъминоти” тўғрисида сўз юритиш керак.

Бу ҳолда иккала сўзнинг (“информация” ва “тарғибот”) бир мақсад йўлида ишлатилишини англаганимизда, информацион-тарғибий таъминот шундан иборат бўладики, ахборот тарқатилишида индивид, аҳоли гуруҳлари ва жамият фикрига муайян таъсир ўтказиш тушунилади.

Аҳолига, умуман жамиятга маълум йўсинда катта таъсир ўтказиш ёки уни онгли равишда сусайтириш - бундай ҳаракатларнинг замонавий коммуникатив техникаси ва оммавий ахборот воситаларининг катта таъсирли куч эканлиги ва салоҳиятини ифодалайди.

Шу боисдан ахборот воситаларининг ижтимоий мавкеи ва масъулиятини баҳолашда асосий мезон ёки ўлчов уларнинг одамларга, кенг жамоатчиликка, шу жумладан халқаро жамоатчилик фикрига ўтказаётган таъсири билан белгиланади. Демак, информацион-тарғибий таъминот нималигини билиш учун шундай хулосага кслишимиз мумкин: бу конфликтли вазият, унинг сабаблари, ижтимоий кескинликни бартараф қилиш ва тўқнашаётган томонларни яраштириш йўналишидаги операция ва бошқа ҳаракатлар тўғрисида индивидуал, гуруҳий ва оммавий онгга қаратилган объектив тадбирлардир.

Информацион-тарғибий таъсир объектлари сифатида қуйидагилар бўлишлари мумкин:

конфликт содир бўлаётган минтақада яшаётган муайян ижтимоий гуруҳлар (зиёлилар, ёшлар, диний бирлашмалар, сиёсатчи, тадбиркор, уй бекалари ва х.к.); конфликтда иштирок этмаётганлар; этник конфликтни бошлаган томоннинг тарафдорлари ва уларга ўз ҳамнафаслигини билдираётган аҳоли гуруҳлари; конфликт ҳудудига чегарадош бўлган минтақада яшаётган ва шу боисдан кейинчалик конфликтга алоқадор бўлиши мумкин бўлган аҳолининг маълум қисми ва ниҳоят, мамлакатдаги ёки хориждаги жамоатчилик фикри.

Шунинг учун информацион-тарғибий таъсирнинг мазмун ва вазифалари конфликтнинг кескинлик даражаси нечоғлиги ва объектлари билан белгиланади. Ундан ташқари, миллатлараро конфликтларни локаллаштириш ва бартараф этиш опера-

цияларининг ёритилиши албатта ростгўйлик, ҳозиржавобилик, максимал эҳтиёткорлик ва аниқ палла ўлчовини талаб қилади.

Объектив бўлмаган ахборот фожиали натижаларга олиб келиши мумкинлигини доимо назарда тутиш керак. Ундан ташқари ошкор ахборот инсон ҳуқуқларини таъминлаш жараёнининг зарурий таркибий қисми эканлигини ҳам эътироф қилиш зарур. Айнан тўла ва ҳаққоний маълумотга (ахборотга) эга бўлиш ҳуқуқи БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган конвенциялар ичида биринчи масалалар қаторидадир.

Конфликт жараёнларини ёритишда нотўғри тушунгириш ва ёритувчининг касб маҳорати йўқлиги ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Баъзан ноҳақ ахборот тарқатилиб, реал фактлар ва аслида бўлмаган ҳодисаларнинг қарама-қаршилиги пайдо бўлади. Шу ўринда яна битта нарса эътиборга молики, бу баъзан ўз тушуниши бўйича қабул қилинган ёки “узун кулоқдан” келган (масалан, миш-миш, қариндош, қўшнилاردан ёхуд нотўғри талқин қилинган фикрлардан) ахборот аҳолига тарқатилиб, нохуш ҳолатлар янада чигаллашиши мумкин.

Мана шуларнинг барчаси ахборот тарғиботини самарали ташкил қилиш мақсадида ахборот стратегияси белгиланиб, аҳоли информацион ахборотларни тугри ва онгли равишда қабул қилиши учун тегишли дастур ишлаб чиқиши зарурлигини курсатмоқда. Бошқа суз билан айтганда, миллатлараро конфликтларни мурсага келтириш ва уларни ечиш учун информацион-тарғибий таъминот концепциясини ишлаб чиқиш керак.

Бу дастур замирида қуйидаги тамойиллар бўлиши шарт:
ахборот ҳаққонийлиги, тўлалиги ва долзарблиги;
конфликт объект ва босқичларини эътиборга олган ҳолда информацион таъсир ўтказишда дифференциал ўлчов;
информацион ижрочиларнинг касб-маҳорати, уларнинг юқори савияси ва маданияти.

Информацион-тарғибий таъсир ўтказилишига қўйилаётган асосий талаблар шундан иборатки, тўқнашаётган томонларни яраштириш, ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш ва икки томон ўртасида тинчлик воситачиси бўлган миллий хавфсизликни таъминловчи тизимни яратишдир.

Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳоли турли гуруҳларининг ахборот эҳтиёжларини қондириш, тўқнашаётган

томонларнинг субъектив ахборотлари олдини олиш актуал далилларни қўллаб дезинформацияни фoш этиш ва бошқа услублардан иборат бўлиши керак.

Информацион-тарғибий таъсир ҳодисаларни ёритишда тўқнашув иштирокчиларининг ташвиқотидан ўзиб кетиши зарур ҳамда тарбиявий, бирлаштирадиган, тўғри сиёсатга йўналтирадиган ва тарғибий-тушунтириш вазифаларни бажариши керак.

Маълумки, конфликтнинг кулминацион нуқтаси - тўқнашув рўй берганда одатда уни локаллаштириш ва бартараф этиш учун ҳокимият, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг махсус штаби ўз ишини бошлайди. Ушбу штабнинг вазифаларидан бири ягона мақсад ва режа бўйича информацион-тарғибий таъминотни ташкил қилиш ва мувофиқлаштиришдан иборатдир. Шу билан биргаликда бир неча асосий вазифалар мақсадда тутилади. Улар тегишли таъсир ўтказиб мамлакатда ва хорижда позитив (ижобий) фикр яратиш; содир бўлаётган воқеаларнинг аҳолига бўлган салбий таъсирини ўтказмаслик; халқ иродасини мустаҳкамлаш ва конфликт ечилиши учун фойдали бўлган шарт-шароитларни яратиб беришдир.

Шунда яна бир эътиборга молик масала мавжуд: конфликт ечилишининг информацион-тарғибий таъминот тизимида ҳар хил хусусий ёки тадбиркорларнинг таъсири остидаги радио-телевизион марказлари бўлиши мумкин. Худди мана шу тузилмалар ичида конфликт бошлаган томоннинг тарафдорлари фаолият кўрсатишлари мумкин. Бу ҳолда улар албатта, тегишли ташвиқот олиб боришлари ёки нейтрал (бетараф) томон бўлишлари ҳам табиийдир. Шундай вазиятда миллий хавфсизлик манфаатлари мақсадида ҳокимият органлари превентив (олдини олиш) чораларни қўллашлари мумкин. Масалан, ушбу хусусий радио ва телевизион станцияларнинг фаолиятини вақтинча тўхтатиш, (Чеченистонда фавқулодда ҳолат эълон қилинганда Грозний шаҳар ҳарбий комендантлари айнан шундай чорани ишлатганди).

Информацион-тарғибий таъминотни ташкил этишда яна битта муҳим омилни эътибордан ўтиш керак. Бу конфликт иштирок этаётган маълум бир томоннинг ташвиқот ҳаракатларидир. Ушбу томон ўз талаблари билан чегараланиб, фақат манфаатлари қондирилгунча қаршилик кўрсатади деб умид қилиш — бу соддалик ва гўлликдир. МДХ давлатларидаги

(Чеченистон, Доғистон, Гуржистон, Абхазия) воқеалар шуни кўрсатадики, тўқнашаётган томонлар конфликт жараёнида бир-бирига нисбатан кучли психологик таъсир ҳам ўқатишмоқда. Шу мақсадда расмий ахборотларга жавобан ҳар хил миш-мишлар, сиёсий латифа, бўхтон, ифволар тарқалади. Шуларнинг ичида мантиқ қонунларини ўзларича талқин қилиб, ахборот бошқача акс эттирилади. Масалан, ваҳми ёки баҳонани сабаб сифатида ишлатиш; ҳеч қандай асоссиз хулосалар чиқариш; қалбаки ўхшатиш; сабабларни сохталаштириш; яккаю-ягона ваҳми ёки баҳонани кўп маротаба ишлатиш; маълум шахснинг обрўидан фойдаланиш; далил ва рақамларни чалғитиш мақсадида ишлатиш. Буларнинг ҳаммаси конкрет мақсадларга эришиш учун йўналтирилган алоҳида шахслар дунёқарашларига салбий таъсир ўтказиш, халқнинг ахлоқий-психологик иродасини бўшатиб, қонунга хилоф бузғунчилик ҳаракатлари ва оммавий тартибсизликларни бошлашга мажбур қилиш. Назарий маънода буни қандай талқин қилиш мумкин? Бундай ҳаракатлар конфликтни инсоннинг ҳаётий онгига сингдириб, мантикий далиллардан чалғитади ва унинг ҳис-туйғуларига (миллий ғурур, давлатчилик, ўз-ўзини сақлаш) таъсир этади ҳамда нотўғри ирқий, миллий тушунчаларга олиб келади. Миллатлараро қарама-қаршилиқ ва конфликтларни кўзғатиш мақсадида замонавий электрон воситалари, илм-фан ютуқларининг коммуникация ва информатика усул ва услублари ҳам ишлатилиши мумкин.

Миллатлараро конфликтлар ечилишининг информацион-тарғибий таъминотини таҳлил қилар эканмиз, яна битта муҳим тушунчани ҳам англашимиз лозим. Бу “информацион- тарғибий таъминот” ва “контртарғибот” (қарши тарғибот олиб бориш) тушунчаларининг фарқланиши ва уларни фарқлай билишдир. “Совук уруш” давридаги “контртарғибот” атамаси собик совет мафкурачилирининг муҳим услубларидан бўлиб, умуман КПССнинг мафкуравий ишлар замирида асосийлардан бўлган .

Ушбу икки атама ташқи томондан бир-бирига ўхшаш бўлсада, асосида ташвиқот, тарғибот бўлишига қарамасдан, мазмун жиҳатидан анча фарқланади. Юқорида айтгани- миздек, контртарғибот эски сиёсий фикрлашнинг таркибий компоненти бўлиб, унинг маъноси буржуа идеологияси ва сиёсатига қаршилиги деган тушунчани билдирган ҳамда ушбу услубда олиб

борилган ишлар коммунистик партия мафкуравий ва оммавий-сиёсий фаолиятининг узилмас қисми деб ҳисобланган эди. Бу фаолият “мафкуравий қўпоровчилик”га қарши кураш билан яқиндан боғланган бўлиб, турли “турухӣй душман антисовет ҳаракатларини фoш этишга” қаратилган эди.

Ҳақиқатда эса, собиқ СССРнинг парчаланиб кетишини ва иқтисодий инқироз, жамиятдаги турғун аҳволни ниқоблаб собиқ совет халқлари онгини чалғитиш мақсадидаги сиёсий ва мафкуравий сафсатабозлик мавжуд бўлган. Шунга оид СССРнинг Афғонистон ишларига аралашуви тўғрисида битта мисолни келтирайлик. Афғонистон уруши ҳақидаги ҳужжатли ахборотларни оммавий-ахборот воситаларида акс эттириш, маълумки, ман килинган эди.

Ўша пайтда аслида бўлган воқеалар фақат яқиндагина, тегишли ҳужжатлардан махфийлик даражасини олиб ташлагандан кейингина маълум булди. Масалан, 1979 йил 27 декабрда КПСС Сиёсий Бюросининг “Афғонистондаги вазият ва бизнинг тадбирларимиз тўғрисида” номли ҳужжатин олайлик. Ушбу ҳужжатда “Афғонистондаги бизнинг ҳаракатларимизнинг тарғибий таъминотини” олиб боришда “Афғонистон ишларига шўроларнинг аралашуви деган қалбаки ахборотларга тегишли зарба берилиш лозимлиги” тўғрисида гап кетаётир.

“Ташвиқот ишларимизда Совет Иттифоқи томонидан кўрсатилган ҳарбий ёрдам ўз хоҳиши билан эмас, балки афғон раҳбариятининг расмий илтимосига кўра бўлган. Афғонистон раҳбариятида бўлган ўзгаришларга Совет Иттифоқининг ҳеч қандай алоқаси йўқ деб таъкидлаш лозим” ва ҳ.к. Битта нарсани таъкидлаш жоизки (ҳамма бун тан олган), Афғонистон ички ишларига СССР томонидан агрессия ҳаракати бўлиб, бу қўшни мамлакатга совет кўшинларини киритиш тўғрисидаги қарор энг ичида, яъни ҳуфиёна қабул қилинган бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормалари қўпол равишда бузилган эди.

Шундай “контртарғибот ишларнинг” таҳлили мафкуравий ва сиёсий детерминантлардан бўшатилишни ва умуман инкор қилишни ҳамда информацион-тарғибий таъминотнинг янги методология, омил ва баҳоларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Конфликт майдонида жамоатчилик фикрини ўрганиш масаласи ҳам катта аҳамиятга эгадир. А.Г. Здравомисловнинг

ёзишича “конфликтнинг сабаб ва вазлари ташқи кўри- нишдан кўринмас бўлиб, конфликт иштирокчилари томонидан тўғри англолмайди”. Шунинг учун содир бўлаётган воқеаларга нисбатан жамоатчилик фикри ҳамда тўқнашаётган томонлар ҳаракатларини баҳолаш ҳар сафар ҳам объектив ҳолатни тўғри англолмаслиги мумкин. Шу боисдан можаро бўлган жойда жамоатчилик фикрининг чуқур ўрганилиши, албатта, инобатга олиниши керак.

Информацион-тарғибий таъминот жараёнида оммавий ахборот воситаларида конфликт ёритилиши ҳамда журналистлар билан ишни ташкил этиш яна битта мураккаб масалалардан ҳисобланади. Маълумки, давқулорда вазиятлар ўрганилганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан алоқаларининг (расмий муносабатлари) ҳуқуқий нормалари деярли ҳамма мамлакатларда ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Айрим давлатларда (масалан, АҚШда) бу муаммони ҳал қилишга уринишлар бошланган: махсус тадқиқот марказлари томонидан можароларнинг бартараф этилишида иштирок этаётган БМТнинг тинчлик ўрнатиш кучлари учун муайян тавсиялар ишлаб чиқилипти, аммо улар мажбурий мақомга эга эмас.

Шунга кўра журналистлар учун конфликт вазиятида уларнинг фаолиятини белгиловчи қоидалар ишлаб чиқилиши лозим. Бундай қоидаларга биноан, масалан, воқеа, ҳодисаларни ўзлигича талқин қилиш, фақат бир томонлама изоҳлаш, миллий ёки диний аломатларда дискриминацион баҳолашларни ман қилиш жоиздир.

Тушунмовчилик ёки муросасизлик фактлари пайдо бўлмаслиги учун можаро ечилиши мақсадида тузилаётган штаб қошида оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан алоқада бўлишнинг махсус гуруҳи ташкил қилиниши керак. Ундан ташқари ушбу гуруҳнинг можарони бартараф этиш мақсадида газета ва телевидение орқали ёритиш учун маълумот ва ҳужжатларни тўплаш билан машғул бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Учинчи қоида: ушбу гуруҳ тўпланган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текширгандан сўнг уларни ошкор қилишга рухсат беради. Ушбу чора муҳим ва зарур, чунки текширилмаган,

далиллар билан исботланмаган маълумот можаронинг ечилиш жараёнига катта путур стказиши мумкин ва айрим ҳолларда маълумот манбаси хаётга хавф туғдириши мумкин.

Тўртинчидан, штаб журналистлар ихтиёрига тайёрланган видео ҳужжатларни (лавҳаларни) ўзининг шарҳлари билан бериши лозим. Ва ниҳоят, журналистларни оператив информация билан таъминлаш учун штабда мунтазам равишда брифинг, пресс-конференциялар ўтказилиши керак.

Оммавий ахборот воситалари билан алоқалар ўрнатиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу муносабатлар мобайнида журналистларга кенг жамоатчиликка баён қилиш мақсадида тўпланган ва таҳлил қилинган номахфий, расмий ва бошқа маълумотлар берилади.

Айтиб ўтилганлардан ташқари яна битта қонидани инобатга олиш керак: қандайдир ҳодисага шарҳ беришдан воз кечиш ёки сукут сақлаш ҳар хил бўхтонларни туғдириб

охирида салбий натижаларни келтириши мумкин.

Миллатлараро конфликтлар маеаласига якун ясар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, ушбу ва бошқа можаролар умумий хавфсизликнинг асосий таҳдидлари бўлиши мумкинлигини доим назарда тутиш керак. Шу билан биргаликда улар Ўзбекистон миллий манфаатларига реал таҳдидларнинг манбалари деб ҳисобланади.

Марказий Осиё минтақасининг “этник ранг-баранглиги” омилини ҳам инобатга олсак, бу таҳдид икки карра хавфли бўлади. Ўз навбатида миллатлараро можаролар кучайиб миллий чегаралардан ўтса, хавфсизликка янги таҳдидлар пайдо бўлади. Улар орасида қурол-яроғнинг ноқонуний айланиши, наркобизнес, террорчилик ва ҳ. к. мавжуд. Шу боисдан этник сиёсат ёки миллатлараро муносабатлар ниҳоятда нозик, мураккаб ва долзарб масала бўлиб, улар Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё минтақасининг барқарорлиги билан боғлиқ.

7-боб. Амалий конфликтологияда можароларнинг категориал таҳлили

1. Социология, педагогика ва психологияда конфликтларни ўрганишнинг хусусиятлари

Бугунги кунда педагогикада асосий эътибор қуйидаги масалаларни ўрганишга қаратилган:

1) талабалар жамоасидаги конфликтлар, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш йўллари. Қатор муаллифлар конфликтга ўсмирнинг маънавий етуклигини аниқлаш ва бу жиҳатни шакллантириш воситаси сифатида қарайдилар;

2) конфликтлар моҳияти, уларнинг педагогик жамоалар – ўқитувчилар орасидаги, шунингдек маъмурлар ва уларнинг қўл остидагилар ўртасидаги конфликт сабаблари;

3) олдини олиш(профилактика)нинг педагогик шароитлари ва «ўқитувчи – ота-она» бўғинидаги конфликтли вазият таҳлили.

Психологияда конфликт моҳияти – тўқнашув, қаршилик кўрсатиш, зиддият (қарама-қаршилик).

Конфликтнинг асосий белгилари: субъектлар ўртасида зиддият мавжудлиги; уларнинг ўзаро қарама-қаршилиги; бири-бирига нисбатан салбий эмоция(ҳис-туйғу)лар.

Улар асосида типологиялар тақдим этиладиган **белгилар:** 1) конфликт объекти; 2) томонлар хусусиятлари; 3) давомийлиги; 4) функциялари; 5) намоён бўлиш шакллари; 6) муносабатлар типи; 7) оқибатлари ва ҳ.к.

Конфликтнинг ўсиб бориш (динамикаси) босқичлари: 1) объектив конфликт олди вазиятининг юзага келиши; 2) унинг конфликтли вазият сифатида англаниши; 3) инцидент, ёки конфликтнинг айнан ўзи; 4) конфликтнинг ҳал этилиши; 5) конфликтдан кейинги вазият (ҳолат).

Конфликтнинг функциялари: 1) конструктив; 2) деструктив.

Конфликтларнинг олдини олиш – конфликт олди вазиятларининг зидловлардан холи усуллар ёрдамида ҳал қилишга кўмаклашадиган объектив шароит ва субъектив шартларни яратиш.

Конфликтларни диагностика қилиш ва тадқиқ этиш услублари: лаборатория тажрибалари; ретроспектив ва бланк услубиётлари; тестлар.

Конфликтларни ўрганиш статистикаси: 1) тахминан 83% ишлар шахслараро конфликтларни ўрганишга қаратилган; 2) шахслар ўртасидаги конфликтларни тадқиқ этишга 8% га яқин мақолалар бағишланган; 3) кичик, ўртача ва катта гуруҳлар, халқаро конфликтларнинг психологик тавсифи тахминан 3-4% ишларда ўрганилди; 4) 5% га яқин ишлар методологик ва умумназарий хусусиятга эга.

Конфликтлар шахсни унинг турли ижтимоийлашув босқичларида: мактабгача ва мактаб ёшида, ўсмирлик даврида ва ёшлар гуруҳларида ўрганилади.

Ижтимоий (социал) конфликт моҳияти

Ижтимоий (социал) конфликт сабаблари: 1) моддий ресурслар; 2) ўта муҳим ҳаётий кўрсатма(установка)лар; 3) ҳокимият ваколатлари; 4) ижтимоий (социал) тузилмадаги мақом-вазифага оид фарқлар; 5) шахсга доир (эмоционал-психологик) фарқлар ва ҳ.к.

Конфликт социал (ижтимоий) ўзаро таъсир(ҳаракат)нинг турлари сифатида, унинг **субъектлари ва иштирокчилари** бўлиб алоҳида индивидлар, катта ва кичик социал гуруҳлар ва ташкилотлар келади.

Конфликтли қарама-қаршилик – томонларнинг ўзаро кураши, яъни бир-бирига қарши қаратилган ҳаракатларидир.

Социал конфликт асосида фақат сабаблари ўзаро тубдан зид бўлган манфаат, эҳтиёж ва қадриятлар бўлган зиддиятлар ётади; бу каби зиддиятлар томонларнинг очикдан-очик кураши, реал қарама-қаршиликка ўтиб кетади.

Конфликтда **тўқнашувларнинг куч ишлатиладиган ва куч ишлатилмайдиган шакллари** мавжуд.

Социал конфликт ўз ичига рақиб фаолиятини тўсик бўлаётган ёки бошқа одам(гуруҳ)ларга зарар етказаётган индивид ёки гуруҳ фаоллигини олади.

Конфликтлар **проблематикаси соҳасида** қуйидаги атамалар қўлланади: “баҳс”, “мунозара”, “савдолашув, тортишув”,

“рақобатчилик ва назорат қилинадиган тўқнашувлар”, “билвосита ва бевосита (тўғридан-тўғри) зўравонлик”.

Социал конфликтнинг асосий таърифларини келтирамиз.

Социал конфликт – бу:

1) очик қарама-қаршилик, икки ё ундан ортиқ субъектлар – социал ўзаро таъсир иштирокчиларининг тўқнашуви бўлиб, бунинг сабаблари социал конфликт иштирокчиларининг ўзаро зид манфаатлари ва кадриятларидир;

2) социал зиддиятларнинг **ўта кескинлашган** ҳолати, турли социал бирликлар – гуруҳлар, миллатлар, давлатлар, турли социал гуруҳлар, социал институт кабилар манфаатларининг улар манфаатлари, мақсадлари, тараққиёт тенденцияларининг қарама-қаршилиги ёки жиддий фарқ қилиши туфайли келиб чиқади;

3) социал субъектларнинг объектив равишда фарқланган манфаатлари, мақсадлари, тараққиёт тенденцияларининг очик-ойдин ёки яширин кураши, тўқнаш келиши, социал кучларнинг мавжуд ижтимоий тартибга қаршилик кўрсатиш асносида бевосита ёки билвосита тўқнашуви, янги социал **бирдамликка** томон тарихий интилишнинг алоҳида шакли;

4) конфликтли ўзаро таъсир субъектлари ўзаро зид бўлган ёки бир-бирини истисно этадиган қандайдир ўз мақсадларини кўзлаган вазият.

Конфликт иштирокчилари

Конфликт иштирокчилари бевосита ва билвосита иштирокчиларга бўлинадилар (муайян кучлар ўзгалар конфликтда ўз манфаатларини кўзлаганида).

Билвосита иштирокчилар: 1) конфликтни келтириб чиқариши ҳамда унинг ривожланишига сабаб бўлиши; 2) конфликт интенсивлигининг камайишига ёки унинг тўлиқ тўхтатилишига кўмаклашиши; 3) у ёки бу томонни ё ҳар иккала тарафни қўллаб-қувватлаши мумкин. Конфликтнинг билвосита иштирокчилари – конфликтлар кечаётган атроф муҳитнинг бир қисми бўлиб, шу сабабли социал муҳит конфликт ривожининг катализатори, уни **сусайтирувчи** ёки нейтрал омили бўлиб келиши мумкин. Баъзан билвосита иштирокчиларни

конфликтнинг учинчи тарафи, ёки учинчи иштирокчиси деб ҳам атайдилар.

Конфликт социологиясида “конфликт тарафи” тушунчаси қўлланилиб, у конфликтнинг ҳам бевосита, ҳам билвосита иштирокчиларини ўз ичига олади.

Социал конфликт субъектлари ва иштирокчилари турлича даража, мақом ҳамда муайян кучга эга бўлишлари мумкин. Даража – (нем. унвон, даража, тоифа) социал конфликтологияда олий – қуйи принципига кўра белгиланади. Социал конфликтологияда даража деб конфликт субъектлари-дан бири қарама-қарши тараф субъектига нисбатан эаллаган позицияга айтилади.

Оппонентлар (конфликт субъектлари) даражасини аниқлаш усули:

1) биринчи даражадаги оппонент – ўз номидан иштирок этаётган ва ўз манфаатларини кўзлайдиган, ҳимоя қиладиган одам;

2) иккинчи даражадаги оппонент – гуруҳ манфаатларини ҳимоя қилиб чиққан алоҳида индивидлар;

3) учинчи даражадаги оппонент – ўзаро бир-бири билан бевосита алоқада бўлган гуруҳлардан ташкил топган тузилма;

4) олий даража – қонун номидан иштирок этадиган давлат тузилмалари.

Социал мақом – шахс ёки социал гуруҳнинг муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси билан боғлиқ бўлган, жамиятдаги умумий ҳолати.

Социал конфликтдаги куч – бу конфликт тарафларининг оппонент (рақиб) қарама-қаршилигига қарамай, ўз мақсадларига эришиш, уларни рўёбга чиқариш имконияти ва бунга қодирлиги. У ушбу қаршилиқда бевосита ишга туширилган, шунингдек барча потенциал восита ва ресурсларни ўз ичига олади.

Атроф муҳит – социал конфликт тузилмасидаги элементлардан бири бўлиб, физик муҳит (географик, табиий, экологик ва бошқа омиллар) ҳамда социал муҳитдан (конфликт ривожланиб бораётган муайян социал шарт-шароитлар) таркиб топади.

2. Конфликт функциялари

Конфликтнинг ижобий (позитив) функциялари: 1) кўплаб омилларнинг номукамаллиги туфайли юзага келадиган зиддиятларни тўлиқ ёки қисман бартараф этади, у тор жойларни, ҳал қилинмаган масалаларни кўрсатиб беради; 2) унда иштирок этаётган одамларнинг шахсий-психологик хусусиятларини чуқурроқ баҳолаш имконини беради; 3) одамнинг қандай қадриятларга эътиқод қилишини, унинг фаолиятга, ўзига ёки ўзаро муносабатларга йўлланган мотивларининг нисбий кучини синовдан ўтказди, оғир вазиятнинг стресс билан боғлиқ омилларига психологик бардошлилигини аниқлаб беради; 4) иштирокчиларнинг бир-бирини чуқурроқ ўрганишига, нафақат феъл-атворнинг салбий жиҳатларини, балки инсондаги қадрли хусусиятларни ҳам очиб беришга кўмаклашади; 5) иштирокчиларнинг конфликтли вазиятга реакцияси сифатидаги психологик қизғин вазиятни бўшаштириш имконини беради; 6) шахс ҳамда шахслараро муносабатлар ривожининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Конструктив (ижобий) ҳал қилинганида инсонга янги поғонага кўтарилиб, атрофдагилари билан ўзаро таъсир (мулоқот) усуллари ва соҳасини кенгайтириш имконини беради; 7) шахсий фаолият сифатини яхшилаши мумкин; 8) конфликтда адолатли мақсадларни кўзлаган, ҳимоя қилган оппонент атрофдагилар кўзида ўз мавқеини кўтариб олиши мумкин; 9) шахслараро конфликтлар, социаллашув жараёнининг **акси** бўлиш билан, шахснинг ўз назарида эътиборини кўтариш, унинг атрофдагилар билан ўзаро муносабатларида актив позицияни шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шахслараро конфликтларнинг негатив (салбий) функциялари: 1) аксарият конфликтлар унинг иштирокчилари руҳий ҳолатига ёрқин ифодаланган салбий таъсир кўрсатади; 2) нохуш ривожланган конфликтлар психологик ва жисмоний зўравонлик билан, бундан келиб чиқиб, оппонентларнинг шикастланиши билан кузатилиши мумкин; 3) оғир вазият сифатида доим стресс билан бирга кечади; 4) ўзаро таъсир субъектлари орасида конфликт бошланишидан аввал юзага келган шахслараро муносабатлар тизимининг издан чиқишига сабаб бўлади; 5) бошқа тарафнинг салбий образи – “душман

образи”ни шакллантириб, бу оппонентга нисбатан салбий қарашларни пайдо қилади, юзага келтиради; 6) оппонентлар шахсий фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин; 7) шахснинг социал тажрибасида муаммоларни зўравонлик ёрдамида ҳал қилиш усуллари шаклланишига олиб келади; 8) кўп ҳолларда шахс ривожига салбий таъсир кўрсатади. Улар инсонда адолат тантанасига ишончсизлик, бошқалар ҳамиша ҳақ бўлиб чиқиши тўғрисидаги фикрларнинг пайдо бўлишига кўмаклашиши мумкин.

Конфликт объекти ва унинг чегаралари

Конфликт объекти – конфликтнинг зарурий элементи, унинг муайян сабаби, мотиви, ҳаракатлантирувчи кучи. Барча объектлар **уч турга** ажралади:

1) қисмларга ажралиши мумкин бўлмаган объектлар, уларга бирон ким билан бирга эгалик қилишда шерикчиликнинг иложи йўқ;

2) конфликт иштирокчилари ўртасида турли мутаносибликларда бўлиниши, тақсимланиши мумкин бўлган объектлар;

3) конфликтнинг ҳар иккала иштирокчиси биргаликда эгалик қилиши мумкин бўлган объектлар. Буни “сохта конфликт” вазияти деб номлаш мумкин.

Конфликтни муваффақиятли ҳал қилишнинг зарур шарти – асосий объектни белгилаб олиш, акс ҳолда конфликт умуман ҳал қилинмайди (боши берк, чиқиб кетиб бўлмайдиган вазият), ёки тўлиқ ҳажмда ҳал қилинмайди ва субъектлар ўзаро муносабатларида янги тўқнашувлар учун “алангаланаётган чўғлар” қолиб кетади.

Конфликт чегаралари. Ҳар бир конфликт бошланиш ва тугалланиш қисмига, яъни вақтга ва маконга оид доира(чегара)ларига эга. Конфликт **бошланиши** – конфликтнинг имкониятдан воқеликка ўсиб етиши, конфликт **тугалланиши** – натижадан қатъи назар душманлик ҳаракатларининг тўхтатилиши. **Конфликтнинг маконга доир чегаралари** – ҳудудлардир.

Конфликт тизими – иштирокчилар йиғиндиси, бирлиги. Конфликтда кўплаб элементларнинг мавжудлиги конфликтнинг қисқа муддатда тугайдиган жараён эмас, балки узоқ давом этадиган жараён эканлигига олиб келади.

Конфликт таҳлили конфликт босқичлари тактикаси ва динамикаси (ўсиб бориши) кўриб чиқилишини тақозо этади: 1) латент (яширин); 2) очик конфликт босқичи; 3) ҳал бўлиш босқичи.

Латент босқичида конфликтнинг барча асосий элементлари (сабаблари, иштирокчилари, объектлари) юзага келиб, масалани конфликт(ихтилоф)сиз ҳал қилишга уринишлар бўлиб, аммо ижобий реакция бўлмаган тақдирда конфликт очик босқичга ўтиб кетиши мумкин.

Очик босқичга ўтиш аломати – ўзини конфликтга хос тутиш, ташқи тарафдан ифодаланган ҳаракатлар, бу ҳаракатларга тобора кўпроқ иштирокчиларнинг қўшилиши, сабаблар сонининг ортиши, конфликт эмоционал бўёғининг (ёмон кўриш, нафрат, салбий ҳис-туйғуларнинг кучайиши) ўзгариши. Конфликтнинг очик босқичини тавсифлаш учун “**конфликт эскалацияси**” тушунчаси қўлланиб, яъни унинг ҳажми ортиб, ўсиб, кенгайиб бориши тушунилади. Эскалация оқибатлари тарафлар позициясига, айниқса, юқорида мақомга, кўпроқ ресурсларга эга бўлган тараф позициясига боғлиқ бўлади. Ҳар иккала тараф ўзаро бир-бирига **йўл бериш (уступка)** қилиш), муросаларга интилганида **конфликтнинг ҳал бўлиш** босқичи келиб чиқади.

Конфликтларнинг намоён бўлиш шакллари

Конфликтларнинг намоён бўлиш турига кўра иккига бўлиш мумкин: ноантагонистик (муросага келадиган) ва антагонистик (муросасиз).

Ноантагонистик конфликтлар учун қуйидагилар хос:

1) **конфронтация** – социал гуруҳларнинг қарама-қарши сиёсий, экологик, социал манфаатларга пассив қарши туриши. Конфронтация очик тўқнашув шаклини олмайди, аммо фарқли қарашлар мавжудлигини кўзда тутиб, рақобатга ўсиб кетиши мумкин;

2) **рақиблик** – алоҳида одам ёки бирон-бир жамоат ютуқлари ва имкониятлари эътироф этилиши учун кураш. **Рақиблик** мақсади – яхшироқ социал позицияга эга бўлиш, эътиборли ютуқларга эришиш. **Рақиблик** ривожланиб, рақобатга ўтиши мумкин.

3) **рақобат** – конфликтнинг алоҳида типи бўлиб, ундан мақсад – бирон-бир фойда, даромад кўриш, ёки камёб неъматларга эришиш.

Антагонистик конфликтларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1) **норозилик** – мавжуд ҳолатдан аниқ ифодаланмаган ҳолда норозилик билдириш. Аввалига *асабийлашув* пайдо бўлиб, **у ва га ўтиб боради**. Ноаниқ мақсадлар нисбатан аниқ ифодаланган талабларга айланиб, лекин норозилик ташкилотчиларининг истаклари ҳамиша ҳам тушунарли эмас, яъни уларнинг иродаси аниқ ифодаланмаган. Норозилик ўсиб, ғалаён ёки кўзғолонга ўтиб кетиши мумкин;

2) **ғалаён** – шахс ёки жамоа агрессиясининг жамоавий норозиликни юксак даражада уюштирган ҳолда агрессив тарзда ифодалаш;

3) **кўзғолон** – шахс ёки жамоа агрессиясининг жамоавий норозиликни юксак даражада уюштирган ҳолда муайян мақсадга қарата ифодалаш;

4) **инқилоб** – конфликтнинг олий шакли, кўриниши бўлиб, норозиликнинг *энг сўнгги* шакли, мавжуд тузумни сиёсий ағдариб ташлаш йўли, социал-иқтисодий тартибнинг сифат жиҳатидан ўзгаришини англатади. Одатда, инқилоб ҳаракатнинг зўравонлик ишлатган ҳолдаги ҳарбий усулини ва кенг омманинг жалб этилишини назарда тутди.

Конфликтларнинг турли тактикалари мавжуд: *турли қарашлар* ва *устуворлик қилиш*. Турли қарашлар – асосий таркибий қисм бўлиб, иштирокчиларнинг талаблар ёки истаклар тўғрисидаги декларацияларда ифода этилган қарашлари, манфаатлари ҳолати ва йўлланганлигидан далолат беради. Турли қарашлар конфликтнинг процессуал моделида баён этилган қарама-қарши ахлоқни шакллантиради. **Устуворлик қилиш** инсон ҳамжамиятларида социал табақалашув, устувор

позициялар учун курашни кўзда тутиб, бу – одамларнинг куч ишлатишга асосланган ҳаракатлари тизимидир.

Конфликтларнинг объекти, мақсади, оқибатлари ҳамда йўлланганлигига кўра таснифи

Объектига кўра конфликт турлари:

1) **иқтисодий конфликтлар** – улар асосида иқтисодий манфаатлар тўқнашуви ётиб, бунда бир тараф манфаатлари иккинчи тараф манфаатлари ҳисобига қондирилади. Кўпинча жамият ва ҳокимият ўртасидаги глобал инқирозлар асосида айнан иқтисодий сабаблар ётадилар;

2) **социал-сиёсий конфликтлар** – улар асосида давлатнинг ҳокимият ва социал муносабатлар, партиялар ва сиёсий уюшмалар соҳасидаги сиёсатига доир зиддиятлар ётади. Улар давлатлараро ва халқаро тўқнашувлар билан яқиндан боғлиқ бўлади;

3) **мафкуравий конфликтлар** – улар асосида одамларнинг жамият, давлат ҳаётининг турли муаммоларига бўлган қарашларидаги зиддиятлар ётади. Улар макро даражада, шунингдек шахс даражасидаги энг кичик бирлашмаларда ҳам юзага келишлари мумкин;

4) **социал-иқтисодий конфликтлар** – ҳам шахслар, ҳам социал гуруҳлар ўртасида намоён бўлишлари мумкин. Улар асосида ўзаро муносабатлар соҳасидаги издан чиқишлар ётади. Юзага келиш сабаблари руҳий (психологик) номувофиқлик, инсоннинг бошқа инсон томонидан бесабаб қабул қилмаслик, етакчилик, обрў-эътибор, таъсир доираси қабила учун кураш бўлиши мумкин.

5) **социал-маиший конфликтлар** – улар гуруҳлар ва алоҳида шахсларнинг ҳаёт, турмуш қабила тўғрисидаги турли тасаввурга эга эканлиги билан боғлиқ. Улардан асосийси – оилавий муносабатларнинг бузилиши. Конфликт сабаблари – турмушдаги ноҳушликлар, маънавий-маиший ахлоқсизлик, шунингдек жиддий ғоявий зиддиятлар.

Агар конфликтнинг асоси сифатида тарафларнинг руҳий (психик) ҳолати, ҳамда одамларнинг шу ҳолатга мувофиқ **конфликтли вазиятдаги, ўзини тутиши** олинса, бу ҳолда

конфликтларни рационал ва эмоционал турларга ажратиш мумкин.

Мақсади ва оқибатларига кўра конфликтлар қуйидаги турларга бўлинадилар: позитив (ижобий), негатив (салбий), конструктив, деструктив; чекланиб қолган ҳамда шу туфайли конфликт келтириб чиқарган эҳтиёжлар характериға кўра улар моддий, **мақомли-ролли (статусно-ролевой)** ва маънавий (рухий) бўладилар; йўналишиға кўра – горизонтал (ҳамкасблар ва ш.к. ўртасида), вертикал (бошлиқлар ва қўл остидагилар ўртасида) ва аралаш (вертикал ва аралаш конфликтлар энг кўп учрайди); **вақт параметриға кўра** – қисқа муддатли ва давомли бўлиши мумкин.

Конфликтлар – давомийлик мезони, ижтимоий ҳаётнинг ташкил этилиши, иштирок этувчи тарафлар сони ва зиддиятлар даражасига кўра типологияси

Конфликтларнинг давомийлиги ва кескинлик даражасига кўра турлари:

1) жўшқин ва тез (жадал) кечадиган конфликтлар – қизғин ва эмоционаллилиги, конфликт тарафларининг салбий муносабатларини ўта кескин намоён этиши билан фарқланиб, оғир ҳулоса топиши ва фожеали оқибатларға олиб келиши мумкин. Улар асосида ихтилофдаги кишиларнинг рухий ҳолати ётади;

2) кескин ва давомли конфликтлар – кўпроқ зиддиятлар анча чуқур, барқарор, муросаға келиб бўлмайдиган ёки муросаға келиш жуда қийин ҳолларда юзаға келадилар. Конфликтлашаётган тарафлар ўз реакция ва ҳаракатларини назорат қилади. Ҳал бўлишиға оид башоратлар ҳам асосан ноаниқ;

3) яхши ифодаланмаган ва суст кечадиган конфликтлар – кескин бўлмаган зиддиятлар учун, ёки конфликтнинг фақат бир тарафи фаоллик кўрсатаётган тўқнашувлар учун хос бўлиб, бунда иккинчи тараф ўз позициясини аниқ белгилашға интилмайдиган ёки ихтилоф жиддийлашувидан қочади;

4) яхши ифодаланмаган ва жадал кечадиган конфликтлар – агар бундай конфликт муайян эпизоддагина рўй берган бўлса, бу

ҳолда мақбул башорат (прогноз) ҳақида сўз бориши мумкин. Ундан кейин бу каби конфликтлар занжири тизилиб келса, башорат нафақат мураккаб, балки нохуш ҳам бўлиши мумкин.

Ижтимоий ҳаётнинг ташкил этилганлик даражасига кўра конфликт турлари: 1) глобал; 2) минтақавий; 3) давлатлараро; 4) элатлараро; 5) гуруҳлараро ёки жамиятнинг турли табақалари ўртасида; 6) гуруҳлараро; 7) партиялараро; 8) шахслараро сиёсий, мафкуравий, маънавий.

Агар **иштирок этаётган тарафлар сони**, яъни иштирокчилар доираси мезон сифатида олинса, бу ҳолда конфликтлар икки, уч ва кўп тарафлама бўлади деб айтиш мумкин.

Мезон сифатида куч босими даражаси олинганида, бундай ҳолларда конфликтлар қуролли бўлмаган (божхона урушлари), ҳамда ҳақиқатда турли кўламли уруш ҳаракатларини олиб боришдан иборат бўлган қуролли конфликтларга бўлинади.

Агар **зиддиятлар даражаси** мезон деб олинса, бунда конфликтларнинг **агрессив ва муросали (компромисс)** турлари мавжуд деб айтиш мумкин. Шунингдек асосий ва асосий бўлмаган масалалар юзасидан рўй берадиган конфликтлар фарқланади.

Аммо барча конфликтларни ягона универсал схемага келтириб, жамлаб бўлмайди. Масалан, кураш кўринишидаги конфликтларда ечим фақат томонлардан бирининг ғалабаси билан тугаши мумкин бўлса, мунозаралар типдаги конфликтда умумий муроса йўли танланиши мумкин.

Конфликтларнинг мотивациясини ҳамда вазиятни субъектив идрок этишни ҳисобга олиш

1) сохта – субъект бунинг учун реал сабаблар мавжуд бўлмаса ҳам, вазиятни конфликтли деб идрок этади. Конфликт объектив асосларига эга эмас, сохта тасаввурлар оқибатида юзага келади;

2) потенциал – конфликт юзага келиши учун реал асослар мавжуд, аммо томонлардан бирортаси ҳам у ёки бу сабаблар туфайли вазиятни конфликтли сифатида идрок этмаганлар. Конфликт объектив сабаблар туфайли пайдо бўлиши мумкин, аммо маълум вақтга қадар юзага чиқмай туради.

3) ҳақиқий – тарафлар ўртасидаги реал тўқнашув. Бу манфаатлар тўқнашуви объектив равишда мавжуд бўлиб, иштирокчилар томонидан идрок этилади ва осон ўзгарадиган омилга боғлиқ бўлмайди. Ҳақиқий конфликтни қуйидаги кичик турларга ажратиш мумкин: конструктив – субъектлар ўртасида реал мавжуд бўлган зиддиятлар асосида юзага келган; тасодифий ёки шартли – англашилмовчилик ёки воқеаларнинг тасодифий тўғри келиши сабабли юзага келган, аммо бу ҳол унинг иштирокчилари томонидан идрок этилмайди. У конфликтга реал муқобил вариантлар мавжудлиги англаган ҳолида тўхтатилади; “кўчган” конфликт – асл сабаб яширин бўлиб, конфликт эса ёлғон, сохта сабабга кўра юзага келади; “**манзилидан адашган конфликт**” – асл айбдори тўқнашув “саҳнаси ортида” яшириниб, конфликтда эса унга алоқаси бўлмаган иштирокчилар қатнашадилар.

Конфликтлар таснифига ўзгача ёндашувлар:

1) ташқи – субъектлар ўртасидаги конфронтация; 2) ички – субъект мотивлари, мақсад ва вазифалари конфронтацияси; 3) танлашга оид конфликт – икки бир-бирига тенг мақсадлардан бирини танлаш муаммоси; 4) камроқ даражада мушкулликни танлаш конфликти – иккисидан ҳар бири ҳам бир хил даражада мақбул бўлмаган вариантлардан бирини танлаш муаммоси; 5) гуруҳли конфликт – одамлар гуруҳлари ўртасидаги; 6) коммуникатив конфликт – оғзаки (даҳанаки) қаршилик натижаси; 7) мотивацион конфликт – эҳтиёжлар ва истаклар ўртасидаги; 8) очик конфликт – рақибга зарар етказиш мақсадидаги кураш; 9) яширин конфликт – очик-ойдин, яққол бўлмаган қарама-қаршилик, зўрикқан ўзаро муносабатлар; 10) эҳтиёжлар конфликти – инсон зиддиятли, қарама-қарши мақсадларга эришишни истайди; 11) эҳтиёжлар ва ижтимоий меъёрлар ўртасида конфликт – интилувчан шахсий истак-мотивлар ҳамда тақиқловчи умумий императивлар ўртасида; 12) мақом, статусга доир конфликт – иштирокчиларнинг мақоми ва роли билан белгиланадиган конфронтация; 13) мақсадга доир конфликт – муайян мақсадга эришиш юзасидан конфликт.

Конфликтда инсон омили ва уни идрок этиш хусусиятлари

Инсон омилининг конфликтга таъсири мулоқот воситасида аниқланади.

Мулоқот – одамлар ўртасидаги уларнинг рухий ва маънавий фаолиятининг муайян натижалари: ўзлаштирилган ахборот, фикрлари, баҳолари, сезги-туйғулари, кечинмалари ва кўрсатмалари билан алмашинув жараёни. **Мулоқот функциялари** – бу унинг намоён бўлиш ўзига хослигини детерминациялайдиган тизимли хоссаларидир. Мулоқот олти та функцияни бажаради: прагматик, шакллантириш ва ривожлантириш, тасдиқлаш, одамларни бирлаштириш – ажратиш, шахслараро муносабатларни уюштириш ва қўллаб қувватлаш, шахс ички функцияси.

Мулоқот моҳияти – нутқий ва нутқий бўлмаган таъсир воситалари ёрдамида амалга ошириладиган ва мулоқотда иштирок этаётган шахсларнинг билиш, мотивацион, эмоционал ва ахлоқий соҳалардаги ўзгаришларга эришиш мақсадини қўйган инсоннинг инсон билан ўзаро таъсири жараёни баёнидир.

Мулоқот жараёнида иштирокчилар ўз жисмоний ҳаракатлари ёки маҳсулотлари, меҳнат натижалари, ўй-фикрлари, мақсадлари, ғоялари, кечинмалари кабилар билан алмаши-надилар. Одамларнинг ҳар қандай бирлиги, жамияти жамоавий ҳаётнинг барча шаклларида қўлланадиган таъсир воситаларига эга бўлади. Уларда ҳаёт тарзининг социал психологик мазмуни жамланади. Бу ҳол одатлар, анъаналар, урф-одатлар, удумлар, байрамлар, рақслар, кўшиқлар, афсоналар, асотирларда, тасвирий, театр ва мусиқа санъатида, бадиий адабиётда, кино, радио ва телевидениеда намоён бўлади. Мулоқотнинг ана шундай ўзига хос оммавий шакллари одамларнинг ўзаро таъсир кўрсатишига оид қудратли потенциалига эга.

Инсон ижтимоий мавжудот сифатида мулоқот мазмунининг барча кўринишлари таъсир марказида жойлашади. Бироқ бу ҳолда мулоқотнинг фақат восита жиҳатларига катта эътибор бериш мулоқотга ахборот-коммуникатив фаолият сифатида соддалаштирилган изоҳ берилишига олиб келиши мумкин. Бу ҳолда инсон муаммоси ортда қолиб, камадан-кам ҳолларда ўз

жойига қайтади ёки маҳсулдор бўлмаган сценарийлар, масалан, ҳис-ҳаяжон (эмоция)лар орқали ҳал қилинади.

Конфликтда эмоционаллик омили – индивид сезгилари, унинг феъл-атвориға хос хусусиятлар у содир этаётган ҳаракатлар ва қабул қилаётган қарорларға таъсир кўрсатадиган жараён.

Конфликтда рационаллик омили – бу жараёнда қарор қабул қилиш ва ҳаракатларни амалға ошириш эмоция (ҳис-ҳаяжон)лар таъсирида эмас, балки таҳлил йўли билан ва муайян конфликтли вазиятға конструктив ёндашиш йўли билан рўй берадиган жараён.

Конфликтли вазиятда типик ахлоқ (ўзини типик тутиш)

Манфаатлар тўқнашуви – одамларда келишмовчилик ҳудуди (зонаси), вазият тўғрисида бир-бирига зид бўлган қарашлар, бир вақтнинг ўзида рўёбга чиқариб бўлмайдиган мотив ва мақсадлар мавжуд бўлган жараён.

Конфликт кечиши – бир-бирига қарши қаратилган ҳаракатлар ва аксилҳаракатлар тўқнашуви.

Ихтилоф томонларидан бирининг ўзгаси томонидан конфликтға хос, душманлик, унга қарши қаратилган ҳаракатлари деб баҳолайдиган **асосий ҳаракат турлари** қуйидагилардир: 1) бошқа тарафнинг режалари ва истакларини амалға ошириш йўлида бевосита ёки билвосита тўсиқлар яратиш, ҳалал бериш; 2) бошқа тарафнинг ўз вазифа ва мажбуриятларини бажармаслиги; 3) мазкур тараф фикрига кўра, бошқа тараф эғалигида, ихтиёрида бўлиши керак бўлмаган нарса ёки шахсни босиб олиш ёки ушлаб туриш; 4) мол-мулкка ёки обрў-эътиборға бевосита ёки билвосита зарар етказиш (масалан, обрўсини тўкадиган иғво тарқатиш); 5) инсон қадр-қимматини таҳқирлайдиган ҳаракатлар (шу жумладан, сўз билан ҳақоратлаш ёки ҳақоратли талаблар қўйиш); 6) инсонни ўзи истамаган ва мажбур бўлмаган нарсаларни қилишға зўрлаб мажбур этиш, таҳдид қилиш; 7) жисмоний куч ишлатиш.

Конфликтли, конфликтға элтадиган ҳаракатлар қуйидагича бўлиши мумкин: а) нормал; б) тасодиқий; в) ўйланмаган; г) қасддан душманлик мақсадидаги; д) махсус тарафларидан бирига қарши қаратилган конфликт.

Конфликтдаги таъсир – бир тараф ҳаракатлари бошқа тарафга жиддий таъсир кўрсатадиган жараён. Бу таъсир нафақат тарафлардан бири муайян зарар кўришида, балки у, ўз навбатида, бунга жавобан ҳаракатлар режалаштириб, уларни амалга ошира бошлашидан иборат бўлади.

Конфликтда томонларнинг ўзаро таъсири (ҳаракати) – бу жараёнда конфликт иштирокчиларидан бирининг ҳаракатлари бошқасининг ҳаракатларидаги тегишли ўзгаришларга олиб келади ва ўзаро конфликтлашган тарафлар у ёки бу даражада бир-бирига таъсир кўрсатадилар. Конфликтда рақиб томонидан қилинган ҳаракатлар айниқса оғриқли қабул қилинади, чунки улар бизнинг режаларимиз, ғояларимиз ва мақсадларимизга қарши қаратилган. Конфликт кескинлашуви билан рақиб таъсир кучи ҳам ортиб боради. Ўта кескин вазиятларда оддий вазиятларда эътиборни тортмайдиган ҳаракатлар анча кучли кечинмалар келтириб чиқаради. **Рақибларнинг ўзаро таъсири турли шакл олиши мумкин:** 1) юқтириш; 2) ишонтириш; 3) эътиқод; 4) тақлид қилиш ва б.

Конфликтли шахслар типлари

1. Ҳадикли-қўрқоқ тип. Бундай одамлар орасида мунтазам равишда социал муҳит томонидан хавф пайдо бўлиши эҳтимолини ўта юқори баҳолайдиган индивидлар учраб, улар ортиқча социал кечинмалар, қўрқув ва ҳадиксирашга мойил бўладилар. Конфликтларга камдан-кам ҳолларда киришиб, уларда пассив роль ўйнайдилар.

2. Циклотимик тип. Бу типдаги шахслар кайфиятнинг циклли равишда бир кўтарилиб, бир тушиб туриши хос бўлиб, бу уларни чарчатиб, улар ахлоқини эса олдиндан билиб бўлмайдиган, зиддиятли ва авантюраларга хос кўринишга келтиради.

3. Гиперфаол тип. Хавотирли кечинмалар ва бахт туйғусини ўзига хос ва ўта кучли кечириши, кайфиятининг тез-тез ўзгариб туриши, турли ҳодисаларни эҳтиросли қабул қилиши билан ажралиб туради. Бу тип вакиллари ўта серғайрат, мустақил бўлиб, етакчилик ва авантюраларга интиладилар, аммо улар

маъсулиятига, зиммасига юклатилган вазифаларга эътиборсиз муносабатда бўлишга мойилдирлар.

4. Эмоционал тип. Бундай одамлар сезгир, таъсирчан бўладилар. Кайфияти ўта чуқурлиги, кечинма ва ҳис-туйғуларининг ўта нозиклиги билан фарқланиб, ижтимоий манфаатлари жамоатчилик ҳаётини руҳий, маънавий жиҳатларига катта эътибор беришида намоён бўлади.

5. Ўта таъсирчан тип. Бу тип вакилларига ўзгарувчан кайфият, сўзамоллик (эзмалик), ташқи ҳодисаларга ортиқча чалғиш, шунингдек альтруизм (хожатбарорлик), бировлар ғамига шерик бўлиш, юксак бадий дид, артистлик маҳорати, ўта таъсирчанлик, тез-тез тушкунликка тушиш хосдир.

6. Конформ, мослашувчи тип. Бу типга оид шахслар дилкаш, киришувчан, гапдон, ҳатто эзма бўладилар. Улар ўз фикрига эга эмас ва мустақил бўлмайдилар. Бундай одамлар тартибсиз бўлиб, бўйсунитишни маъқул кўрадилар, дўстлари билан мулоқотда ва оилада етакчилиكنи бошқаларга берадилар.

7. Демонстратив (намойишкорона) тип. Унинг эгалари учун адоватли, зиддиятли ахлоқ ҳамда гумонлилик, шахслараро ўта тажовузкорлик (агрессивлик) каби ижтимоий-психологик хусусиятлар хос бўлиб, бу хислатлар уларнинг бошқа одамларга нисбатан абадий қарама-қаршилиги сабаби бўлиб, ўзгаларнинг ёрқин ифодаланган нафратини келтириб чиқаради.

8. Педант (расмиятчи) тип. Ижтимоий жиҳатдан ўта регидлилиги, шахсий қарашлари ва йўналишлари доимийлиги, ўз ижтимоий хулқини ўзгартириш имконияти сустлиги, виждонлилиги, саришталиги, жиддийлиги, ишда ва ҳис-туйғуларини намоён этишда ишончлилиги билан ажралиб туради. Атрофдагиларни бу тип вакиллари виждонлилиги, саришталиги, жиддийлиги билан жалб этадилар. Аммо бу каби кишиларга салбий хусусиятлар ҳам, масалан, мижғовлик, муҳим қарор қабул қилишни бошқалар зиммасига юклаш, шилқимлик ҳам хос.

9. “Тиқилиб қоладиган” тип. Бу типдаги одамлар учун кучли эмоционал кечинмаларнинг жуда барқарорлиги ва ўта қимматли ғояларни шакллантириш, ўзига ортиқча баҳо бериш каби хосдир. Улар хафагарчиликларни унута олмайдилар ва ўз “дилозорлари” билан “орани очиб” олишга интиладилар, ишда ва оилада улар билан тил топишиш анча қийин, турли фитналарга

мойиллик ҳам кузатилади. Конфликтда улар кўпинча фаол тараф бўлиб, ўзлари учун дўст ва душманлар доирасини аниқ белгилаб оладилар. Ҳамсуҳбатларига уларнинг ҳар қандай ишда юксак натижаларга эришишга интилиши, ўзига нисбатан юқори талаблар қўйиши ва уларни намоён эта олиши, адолат ҳисси, принципалилик, доимий, барқарор қарашлари ёқади. Бу каби шахсларда атрофдаги одамларга ёқмайдиган хислатлар ҳам анчагина: тез хафа бўлиш, шубҳалилик, кек сақлаш, рашкчилик, иззатталаблик ва ҳ.

10. Қўзғалувчан тип. Бу типдаги одамларга хос хусусиятлар – ҳаддан ташқари ижтимоий таъсирчанлик, ўз эҳтирослари, ҳаракатлари ва интилишларини бошқара олмаслик бўлиб, булар охир-оқибатда зиддиятлар ва бошқалар билан бўладиган мулоқотдаги муаммоларни келтириб чиқаради.

Конфликт пайтида ўзини тутиш услублари тавсифи

Кўнгилчанлик, мослашиш. Индивид ҳаракатлари оппонент билан ижобий муносабатларини ўз манфаатлари ҳисобига сақлаб қолиш ёки тиклашга қаратилган. Бу ёндашув индивид улуши у қадар катта бўлмаган, ёки келишмовчилик сабаби индивидга нисбатан унинг оппоненти учун аҳамиятлироқ бўлган ҳолатларда қўлланиши мумкин. Бундай хулқ вазият у қадар муҳим бўлмаган, ўз манфаатларини ҳимоя қилишдан кўра оппонент билан яхши муносабатларни сақлаб қолиш долзарб, ҳамда индивиднинг ғалабага бўлган имкониятлари, қўлидаги куч-имкони кам бўлган вазиятларда қўлланади.

Ўзини четга олиш (чап бериш, қочиш). Бундай ахлоқ индивид ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, қарорни ишлаб чиқиш учун ҳамкорлик қилишни истамаган, ўз позициясини билдиришдан бош тортган, баҳсдан бўйин товлаган ҳолларда танланади. Бу услуб қарорлар учун масъулиятдан қочиш конфликт якуни индивид учун муҳим бўлмаган, ёки вазият ўта мураккаб ва конфликтнинг ҳал этилиши иштирокчилардан жуда кўп куч талаб этадиган, ё бўлмаса, конфликтни ўз фойдасига ҳал қилиш учун унинг кучи, ҳокимияти етмаган ҳолларда ишлатилиши мумкин.

Қарама-қаршилик, рақобат. Индивиднинг ўз манфаатлари йўлидаги фаол кураши, қўйилган мақсадларга эришиш учун имкони доирасидаги барча воситалар: ҳокимият, мажбур қилиш, оппонентларга босим кўрсатишнинг бошқа воситалари, бошқа иштирокчиларнинг ўзига боғлиқлигидан фойдаланиш кабиларни қўллаш билан тавсифланади. Вазият индивид томонидан ўта муҳим, ғалаба қозониш ёки мағлубиятга учраш масаласи сифатида кўриб чиқилиб, бу оппонентларга нисбатан қатъий позицияни ва конфликтнинг қаршилик кўрсатган иштирокчиларига нисбатан муросасиз антагонизмни кўзда тутлади.

Ҳамкорлик. Индивид ўзаро ҳаракатларга алоқадор барча иштирокчиларни қониқтирадиган ечимни излашда фаол қатнашишини, аммо бунда ўз манфаатларини ҳам унутмаслигини англатади. Ошкора фикр алмашилиш, конфликтдаги барча иштирокчиларнинг умумий ечим ишлаб чиқишдан манфаатдорлиги назарда тутилади. Бу шакл барча тарафларнинг ижобий ишини ҳамда иштирокини талаб этади. Бундай ёндашувда масала, ё юзага келган келишмовчиликлар ҳар томонлама мунозара қилиниши, ҳамда барча иштирокчилар манфаатларига риоя қилган ҳолда умумий ечим ишлаб чиқиши эҳтимоли мавжуд.

Компромисс (муроса). Бу каби ҳолларда иштирокчилар ҳаракатлари ўзаро ён беришлар, ҳар икки томонни ҳам қониқтирадиган оралиқ ечимни ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, бунда ҳеч ким ютиб ҳам чиқмайди, аммо ютқизмайди ҳам.

Конфликтда ўзини тутиш (хулқ) таснифи ва унинг хусусиятлари

Конфликтли вазиятда ўзини тутишнинг беш асосий услубини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) мослашувчанлик, ён босиш;
- 2) ўзини четга олиш (чап бериш);
- 3) қарама-қаршилик (зиддият);
- 4) ҳамкорлик;
- 5) компромисс (муроса).

Тасниф асосини **икки мустақил параметр** ташкил этади:

1) ўз манфаатларини рўёбга чиқариш, ўз мақсадларига эришиш даражаси;

2) бирикувчанлик, бошқа томон манфаатларини ҳисобга олиш даражаси.

Санаб ўтилган услублардан фақат биттаси – ҳамкорлик – конфликтли вазият якунини белгилаш нуқтаи назаридан фаол ва самарали ҳисобланади.

Яна бир фаол услуб – қарама-қаршилик энг конфликтли бўлса, ўзини четга олиш (чап бериш) ва мослашиш эса индивид пассивлиги билан фарқланади. Улар конфликтни ҳал қилишда қарама-қаршилик (конфронтация)ни фаол қўллашни кўзда тутмайдилар. Конфликт ечими кейинга қолдирилиб, конфликтнинг ўзи яширин кўриниш олади.

Қарама-қаршилик ва ҳамкорликда конфронтация ечим ишлаб чиқишнинг зарур шарти бўлиб келади. Конфликтнинг ечими уни келтириб чиқарган сабаблар бартараф этилишини ҳисобга олиб, фақат ҳамкорлик услуби мазкур вазифани тўлиқ ҳал қилади деган хулоса чиқариш мумкин.

Компромисс (муроса) ўзига хос оралик ҳолат эгаллаб, ҳам фаол, ҳам пассив таъсир қилиш шаклларини ўз ичига олади. У конфликтли ўзаро ҳаракатларни қисман ҳал қилиб, чунки бу ҳолда кўпгина ўзаро ён босишлар амалга ошганига қарамай, сабаблар буткул бартараф этилмаган бўлади. Бу каби ўзини тутиш услуби оппонентлар бир хил ҳокимиятга, кучга, ҳамда бир-бирини истисно этадиган манфаатларга эга бўлган, уларнинг бундан кўра афзалроқ ечим излашга вақти чекланган бўлиб, уларни муайян вақтга қадар оралик ечим ҳам қониктирадиган пайт қўлланади.

Баъзи ҳолларда конфронтация оқилона, назорат қилиш мумкин бўлган меъёрларда конфликтни ҳал қилиш нуқтаи назаридан мослашиш, чап бериш, ҳатто компромисс (муроса)га нисбатан ҳам кўпроқ натижа бера олади. Бу ҳолда мағлубият янги конфликтларни шакллантирадиган база ҳамда конфликтли ҳаракатлар ҳудуди кенгайишига сабаб бўлмаслиги муҳим ўрин тутди.

3. Коммуникатив мулоқот услублари

Коммуникация:

1) бир шахсдан иккинчисига, бир маданий бирликдан бошқасига ахборот (ғоялар, образлар, баҳолар, кўрсатмалар) узатиш;

2) ахборот алмашинуви иштирокчиларини ўзаро боғлаб турган линия ёки канал;

3) ахборотни узатиш ёки қабул қилишга ёрдам берадиган ўзаро ҳаракат, ахборот узатиш ёки қабул қилиш жараёни.

Коммуникацияларнинг асосий вазифалари: одамларнинг бир-бирига ўзаро таъсири; турли ғоялар, манфаатлар, кайфиятлар, ҳис-туйғулар билан алмашинув.

Одамлар ўртасидаги коммуникациянинг хусусиятлари:

1) ҳар бири фаол субъект бўлган икки индивиднинг мавжуд муносабатлари (бу ҳолда уларнинг ўзаро ахборот алмашинуви биргаликдаги фаолият йўлга қўйилишини кўзда тутди); 2) ҳамкорларнинг бир-бирига белгилар тизими орқали ўзаро таъсир кўрсатиш имконияти (вербал ва невербал коммуникациялар); 3) коммуникаторда (ахборот йўллаётган одамда) ва реципиентда (уни қабул қилаётган одамда) ягона ёки ўхшаш кодлаштириш ва кодни очиш тизимлари мавжуд бўлган ҳолдагина коммуникатив таъсир кўрсатиш; 4) коммуникатив тўсиқлар юзага келиш эҳтимоли (бундай ҳолда мулоқот ва муносабат ўртасида мавжуд бўлган боғлиқлик аниқ-равшан намоён бўлади).

Мулоқотнинг коммуникатив услублари – бу бошқа одамлар билан мулоқот қилиш жараёнида бирга ҳаракат қилиш усуллари.

Коммуникатив мулоқотнинг ўн услуби: 1) доминант – коммуникацияда бошқалар ролини (ўрнини, аҳамиятини) камайитиришга йўлланган стратегия; 2) драматик – маълумот (хабар) мазмунини бўрттириш ва унга эмоционал бўёқ бериш; 3) баҳсли – коммуникатив мулоқотнинг тажовузкор ёки исботлашга қаратилган услуби; 4) тинчлантирувчи – бўшаштирадиган, мақсади, айниқса конфликтли вазиятларда ҳамсуҳбатининг хавотирини камайитиришга қаратилган мулоқот услуби; 5) таассуротли – музокаралар бўйича ҳамкорда таассурот қолдиришга қаратилган стратегия; 6) аниқ – хабарнинг аниқ-равшанлигига қаратилган; 7) эътиборли – ҳамсуҳбатлар

коммуникатив мулоқот жараёнида нималарни сўзлаётганига қизиқиш билдириш; 8) кўтаринки (руҳланган) – новербал ахлоқ – кўз, имо-ишора, тана ҳаракатлари кабилардан тез-тез фойдаланиш; 9) дўстона – ҳамсухбатини очик рағбатлантириш ва унинг мулоқотга кўшган улушидан манфаатдорлик; 10) очик-ойдин – ўз фикри, ҳис-туйғулари, эмоциялари, ўзлигини, шахсини намоён этадиган жихатларини кўркмай ифодалашга бўлган интилиш.

Коммуникациялар ва коммуникация каналлари турлари (бевосита ва билвосита, расмий, норасмий)

Оммавий коммуникация – мақсадга мувофиқ ва ижтимоий жихатдан аҳамиятли бўлган, ҳокимият тепасидаги киборлар томонидан мазкур жамиятнинг муайян руҳий, маънавий қадриятларини тиклаш ҳамда одамлар фикри, баҳоси ҳамда ахлоқига мафкуравий, сиёсий, иқтисодий ташкилий таъсир кўрсатиш учун қўлланадиган ахборотни узатиш билан боғлиқ очик, тартибга солинган жараёнлари йиғиндиси.

Оммавий коммуникация қуйидагилари билан ажралиб туради: аудиторияси тарқоқлиги; техник воситалар ёрдамида амалга ошириладиган кенг кўламли коммуникатив жараёнлар мавжудлиги; бир вақтнинг ўзида ахборотни турли каналлар бўйлаб узатилиши; ахборотни барча истаганлар томонидан олиниш имконияти.

Гуруҳлараро коммуникация – одамларнинг турли аҳоли гуруҳлари ва тоифаларига оид эканлигидан келиб чиқадиган ва уларнинг шахслараро алоқалари ва шахсий қарашларига боғлиқ бўлмаган ўзаро ҳамкорлиги (ҳаракатлари).

Элатлараро коммуникация – бу:

а) турли миллий ҳамжамиятлар вакиллари ўртасидаги ахборот, маълумот узатиш, ҳам бир, ҳам икки томонлама кўринишга эга бўлиши мумкин;

б) турли миллатга оид одамлар ўртасидаги бевосита ўзаро ҳаракатлар ва мулоқот пайтида юзага келадиган ижтимоий-психологик ҳодиса ва жараёнлар.

Элатлараро коммуникациянинг таркибий қисмлари:

- биринчиси – турли этник ҳамжамият вакиллари ўртасида ахборот алмашинуви. У мулоқот субъектлари фаоллиги, уларнинг миллий қарашлари, халқларнинг турмуш тарзига боғлиқ;

- иккинчиси – турли миллат одамларининг бир-бирини идрок этиши ва тушуниши, бу кўп жиҳатдан мулоқот қонуниятларига ва турли миллий-этник гуруҳларга оид индивидлар ўзаро ҳаракатларининг ижтимоий-психологик хусусиятларига боғлиқ.

Коммуникация канали – улар ёрдамида ёки улар орқали ахборот узатиладиган воситалар ёки йўллар.

Коммуникация каналлари турлари:

1) бевосита (тўғридан-тўғри) – бунда ахборот бевосита ахборот ташувчидан хабардор шахсга узатилади;

2) билвосита – бунда ахборот учинчи шахслар орқали узатилади;

3) расмий – аниқ ва ишонарли ахборотни тақдим этадиган;

4) норасмий – ишончли манбаларга ишора қилмаган ҳолда миш-мишлар, фикр алмашинуви орқали текширилмаган ахборот тақдим этадиган.

Коммуникация конфликт манбаи сифатида

Коммуникация қуйидаги сабаблар туфайли конфликт манбаи бўлиб келиши мумкин: фикрлар, қарашлар, воқеаларни баҳолашдаги фарқлар; воқеа-ҳодисани икки хил талқин қилиш; одамлар ахлоқи (ўзини тутиши)даги фарқлар.

Одамлар ахлоқига турли омиллар таъсир кўрсатади: ҳаёт тажрибаси, муайян вазият, шаклланган қарашлар ёки индивиднинг баҳолашга мойиллиги.

Уч элементи: когнитив (билимлар), уларнинг аффеktiv (кучли эҳтирослар), ахлоқий (ўзини тутиш шакли) мавжуд.

Социал қарашлар – рухий-асаб тизимининг тайёрлик ҳолати, тажриба асосида шаклланиб боради ва индивиднинг у боғлиқ бўлган барча объектлар ва вазиятларга нисбатан

реакцияларига йўналтирувчи динамик (ўзгарувчан) таъсир кўрсатади.

Ишонтиришнинг икки усули – бевосита ва билвосита. **Бевосита усул** – манфаатдор аудитория бутун эътиборини мақбул (ижобий) далил-исботларга қаратган ҳолда мавжуд бўлган ишонч. Бунда далил-исбот (аргумент)ларнинг ўзигина эмас, балки улар келтириб чиқарадиган фикр-мулоҳазалар ҳам ишончли (ишонарли) бўладилар. **Билвосита усул** – одамларга тасодифий омиллар таъсир кўрсатиб, улар онгига мурожаат қилиш талаб этилмайдиган ҳолда мавжуд бўлган ишонч (ишонтириш). Бу таъсир усулида ишора(шама)лар қўлланиб, улар ўйлаб ўтирмай қўллаб-қувватлашга рози қиладилар.

Ишончнинг тўрт таркибий қисми: 1) коммуникатор; 2) ахборот (хабар); 3) узатиш канали; 4) аудитория.

Ахборот узатиш хусусияти: нафақат ким гапираётганлиги, балки унинг айнан нима гапираётганлиги ҳам муҳим.

Ўзини тутишига қараб аудитория қуйидагича кўринишларда бўлиши мумкин: 1) фикрлайдиган, мулоҳаза қиладиган, манфаатдор, яъни бевосита ишонтиришга бўйин бериш, мойил бўлиш. У айниқса онгли далил-исботларга таъсирчан бўлади; 2) эътиборсиз, яъни билвосита шамалар таъсирида қолиш. Унга ҳаммасидан кўпроқ коммутатор ёқиш, ёқмаслиги таъсир кўрсатади.

Яхши кайфият самараси. Ижобий ҳис-туйғулар қобилигига “ўралган” хабарлар ишонарлироқ бўлиб чиқади. Яхши кайфиятдаги одамлар оламни ижобий тарзда кўриб, шошилиш қарорлар қабул қилишга мойил бўлиб, кўпроқ билвосита шамаларга ишонадилар.

Кўрқувни фаоллаштириш самараси. Баъзан салбий (негатив) ҳис-туйғуларга қаратилган хабар ҳам ишонарли чиқиши мумкин. Саломатлик билан боғлиқ хабарлар кўрқув уйғотишда кўпроқ таъсир кўрсатиб, одамни “чеккага” тақаб қўйишга хизмат қиладилар ва бунда ахборотни қабул қилмаслик ёки сиқиб чиқариш ҳодисаси юз беради. Самарали ҳимоя стратегиясини таклиф қилиб, бунинг олдини олиш мумкин.

Ахборотни бузиб кўрсатиш механизми

Ахборотнинг қабул қилиниши қуйидагиларга боғлиқ: 1) хабар берувчига бўлган ишонч, унинг билимдонлиги, хабардорлиги. Аудиториянинг ишончини қозониш усулларида бири – аудитория кўшиладиган (рози бўлган) мулоҳазаларни билдириш, яна бир усули – ушбу масаладан хабардор киши сифатида таништириш (тақдим этилиш)дан иборат; 2) коммуникаторнинг сўзлаш услуби – у ишончга сазовор услуб тарзида қабул қилиниш ё қилинмаслиги; 3) нутқ ишончлилиги ва суръати, тўғри кўзга қараб сўзлаш, бирон-нимани ўз манфаатлари зарари ҳисобига бўлса ҳам ҳимоя қилиш.

Кўпгина одамлар машҳур шахслар фикри уларга таъсир кўрсатишини тан олмайдилар, чунки улар бу йўналишда мутахассис эмаслигини англаб етадилар. Бу ҳолда бир қанча жиҳатларига эга бўлган жозибадорлик муҳим ўрин тутает: жисмоний ёқимтойлик, симпатия (далил-исботлар чиройли, ўқтам шахслар томонидан билдирилганида, кўпроқ таъсир қиладилар) ва ўхшашлик (биз ўзимизга кўпроқ ўхшайдиган одамларга мойиллик билдирамиз).

Фикрлар ҳар хиллиги: 1) агар коммуникатор билимли ва шу билан бирга ишончли манба бўлсаю, аудитория бу муаммога у қадар қизиқиш билдирмаса, у ўта зиддиятли, экстремистик нуқтаи назарни тақдим этиши мумкин. Нифоқ-келишмовчиликлар қанча кўп бўлса, дастлабки позициянинг ўзгариш эҳтимоли шунча катта; 2) агар коммуникатор ишонарли манба бўлмаса, у ноҳуш хабарни тақдим этиш билан умуман ишончдан маҳрум бўлиши, ўзини шахсий манфаатларини кўзлаган ва ноҳолис шахс сифатида намоён этиши мумкин. Аудиторияни мазкур муаммо қизиқтирса, бироз фарқли, айниқса қарама-қарши нуқтаи назарга асосланган фикр унга радикал қараш бўлиб туюлиши мумкин.

Аксил далил-исботларга мурожаат қилиш: 1) бир томонлама хабар усиз ҳам билдирилатган фикрга қўшилган одамлар учун айниқса самаралидир; 2) аксил далил-исботларни кўриб чиқадиган хабар, дастлаб унга қарши бўлганларга кўпроқ таъсир кўрсатади; 3) икки томонлама таъсири хотирада узоқроқ вақт сақланиб қолади.

Агар аудиторияга қарама-қарши қарашлар (фикрлар) тўғрисидаги хабар (маълумот) маълум бўлса, бу ҳолда икки томонлама хабар кўпроқ самара келтиради. Бир томонлама хабар (ахборот) аудиторияни аксил далил-исботлар (контраргументлар) тўғрисида ва коммуникаторни бир томонга ён босяпти деб ўйлашга мажбур қилади.

Бирламчилилик ва иккиламчилилик самараси: биринчи келиб тушган ахборот ишончлироқ янграйди, сўнгги ахборот (хабар) яхшироқ эсда қолади.

Иккиламчилилик самараси камроқ учрайди. Ёддан чиқариш қуйидаги ҳолларда иккиламчилилик самарасини ҳосил қилади:

- 1) икки хабар (ахборот) ўртасида анча вақт ўтган бўлса;
- 2) аудитория иккинчи хабар (ахборот)дан сўнг кўп ўтмай қарор қабул қилади.

Коммуникация каналини танлаш муаммоси

Коммуникация канали – хабар (ахборот) узатиладиган усул (юзма-юз, ёзма равишда ёки бошқа йўл билан).

Коммуникация каналини танлаш хусусиятлари: бунда чоп этилган сўз (матн) кучи устувор ҳисобланади. Одамлар аввалроқ ўзлари ўқиган ёки баҳолаган фикрларни нисбатан ҳаққоний деб биладилар.

Коммуникация каналини танлаш қондаси: хабар (ахборот) нақадар образли қилиб узатилса, тақдим этилаётган хабар (ахборот) шу қадар ишонарлироқ чиқади. Осон тушуниладиган (англанадиган) хабарлар айниқса видео тасвир кўринишида ишонарлироқ бўлади. нашр этилган хабар (ахборот)лар унинг маъноси ичига чуқурроқ кириш ва уни яхшироқ тушуниб етишни таъминлаб, тушунилиши мураккаб хабар узатилган ҳолатда ишонарлироқ чиқади. Ишонарлилик хабарнинг мураккаблиги ва танланган коммуникация воситаси турининг ўзаро мувофиқлиги билан белгиланади.

Одамларга билвосита узатилган ахборот эмас, балки улар билан бевосита, юзма-юз учрашиш кўпроқ таъсир кўрсатади. Аммо оммавий ахборот воситалари ва шахсий қарашлар ўзаро боғлиқдир, чунки улар айнан ОАВ таъсирида шакл-

ланадилар.ОАВ таъсири икки табақали коммуникация оқимида юз беради: ОАВдан – одамга, одамдан – оммага.

Ижтимоий (социал) ва сиёсий установка(қараш)ларнинг ёшга боғлиқ равишда табақаланиши кузатилмоқда. Бу икки омил билан изоҳланади:

1) ёш ўтиши билан ҳаёт циклларига боғлиқ равишда қарашлар ҳам ўзгариб боради;

2) катта ёшдаги (қари) одамларнинг ёшликда ўзлаштириб олган қарашлари асосан ўзгармай қолаверади, авлодлар ўртасидаги узилиш (ажралиш) ана шу қараш(установка)лар орасидаги фарқланиш туфайли пайдо бўлади.

Аудиториянинг хабарга турлича реакция билдириши:

1) агар хабар шунга мувофиқ фикрлар келтириб чиқарса, у ишонтиради;

2) агар хабар контраргументлар (аксил далил-исботлар) тўғрисида ўйлаб қолишга мажбур қилса, аввалги фикрни ўзгартириш мураккароқ кечади;

3) ҳозир ишонарли бўлмаган хабар келиб тушиши тўғрисидаги огоҳлантириш аксил далил-исботларни рағбатлантиради (кучайтиради) ва унинг ишонарлилиқ даражасини пасайтиради;

4) аудитория эътиборини эҳтимол тутилган эътирозларни бартараф этиш даражасида чалғитишнинг имкони бўлса, мунозара(баҳс)ли хабарнинг ишонарлилиги ортиб боради.

Фикрлаш жараёнларини рағбатлантириш усуллари:

1) риторик саволлар, коммуникаторлар қатори (барча уч далил-исботни келтирадиган битта нотик ўрнига биттадан далил келтирган уч нотикнинг кетма-кет чиқиши);

2) хабарга баҳо берганлик ёки унга нисбатан эътиборсизлик учун масъулият ҳиссини пайдо қилиш;

3) нотик томонидан эркин ҳолат(поза)ларни, кўп маротаба такрорлашлар ва аудиториянинг тарқаб улгурмаган эътиборини жалб қилиш услубларининг қўлланиши.

3. Конфликтли вазият шароитида қарор қабул қилиш жараёни

Конфликтни ҳал қилиш конфликтни келтириб чиқарган сабабларни тўлиқ ёки қисман бартараф этиш, ёхуд конфликт иштирокчилари мақсадларини ўзгартиришдан иборатдир.

Конфликтли вазиятни ҳал қилишдаги қийинчиликлар қуйидагилардир:

1) ахборот етишмаслиги – низолашаётган тарафлар конфликтни ҳал қилиш учун барча зарур маълумотларга эга бўлмаган жараён;

2) коммуникациялар чекланганлиги – ахборот алмашилиши иштирокчиларини ўзаро боғлаб турган каналлар етишмаслиги.

Конфликтли вазиятни ҳал қилиш юзасидан умумий тавсиялар:

- 1. Конфликт мавжудлигини тан олиш.** Оппонентларнинг қарама-қарши мақсадлари, услублари мавжудлигини эътироф этиш, ана шу иштирокчиларни ўзини аниқлаб олиш. Баъзан конфликт кўпдан мавжуд бўлишига қарамай, аммо у очик эътироф этилмаган бўлиб, ҳар бир томон бошқа тарафга таъсир кўрсатиш йўли ва услубини танлайди ҳамда юз берган вазиятдан чиқиб кетишнинг иложи йўқ.
- 2. Музокаралар имкониятини аниқлаб олиш.** Конфликт мавжудлиги эътироф этилиб, уни “йўл-йўлакай”, бирданига ҳал қилиш имкони йўқлиги аниқланганидан сўнг музокаралар, айнан қандай, яъни воситачилар иштирокидаги ёки уларсиз музокаралар ўтказиш, ким ҳар икки томонни ҳам қониқтирадиган воситачи бўла олиши мумкинлиги тўғрисида келишиб олиш.
- 3. Музокаралар амалиётини мувофиқлаштириб олиш.** Музокаралар қаерда, қачон ва қай тарзда бошланишини аниқлаб олиш: ўтказиладиган музокараларнинг муддатлари, жойи, амалиётини, биргаликдаги фаолиятнинг бошланиш вақтини келишиб олиш.
- 4. Конфликт мавзусини (предметини) ташкил қилган масалалар доирасини белгилаб олиш.** Асосий муаммо шундаки, бирга ишлатиладиган атамалар ёрдамида нималар конфликт предмети эканлиги, нималар эса йўқлигини аниқлаб олишдан иборат. Бу босқичда муаммога бўлган биргаликдаги ёндашувлар ишлаб чиқилиб, томонлар позицияларига аниқлик киритилади, кўпроқ мунозарали масалалар ва позицияларни

ўзаро яқинлаштириш эҳтимоли имкониятлари аниқлаштирилади.

5. Ечим вариантларини ишлаб чиқиш. Томонлар бирга ишлашда ҳар бири юзасидан харажатлар ҳисоб-китоби билан, эҳтимол тутилган оқибатларни ҳисобга олган ҳолда бир неча ечим вариантларини таклиф этадилар. **6. Келишилган қарор қабул қилиш.** Ўзаро муҳокама қилиниб, эҳтимол тутилган бир қатор вариантлар кўриб чиқилганидан кейин, томонлар ўзаро битимга келиши шарти билан, бу умумий қарорни ёзма, яъни коммюнике, резолюция, ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома кўринишида тақдим этиш мақсадга мувофиқ. **7. Қабул қилинган қарорни амалда татбиқ этиш.** Дастлабки конфликтни келтириб чиқарган сабаблар йўқолмай, бажарилмаган ваъдалар туфайли фақат кучайган бўлса, қайта музокаралар ўтказиш анча мураккаб кечади.

Коммуникация тўсиқлари

Коммуникация тўсиқлари – ўзаро мулоқот қилаётган ҳамкорлар ўртасида адекват ахборот узатиш йўлидаги рухий (психологик) тўсиқлар. Коммуникация жараёнида турли барьерлар юзага келишлари мумкин:

- 1) тушуниш (тушунмаслик) баръери;
- 2) ижтимоий-маданий фарқларга оид барьер;
- 3) муносабатлар баръери.

Тушуниш (тушунмаслик) баръерининг келиб чиқиши, одатда, рухий, ҳамда келиб чиқиши ўзгача турли-туман сабаблар билан боғлиқ. Бу ахборот узатиш каналининг ўзидаги хатоликлар туфайли юзага келиши мумкин – бу фонетик тушунмовчилик (тушунмаслик) деб номланади. фонетик тушунмаслик баръери (тўсиғи) тез ва тушунарсиз сўзлаш (нутқ) ва кўп миқдордаги паразит-товушлар иштирокидаги нутқ каби омиллар сабабли пайдо бўлади. Шунингдек мулоқот иштирокчиларининг маънолар (тезауруслар) тизимидаги ингивистик фарқлар туфайли келиб чиқадиган семантик тушунмаслик тўсиқлари ҳам мавжуд. Шахслараро нормал коммуникация йўлига стилистик тўсиқ ҳам тўғоноқ бўлиши мумкин ва у коммуникатор нутқ услуби, мулоқот вазияти ёки реципиентнинг ҳозирги рухий ҳолати номувофиқ келган шпроитда юзага келади. Шунингдек мантикий

тушунмаслик тўсиғи (барьер) ҳам мавжуд бўлиб, у коммуникатор томонидан таклиф этилган мулоҳаза юритиш мантиқи реципиент идроки учун жуда мураккаб ёки унга нотўғри бўлиб туюлган ҳолларда пайдо бўлади.

Шу билан бирга ижтимоий-маданий, яъни ижтимоий, сиёсий, диний ва касб-хунарга оид фарқланишлар ҳам тушунмаслик сабаби бўлиб келиши мумкин бўлиб, чунки улар мулоқот жараёнида қўлланадиган у ёки бу тушунчаларнинг турлича англанишига олиб келадилар. Мулоқот қилинаётган ҳамкор(суҳбатдоши)ни муайян касб эгаси, миллат, жинс вакили ёки маълум ёшдаги шахс сифатида қабул қилиш, идрок этишнинг ўзи ҳам тўсиқ вазифасини ўташи мумкин. Барьер(тўсиқ)ни олиб ташлаш йўлида коммуникаторнинг реципиент назаридаги образ-этибори ҳам муҳим ўрин тутди.

Муносабат тўсиқ(барьер)лари – коммуникатор ва реципиент ўртасидаги мулоқот жараёнида юзага келадиган соф психологик (руҳий) ҳодисалар бўлиб, улар қаторига коммуникаторни ёқтирмаслик, унга нисбатан ишончсизлик руҳи киритиш мумкин бўлиб, буларнинг бари узатилаётган ахборотга ҳам таъсир ўтказмай қолмайди. Реципиентга келиб тушаётган ҳар қандай ахборот унинг хулқи (ўзини тутиши), фикри, қарашлари ва истакларини тўлиқ ёки қисман ўзгартириш мақсадида у ёки бу таъсир кўрсатиш элементига эга бўлади. Бу маънода коммуникатив тўсиқ –иштирокчилар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёнида ўтказиладиган бегона руҳий таъсирдан ўзига хос психологик (руҳий) ҳимояланиш шакли деб айтиш мумкин.

Коммуникациялар тескари алоқа боғлиқлик мавжуд бўлган жараён сифатида. конфликтда коммуникация каналларини ўрнатиш

Коммуникатив жараён модели – бу мулоқотни ташкил этувчи компонентларидир (субъект ва объектлари). Одатда улар бешта бўлади: коммуникатор – хабар (матн) – канал – аудитория (реципиент) – тескари алоқа (боғлиқлик).

1. **Коммуникатор** – ахборот узатаётган шахс. Коммуникаторнинг **уч позицияси**: 1) коммуникатор очикдан-ё

2. **Хабар (матн)** – коммуникация жараёнида узатиладиган ахборот.

Ахборот икки типли бўлиши мумкин – ундайдиган ва қайд этадиган.

Ундайдиган ахборот буйруқ, маслаҳат ёки илтимос кўринишида намоён бўлади.

Стимуляция (рағбат) қуйидаги турларга ажратилади: 1) фаоллаштириш (активизация) – берилган йўналишда ҳаракат қилишга ундаш; 2) интердикция – исталмаган фаолият турларини тақиқлаш; 3) барқарорлаштириш (стабилизация) – муайян ўзини тутиш ёки фаолият автоном шакллариининг бузилиши.

Қайд этадиган ахборот хабар шаклида намоён бўлади ва ўзини тутиш (ахлоқ)ни бевосита ўзгартиришни назарда тутмайди.

3. **Коммуникация канали** – улар ёрдамида ёки улар орқали ахборот узатиладиган восита ёки йўллар. Жамиятда ахборот тарқалиши ўзига хос “ишонч-ишончсизлик” фильтри орқали ўтади. Бундай филтр ишлаши натижасида ҳақиқий ахборот рад этилиб, аксинча – сохта (ёлғон) ахборот эса қабул қилиниши мумкин. Ахборот қабул қилинишига кўмаклашадиган ва филтрлар ишини бўшаштирадиган воситалар мавжуд бўлиб, улар йиғиндиси **фасцинация** деб номланади. Фасцинацияга мисол тариқасида нутққа мусиқа, ранг ёки макон(бўшлиқ)нинг жўр кузатилишини келтириш мумкин.

4. **Аудитория (реципиент)** – ахборотни қабул қилувчилар (идрок этадиганлар). Улар норефлексив ва рефлексив тинглаш каби коммуникация кўникмаларига эга бўлишлари талаб этилади. **Норефлексив тинглаш**, ёки эътибор билан сукут сақлаш муаммони қўйиш босқичида, у сўзловчи томонидан энди шаклланаётган босқичда, шунингдек сўзловчи томонидан мулоқот мақсади – ҳолатни эмоционал юмшатиш, бўшаштириш бўлганида қўлланади. **Рефлексив тинглаш** сўзловчи муайян муаммоларни ҳал қилишда ёрдамга муҳтож бўлган ҳолатларда ишлатилади.

5. **Тескари алоқа (боғлиқлик)** – коммуникатив мулоқот жараёнида муҳокама қилинадиган турли вазиятлар ёки муаммолар юзасидан умумий мазмун, ягона нуқтаи назар ишлаб чиқиш ва келишиб олиш мақсадидаги фаолият.

Конфликт эскалациялашуви (ўсиши), деэскалациялашуви, унинг ўлик нуқтаси

Конфликт эскалациялашуви (лот. scala – зина, пиллапоя) – конфликтнинг вақт ўтиши билан ривожланиб бориши, қарама-қаршилиқнинг жиддийлашуви, ўсиши, бунда оппонентларнинг бундан кейинги бир-бирига вайронкор таъсири аввалги ҳаракатларига нисбатан яна ҳам кучли ва жадаллашиб бораверади. Конфликт эскалациялашуви – конфликтнинг инцидентдан бошланиб, курашнинг сусайиши, конфликт тугалланишига ўтиш билдан тамом бўладиган қисми.

Конфликтнинг эскалациялашуви белгилари:

- 1) ўзини тутиш ва фаолиятда когнитив соҳанинг торайиши;
- 2) ўзга томон тўғрисидаги адекват (меъёрдаги) идрок этилишини душман образи билан сиқиб чиқариш. Душман образи оппонент тўғрисидаги, бузилган ва мавжуд бўлмаган хусусиятларни ўз ичига олган яхлит тасаввур сифатида, конфликтнинг яширин кечадиган даврида, қарама-қарши тарафнинг салбий баҳоланиши оқибатида шакллана бошлайди. Қарама-қаршилиқ юзага келмаган, хавф-хатар яққол намоён бўлмаган экан, душман образи маҳаллий характерга эга бўлади. Конфликт ўчоғи алангаланиб боргани сар душман тимсоли тобора яққол кўриниш олиб боради ва у аста-секин холисона (объектив) образни сиқиб чиқаради. Конфликтли вазиятнинг ахборот моделида душман образи устувор кўриниш олганидан қуйидагилар далолат беради:

- ишончсизлик – душмандан келаётган (чиқаётган) барча нарса ёки ёмон, ёки улар виждонсиз мақсадларга қаратилган;
- айбни душман устига тўнкаб (ағдариб) қўйиш – душман юзага келган барча муаммолар учун айбдор;
- ёмонлик кутиш – душман қилаётган барча нарсаларни фақат бир мақсадда, яъни зарар етказиш мақсадида амалга оширмоқда;
- ёмонлик билан уйғунлаштириш;
- душман учун фойда келтирадиган барча нарса бизга зарарлидир;

- ушбу гуруҳга тегишли бўлган ҳар бир кимса ўз-ўзидан бизнинг душманимизга айланади;

- кўнгилчанликка йўл қўймаслик – биз душманимиз билан ҳеч қандай умумий жиҳатларга эга эмасмиз, ҳеч қандай ахборот ҳам унга нисбатан инсонпарварлик туйғуларимизни уйғота олмайди, душманга нисбатан маънавий мезонларни қўллаш хавфли ва ақлдан эмас.

- Қуйидагилар инсон онгидан душман образи кўпроқ жой олишига хизмат қилади: салбий ҳис-туйғуларнинг кучайиши, бошқа тарафнинг вайронкор ҳаракатларини кутиш, негатив (салбий) стереотиплар ва қарашлар, конфликтнинг узок муддат давом этиши;

3) эмоционал зўриқишнинг ортиб бориши. Эҳтимол тутилган зарар кўриш хавфининг ўсишига реакция сифатида қарама-қарши томон бошқарилиш даражасининг пасайиши, ўз манфаатларини қисқа муддатда исталган ҳажмда рўёбга чиқара олмаслик, оппонентнинг қаршилиқ кўрсатиши;

4) далил-исбот келтиришдан даъво қилиш ва шахсий хуружларга ўтиш. Одамлар фикрлари ўзаро тўқнаш келганида, одатда, улар ўз фикрларини далиллар ёрдамида исботлашга интиладилар. Атрофдагилар, инсон позициясини баҳолаш билан бирга, билвосита равишда унинг далил келтириш имкониятини ҳам баҳолайдилар. Инсон ўз ақлий меҳнати натижаларига шахсият бўёғи билан зеб беради ва унинг ақлий фаолияти натижаларини танқид қилиш шахс сифатида унинг ўзига нисбатан қаратилган танқид деб тушунилиши мумкин. Бу ҳолда танқид шахс ўз-ўзини баҳолашига солинган хавф каби қабул қилиниб, ўз-ўзини ҳимоя қилишга интилиш конфликт предметининг шахсият томонига ўтиб кетишига олиб келади;

5) бузилаётган ва ҳимоя қилинаётган манфаатлар иерархия **табақаланишининг ортиши** ва уларнинг қутблашуви. Ҳаракатларнинг янада қизғинлашуви бошқа тарафнинг нисбатан муҳим манфаатларига тегиб кетади. Шу сабабли конфликтнинг ўсиши зиддиятларнинг чуқурлашиш жараёни, яъни бузилаётган манфаатлар иерархия табақасининг ўсиш жараёни сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Бундай ўсиш(эскалация)да томонларнинг манфаатлари қарама-қарши қутбларга ажратиб

қўйилади дейиш мумкин. агар конфликтдан аввалги вазиятида улар бир-бирига тоқат қилиб турган бўлса, конфликт жиддийлашуви билан улардан биттаси фақат иккинчисининг манфаатларини рад этиш ҳисобига мавжуд бўла олади;

6) куч ишлатиш – конфликтнинг ўсишидан дарак берадиган ажратиб турадиган белги. Агрессия (тажовузкорлик) ички компенсация (йўқотилган обрў-эътибор, ўз-ўзини баҳолаш пасайиши), кўрилган зарар ўрнини тўлдириш билан боғлиқ. Жисмоний куч ишлатиш ва тажовузкорлик нафақат амалга оширилган хавф билан, балки бўлғуси (эхтимол тутилган) потенциал, яширин хавф билан ҳам юзага чиқарилиши мумкин. Конфликтда жисмоний куч ишлатилишининг ортиб бориши ўзликнинг издан чиқиши туфайли ноадекват қасос олиш мақсадидаги ўзаро ҳаракатлар жадаллигининг ортиши билан боғлиқ;

7) ўзаро келишмовчиликнинг дастлабки сабаби(предмети)ни йўқотиш – бу шундай жараён бўлиб, унда мунозарали объект сабабли бошланган қарма-қаршилик нисбатан кенгрок, глобал тўқнашувга айланиб, конфликтнинг дастлабки сабаби (предмети) асосий ўрин тутмай қолади;

8) конфликт чегараларининг кенгайиб бориши. Конфликт кенгайиб бориб, у янада чуқурроқ зиддиятларга ўтади, тўқнашув нуқталари сони кўпайиб, конфликтнинг макон ва замонга боғлиқ чегаралари ҳам мос равишда кенгайиб боради;

9) иштирокчилар сонининг ортиши. Конфликтнинг ўсиб бориши жараёнида ўзаро қарма-қаршилик қилаётган субъектларнинг тобора кўпроқ иштирокчиларни жалб этиш ҳисобига “йириклашуви” рўй бериши мумкин. шахслараро конфликтнинг гуруҳлараро низога айланиши, рақобатлашаётган гуруҳлар сони ва тузилмасининг ўзгариши конфликтни янгича даражага кўтариб, ундаги қўлланаётган воситалар тўпламини кенгайтириб юборади.

Конфликтнинг сўниб бориши – зиддиятнинг пасайиши, конфликтнинг сўниб бориши, тинчлик жараёнига ўтишдан иборат.

Конфликтнинг “ўлик” нуқтаси – конфликтнинг муайян босқичда вазиятнинг ижобий ёки салбий томонга ўзгармай тўхтаб қолиш жараёнидир.

Конфликт ривожининг асосий давр ва босқичлари

Конфликтнинг бошланиши. Конфликтни бошланган деб эътироф этиш учун уч ўзаро мувофиқ тушадиган шарт талаб этилади: 1) биринчи иштирокчи онгли ва фаол тарзда бошқа иштирокчига зарар келтиришга ҳаракат қилади; 2) иккинчи иштирокчи (оппонент) ушбу ҳаракатлар унинг манфаатларига қарши қаратилганлигини англаб етади; 3) шунга боғлиқ равишда оппонент биринчи иштирокчига қарши жавоб ҳаракатларини амалга оширади.

Конфликт тугаши – бир-бирига қарши қаратилган ҳаракатларнинг тўхтатилиши.

Конфликт боришида даврлар ва босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Латент давр (конфликт олди) ўз ичига қуйидаги босқичларни олади:

1) объектив муаммоли вазиятнинг юзага келиши. Бундай вазиятнинг моҳияти субъектлар (уларнинг мақсадлари, мотивлари, ҳаракатлари, интилишлари ва ҳ.к.) ўртасида зиддиятлар юзага келишидадир;

2) ўзаро ҳаракат субъектлари объектив муаммоли вазиятни англаб етиши – реалликнинг муаммоли сифатида англаниши. Зиддиятни ҳал қилиш учун қандайдир ҳаракатларни амалга ошириш зарурлигини тушуниш мазкур босқичнинг маъносини ташкил этади;

3) томонларнинг объектив муаммоли вазиятни конфликтли бўлмаган усуллар ёрдамида ҳал қилишга интилиш. Зиддиятли вазиятни англаб олиш доим ҳам ўз-ўзидан томонларнинг конфликтли қарама-қаршилигига олиб келмайди. Кўпинча улардан бири муаммони конфликт келтириб чиқармайдиган усуллар (ишонтириш, илтимос, қарама-қарши томни хабардор қилиш) ёрдамида ҳал қилишга интилади;

4) конфликт олди вазиятининг юзага келиши – ўзаро ҳаракат томонларидан бирининг хавфсизлиги учун хавф мавжудлиги.

Очиқ давр – бу конфликтли ўзаро ҳаракатлар ёки айнан конфликтнинг ўзи. У ўз ичига қуйидагиларни олади:

1) инцидент – томонларнинг дастлабки тўқнашуви, кучларни синаб кўриш, куч ёрдамида муаммони ўз фойдасига ҳал қилишга уриниш;

2) эскалация – оппонентлар курашининг ўта кескинлашуви;

3) мувозанатланган қарама-қаршилик – томонлар бири-бирига қарама-қаршилик кўрсатиши давом этаётган жараён, аммо бунда кураш қизғинлиги пасайиб боради;

4) конфликтнинг тугалланиши – конфликтли қарама-қаршиликдан муаммони ҳал қилиш ва конфликтни исталган сабаблар бўйича тўхтатиш йўллари излашга ўтиш. Конфликт тугалланишининг асосий шакллари – уни ҳал қилиш, тартибга солиш, сўндириш, бартараф этиш ёки бошқа конфликтга ўтказиш.

Конфликт эскалациялашувининг ташқи режаси

Конфликт эскалациялашувининг ташқи режаси симметрик схизмогенез назарияси ёрдамида тасвирлаб берилиши мумкин. **Схизмогенез** – индивидлар ўртасида ўзаро ҳаракат қилиш тажрибаси йиғилиши натижасида юз берадиган индивидуал ахлоқ ўзгаришидир.

Схизмогенезнинг икки варианты мавжуд: қўшимча ва симметрик: қўшимча схизмогенез ўзаро ҳаракатлар бир-бирини тўлдириб келадиган ҳаракатлар асосига қурилган ҳолларда бўлиши мумкин; симметрик схизмогенез эса субъектлар бир хил ахлоқ моделларидан фойдаланган ҳолларда ривожланиб боради.

Конфликт эскалациялашув босқичлари:

1. **Икки дастлабки босқич** конфликтолди вазиятининг ривожини акс эттиради. Ҳар томоннинг ўз далил-исботлари ва истаклари аҳамияти ортиб боради.

Босқичлар тавсифи: 1) муаммони биргаликда ҳал қилиш негизи (асоси) йўқотилади деган кўрқув пайдо бўлади; 2) руҳий зўриқиш ортиб боради; 3) бир тараф оппонент позициясини ўзгартириш учун кўраётган чоралар қарама-қарши тараф томонидан эскалация учун сигнал сифатида қабул қилинади.

2. **Учинчи босқич** – эскалациянинг бошланиши.

Босқич тавсифи: 1) барча умид-ишонч бефойда мунозараларнинг ўрнини эгаллаган ҳаракатларга қаратилади; 2)

ҳар икки тараф босим кўрсатиш ва қаттиққўллик билан оппонент позициясини ўзгартиришга интилади; 3) ҳеч ким ўз ихтиёрига кўра ён босишга тайёр эмас.

3. Тўртинчи босқичда психика (руҳият) ишлаши 6-8 ёш учун хос бўлган даражага қадар сусайиб боради.

Босқич тавсифи: 1) инсонда онгида бошқа тараф образи мавжуд; 2) инсон бошқа бировнинг туйғулари, фикр-хаёллари, аҳволи билан ҳисоблашишга ҳали тайёр эмас.

4. Эскалациянинг бешинчи босқичида регрессия тараққий этишининг оппонентга салбий баҳо бериш, ўзини эса ижобий баҳолаш каби яққол белгилари шаклида намоён бўлади.

Босқич тавсифи: 1) “мақаддас қадриятлар”, эътиқод ва маънавий мажбуриятлар биринчи ўринга чиқади; 2) қарама-қарши тараф узоқ муддатга қаттол ва ўзгармас душман қиёфасида намоён бўлади; 3) душман буюм ҳолатига қадар қадрсизлантирилиб, инсоний хусусиятлардан маҳрум этилади.

Конфликт эскалацияси босқичларининг хусусияти шундаки, худди шу одамларнинг ўзи ўз гуруҳи ичида нормал фаолият юрита оладилар. Шу сабабли тажрибасиз кузатувчи конфликтни мувофиқлаштириш юзасидан чоралар қабул қила туриб, уларнинг таназзулга юз тутган бошқаларни идрок этиши эътиборга олиши ўта мураккаб. Бу каби таназзул социал (ижтимоий) фаолият жараёнининг исталган оғир шароитида муқаррар ҳодиса эмас. Кўп нарса бу одамларнинг тарбияси, маънавий қоида ва меъёрларни ўзлаштирганлиги ва конструктив ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича ижтимоий тажрибасига боғлиқ.

Турли хил конфликтлар динамикаси

Конфликт динамикаси давр ва босқичлари турли вақт давом этиши, ҳар хил аҳамиятга, жадалликка эга бўлиши мумкин.

Конфликтлар давомийлигидаги фарқлар уларда қайси (қандай) тарафлар иштирок этаётганлигига боғлиқ тарзда юзага келади:

1) вертикал (юқоридан-пастга ёки аксинча) (78% дан кўпроқ) бўйича юз берадиган конфликтларнинг аксарияти уч ойдан кўп давом этмайди, улардан тахминан ярми (55,8%) бир ойгача чўзилади;

2) бирламчи ва иккиламчи бўғин бошлиқлари ўртасидаги конфликтлар нисбатан узоқроқ бўлиб, барча конфликтларнинг 71% қисми уч ой, бир ойгача давом этган конфликтларнинг эса 49% қисми эса бир мобайнида тугайди;

3) давлат хизматчилари ўртасидаги барча конфликтларнинг 65% ярим йил давомида ҳал бўлади.

Экстремал шароитда юз берадиган конфликтлар динамикаси хусусиятлари:

1) экстремал шароитларда конфликтлар тез (жадал) суръатлар билан ривожланиб боради ва улар тезроқ тугалланади;

2) экстремал шароитларда кечадиган барча конфликтларнинг тахминан 70% бир ҳафта ичида тамом бўлади;

3) барча конфликтларнинг 55% дан кўпроқ қисми дастлабки уч кун ичида ҳал бўлади;

4) экстремал шарт-шароит конфликтли ўзаро ҳаракатларнинг кучли катализатори бўлиб келади.

Криминал (жиноий) конфликтлар динамикаси (тараққий этиши) хусусиятлари:

1) конфликтли ўзаро ҳаракатларнинг тезда эскалациялашиб, куч (зўравонлик) ишлатиш билан тугалланиши;

2) ўзаро ҳаракатларнинг бир марталик “таъсир (реакция)” алмашинувларидан ташкил топган циклари сони чекланган; конфликт қанчалик юқори даражада бошланса, зўравонлик қўллашдан аввалги ана шундай циклар сони шу қадар кам бўлади.

Бир йил давомидаги ҳарбий фаолиятдаги конфликтлар частотаси ўзгариб туришининг асосий сабаблари:

1) ҳарбий фаолиятнинг циклли кўринишга эга эканлиги;

2) офицерлар руҳий ҳолатининг йилнинг ўтиш мавсумларига боғлиқ равишдаги хусусиятлари.

Давлат хизматчилари ўртасидаги конфликтлар динамикаси:

1) кўпроқ конфликтлар феврал ойида юзага келар экан – 17,8%;

2) март ва сентябрь ойларида – 12,3%.

Талабалар орасидаги конфликтлар динамикасига хос хусусиятлар. Ёпиқ ўқув муассасаларининг талабалари ўртасидаги шахслараро конфликтлар таҳлили шуни кўрсатадики, улар

орасидаги конфликтларнинг йил давомида тақсимланиши уларнинг асосий фаолияти – ўқиши билан бевосита боғлиқ.

Талабалар фаолиятидаги конфликтларга энг бой даврлар – ўқув йилининг биринчи семестри ва зачет ва имтиҳон сессияларини топшириш даври ҳисобланади (конфликтлар сони ўртача ойлик кўрсаткичга нисбатан тахминан 1,5 баробар ортар экан).

Замонавий менежментнинг асосий тамойиллари ва конфликтнинг олдини олишда уларнинг ўрни (роли)

Замонавий бошқарув фани нуктаи назаридан **конфликтнинг олдини олиш** – фавқулодда вазиятда амалга ошириладиган алоҳида бошқарув тактикасидир. Конфликтнинг юзага келиши бошқарув фаолиятидаги издан чиқиш, жиддий хатоликдан далолат сифатида баҳоланади. **Конфликт пайдо бўлиши** – замонавий менежмент асосий меъёрларига риоя қилмаслик оқибатидир.

Замонавий бошқариш тамойиллари: 1) узоқ муддатли мақсадлар тамойили – ташкилот мақсадлари узоқ муддатли, асосли (10-15 йилга), ишлаб чиқаришни ривожлантириш, малака оширишга йўлланган бўлиши шарт; 2) таваккал қилишга тайёр бўлиш тамойили – итоаткор ишчи-хизматчиларга эмас, балки ўйлаб кўриб, таваккал қилишга қодир ходимларга таяниш. Бу каби ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш билан раҳбар одамларнинг табиатан таваккал қилишга бўлган мойиллигини ҳам рағбатлантиради; 3) исталган ишда янги ғояларнинг кадрлилигини эътироф этиш тамойили; 4) амал қилиш (таъсирчанлик) тамойили – ўз ғояларини рўёбга чиқарадиган одамларни рағбатлантириш; 5) соддалаштириш тамойили – ишлаб чиқариш ва бошқа социал тузилмаларни мураккаблаштиришга бўлган кенг тарқалган интилишининг олдини олиш, бу эса конфликтларга олиб келади; 6) самарали ишчи-хизматчилар ва профессионалларни (камдан-кам ҳолларда ишга келмай қоладиган, ишни вақтида ва сифатли бажарадиган, конфликтнинг олдини олишга интиладиган) танлаб олиш ва тарбиялаш тамойили.

Конфликтларни олдини олишнинг ташкилий услублари: 1) ходимларни ҳар томонлама тайёрлаш; 2)

ходимларни махсус рағбатлантириш, уларнинг ўзаро ёрдам кўрсатиши; 3) ишчи-ходимлар ўрнини мунтазам равишда алмаштириб туриш, уларнинг хизмат бўйича ўсишга интилишларини қўллаб-қувватлаш.

Хизмат этикаси меъёрлари ва конфликтларнинг олдини олиш:

1) кечикмаслик, чунки кечикиш ҳамкорга нисбатан ҳурматсизлик тарзида қабул қилиниши мумкин ва бу ҳам конфликт манбаи бўла олади. Ушланиб қолсангиз, бу тўғрида ҳамкорингизни аввалдан хабардор этишингиз зарур (бу фикр ҳам учрашув вақтига, ҳам ишни бажариш муддатига тегишли). Бунда вақт биров кўпроқ ажратилиши керак;

2) камгап бўлинг, ортиқча нарсаларни гапирманг, хизмат сирини сақламаслик – конфликт манбаидир;

3) хушфеъл ва хушмуомала бўлинг;

4) одамларга нисбатан меҳр-шафқатли бўлинг, нафақат ўзингиз, балки бошқалар тўғрисида ҳам ўйланг; фақат мижозларга эмас, касбдошларингизга ҳам эътиборли бўлинг; фикри сизнинг фикрингизга мос тушмаган одамларга кескин эътироз билдирманг;

5) ўз кийимингиз ва ташқи кўринишингизни кузатиб юринг, инсон атрофидаги муҳитга мувофиқ бўлиши лозим.

Ижтимоий инқироз ва конфликтларни мувофиқлаштириш ва ҳал қилиш

Конфликтларни бошқариш нафақат юзага келиб улгурган конфликтни **мувофиқлаштириш**, балки унинг олдини олиш учун шарт-шароит яратишни ҳам кўзда тутиб, бу вазифа асосийроқ ҳисобланади.

Конфликт профилактикаси – бошқарув фаолияти тури бўлиб, конфликтли омилларни олдиндан бартараф этиш ёки уларни бўшаштиришдан иборат.

Конфликтнинг олдини олиш бўйича муваффақиятли фаолият шартлари: 1)

1) бошқарув умумий назариясини билиш (конфликт – бошқарув фаолияти турларидан бири);

2) конфликт назариясини билиш – конфликт босқичлари, унинг ривожланиш динамикаси, уни мувофиқлаштириш ва олдини олиш бўйича ҳаракатлар;

3) ҳар бири ўзига хос ноёб бўлган муайян конфликтли вазиятни чуқур таҳлил қила олиш (конфликтнинг барча босқичлари ва конфликтли вазият ривожига таъсир кўрсатаётган омилларни чуқур таҳлил қила олиш).

Конфликтнинг олдини олиш бўйича ишлар самарадорлигини пасайтирадиган тўсиқлар мавжуд:

1) **руҳий кўринишдаги қийинчиликлар.** Инсон руҳияти эркинликка интилиб, одамлар уларнинг ўзаро муносабатларига аралашшига бўлган ҳар қандай уринишни салбий қабул қилади;

2) **маънавий кўринишдаги қийинчиликлар.** Одамларнинг шахсий ҳаётига аралашмаслик, шахсий ҳаётнинг дахлсизлигини талаб қиладиган маънавий меъёрлар ишлаб чиқилган;

3) **ҳуқуқий кўринишдаги қийинчиликлар.** Замонавий қонун ҳужжатлари шахс эркинлиги, шахсий ҳаётга аралашмаслик ҳуқуқини ҳимоя қилади.

Профилактика фаолияти аралашув чегараларини ҳисобга олиши зарур бўлиб, уни конфликт манбаини аниқлашдан бошлаш талаб этилади.

Конфликт талаблари икки табақага ажралади:

- I табақа – объектив, социал (ижтимоий) сабаблар;
- II табақа – конфликтнинг руҳий, субъектив сабаблари.

Объектив сабаблар – буларга иқтисодиёт муаммолари, бошқарувдаги камчиликлар, унинг самарасизлиги, руҳий, диний мурасасизлик, диний мутаассиблик кабилар киради. Конфликт объектив сабабларининг олдини олиш услублари:

1) чуқур ўйланган иқтисодий ва маданий ислохотларни амалга ошириш;

2) қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш;

3) аҳолининг маданий савияси, шу жумладан унинг конфликтология бўйича саводхонлигини ошириш.

Бу услублар деструктив (вайронкор) конфликтларни истисно этади. Муаммоларни ҳал қилишда энг муҳим ўрин: 1) таълим тизимлари ва 2) оммавий ахборот воситаларига тегишли.

Чунки улар одамлар онгидан тажовузкорлик, зўравонликка интилишни сиқиб чиқариш, шахс ҳуқуқларига нисбатан ҳурмат, маънавият, ўзаро ишонч руҳи кабиларни тиклашга қодир.

Конфликтлар олдини олишнинг ташкилий-маъмурий услублари – бу психологиянинг принцип ва меъёрлари ҳамда конфликтнинг олдини олишга қаратилган замонавий менежмент алгоритмларидан иборат.

Конфликтни мувофиқлаштириш – томонларнинг конфликтдаги муносабатларининг нормал ва тўғри ишлашини таъминлайдиган ҳолатга келтириш учун тартибга солиш, созлаш жараёнидир. Оппонентлар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишда қарама-қаршиликка киришган тарафлар розилиги билан, шунингдек уларнинг розилигисиз учинчи тараф ҳам иштирок этади.

Конфликтнинг сўниши – конфликтнинг барча асосий белгилари: зиддиятлар ва кескин муносабатлар сақланиб қолган ҳолида қарама-қаршиликнинг вақтинча тўхтатилиши. Конфликт қуйидаги сабабларга кўра вақтинча пасайиши (сўниши) мумкин:

- 1) ҳар икки томоннинг кураш учун зарур бўлган ресурслари тугаши натижасида;
- 2) кураш мотивининг йўқолиши, конфликт объекти аҳамиятининг пасайиши оқибатида.

Конфликтнинг ҳал бўлиши – бу:

- 1) конфликтлашаётган томонлар учун имкон қадар минимал йўқотишлар билан конфликтли вазият кескинлигининг камайиш ёки унинг буткул бартараф этилиш жараёни;
- 2) иштирокчиларнинг қарама-қаршиликни тўхтатиш ва тўқнашувга олиб келган муаммони ҳал қилишга қаратилган биргаликдаги фаолияти.

Конфликтнинг ҳал этилиши ўзаро ҳаракат қилаётган ҳар иккала томоннинг конфликт сабабларини бартараф этиш бўйича фаоллигини кўзда тутати. Конфликтни ҳал қилиш учун оппонентларнинг ўзини (ёки улардан бирини), улар конфликтда ҳимоя қилган позицияни ўзгартириш талаб этилади. Конфликтнинг ҳал қилиниши оппонентларнинг объектга ёки бири-бирига бўлган муносабатларининг ўзгартирилиши билан боғлиқ.

Конфликтни бошқариш – конфликтли вазиятга таъсир кўрсатиш жараёни бўлиб, унинг давомида конфликтлашаётган

томонлардан бири, ё конфликтнинг учинчи тарафи томонидан аввалдан белгилаган йўналишда ўзгаришлар рўй беради.

Конфликтни бартараф этиш, унинг олдини олиш – бу конфликтли вазият бошланиб, ривожлана бошлашига қадар уни бартараф этиш бўйича ҳаракатлардир. Конфликтни бартараф этиш конфликттолди вазиятини кузатиб бориш ва унинг конфликтга ўсиб кетишига йўл қўймасликдан иборат.

Оқибатларни камайтириш – конфликтли вазият туфайли юзага келган салбий омилларни имкон қадар камайтириш, юмшатишга қаратилган жараён. Оқибатларни юмшатиш ҳар икки томон – конфликт иштирокчилари, шунингдек конфликтда бевосита қатнашмаган, аммо муайян конфликтли вазиятдан зарар кўрган субъектлар учун зарур.

Конфликтдан узоқлашиш (конфликтдан қочиш тактикаси) ва куч қўллаш услуби

Конфликтдан узоқлашиш тактикасининг моҳияти – конфликтни рад этиш, унинг мавжудлигини тан олмаслик, ўз-ўзини конфликтдан четлаштириш. Ўз-ўзини четлаштириш икки шаклда бўлиши мумкин: жисмоний ва руҳий (психологик).

Тактиканинг ютуқлари, ижобий жиҳатлари: 1) осонликча ва тез амалга оширилади, моддий ва руҳий ресурслар талаб қилмайди (масалан, раҳбар, конфликтдан қочиш мақсадида ходимнинг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги илтимосига жавоб бермайди); 2) мазкур гуруҳ учун аҳамиятли бўлмаган ишлар билан боғлиқ конфликт етилиб келаётганида қўллаш мумкин.

Тактиканинг камчилик жиҳатлари: маълум шарт-шароитларда конфликт кескинлашувига олиб келиши мумкин, чунки унинг сабаби бартараф этилмай, фақат яширилади, холос. Агар конфликт сабаби анча жиддий бўлса, унинг яширилиши конфликтнинг ҳал этилишини эмас, балки жиддийлашувини келтириб чиқариши мумкин.

Конфликтдан узоқлашиш (қочиш) тактикаси маълум шароитларда муваффақият келтириши мумкин: 1) агар қарама-қаршилик пайдо қилган сабаб фақат “хамир учидан патир” бўлиб, унинг бошқа, янада чуқурроқ шарт-шароитлари мавжудлигидан далолат берса; 2) агар сабаб конфликт

тўғрисидаги мавжуд маълумотлар чекланганлигида бўлса, қўшимча ишлаш, конфликтнинг самарали ҳал этилишига кўмаклашадиган маълумот йиғиш керак; 3) томонлардан бирида улар ёрдамида айнан ҳозир конфликтни ҳал қилиш мумкин бўлган кучлар йўқлиги.

Конфликтдан қочиш тактикасида **ўзини тутиш услуби**: 1) конфликтнинг жиддийлашувига йўл қўймаслик мақсадида ахборотни яшириш, махфийлаштириш; 2) у ўз-ўзидан ҳал бўлишига умид қилиб, конфликт сабаблари мавжудлигини тан олишдан бош тортиш.

Куч ишлатиш услуби. Бу услубнинг қўлланиши, ҳеч бўлмаганда, томонлардан бири конфликтни ҳал қилишга тайёр эканлигидан далолат беради. **Куч ишлатиш услубининг моҳияти** – бир томоннинг иккинчи томонга ўз қарорини мажбурий равишда, зўрлик билан ўтказишдан иборат бўлади.

Куч ишлатиш услуби қўлланиши учун қулай (мақбул) шарт-шароитлар: 1) томонлардан бири ресурслар бўйича ҳал қилувчи устунликка эга эканлиги; 2) ғавқулдда вазият юзага келиши; 3) кўпчиликка маъқул бўлмаган қарор қабул қилиш зарурати; 4) томонлардан бирининг сўзсиз ҳақлиги.

Зўрлик ишлатиш тактикасининг намоён бўлиш шакллари: 1) куч услубларининг қўлланиши; 2) қатъий, буйруқли мулоқот услубининг қўлланиши; 3) виждонан ишлайдиган ходимларни рағбатлантириш билан бирга жазо чораларидан ҳам фойдаланиш.

Ён бериш ва мураса қилиш тактикасини қўллаш

Бир томонлама ён бериш, ёки икки томонлама мураса қилиш ва ўзаро ҳар икки томон учун фойдали битимлар тузиш тактикаси конфликтни ҳал қилишнинг замонавий услубларидан бири ҳисобланади. Тактикадан мақсад – конфликтларни конструктив ва ижобий ҳал қилишдан иборат.

Индивиднинг конфликт ҳал қилинганидаги ҳолатлари: 1) қалбида тинчлик, хотиржамлик, қувонч руҳи ҳукмрон; 2) куч-қувват қўшилади, янги ишларга тайёрлик ҳисси; 3) имкониятлар, истиқболлар кенгайганлик туйғуси; 4) соғлиқ мустаҳкамланиши.

Индивиднинг конфликтни ҳал қилиш омадсиз яқунланганидаги ҳолатлари: 1) хавотирлик; 2) яккалик ҳисси; 3) стресс ҳолати.

Конфликтни ҳал қилиш омадсиз тугалланишининг социал (ижтимоий) оқибатлари – моддий йўқотишлар ва инсон йўқотишлари.

Музокаралар, муроса қилиш тактикаси – ижобий натижага эришишнинг энг тўғри йўли.

Тактикани қўллаш учун шарт-шароитлар:

1) ўзаро муносабатлардаги томонлардан бири томонидан йўл қўйилган яққол ҳатолик;

2) келажақда мазкур гуруҳ инқирозга дуч келиши мумкин ва куч-қувватни сақлаш талаб этилиб, нисбатан камроқ аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича ён бериб, бўлғуси инқирозлар учун резервни сақлаб қолиш;

3) ён бермаслик янада каттароқ зарар келтириши мумкин.

Ён бериш тактикасининг камчиликлари – “ютук - ютук” тамойилини қисман рўёбга чиқариб, бунда фақат бир томон ютади, фойда қилади. Бу ҳолда муросалар (ўзаро ён беришлар) тактикаси ишончлироқ бўлиб, у узоқ муддатли ҳамкорликнинг ишончли асосига айланади. Бу тактика – конфликтли вазиятларни ҳал қилишнинг классик (намунавий) усули.

Муроса – ўзаро ён беришлар йўли, ҳар икки томон учун фойдали келишувлар, қарама-қаршилик қилаётган ҳар икки томон манфаатларини қисман қондириш, ҳар иккала томонни қониқтирадиган позицияларни излаш.

Тактикани қўллаш учун талаб этилган шарт-шароитлар:

1) ҳар икки томон бирига ён беришга тайёр;

2) конфликтни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилиш, ундан қочиш имкони йўқлиги. Бу тактикада музокараларга муҳим ўрин берилади – улар келишиш мумкин бўлган соҳаларни, манфаатларнинг ўзаро яқинлашиш нуқталарини аниқлаш имконини беради.

Тактикани қўллашдаги муаммолар: томонлардан бирининг дастлаб эгаллаган позициясидан воз кечиш имконияти; музокаралар натижасида қабул қилинган қарор зиддиятли бўлиб чиқиши мумкин; муросали келишувда ҳамиша дастлабки

позициядан воз кечиш элементи мавжуд бўлади, ўша биринчи позицияга яна қайтилиши ҳам мумкин.

Тактиканинг устун жиҳатлари: ҳар икки томон учун ўзаро фойдали натижага элтади: томонларнинг бир-бири фазилатларига нисбатан ҳурматини намоён қилади.

Конфликтни мувофиқлаштиришнинг позитив (ижобий) услублари

Конфликтни ҳал қилиш ва унинг олдини олишнинг бир неча позитив услублари мавжуд:

1) умумий кўринишга эга бўлган тавсиялар, улар ҳар қандай инсонлараро мулоқот, шу жумладан конфликт шароитида ҳам ҳисобга олиниши керак: ҳамсуҳбатга доимий эътибор бериш; ҳамсуҳбат сўзларини тинглаш имконияти; ҳамсуҳбатга ҳурмат билан муносабатда бўлиш; ҳамсуҳбат ўзини тутишига адекват муносабатда бўлиш; ҳамсуҳбат ҳаяжонга тушганида нутқ суръатини пасайтириш; ҳамкори дардига шерик бўлиш (эмпатия намоён этиш);

2) **конфликт шароитида музокаралар бошланишига қадар қўлланадиган услуб блоклари** (новербал услублар гуруҳи): ҳамсуҳбати “ичини бўшатиб олиши”га имкон бериш, унинг сўзини бўлмаслик, ўтириш (туриш) позаси, имо-ишоралар билан унинг қайғусига (дардига) шерик эканлигини билдириш; ҳамсуҳбатлар орасидаги масофани қисқартириш;

3) музокараларнинг асосий фазаси – оғзаки кўринишдаги услублар блоки: ҳамсуҳбат эътиборини конфликт мавзусидан чалғитиш; зарур ҳолларда ҳамсуҳбат ўз айбини бўйнига олиш имконини бериб, шу билан бирга ўз айбини ҳам тан олиш фойдадан холи эмас; баъзан ҳамсуҳбатнинг ҳақ эканлигини тан олиш керак; конфликтни чўзиб юбормай, уни бартараф этишга ҳаракат қилиш;

4) **махсус кўринишдаги тавсиялар** – бошқа услублар фойда бермай қўйган мураккаб вазиятларда қўлланилади; баъзи ҳолларда алоҳида мулойим, одоб билан ҳамсуҳбатингиз қўпол, бетакаллуф эканлигини ўзига намоён этиш, буни таъкидлаб ўтиш лозим; яққол тажовузкорлик намоёиш этилганида ундан ҳам кучли тажовуз билан қаршилик кўрсатиш лозим; ҳамсуҳбатга

конфликт давомидаги ўзининг асоссиз талаблари билан жамоада ва у фикрини қадрлайдиган одамларда ўзи тўғрисида салбий фикр ҳосил қилишини таъкидлаш.

Конфликтни мувофиқлаштиришнинг стратегик услублари ва муайян тактикаларини қўллаш самарасининг энг ишончли далили – у ёки бу натижаларга эга бўлиш ҳисобланади.

Конфликтнинг ижобий (конструктив) натижалари:

- 1) эмоционал кескинликни юмшатиш;
- 2) конфликт томонларининг бир-бирини чуқурроқ тушуниб етиши, позицияларнинг ўзаро яқинлашуви;
- 3) меҳнат самарадорлиги ва унумдорлигининг ошиши, фирма (тузилма) ривождаги ўсиш;
- 4) гуруҳдаги ўзаро ишонч даражаси, бирдамликнинг ўсиши.

Конфликтларни ҳал қилишнинг **ижобий (позитив) услубларининг хусусиятлари:** ижобий (позитив) натижалар – ижтимоий (социал) тараққиёт манбаи – уларга кўпинча демократик жамият шароитида эришилади.

Конфликтларни бошқаришнинг шахсга доир (ички) ва тузилмавий услублари

1. Шахсга доир (ички) услублар ўз хулқини (ахлоқини) тўғри ташкил қила олиш, бошқа одам томонидан ҳимоя реакциясини келтириб чиқармаган ҳолда ўз нуқтаи назарини баён этишдан иборат бўлади. Бу усул бошқаларни ўзига душман қилмай туриб, ўз позициясини сақлаб қолиш имконини беради. “Мен”дан келиб чиқадиган даъволар ҳодисага, индивид реакциясига, шахс учун мақбул яқунга боғлиқ бўлади.

Ҳодиса. Юзага келган вазият қўлланилаётган услубни ҳисобга олган ҳолда субъектив ва ҳис-туйғулар бўёғидан холи бўлган қисқа объектив баён (изоҳ)ни талаб этади.

Ҳодисанинг энг мақбул (предпочитаемый) якуни. Индивид конфликт якуни тўғрисидаги ўз туйғу-истакларини билдирар экан, бунга бир неча вариант тақдим этиш тўғри бўлади. Тўғри тузилган “Мен - мулоҳаза” тузилмасида истак-хоҳишлар ҳамкор фақат фойдали ишларни амалга оширишига қаратилмаган бўлиб, у ечим(қарор)ларнинг янгича вариантлари очилиши имкониятини ҳам кўзда тутади.

2. Тузилмавий услублар – ваколатлар нотўғри тақсимланиши, меҳнат нотўғри ташкил этилиши, қабул қилинган рағбатлантириш тизимдаги хатоликлар кабилар туфайли юзага келган ташкилий конфликтларга таъсир кўрсатиш услублари. Бу услубларга қуйидагилар киради: ишга қўйиладиган талабларни тушунтириб (изоҳлаб) бериш, координация ва интеграция механизмлари, ташкилотнинг умумий мақсадлари, мукофотлаш тизимларидан фойдаланиш.

Ишга қўйиладиган талабларни тушунтириб (изоҳлаб) бериш бошқарувнинг ҳамда конфликтларни олдини олишнинг самарали услубларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир мутахассис ундан қандай натижа кутаётганликлари, ўзининг мажбуриятлари, масъулияти нималардан иборатлиги, ваколатлари кўлами, иши босқичлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши шарт. Услуб тегишли лавозим йўриқномалари тузиш, бошқарув табақалари бўйлаб ҳуқуқ ва масъулиятни тақсимлаш кўринишида рўёбга чиқарилади.

Координация механизмлари ташкилотнинг зарур ҳолларда аралашиб, ўртадаги баҳсли масалаларни ҳал қилиши мумкин бўлган тузилмавий бўлинмаларидан фойдаланишдан иборатдир.

Ташкилотнинг умумий мақсадлари (Умумий ташкилий мақсадлар). Ушбу услуб барча ходимларнинг кучи ва интилишлари бирлаштирилиши ва йўлланиши ташкилотнинг умумий мақсадларини ишлаб чиқиш ва аниқлаштиришга қаратилишини кўзда тутати???

Мукофотлаш тизими. Рағбатлантириш конфликтли вазиятни бошқариш услуби сифатида қўлланилиши мумкин бўлиб, одамларнинг ўзини тутишига (ахлоқига) билиб туриб таъсир кўрсатганда конфликтларни олдини олиш мумкин. Бунда мукофотлаш тизими алоҳида шахслар ёки гуруҳларнинг ноқонструктив хулқини рағбатлантирмаслиги муҳим.

Медиация тарихи ва ундан фойдаланиш хусусиятлари

Конфликтни тугатиш самарадорлигига таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан бири уни мувофиқлаштиришда учинчи тарафнинг иштироки, ёки медиация ҳисобланади. **Медиация** – фаолиятнинг махсус (алоҳида) тури бўлиб, конфликтлашаётган

томонларнинг учинчи тараф иштирокида муаммонинг конфликтни тугатиш имконини берадиган ечимини излаш жараёнини оптималлашдан иборат. Конфликтларни мувофиқлаштиришда учинчи тараф (медиатор) ролида, кўпинча, бир киши, камроқ ҳолларда икки-уч ва ундан кўпроқ профессионаллардан ташкил топган гуруҳ иштирок этади. Медиаторлар вазифасини давлатлар ҳам бажариши мумкин.

Медиация – конфликтларни ҳал қилишнинг энг қадимги усулларида биридир. У қадимдан Хитойда, ҳамда Африка мамлакатларида мавжуд бўлиб, бу ерда уруғ ёки қабила оқсоқоллари муаммоли ва конфликтли вазиятларни конфликтсиз ҳал қилинишини таъминлаб, ўзига хос профессионал медиаторлар вазифасини бажарганлар. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолият сифатида медиация АҚШда 1960 йиллар бошида шаклланди. АҚШда медиация муаммоларига бағишланган қатор журналлар, хусусан “медиация бўйича чораклик журнал” чоп этилади. 1983 йили мунозараларни ҳал қилиш Миллий институтига асос солиниб, унинг вазифаларига медиациянинг янги услубларини, ҳамда музокаралар юритишни ўргатиш дастурларини ишлаб чиқиш киради. Мамлакатда медиация бўйича хусусий ва давлат хизматлари амал қилади.

Медиациядан фойдаланиш жараёни интегратив қарор қабул қилиш (ИҚҚ) тизими ёрдамида ташкиллаштирилиши мумкин.

ИҚҚ тизимининг олти босқичи:

1) мақбул иқлим яратиш мақсадида вазиятни таҳлил қилиш ва уни тузатиш;

2) тақдимотлар таҳлили ва уларни тузатиш – махсус амалиётлар ёрдамида конфликт сабаблари ва иштирокчиларнинг позициялари аниқланади;

3) муносабатлар таҳлили ва уларни тузатиш – иштирокчилар конфликтга ва бир-бирларига нисбатан бўлган ҳис-туйғуларига аниқлик киритадилар;

4) ҳар бир иштирокчи позициясидан туриб муаммога аниқлик киритиш;

5) конфликтли вазиятнинг оптимал ечимини излаш;

6) қарор қабул қилиш – муқобил (альтернатив) ечимларни баҳолаш ва улардан бирига нисбатан томонларнинг умумий фикрга келишга эришиш.

Медиацияни қўллаш хусусиятлари:

1) бундан кейинги тараққиёт ва ўзаро ҳамкорлик истиқболларини аниқлаган ҳолда конфликтнинг аниқ, объектив (холис) ва конструктив таҳлили зарур;

2) муносабатларни нормаллаштириш мақсадида оппонентлар ўзини тутишини (хулқини) назорат қилиш ва уларнинг қилмишларига тузатиш киритиб бориш муҳим.

Формал ва ноформал медиаторлик ва ундан фойдаланиш хусусиятлари

Формал (ёки расмий) медиаторлик медиаторда меъёрий (норматив) мақом ёки оппонентларга таъсир кўрсатиш имконияти мавжудлигини назарда тутди.

Қуйидагилар расмий медиатор бўлиб келишлари мумкин: 1) давлатлараро ташкилотлар (масалан, БМТ ва ҳ.к.); 2) алоҳида давлатлар; 3) давлат ҳуқуқ институтлари (арбитраж суди, прокуратура ва ҳ.к.); 4) ҳукумат ёки бошқа давлат комиссиялари (масалан, иш ташлашларни мувофиқлаштириш учун яратилган ва ҳ.к.); 5) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари; 6) корхона, муассаса, фирма ва бошқа ташкилот раҳбарлари; 7) ижтимоий ташкилотлар (меҳнат баҳслари ва конфликтларини ҳал қилиш комиссиялари); 8) профессионал медиаторлар – конфликтологлар.

Ноформал (норасмий) медиаторликда медиатор норматив (меъёрий) мақомга эга бўлмайди, аммо конфликт иштирокчилари ушбу шахсларнинг шу каби муаммоларни ҳал қилишдаги ноформал нуфузини тан оладилар.

Қуйидаги шахслар ноформал медиатор бўла оладилар: 1) ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолиятда муваффақиятга эришган таниқли одамлар (сиёсатчилар, собиқ давлат арбоблари); 2) диний ташкилотлар вакиллари; 3) профессионал психологлар, педагоглар, социал ходимлар (ижтимоий соҳа ходимлари); 4) турли даражадаги социал гуруҳларнинг ноформал етакчилари; 5) дўстлар, қўшнилар, шунчаки конфликт гувоҳлари.

Конфликтли муносабатларни мувофиқлаштиришда учинчи томон иштирокининг мақсадга мувофиқлиги учинчи

томонга ёрдам сўраб оппонентлар мурожаат қилганлиги, ёки конфликтга унинг ўзи аралашганлиги билан боғлиқ.

Қуйидаги ҳолларда томонларнинг ўзи медиаторга мурожаат қиладилар: 1) мувофиқлаштириш объекти бўлган конфликт чўзилиб, барча далил-исботлар, кучлар, воситалар ишлатиб бўлинган, аммо чиқиш йўли топилмаган ҳолларда; 2) томонлар қарама-қарши, бир-бирини истисно этадиган манфаатларни ҳимоя қилиб, умумий туташ нуқталарни топа олмаётган ҳолларда; 3) конфликтни ҳал қилишда асосий ўрин тутган ҳуқуқий меъёрлар ёки бошқа мезонлар турлича изоҳланганида; 4) оппонентлар вақтинча битимга келишдилар, аммо унинг бажарилиши устидан ташқи холис (объектив) назорат талаб этилади.

Конфликтга учинчи томон мустақил аралашуви қуйидаги ҳолларда талаб этилади: 1) конфликтли ҳодисалар тобора кенгайиб, бевосита куч ишлатилиш хавфи мавжуд; 2) томонлардан бири ялпи (оммавий) равишда куч ишлатмоқда; 3) томонлар битимга келиша олмадилар, учинчи томонда эса ҳар иккала тараф манфаатларини қондириш имконияти мавжуд.

Конфликтни мувофиқлаштиришда учинчи томон

Конфликтда учинчи томон қуйидаги ролларни бажариб келиши мумкин:

1. Холис ҳакам (третей судьяси) – муаммони ҳал қилиш вариантларини аниқлаш бўйича энг катта имкониятларга эга бўлганлиги сабабли, энг нуфузли вазифа. Холис ҳакам муаммони ўрганиб, ҳар икки томонни тинглайди ва устидан шикоят қилинмайдиган қарор қабул қилади.

2. Арбитр – каттагина ваколатларга эга, у конфликтни ўрганиб, уни иштирокчилар билан муҳокама қилади, ҳамда бажариш учун мажбурий бўлган узил-кесил қарор қабул қилади. Бироқ томонлар унинг қарори билан рози бўлмаслиги ва унинг устидан юқори бўлган ташкилотга шикоят қилишлари мумкин.

3. Воситачи – нисбатан нейтрал роль. Махсус билимларга эга бўлиши билан, у муаммонинг конструктив муҳокама этилишини таъминлайди. Узил-кесил қарор қабул қилиш вазифаси оппонентлар зиммасида қолади.

4. **Ёрдамчи** эса конфликтни мувофиқлаштириш ишида муаммони муҳокама қилиш жараёнини такомиллаштириш, муаммо моҳиятига оид мунозаралар ва узил-кесил қарор қабул қилиш ишига аралашмаган ҳолда иштирок этади.

5. **Кузатувчи** конфликт ҳудудида бўлиб туриши билан томонларни аввал эришилган келишув(битим)ларни бузишдан ёки бир-бирига нисбатан тажовузкорликдан тийилишга мажбур қилади. Кузатувчи мавжудлиги мунозарали масалаларни музокара йўли билан ҳал қилиш учун шароит яратади.

Учинчи томон қуйидагиларни таъминлаши мумкин:

1) конфликтни куч ёрдамида тўхтатиш, тугатиш (холис ҳакам, арбитр);

2) курашга йўл қўймаслик, унинг олдини олиш (холис ҳакам, арбитр, кузатувчи);

3) томонларга жарима санкцияларини қўллаш (холис ҳакам, арбитр);

4) ечим излашда ёрдам кўрсатиш (воситачи, ёрдамчи);

5) битимнинг бажарилиши устидан назорат қилиш (арбитр, воситачи, кузатувчи).

Медиация жараёнининг босқичлари:

I – конфликт ва конфликтлашаётган томонлар билан танишиш. Медиатор муаммо тарихи, оппонентлар талабларини ўрганиб чиқади. Кўпгина конфликтлар ўзига хос кўринишга эга бўлиб, медиатор муаммога чуқурроқ кириб бориши, мутахассислар билан маслаҳатлашишига тўғри келади;

II – конфликтлашаётган томонлар билан ишлаш. Одатда, медиатор, биргаликдаги музокаралар ўтказишга тайёрлаш мақсадида томонларнинг ҳар бири билан кўп марталаб учрашади;

III – музокаралар олиб бориш. Бу энг муҳим босқич. Унинг жараёнида медиатор етакчи, мураббий, “туртки берувчи”, педагог каби қатор вазифаларни бажаради. У оппонентлар нималарни ва қай тарзда айтаётганларини ҳам кузатиб боради.

Конфликтда учинчи томон иштирок этиш омиллари ва унинг самарадорлиги

Конфликтдаги учинчи томон фаолиятининг самарадорлигига таъсир кўрсатадиган омиллар:

1) **ҳар икки томоннинг бирга ишлашга мойиллиги, воситачи фикрини ҳисобга олиш, у таклиф этаётган ечимни қабул қилишга тайёрлиги;**

2) **учинчи томон фаолиятининг хусусиятлари ва характери.** Улар орасида қуйидагилар ажралиб туради:

- **учинчи томоннинг конфликт мувофиқлаштирилишидан манфаатдорлиги;**

- **мувофиқлаштириш жараёнини амалга ошириш бўйича билим ва профессионал жиҳатлар, шунингдек ишонтириш қобилияти мавжудлиги;**

- **конфликтларни муваффақиятли мувофиқлаштириш тажрибасига эга бўлиш;**

- **вазият, шарт-шароит, конфликт хусусиятларини яхши билиш;**

3) **учинчи томон ҳаракатларидаги қатъият** – иштирокчилар ўртасидаги келишмовчиликлар учун принципиал масалалар билан боғлиқ бўлган ва конфликт ўта кескин тус олганида яхши самара беради;

4) **конфликтнинг кескинлик даражаси.** Ушбу масала юзасидан турли, қарама-қарши маълумотлар мавжуд. Бир томондан, медиатор ёрдамида меҳнат конфликти (конфликтси)ни ҳал қилиш унинг хавфи пайдо бўлганида эмас, балки у давом этаётган, авж олган шароитда муваффақиятлироқ бўлиши аниқланган. Бошқа томондан, музокаралар давомидаги ортиқча эҳтирослар воситачи фаолиятига фақат халал бериши ҳам аниқланди;

5) **конфликт давомийлиги** – давомли конфликтлар тез кечадиган конфликтларга нисбатан кийинроқ мувофиқлаштирилади;

6) **томонлар муносабатлари характери** – ўзаро муносабатлар нақадар мураккаб, кескинроқ бўлса, воситачилик шунча кам самарали кечади;

7) **конфликтларни мувофиқлаштириш юзасидан танланадиган тактика ва техникалар** – медиатор хусусиятлари билан эмас, балки вазиятдан келиб чиқиб белгиланади.

Музокаралар жараёни ички тараққиёт циклига эга бўлиб, унинг давомида иштирокчиларнинг медиаторга бўлган ишончи,

уларнинг конфликтни ҳал қилишдаги унга эҳтиёжи бир ўсиб, бир камайиб туради. Воситачи музокараларнинг ўзи амалга оширадиган ҳаракатлар максимал даражада муваффақият келтирадиган критик моментларини илғаб олиши ўта жиддий аҳамият касб этади.

Учинчи томоннинг конфликтга аралашуви ҳамиша ҳам самара бермайди. Раҳбарларнинг ўз қўли остидагилар ўртасидаги конфликтларга аралашуви қуйидаги натижаларга олиб келади:

- 1) 67 % вазиятларда ижобий таъсир кўрсатади;
- 2) 25 % вазиятларда муаммо ҳал қилинишига таъсир кўрсатмайди;
- 3) 8 % вазиятларда конфликтларига салбий таъсир кўрсатади.

Медиаторнинг музокаралар давомида оппонентлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тактика ва техникаси

Ўзаро ҳамкорлик қилиш тактикаси турлари:

1) биргаликдаги учрашувда томонларга навбатма-навбат сўз бериш, уларни тинглаш тактикаси – кескин конфликт, яъни томонларни ажратиш мумкин бўлмаган даврда, вазиятга аниқлик киритиш ва таклифларни эшитиб кўриш учун қўлланилади;

2) битим, келишув (сделка) – воситачи ҳар иккала томон иштирокида музокара олиб боришга кўпроқ вақт ажратишга интилади, бунда асосий эътибор муросали (компромисс) ечимлар қўллашга қаратилади;

3) моқисимон дипломатия – медиатор конфликтлашаётган томонларни ажратиб, мунтазам улар орасида қатнаб, битимнинг турли жиҳатларини мувофиқлаштиради. Натижада кўпинча муросага эришилади;

4) оппонентлардан бирига босим кўрсатиш – учинчи томон кўп вақтни иштирокчилардан бири билан ишлашга бағишлаб, у билан суҳбат пайтида унинг позицияси нотўғри эканлиги исботланиб, натижада бу иштирокчи муросага келади;

5) директив таъсир – оппонентлар позициясидаги заиф жойлар, уларнинг бир-бирига нисбатан ҳаракатлари хато

эканлигига алоҳида эътибор қаратишни кўзда тутди. Мақсади – томонларни ярашишга оғдириш, кўндириш.

Иш бошида медиатор **рефлексив аралашув техникаларини** қўллаб, улар муаммога тушуниб етиш, конфликт иштирокчиларини медиация жараёнига қизиқтириб қўйиш, улар кўзида ўз нуфузини кўтаришга ёрдам берадилар. Медиатор мижозларга ўзи, имкониятлари, умуман медиация тўғрисида сўзлаб, иштирокчиларни музокаралар олиб боришга рағбатлантиради.

Медиатив техника, ёки **контекстуал аралашув** техникаларидан мақсад – томонлар ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш ва улар олдида турган муаммоларнинг ҳал қилинишига эришишдан иборат. Томонлар душманлик ниятларини намоён қилганида, ҳазил, истехзо ёрдамида ёки конфликт иштирокчиларига босим кўрсатиш билан вазиятни қатъий тарзда назорат остига олиш талаб этилади.

Бир неча масалаларни муҳокама қилишда медиатор томонларга энг муҳим туюлган нарсалар устида “савдолашиш”ни таклиф этиб, устувор мақсадларни ажратиб олиш билан вазиятни соддалаштиришга интилади.

Музокараларнинг воситачи нималар ва қай тарзда амалга оширилиши кераклиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлган сўнгги босқичида у конфликтни ҳал қилишга фаол таъсир кўрсатиб, судья вазифасини бажариши ҳам мумкин. у иштирокчиларга келишув (битим)ларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини намоёйиш этиш, ўзининг ечим вариантларини тақдим қилиш, тахмин қилинаётган келишувни рўёбга чиқариш кабиларни ўз ичига олган **мустақил аралашув техникасидан** фойдаланади.

Раҳбарнинг конфликтларни мувофиқлаштиришга қаратилган фаолияти

Раҳбарнинг ижтимоий (социал)-психологик жиҳатдан билимдонлиги, омилкорлиги унинг самарали фаолият кўрсатиши омили бўла олади. Унинг таркибий қисмларидан бири – **конфликтологик омилкорлик (компетентлик)** бўлиб келиб, у ўз ичига қуйидагиларни олади:

1) одамлар ўртасидаги зиддиятлар ва конфликт моҳиятини англай олиш;

2) мураккаб вазиятларда конфликтсиз мулоқот қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

3) юзага келаётган оғир вазиятларни баҳолаш ва изоҳлаш маҳорати;

4) конфликтли ҳодисаларни бошқариш кўникмалари мавжудлиги;

5) конфликтларнинг эҳтимол тутилган оқибатларини олдиндан кўра билиш;

6) конфликтлар салбий оқибатларини бартараф этиш кўникмаларига эга бўлиш.

Раҳбарнинг воситачи сифатидаги фаолияти ўз ичига вазиятлар таҳлили ва конфликтни мувофиқлаштиришни олади. **Конфликт таҳлили** конфликт тўғрисида ахборот олиш, у ҳақидаги маълумотларни йиғиш, олинган ахборотни таҳлил қилиш, унинг ишонарлилигини текшириш, конфликтли вазиятга баҳо беришдан иборатдир. **Мувофиқлаштириш жараёни** конфликтни мувофиқлаштириш усули, медиаторлик типини танлаш, танланган усулни рўёбга чиқариш, ахборот ва қабул қилинаётган қарорларни аниқлаштириш, оппонентлар муносабатларидаги конфликтдан кейинги кескинликни юмшатишни ўз ичига олади.

Раҳбар конфликт тўғрисидаги ахборотни турли каналлар орқали олади. Унинг ўзи ҳам ташкилот ишчи-хизматчилари ўртасидаги конфликт гувоҳи бўлиши мумкин. иштирокчилардан бири, ёки уларнинг ҳар иккаласи муаммони ҳал қилишда ёрдам беришини сўраб раҳбарга мурожаат қилишлари мумкин. Ахборот шунингдек оппонентларнинг яқин атрофидаги одамлардан ҳам келиб тушиши мумкин.

Конфликт тўғрисида маълумот бутун таҳлилий иш жараёнида тўплаб борилади. Бу конфликт асосида ётган зиддият, унинг сабаблари, иштирокчилар позициялари, уларнинг ҳимоя қилаётган мақсадлари, муносабатлари тўғрисидаги ахборотдир. Ахборот манбаи бўлиб оппонентлар, уларнинг раҳбарлари ёки қўл остидаги ходимлари, жамоанинг норасмий етакчилари, уларнинг дўстлари, конфликт гувоҳлари, оила аъзолари келиши мумкин.

Конфликтли вазиятни таҳлил қилишда раҳбар муаммо моҳияти, оппонентлар ўртасидаги зиддият нимада, конфликт объекти нима эканлигини аниқлаштириб олиши талаб этилади. Шунингдек конфликтнинг барча сабаблари ва унга нима баҳона бўлганлигини белгилаб олиш ҳам муҳим.

Ўз кузатувлари ва турли одамлар билан учрашувлардан фойдаланиб, олинаётган ахборотни доимо тўлдириб бориш, бу орқали унинг ишончлилигини текшириб туриш зарур.

Конфликтли вазиятни таҳлил қилиш билан бирга раҳбар унга баҳо ҳам беради. Бунда оппонентларнинг ҳақлик даражаси, турли ривожланиш вариантларида конфликтнинг қандай тугаш эҳтимоли ва унинг оқибатлари баҳоланади. Раҳбар шунингдек конфликтни мувофиқлаштириш бўйича ўз имкониятларига ҳам баҳо беради.

Раҳбарнинг конфликтни мувофиқлаштиришдаги ролини англашга бўлган турли ёндашувлар

Раҳбарнинг конфликтни мувофиқлаштиришдаги ролини англашга нисбатан икки ёндашув мавжуд.

Биринчи ёндашув шундан иборатки, раҳбар конфликтда ҳакам (арбитр) эмас, балки воситачи вазифасини бажариши мақсадга мувофиқ бўлиб, чунки арбитраж шахслараро конфликтларда қўллашда унинг самарадорлигини пасайтирадиган қатор хусусиятларга эга бўлиб, улар: 1) томонлардан бири фойдасига қарор қабул қилиш бошқа томоннинг ҳакам (арбитр)га нисбатан салбий хулоса чиқаришига олиб келади; 2) қарорнинг раҳбар томонидан қабул қилиниши ушбу қарорнинг амалга оширилиши ва унинг оқибатлари учун унинг жавобгарлигини кучайтиради; 3) раҳбар томонидан муаммонинг ҳал қилиниши томонларнинг муносабатларига эмас, балки кураш предметига тегишли бўлади, шу сабабли иштирокчилар орасидаги шартномада кўзда тутилган конфликтнинг тўлиқ ҳал этилиши рўй бермайди.

Иккинчи ёндашув раҳбар шахс мослашувчан тарзда медиаторликнинг барча турларини қўллай олишидан иборат. Раҳбар учун ҳакам (арбитр) ва воситачи вазифалари асосий,

холис ҳакам (третей судьяси), ёрдамчи ва кузатувчи роллари эса – қўшимча ҳисобланади.

Ҳакам (арбитр) роли қуйидаги ҳоллар учун оптимал ҳисобланади: 1) раҳбар тез кескинлашиб бораётган конфликтга дуч келган; 2) томонлардан бирининг ноҳақлиги яққол кўриниб турибди; 3) конфликт экстремал (фавқулодда) вазиятларда кечмоқда; 4) хизмат вазифалари раҳбар ҳаракатларини арбитр (ҳакам) ҳаракатлари сифатида баҳоламоқда; 5) батафсил кўриб чиқиш учун вақт йўқ; 6) конфликт қисқа муддатли ва аҳамиятсиз.

Раҳбар қуйидаги ҳолларда **воситачи ролида** иштирок этиши мумкин: 1) конфликт иштирокчиларининг лавозим мақоми ўзаро тенг; 2) томонларнинг ўзаро муносабатлари узоқ муддатли, адоватли ва мураккаб тусга эга; 3) оппонентлар яхши мулоқот ва ахлоқ кўникмаларига эгалар; 4) муаммони ҳал қилишнинг аниқ-равшан мезонлари йўқлиги.

Танланган усулни амалга ошириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- оппонентлар билан алоҳида-алоҳида суҳбат ўтказиш;
- муаммони биргаликда муҳокама қилишга тайёргарлик кўриш;
- оппонентлар билан биргаликда ишлаш ва конфликт тугалланганлигини қайд этиш.

Раҳбар муаммони жамоа йиғилиши ёки экспертлар мажлисига олиб чиқиши, норасмий етакчилар ёки оппонентларнинг дўстларини воситачиликка жалб этиши мумкин.

Конфликтдан кейинги давр иштирокчилар кечинмалари, уларнинг ўз ахлоқини идрок этиши билан тавсифланади. Раҳбар конфликтдан кейинги кескинликни юмшатиш, муносабатларда салбий қарашлар ва ноҳолисликка йўл қўймаслик мақсадида оппонентларга бўлиб ўтган воқеаларни ўз-ўзига танқидий назар билан таҳлил қилишга кўмаклашиши лозим бўлади.

Музокараларга тайёргарлик кўриш ва уларни олиб бориш (юритиш) тартиби

Музокаралар жараёнининг асосий босқичлари:

1. Музокараларга тайёргарлик кўриш, ўз ичига қуйидагиларни олади: 1) муаммо таҳлили; 2) музокараларни режалаштириш; 3) ташкилий жиҳатларини режалаштириш; 4) ҳамкор билан дастлабки алоқалар.

Вазиятни таҳлил қилиш ва музокараларга батафсил тайёргарлик кўришда иштирокчи қуйида санаб ўтилган устун хусусиятларига эга бўлади: ўзига ишонч, ўзини тута билиш, тезкор реакция, ҳар қандай саволга жавоб топа билиш ва ҳар бир қарама-қарши таклифга фикр билдириш.

II. Музокаралар олиб бориш (юритиш): 1) саломлашиш ва музокаралар мавзусига кириш; 2) муаммо тавсифи ва музокаралар бориши тўғрисидаги таклифлар; 3) музокаралар ҳар бир иштирокчисининг позициясини батафсил баён этиш; 4) музокаралар жараёнида диалог юритиш; 5) муаммонинг ҳал қилиниши; 6) музокараларнинг тугалланиши.

Музокаралар ўзаро фикр алмашиш ёрдамида музокараларнинг барча иштирокчиларини қониқтирадиган натижаларга эришиш учун мўлжалланган.

Музокаралар муайян сабабга кўра (алоқалар ўрнатиш); муайян шарт-шароитларда (масалан, манфаатлар мос тушмагани); маълум мақсадларда (битим тузиш); муайян муҳим масалалар бўйича (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ёки маданий кўринишга эга бўлган) ўтказилади.

Музокаралар олиб бориш (юритиш)даги камчиликлар:

1) “ишга дабдурустдан киришиш”. Ҳамкор музокаралар зарурати ва мақсади, улар мураккаблиги ва эҳтимол тутилган оқибатларини етарлича ўйлаб кўрмасдан музокарага киришади. Бу ҳолда у “жавоб юриши”ни қилади, яъни биринчи бўлиб эмас, балки жавобан ҳаракатланади, холос;

2) дастурга эга бўлмаслик. Ҳамкор максимал ва минимал талаблар даражасидаги аниқ ҳаракатлар дастурига эга эмас. Мияда (ёки қоғозда) турли ҳаракат вариантларига эга бўлиб, музокара юритиш анча осон;

3) **“асосийси, бу мени қониқтириши керак”**. Ҳамкорни ўз мақсадлари шунчалик қизиқтирадики, бошқа томон вакиллари ўзи учун ҳеч қандай устунлик кўрмайдилар;

4) **“барини ўз ҳолича қолдириш”**. Ҳамкор ўз муайян таклифлари ва далил исботлари, қарама-қарши томоннинг позицияси ва кутилаётган реакцияси ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас;

5) **“коммуникатив тўсиқлар”**. Ҳамкорлардан бирининг ўзини нотўғри тутиши музокаралар муҳитига салбий таъсир кўрсатиб, улар мақсадига эришишга йўл қўймайди. Ҳамкор тинглаш имкониятини йўқотган (ёки ҳеч қачон бу санъатга эга бўлмаган), аини пайтда бу маҳорат – ҳар қандай музокаралар муваффақияти шартидир.

Музокаралар вазифалари, музокаралар жараёнида ўзини тутиш (ахлоқ) қоидалари ва иштирокчиларнинг роллари (вазифалари)

Музокаралар – ҳар қандай конфликтни мувофиқлаштириш услубининг ўта муҳим элементиدير.

Менежернинг музокаралар жараёнидаги роли:

- нисбатан юқори инстанция вакили;
- томонлардан бири таркибидаги конфликт иштирокчиси;
- воситачи, медиатор.

Ушбу роллардан ҳар бири ўзига хос бўлиб, аммо конфликтнинг барча иштирокчилари учун маълум **ахлоқ қоидалари ва тақиқлар кодекслари** (тақиқланган услублар рўйхати) мавжуд: 1) авторитар ахлоқ; 2) очикдан-очик қўполлик; 3) музокаралар оралик натижаларини муддатидан аввал, шошилиб муваффақиятсизлик сифатида баҳолаш; 4) томонлардан бирининг танаффус қилиш тўғрисидаги илтимосини заифлик белгиси деб қабул қилмаслик; 5) қарама-қарши томоннинг мураса мақсадидаги таклифларини заифлик, бўшлиқ белгиси сифатида баҳолашга йўл қўйиш мумкин эмас, чунки мослашувчанлик кучдан далолат беради.

Музокараларнинг асосий вазифалари: 1) аниқ-равшан, кўп маънолиликка йўл қўймайдиган ёзма қарорда ифодаланган реал натижаларга эришиш; 2) ўзининг дастлабки позицияларига зарур ўзгартиришлар киритиш, йўл бериш, муроса қилиш, таклифларга тузатишлар киритишга тайёрлик; 3) музокаралар жараёнидаги эмоционал қўллаб-қувватлаш, ижобий руҳий муҳит, кайфият, ўзаро инсоний илиқ муносабатлар.

Музокараларга тайёргарлик кўришда қуйидагиларни амалга ошириш зарур: музокараларни бошлаш учун шарт-шароит яратиш; оппонентларни уларни ўтказиш мақсадга мувофиқлигига ишонтириш; жараёнга нуфузли шахсларни жалб қилиш. Музокараларга тайёргарлик кўриш натижаси – ҳеч бўлмаса учрашувга эришиш.

Муваффақиятли музокара ўтказиш учун қуйидагилар талаб этилади: 1) конфликт моҳиятини синчиклаб таҳлил қилиш. Бу таҳлил конфликт таҳлили харитаси сифатида тақдим этилиши мумкин бўлиб, унда иштирокчилар, баҳсли масалалар, манфаатлар, томонларнинг чекланиб қолган ва конфликтни келтириб чиқарган эҳтиёжлари кўрсатилади; 2) прогноз (башорат) услубидан фойдаланиб, музокаралар жараёнида юзага келиши мумкин бўлган баҳсли масалаларни тахминлаш; 3) ўз кучи ва томонларнинг кучларини аниқ тасаввур қила олиш, эҳтимолий ечимларни шакллантириш; 4) ҳамкор билан кейинчалик қўлланиши мумкин бўлган ўзаро муносабатларни йўналтириш.

Музокаралар жараёнининг асосий фазалари, амалиётлари, асосий тамойиллари

Музокараларнинг бош фаза (босқич)лари: 1) тайёргарлик фазаси; 2) музокаралар жараёнида ҳар бир томоннинг ўз позициясини фактларга таяниб баён этиши, бошқа томонни танқид қилишига йўл қўйилади (шунингдек фактларга таянган ҳолда); 3) интеграл ечимни излаш фазаси (мунозаралар) – позицияларнинг ўзаро яқинлашуви, ҳамкорига босим ўтказишга йўл қўйилади; 4) финал фазаси (якуний фаза) – қарорлар қабул қилиш ёки музокаралар муваффақиятсизлигини тан олиш.

Музокараларда “боши берк кўчага” кириб қолиш – бу вазиятда барча эҳтимол тутилган таклифларни баён этиш қарор

қабул қилишга олиб келмайди, аммо бу натижа ҳам ижобий аҳамиятга эга: музокаралар муваффақиятсизлиги тубдан янги ечимлар излаш учун импульс, бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Музокараларда “боши берк кўчага” кириб қолмаслик учун **музокара юритишнинг асосий принципларига** риоя қилиш керак:

- конфликт — комплекс (социал ва психологик) ҳодиса эканлигини, шунинг учун у музокаралар жараёнида фақат воситалар мажмуи (комплекси) ёрдамида ҳал қилиниши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур;

- конфликтга олиб келган муаммо чуқур ва ҳар томонлама ўйлаб кўрилиши, фақат ана шу таҳлил асосидагина музокараларда қандай йўл тутиш кераклиги ишлаб чиқиши мумкин;

- бир-бирига қарор қабул қилишда ҳалал қилиш эмас, балки ёрдам бериш (мослашувчанлик, ён бериш кабиларни намоён этиш);

- томонларнинг айнан ҳозирги эмас, балки узоқ муддатли манфаатларни ҳисобга олиш;

- музокаралар боришини, ҳатто улар “боши берк кўчага” кириб қолган тақдирда ҳам батафсил ўйлаб чиқиш.

Музокаралар жараёнинг амалиёт (процедура)лари:

- 1) конфликт мавжудлигини эътироф этиш;
- 2) амалиёт, қоида ва меъёрларни тасдиқлаш;
- 3) асосий мунозарали масалаларни аниқлаш;
- 4) муаммони ҳал қилишнинг эҳтимолий вариантларини тадқиқ этиш;

- 5) ҳар бир мунозарали масала юзасидан келишишга ва умуман конфликтни мувофиқлаштиришга интилиш;

- 6) қабул қилинган барча ўзаро мажбуриятларни бажариш.

Музокаралар жараёнидаги **муросалар услуби** томонларнинг бир-бирига ён босишига асосланган, **консенсус услуби** эса мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилишга қаратилган. Аммо музокараларни юритиш услублари ва улар натижалари нафақат қарама-қаршилик қилаётган томонларнинг ўзаро муноса-

батларига, балки конфликтлашаётган ҳар бир томоннинг ички ҳолати, иттифоқчилар билан муносабатлар ва конфликтдан ташқари бўлган бошқа омилларга боғлиқ.

Музокаралар жараёнининг хусусиятлари ва шарт-шароитлари

Музокаралар конфликтларни ҳал қилиш услуги сифатида ўзаро конфликтлашаётган томонларнинг ҳар бири учун мақбул бўлган ечим(қарор)ларни излашга қаратилган тактик усуллар йиғиндисидир.

Конфликт ҳал қилувчи палласининг сўнгги босқичи музокараларни кўзда тутди. **Музокаралар жараёни бошланишининг асосий шarti** – конфликтлашаётган томонлар вақтинча сулҳга эришиши ҳисобланади. Бироқ шундай вариантлар ҳам бўладики, бунда дастлабки келишув (музокара)лар босқичида томонлар нафақат ўзаро душманлик қилишни тўхтатмайдилар, балки музокаралар жараёнида ўз вазиятини яхшилаб олиш, мустаҳкамлаш мақсадида конфликтни кескинлаштиришга интиладилар. Музокаралар жараёнининг хусусияти шундан иборатки, конфликтлашаётган томонлардан ҳар бири бунда ўз позициясини ва қарама-қарши тарафга қўядиган ўз талабларини тақдим этади. Музокаралар жараёнида томонлар манфаатларнинг ўзаро бирикув нуқталарини аниқлашга интилишлари, конструктив мулоқот юритишлари, имкон қадар, ўз манфаатларга зарар етказмасликка ҳаракат қилиб, бир-бирига ён беришлари керак.

Музокаралар бошланиши учун шунингдек қуйидаги шарт-шароитлар бажарилиши шарт:

1) конфликтда иштирок этаётган томонларнинг бир-бирига боғлиқлиги;

2) конфликт субъектлари (кучи)да жиддий фарқ йўқлиги;

3) конфликт ривожланиш босқичининг музокаралар имкониятларига мувофиқлиги;

4) музокаралар жараёнида конкрет юзага келган вазиятда реал қарорлар қабул қилиши мумкин бўлган томонларнинг иштирок этиши.

Музокараларни юзага келган вазиятда ҳокимиятга эга бўлган ва ҳодисалар якунига таъсир кўрсата оладиган кучлар билан олиб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Конфликтли вазиятда бирламчи ва иккиламчи гуруҳларнинг манфаатларига дахл қилинади: **бирламчи гуруҳлар** конфликтда ўзлари иштирок этадилар, аммо музокараларни муваффақиятли олиб бориш имконияти ҳамиша ҳам уларга боғлиқ эмас; **иккиламчи гуруҳлар** ўзининг манфаатдорлигини очиқ намоён этишга интилмайдилар, уларнинг ҳаракатлари маълум вақтга қадар яширин бўлади.

Шунингдек конфликтдан манфаатдор, янада яширин тусга эга **учинчи кучлар** мавжуд бўлиши мумкин. Учинчи кучлар кўпинча сиёсий ёки давлатлараро конфликтларда мавжуд бўладилар.

Музокаралар жараёнининг палла(босқич)лари

Тўғри ташкил этилган музокаралар олдинма-кетин бир неча палла (босқич)лардан ўтади:

I. Музокараларни бошлашга тайёргарлик. Асосий ҳаракатлар: ишлар ҳолати диагностикаси; иштирокчиларнинг кучли ва кучсиз томонларини аниқлаш; кучлар ҳолати, жойлашишини башоратлаш; музокараларда иштирок этиш мақсадини аниқлаш.

Музокараларни қаерда ўтказиш, уларда қандай муҳит бўлиши кутилаётганлиги каби ташкилий масалалар ҳам ишлаб чиқилади.

II. Дастлабки позицияни танлаш (музокаралар иштирокчиларининг расмий баёнотлари). Бу палла (босқич) музокаралар жараёни иштирокчиларининг икки мақсадини рўёбга чиқариш имконини беради:

1) оппонентларга уларнинг манфаатларидан хабардор эканлигини ва уларни ҳисобга олганлигини кўрсатиш;

2) маневрлар учун макон (майдон) белгилаб олиш ва унда ўзи учун имкон қадар кўпроқ жой қолдиришга интилиш.

Музокаралар ҳар икки томоннинг хоҳиш-истаклари ва манфаатлари тўғрисидаги баёнотдан бошланади. Фактлар ва принципал далил-исботлар (масалан, “компания вазифалари”,

“умумий манфаат”,) ёрдамида томонлар ўз позицияларини мустаҳкамлашга интиладилар.

Агар музокаралар воситачи иштирокида ўтаётган бўлса, бу ҳолда у ҳар бир томонга фикрини баён этиш имкониятини бериши ва оппонентлар бир-бирининг гапини бўлмай тинглаши учун қўлидан келган нарсаларни қилиши керак.

Етакчи ваколатлари: 1) томонларни тўхтатиб туриш омилларини аниқлаб олиш ва уларни бошқариш; 2) қарор қабул қилиш усуллариини таклиф қилиш (оддий кўпчилик, консенсус); 3) ташкилий масалаларни белгилаб олиш.

III. Ҳар икки томонни қониқтирадиган ечимни излаш. Бу палла (босқич) учун руҳий кураш жараёни хосдир: биринчидан, томонлар бир-бирининг имкониятлари, ҳар бир томоннинг талаблари нақадар реаллигини ва уларнинг бажарилиши бошқа иштирокчи манфаатларида қандай акс этиши мумкинлигини аниқлаб оладилар; иккинчидан, оппонентлар фақат ўзлари учун фойдали фактларни тақдим этиб, уларда турли-туман муқобил (альтернатив) вариантлар мавжудлиги тўғрисида маълум қиладилар.

Воситачининг мазкур палла (босқич)даги вазифалари: 1) иштирокчилар манфаатларининг турли-туман эҳтимолий комбинацияларини кўра билиш ва уларни ишга тушириш; 2) катта миқдордаги ечим вариантлари киритилишига кўмаклашиш; 3) музокараларни аниқ, муайян таклифларни излаш йўлидан йўналтириш.

IV. Музокараларни тугаллаш, ёки боши берк кўчадан чиқиш. Мазкур босқичнинг асосий тавсифлари:

- эҳтимолий вариантлардан энг оптимал ечимини танлаб олиш;
- ҳар томоннинг бошқа томонга ён бериши;
- раислик қилувчи, ўзига берилган ҳокимиятдан фойдаланиб, сўнгги келишмовчиликларни бартараф этади ва томонларни муроасага олиб келади.

Музокаралар олиб боришдаги хатти-ҳаракатлар

Музокаралар муваффақияти кўп жиҳатдан суҳбатдошларнинг умуман музокараларга бўлган принципиал муносабатига ва уларнинг муайян вазиятдаги хатти-ҳаракатлари (ахлоқи)га боғлиқ бўлади.

Музокараларга оид вазифаларни ҳал қилиш ва уларни конструктив олиб бориш мақсадидаги тавсиялар:

1) белгиланган мақсадга қатъиятлик билан эришиш, ўз таклифларини ишонарли тарзда исботлаш, бироқ ўта қайсар ва ҳамкор фикрига бефарқ бўлмаслик; музокараларда буйруқли оҳангдан, оппонентга босим ўтказишдан қочиш талаб этилади; 2) ўз манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш, музокараларда муҳокама этилаётган муаммони ҳал қилиш юзасидан таклифлар киритиш; 3) нафақат муайян инсон, балки умуман жамият манфаатларига хизмат қиладиган битимларга эришишга интилиш; 4) музокаралар бўйича ҳамкорининг фикри ва истакларини ҳисобга олиш, унга ён беришга ҳаракат қилиш, уни камситиш, ҳуқуқларини поймол қилишга интилмаётганлигини англатиш.

Музокараларни муваффақиятли юритишнинг **субъектив шарт-шароитлари** қуйидагилардир:

- музокара иштирокчиларининг сиёсий жиҳатдан етарли билимлилиги ва онглилиги;
- музокара иштирокчиларининг хизмат мулоқотидаги реалистик ёндашуви ва ундан манфаатдорлиги;
- музокара жараёни иштирокчиларининг тасаввур кучи ва иқтидори.

Музокараларни муваффақиятли олиб бориш хусусиятлари: 1) суҳбатдош турли шартлар ва ҳийла-найранглар билан алдаш ёки уни куч ёрдамида ўта жиддий ён беришга мажбур қилишнинг иложи йўқ; 2) турли музокараларда бардошли, бир мақсадга қаратилган ва тушунарли бўлган далил-исботларсиз ишлаш мумкин эмас.

Музокаралар жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлмаган ҳаракатлар:

- суҳбатдошига босим ўтказиш учун вақт омилини қўллаш;

- суҳбатдошига муддатлар орқали босим ўтказиш;
- лаганбардорлик, тушунмаганлигини намойиш этиб, ўзи учун турли имтиёзларга эришиш.

Музокаралар жараёнининг ўзгариб бориши (динамикаси):

1) музокаралар муваффақиятли бориши учун улар бошланган заҳоти ҳамкор билан умумий позицияни топишга ҳаракат қилиш;

2) музокаралар бошида муҳокама этилаётган мавзунинг шак-шубҳасиз, келишмовчилик келтириб чиқармайдиган жиҳатларидан сўз бошланг. Ушбу фазадан сўнг нисбатан осон келишиб олиш мумкин бўлган бандлар муҳокамасига ўтинг. Фақат шундан кейин музокаралар кун тартибининг оппонент билан батафсил муҳокама этишни талаб қилган ўта муҳим масалаларига кўчинг.

3) музокаралар бўйича ҳамкор томонидан билдирилаётган фикр, муаммони асослаш, талаблар, истаклар кабиларни иш бошидан ўта жиддий қабул қилинг;

4) музокаралар ривожига ҳалал бермаслик мақсадида қарашлардаги ўта муҳим, принципиал бўлмаган фарқларга эътибор қаратманг. Ҳамкорни тегишли муаммо билан таништиришда хотиржамлик билан сўзлаш ва ўз нутқингизни назорат қилиш, унинг юзага келиш сабаблари ва эҳтимол тутилган оқибатларини, шунингдек музокараларнинг аниқлик киритилмаган бандларини тавсифлаш керак бўлади.

5) алоҳида қайд этиш лозимки, одам ўзини музокара жараёнида юзага келган вазиятга мос тарзда тутиши шарт. Улар суҳбатдош билан визуал (кўриш орқали) контакт ёрдамида баҳоланади; музокара иштирокчилари фикрини ишонарли, аммо тикиштирмай билдириши керак бўлиб, оппонентнинг юз ҳаракатлари, имо-ишоралари ва позасига муҳим эътибор берилиб, уларга қараб суҳбатдошнинг асл мақсадларини аниқлаб олиш мумкин.

Музокара юритишнинг психологик (рухий) жиҳатлари:

1) биринчи навбатда ҳамкорингиз ўз нуқтаи назарини баён этишда илгари сурган, муаммо мажмуига тегишли бўлган далил-исботларга эътибор қаратиш керак.

2) ҳамкорингиз даъволарини қарама-қарши даъво ёрдамида даф қилишга интиланг.

3) у нима учун ушбу фикрга мойил эканлигини, уни қандай далиллар билан исботлашини сўранг.

4) музокара юритиш тажрибасига эга бўлган раҳбарлар унинг мавзусига алоҳида эътибор бериб, шу билан бирга ҳамкорининг шахсий фазилатларини ҳам ҳисобга оладилар.

5) ҳамкор ўз далил-исботлари, эътирозлари ва таклифларини бамайлихотир баён эта олишига ҳаракат қилиш керак.

6) музокараларнинг барча иштирокчилари учун даставвал муайян вазиятни илғаб олиш, яъни суҳбатдошининг музокара мавзусига муносабатини аниқлаш ва бу баҳона музокара жараёнига бўлган ўз қарашлари билан қиёслаш муҳим ҳисобланади.

7) ҳамкорни эътибор билан тинглаш зарур. Бу музокаралар ютуғи учун асос ҳосил қилиб, суҳбатдош позициясини тушуниш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, кераксиз қарши саволлар, тушунмовчиликларнинг олдини олиш имконини беради ва музокараларда кўтарилган масала ва муаммоларнинг бир текис ҳал қилинишини таъминлайди.

Музокаралар “боши берк кўчага” кириб қолган ҳолатда иштирокчилар ҳаракатлари:

1) муаммони бошқа тарафдан кўриб чиқинг, унинг ижобий ва салбий томонларини аниқланг.

2) қарши саволлар ёрдамида сиз ҳамкорни, ҳамкор эса сизни тўғри тушунганингизни аниқлаштиринг, саволни қайтариш ҳам мумкин.

3) ишдаги қатъийлик ва оҳангдаги вазминликни сақлаб қолинг. Томонлар асосий бандлар бўйича битимга келиб улгурмаганига қарамай, музокаралар иккинчи даражали масалалар муҳокамасида ўралашиб қолиши мумкин. Бу ҳолда эришиб улгурилган натижаларни қайта кўриб чиқиш ва шу асосда музокараларнинг муҳокама этилиши лозим бўлган кейинги бандларини аниқлаш зарур.

Музокаралар олиб бориш (юритиш) услублари

Музокаралар олиб бориш (юритиш) услублари: вариацион, интеграция услуби, мураса услуби.

Вариацион услуб. Мураккаб музокараларга тайёргарлик кўриш жараёнида куйидаги масалаларга аниқлик киритиш талаб этилади: 1) мажмуадаги кўтарилган муаммонинг идеал ечими нимадан иборат; 2) идеал ечимнинг қайси жиҳатларидан воз кечиш мумкин; 3) кутилаётган оқибатлар, қийинчиликлар, тўсиқларга нисбатан табақали (дифференциал) ёндашувда муаммонинг оптимал ечимини нималарда кўриш лозим; 4) ҳамкорнинг манфаатлар номувофиқлиги ва уларнинг бир томонлама амалга оширилиши туфайли келиб чиққан, кутилаётган таклифига керакли тарзда муносабат билдириш учун қандай аргумент (далил-исбот)лар зарур; 5) ҳамкорнинг қайси фавқулудда (экстремал) таклифларини қандай далил исботлар ёрдамида албатта рад этиш зарур.

Ушбу услубнинг хусусияти шундаки, юқоридаги каби мулоҳазалар музокаралар мавзуини соф муқобил (альтернатив) кўриб чиқиш доирасидан чеккага чиқади. Улар бутун фаолият мавзуи, тафаккур жонлилиги ва баҳолар реаллиги обзорини талаб этади.

Интеграция услуби. Ҳамкорни музокаралар муаммоларини ижтимоий ўзаро алоқалар ҳамда бундан келиб чиқадиган кооперация ривожини эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш заруратига ишонтириш учун мўлжалланган.

Услубга оид камчиликлар: унинг қўлланиши батафсил битимга эришишни кафолатламайди; ундан, масалан, ҳамкор ижтимоий ўзаро боғлиқликларни рад этиб, ўз манфаатларини амалга оширишга тор, идоравий позициялардан ёндашган ҳолда фойдаланиш лозим.

Мураса услуби. Музокара иштирокчилари мурасага тайёрлигини намоён этишлари лозим: ҳамкорлар манфаатлари номувофиқ бўлган ҳолларда битимга босқичма-босқич эришиш керак бўлади.

Ушбу услубнинг хусусияти шундан иборатки, унда ҳамкорлар ўзаро келишиб олишга бўлган омадсиз уринишдан

сўнг янги фикр ва қарашларни ҳисобга олиб ўз талабларидан қисман воз кечадилар. Улар нималардандир воз кечиб, янги талабларни илгари сурадилар.

Музокараларни омадли ўтказишнинг энг муҳим омиллари қуйидагилардир:

- 1) музокараларга яхши тайёргарлик кўриш;
- 2) эътиборни музокаралар мавзусида жамлаш;
- 3) муаммони ҳал қилишга қаратилган фикрлаш;
- 4) мақсадга нисбатан умумий позицияни ишлаб чиқишга интилиш;
- 5) ҳамкорнинг шахсий жиҳатларини ҳисобга олиш;
- 6) музокара иштирокчилари манфаатларига риоя қилишда реализм;
- 7) мослашувчанлик.

Музокараларнинг бошланиш қисмига хос бўлган ҳаракатлар

Музокараларнинг расмий қисми – масала моҳиятини ва уни музокаралар жараёнида ҳал қилиш йўллари баён этиш. Бутун музокаралар жараёнининг муваффақияти Сиз ўз нуқтаи назарингизни нақадар омилкорлик билан ва саводли тақдим этишингизга боғлиқ. Бу ерда ҳар нарса муҳим, аҳамиятсиз нарсанинг ўзи йўқ. Сиз музокаралар бўйича ўз ҳамкорингизга кўрсатадиган дастлабки таассурот кўп жиҳатдан унинг бундан кейинги Сизга бўлган муносабатини шакллантиради.

Бу босқичдаги **уч асосий момент**:

1) ўзингизни ишонч билан тутинг ва шундай сўзланг, чунки агар одамлар сиз ҳақиқатда ҳам ўз кучига ишонган шахс деб ўйласалар, улар омилкорлигингизга тезроқ ишонадилар. Рухшунос(психолог)ларнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, бошқаларда сиз тўғрингизда шаклланадиган таассуротнинг 55% улар кўзи билан кўрган (жинси, ташқи кўриниши, қад-қомат, имо-ишора, юз ифодаси, кийим), 38% у қулоғи орқали эшитган (овоз оҳанги, интонация, нутқ равонлиги) нарсалардан ҳосил бўлса, сиз таассуротнинг 7% қисмини сўзлар ёрдамида, яъни нималар ҳақида сўзлашингиз орқали шакллантиришингиз мумкин. Бундан танишувнинг биринчи босқичида нима

гапиришингиз эмас, балки буни қандай гапираётганингиз муҳимроқ ўрин тутади.

2) қатъий бўлиш керак. Музокара олиб бориш услуби тажовузкор, пассив ёки қатъиятли бўлиши мумкин. Ижобий жиҳатлари мавжудлигига қарамай, тажовузкор ва пассив услублар кўпроқ даражада одамларни ажратиб, музокаралар иштирокчиси обрўсига унинг ҳамкори назарида путур етказди. Тажовузкорлик ва пассивлик эмас, балки қатъийлик – яъни бошқалар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўз ниятига эришиш энг мақбул услуб ҳисобланади; унинг мақсади – музокаралар жараёнининг барча иштирокчиларини қониқтирадиган муроа ечим (қарор) излаб топишдан иборат.

3) Ўзаро бир-бирини тушунишга интилиш, шунга эришиш. Бир-бирини тушуниш – одамлар орасидаги яхши муносабатлар асосидир. Кўпинча кишилар ўртасида ишонч ва ўзаро тушуниш “кўприк”ларини тиклаш жараёни онгсиз, интуитив тарзда рўй бериб, аммо баъзан бунга эришиш учун маълум ҳаракатларни амалга ошириш талаб этилади.

Ўзаро бир-бирини тушунишга кўмаклашадиган ҳаракатлар:

1) “кўзгудаги акс” – ҳамкор ҳаракатларини такрорлаш. Бу ўта мураккаб, оғир техника: сиз ҳамкор ҳаракатларини кўр-кўрона қайтариб туриш билан шуғуллансангиз, у сизни мазах қиляпти деб ўйлаши мумкин;

2) овоз оҳанги ва талаффуз услубидан “нусха кўчириш” – ҳамкорлар орасида ўзаро бир-бирини тушуниш муҳитини яратишнинг энг содда усули (ҳамкор тез сўзласа, сиз ҳам тез гапирасиз, у шошмай, осойишта сўзлар экан, сиз ҳам унинг суръатига амал қиласиз).

Савдолашиш (тортишиш) маҳорати – музокаралар жараёнининг мақсадига эришиш усули сифатида

Битим тузиш, ўзаро келишиб олиш – музокара иштирокчиларининг бир-бири томон ташлаган реал одимлари деб айтиш мумкин.

Савдолашиш (тортишиш)нинг энг самарали услублари:

1) тегишли сигналлар узатиш ва қабул қилиш. Сиз ўз позициянгизни бироз ўзгартиришга тайёр эканлигингиз тўғрисидаги сигнал; Сиз ҳамкорингиз истак-хоҳишини илғаб олганлигингиз тўғрисидаги сигнал – бу ва шу каби бошқа кўплаб сигналлар битимга келиш учун музокара иштирокчисига қаяққа ва қай тарзда ҳаракатланиш кераклигини ўз вақтида кўрсатиб туришлари керак. Одамлар баъзан атайлаб, баъзан буткул онгсиз равишда, оҳанг, товуш ёки тана ҳаракатларини қўллаган ҳолда сигнал узатишлари ҳам мумкин. Шу сабабли тегишли сигналларни узатиш ва уларни қабул қилишни ўрганиб олиш, уларни ўқий олиш, тўғри англаш ва ўз вақтида керакли ҳаракатларни кўриш жуда муҳим.

2) тасаввурида воқеа-ҳодисаларнинг эҳтимол тутилган ривожини чиза олиш. Шундай қилиб, ўз тасаввуримизни ишга тушириб, ҳодисалар у ёки бу тарзда ривожланганида нималар рўй бериши мумкинлиги манзарасини чизамиз. Бу манзарани фақат ўзимиз учун эмас, балки ҳамкоримиз учун тасвирлаб, унга ўз шубҳа ва хавотирларимизни билдирамиз ва бу билан уни кейинги конструктив ҳаракатларга ундаймиз.

3) савдолаша олиш. Ҳамкорга илгарилашга тайёр эканлигингиз ҳақида сигнал бериб (маълум қилиб) ва унга воқеаларнинг кейинги эҳтимолий ривожини тасвирлаб бергандан сўнг, музокаралар асосига – савдолашишга ўтиш мумкин.

Савдолашишнинг асосий қоидалари:

• ўзинг учун жиддий аҳамиятга эга бўлмаган нарсаларни бериш;

- имкон қадар тенг айирбошлашга эришиш;
- фақат бера оладиган нарсаларингни бериб юбориш;
- эвазига бирон-нима олмай туриб, ҳеч нима бермаслик.

Келишув (битим)ни яқунлаш. Келишув (битим) тузилиб бўлган, аммо қарама-қарши тараф қўшимча талаблар тақдим эта бошлашининг олдини олиш мақсадида барча шартларни яхлит ҳолда келишиб олиш лозим. Бу барча масалаларни мажмуа кўринишида, ҳамкорнинг бир банд бўйича мурасага келиши эвазига сизнинг бир банд бўйича ён беришингиз эҳтимолини ҳисобга олиб, муҳокама қилиб олиш имконини беради. Масалаларни мажмуа тарзида муҳокама қилиш ҳамкорларни

келишувга эришиш мақсадида барча тарафларнинг таклиф ва тузатишлари ҳисобга олинган якуний келишув (битим) га яқинлаштиради. Ҳамкорлар музокаралар бошидаёқ ўз даъво ва талабларини билдирар эканлар, бу ишонч ва очиклик муҳитини ҳосил қилиб, музокараларнинг конструктив бўлишига кўмаклашади.

Музокаралар олиб боришдаги тактик усул ва фирибгарликлар

Музокара олиб боришнинг тактик усуллари:

1) **кейинга қолдириш (кечиктириш)** – ҳар икки томоннинг келишувига биноан музокараларда эълон қилинадиган танаффус;

2) **музокараларни тугаллаш муддатларини мувофиқлаштириш (келишиб олиш)** – томонларни кўпроқ, маҳсулдор ишлашга ундаб, бўшашишга ёки мавзудан четлашиш имконини бермайдиган усул;

3) **“муҳит ҳозирлаш”** – муҳокама этилаётган масала атрофида шов-шув кўтариш, оммавий ахборот воситалари орқали кўрқитиш йўли билан амалга ошириладиган, музокаралардан олдин келадиган усул. Бу ҳолда ўзини тутиш йўллари:

- ўзингизни ҳеч нарсадан беҳабар каби тутиш, музокараларни конструктив руҳда давом эттириш;

- ҳамкорингиз амалга ошираётган барча ишлардан хабардор эканлигингизни очик эълон қилиб, ундан ўз ҳаракатларини изоҳлаб беришини талаб этиш.

Лоф уриш (олиб қочиш) – музокараларда иштирок этаётган томонлардан бири, ҳақиқатда бундай бўлмаса ҳам, ўзи истаган барча нарсаларга эришганлигини маълум қилади. Бу усулдан эҳтиёт бўлиб, фақат ҳамкорнинг “елкасини ерга теккизиш” ва қондирилмай қолган озроқ нарсаларга эришиш мақсадида фойдаланиш талаб этилади. Бу фирибга тушиб қолмаслик учун вазиятга баҳо бериш (хавф қанчалик реал, бу одам илгари ҳам шу каби иш тутганми, унинг ишлари сўзларига нақадар мувофиқ келади), ўз аҳволини таҳлил қилиб кўриш (мен қанча йўқотаману, нималарда ютаман, нималарда ютқазаман,

булар менинг обрў-эътиборимга қандай таъсир қилади) керак бўлади.

Музокара юритишдаги айёрликлар:

1) энг кенг тарқалганларидан бири — иш (ҳаракат) жойи (масалан, одамни ноқулай жойга ўтқазиб қўйиш);

2) музокаралар учун номақбул вақт танлаш — ҳали тайёрланиб улгурмаган иштирокчилардан бирини ноқулай аҳволда қолдириб, бу бошқа тарафга устунлик беради;

3) “ваколат даражаси” усули, бу битим (келишув)га эришилган бўлиб кўринган бир вақтда ҳамкорлардан бири у фақат муайян даражага қадар ваколатли эканлигини маълум қилади;

4) дўқ уриш — музокараларни барбод қилиш ёки уларни “боши берк кўча”га киритиб қўйиш учун энг таъсирли восита, кучи ва ҳокимиятини, аммо шу билан бирга ўз заифлигини намоиш этиш жараёни. Дўқ-пўписага дуч келганда, унинг самарадорлиги, биринчидан, бу хавфни амалга ошириш имкони нақадар реаллиги ва кўрқитилаётган томонга қанчалик нохушлик келтириши мумкинлигига боғлиқлигини ёдда тутиш, иккинчидан, дўқ уриш (хавф) жавобан дўқ-пўписага сабаб бўлиши мумкин.

Музокара юритишнинг миллий услублари (ўзига хос жиҳатлари)

Бельгия. Этник масалалар мавзусида ҳазил-мутойибага йўл қўйилмайди. Ишбилармон шахс мақоми рамзлари ҳақида ёдда тутиш керак. Бельгияда мутахассис, менежер обрў-эътиборини белгилашда идора (офис) ўлчами, автоуловнинг туриш жойи, айниқса, унинг минаётган машинаси русуми ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Буюк Британия. Сухбатдошингизга фақат фамилияси билан мурожаат қилиш ноўрин, бунинг ўрнига анъанавий “мистер” сўзидан фойдаланган маъкул. Муайян социал (ижтимоий) масофани сақлашни ҳам унутмаслик керак. Менежернинг оддий хизматчидан очик-ойдин фарқ қилиши — ўзига хос хусусиятлардан бири. Кийим, айниқса, русумли бўйинбоғ (галстук) шахс мақомидан далолат бериб туради.

Германия. Ҳар қандай кутилмаган ҳаракатларга йўл қўйманг. Германияда фаолиятнинг ҳар қандай тури батафсил режалаштирилади. Албатта, учрашувнинг адекват дастури аввалдан тузилган бўлиши шарт. Бирорта компанияда ҳам фирма раҳбарлари ва бошқа ходимлар меҳмон (ташриф буюрувчи)ларни бирга-бир шароитда, яъни ўз ҳамкасблари ва ходимлари иштирокисиз қабул қилмайдилар.

Сипо бўлиш лозим, инсонга нисбатан камтарлик ва ҳурматли муносабатда бўлиш – ўзаро муносабатлар асоси, бу каби талаблар барчага, оддий ходимдан то раҳбарга қадар оид ҳисобланади.

Хусусияти: Германияда шахсий алоқалар муҳим, аммо уларни боғлаш (ўрнатиш) жуда қийин. Теннис кортлари ва гольф майдончаларига шуғулланиш учун ташриф буюрадиган хорижликлар бу ерда нисбатан қулай ҳолатда.

Голландия. Бойлик ва қудратини кўз-кўз қилиш, улар билан мақтаниш ярамайди. Голландия бизнеси, илм-фани ва техникаси арбоблари билан шахсий алоқалар норасмий ёндашувга асосланади – меҳмонни расмий кийим (пиджак)сиз қабул қилиш каби меҳмондўстлик аломати ҳурматсизлик ёки беписандлик намунаси деб баҳоланиши керак эмас.

Голландияликлар **келишув**ни қадрлашини ёдда тутиш лозим. Хизмат (ишбилармонлик) учрашувида, уларнинг фикрига кўра, асосий мақсад **келишув(битим)**га эришишдан иборат бўлиб, у контрактда қайд этилади. Бу натижага йўл – меҳмонни очик кўнгил билан, расмийликсиз кутиб олиш ва узундан-узок музокаралар.

Греция. Гапни сиёсатга буриш керак эмас, чунки юнон менежери учун ўз ҳукумати тўғрисида танқидий фикр билдириш одатий ҳол, бироқ бу унинг ўз давлати, ҳукуматига қарши йўлни танлаганлигини англатмайди.

Хатингиз, ҳар қандай бошқа ҳужжат каби, имкон қадар қисқа бўлсин, чунки узун ҳужжатда, унинг фикрича, нохуш қоидалар, бандлар мавжуд бўлиши мумкин.

Хорижий ҳамкорлар билан музокаралар пайтида ўзини тутишга оид хусусиятлар

Саломлашиш. Одатий саломлашиш усули – қўл бериб кўришиш. Шимолий Европа мамлакатларида саломлашишда ҳамкор қўлини силкитиб кўришиш удуми йўқ, Италия ё Испанияда эса, аксинча, испаниялик ҳатто ҳамкорини кучоқлаб олиши ҳам мумкин. Америкада кўришиш чоғи елкага енгилгина уриб қўйиш русум бўлган. Германия ва Францияда ёши катта, мақоми эса юқорироқ шахс биринчи бўлиб қўл узатади.

Ҳамсуҳбатига мурожаат қилиш. Французлар урғуни жойига қўйиш ва талаффузга алоҳида эътибор қаратадилар. Америкаликлар ҳамкорига исми билан, фамилиясиз мурожаат қиладилар, чунки улар расмийчиликни хуш кўрмайдилар. Исландияда яқинда танишган одамани фақат исми билан чақириш одат бўлган. Англияда эса, суҳбатдошнинг фамилиясидан ташқари, унинг унвони ва титулини, албатта, қўшиб айтиш шарт. Хитойда фамилия биринчи ўринга, исм – иккинчи ўринга қўйилади. Испанияда фамилия кўпинча шахснинг отаси ва онаси фамилиясидан ташкил топиб, бунда ота фамилияси биринчи туриши керак. Бразилияда эса бунинг акси, аввал она фамилияси келади.

Таъзим қилиш (бажо келтириш). Японияга йўл олган бизнесмен учун таъзим қилиш (бажо келтириш) санъатини эгаллаш муҳим ўрин тутди. Бу мамлакатда таъзим билан турли ҳис-туйғулар, ниятларни билдириш мумкин: саломлашиш, ташаккур билдириш, узр сўраш ва ҳ.к. Японлар фақат таъзимдан сўнг қўл бериб кўришадилар. Саломлашиш мақсадидаги таъзим анча паст эгилиб бажарилиши, шу билан бирга саломлашиш вақтида ҳам давом этиши шарт. Кўз қири билан сизни қабул қилган мезбонлардан энг мартабалиси таъзим қилишни тугаллашини кузатиш, сўнг унга тақлид қилиш керак.

Имо-ишоралар. Хайрлашиш чоғидаги қўл силкитиш рад этиш деб қабул қилиниши мумкин: Европада, хайрлашар эканлар, шунчаки бармоқларни силкитадилар. Лотин америкалик суҳбат давомида бармоғи билан кўзининг чеккасини бироз пастга тортиб туриши мумкин – яъни у сизни алоҳида эътибор билан тинглаётганлиги белгисидир.

Хизмат мақсадидаги тушлик. Ишчи масалалар муҳокамасига бағишланган ҳақиқий хизмат тушлигини Америкада учратиш мумкин. Европалик ҳамкор фақат таомдан лаззатланишга таклиф этади. Таклифдан бош тортиш – мезбонни ҳақоратлаш билан тенг. Дастурхонга тортилган барча нарса, ҳатто нотаниш экзотик таомлар ҳам татиб кўрилиши шарт. Сизни мезбон олдига келишга мажбур қилган сабабдан ташқари бошқа барча мавзулар ҳақида сўзлашингиз мумкин. Фақат сиёсат, оила ва хасталиклар кабилардан оғиз очмасангиз, кифоя.

Совға-саломлар. Хизмат (ишбилармонлик) муносабатларида совға-салом (инъом) қилиш ҳар ерда ҳам қабул қилинган удум. Айниқса Японияда дастлабки учрашувдан ўзаро совға улашиш бошланади. Европада эса тухфа бериш барча ишлар тугалланганидан сўнг расм бўлган.

Дания. Ўзини авторитар, яъни бошқалардан устун тутишдан сақланиш керак. Данияда иерархик, яъни бошлиқ-ходим муносабатлари фақат иш доирасида бўлиб, кўпинча ўта норасмий кўринишда. Офиснинг ички ҳаёти эгалитаризм (ўзаро тенглик) ғоясига бўйсундирилган. Камдан-кам ҳолларда раҳбарлар ва олий бўғин хизматчилари кўли остидагилар билан бирга овқатланмайдилар.

Бу ерда очик мулоқот усулини ёддан чиқармаслик керак бўлади. Ишда ва норасмий алоқаларда данияликлар, одатда, очик бўлиб, барча нарса ҳақида очик-ойдин сўзлашга одатланганлар. Маданий тадбирларда эса маданиятли мулоқот доираси даражасида “бироз тизгинни бўш қўйиш” мумкин. Аммо менежерга нисбатан ҳурмат ва ишонч билан муносабатда бўлиш талаб этилади.

Ирландия. Ўз позициянгиз ва ҳамкорингиз позицияси очик-ойдин қарама-қарши қўйилишига йўл қўйманг. Ирландияликлар диалектик фикрлаш маҳорати билан танилиб, бу уларга контракт устида ишларни ҳар икки томоннинг тўлиқ келишувига эришиш имконини беради. Шу билан бирга улар музокаралар жараёнида қалбан очиклиги билан ажралиб турадилар.

Хитой. “Эшикни қаттиқ ёпманг”, доим муроса йўлини қолдиринг, аммо бундай ён бериш фақат худди шу каби, яъни сиз томон ташланган қадам эвазига бажарилиши лозим. Очикқўллик ёки тезда натижага эришиш мақсадидаги ён бериш

позициянгиз заифлиги сифатида қабул қилиниши мумкин. Чуқур ўйланмаган ваъдалар ҳам берманг.

Португалия. Жуда хушмуомала бўлиш ҳамда кийим кийиш ва яхши муомала қоидаларига риоя қилишга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади. хусусияти: бу ердаги меҳнат, ишлаб чиқариш суръатлари Ўрта ер денгизи худуди мамлакатларига нисбатан бироз пастроқ. Хизмат (ишбилармонлик) учрашувлари Португалияда кўпинча кечки пайт ўтказилади.

Франция. Очик норозилик ифодалашдан қочиш лозим бўлиб, юмшоқлик, эҳтиёткорлик жиддий аҳамиятга эга. Ўзингизнинг ҳамкасблар фикридан фарқли мулоҳазаларингизни билдиришда ўта маданиятли ва мулойим бўлиш зарур. Францияда юксак даражали бизнесмен деярли ҳар доим авторитар бошқарув (якка раҳбарликка асосланган) усулини қўллайди. Хусусияти: дастур бўйича таклифлар жой олган ташриф тўғрисидаги хат мулоқотга йўл очиб бериши мумкин.

Япония. Ҳамкорни оғир аҳволда қолдиришга уринишдан воз кечинг: у ҳаммасидан ҳам ўзлигини, қиёфасини йўқотишдан жуда кўрқади. Музокарада ўзаро юмшоқсўзлилиқ муҳити ҳукм суриши лозим. Ҳамкорингиз нима демоқчи эканлигини тушунмаётган бўлсангиз ҳам, унинг сўзини бўлманг. Хусусияти: японияликнинг жилмайиши мавзуга янада чуқурлашиш керак эмаслиги ёки у масала ечимини кейинга қолдирмоқчилигини англатиши мумкин. Унинг кулгуси эса тушунмаслик, асабийлашув, ғазаб кабилардан дарак бўлса, эҳтимол. Умумий мавзулардаги суҳбатларда ҳамкорга тўғридан-тўғри ва ўта аниқ саволлар бермаган маъқул. Япониялик сизни қанчалик узоққа кузатиб қўйганидан унинг сизга билдирган ҳурматини тушуниб олиш мумкин.

Музокаралар жараёнини олиб бориш учун зарур бўлган жиҳатлар

Музокаралар муваффақиятли ўтиши учун мақсадга интилувчанлик, қатъийлик, чидам-бардош ва ўзгараётган вазиятга мувофиқ зудлик билан жавоб бериш маҳорати каби фазилатлар талаб этилади.

Мақсадга интилувчанлик – бу баъзан ўз-ўзини намоиш қилишга ўтиб кетадиган аҳмоқона принципиаллилик эмас, балки ўз манфаатларини ҳимоя қилишдаги топқирлик ва **чаққонлик**, уларни муайян шарт-шароитга ва мунтазам ўзгариб турган муҳитга мослаштириш маҳоратидир.

Қатъийлик – бу асло куч-қудрат намоиши эмас, балки ўта қаттиқ ва олган йўриқномаларидан оғишмай, кўр-кўрона амал қиладиган одамларга қарши курашда ўз манфаатларини ҳимоя қила олиш имконияти. Бунга унинг ортида ҳар қандай муроса ўз маъносини йўқотадиган чегарани кўриш, ундан ўтиб кетмаслик ҳам киради.

Чидам-бардош – қарама-қарши томонни ҳам муроса йўлини излашга мажбур қилиш, мослашиш имконияти, шунингдек узок муддатли музокаралар жараёнига тайёр бўлиш, уни ижобий яқунга, натижага олиб келиш, у ёки бу масаланинг ҳар икки томонни ҳам қониқтирадиган вариант ечимларини излаш.

Зудлик билан жавоб ҳаракатини амалга ошириш маҳорати – иккинчи даражали масалани муҳимидан ажратиб олиш ва умуман муаммони фарқлай олиш имконини ўз ичига олган механизм.

Ўзлигини англаш ва барча маҳорат ва кўникмаларни бирлаштириш, жамлаш ҳам ана шундай фазилатларга эга бўлишга кўмаклашади.

Муваффақиятли музокара юритишнинг базавий тамойиллари: 1) музокаралар муаммосига конструктив ёндашув; 2) музокаралар жараёнига тайёргарлик кўриш; 3) ўз кучини англаш, ҳис қилиш; 4) ўз кучига ва конфликтли вазият яхшилик билан тугалланишига бўлган ишонч; 5) музокаралар юритиш тактикаси ва стратегияси асосларини билиш.

Муваффақиятли музокараларга доир асосий кўникмалар суҳбатдошига қулоқ солиш, ижодий саволлар бериш, узок муддатли мақсадлар учун истиқболни кўзлаб фикрлаш каби имкониятларни назарда тутати.

Музокаралар ўтказиш хусусиятлари:

ҳар қандай одам онгли ёки онгсиз равишда стереотипларни ўзлаштириб, уларни ўзининг одатий ахлоқий одатига айлантиради. Ҳатто инсон ўзи учун музокаралар юритишни

мутлақ янги иш деб билса ҳам, у аввалроқ шу каби вазиятларда кўрган ёки эшитган нарсаларига ихтиёрий ёки беихтиёр тарзда тақлид қилади;

- музокара юритиш услубларини ўзлаштириш жараёнида тезда жавоб ҳаракатини қилиш механизми ривожига кўпинча фикрлаш (ташкилий, ахлоқий) стереотиплари, маданий меъёрлар ва индивид турмуш тарзи анъаналари ҳалал беради.

Музокара ўтказишга шахсий сифатларнинг таъсири

Шахс эга бўлган белги ва фазилатлар – интеллектуал (ақлий), маънавий, эмоционал, ирода хусусиятлари жамият таъсирида, шунингдек инсон оилавий, меҳнат, ижтимоий ва маданий ҳаёт фаолияти жараёнида ўсиб шаклланиб боради.

Шахс сифатлари музокара олиб бориш жараёни билан ўзаро боғлиқ: мулоқотда инсон ахлоқига оид энг типик белгилар, уларнинг феъл-атвори ва маънавий жиҳатларини билиш ва ҳисобга олиш жиддий аҳамиятга эга бўлади. Хизматга доир мулоқот ҳаққонийлик, тўғри сўзлик, камтарлик, бурч, кадр-қиммат каби шахснинг маънавий фазилатлари ва этика тоифалари асосига қурилиб, улар хизмат муносабатларига маънавий тус беради. Мулоқот характерида иштирокчиларнинг темпераменти (мижози) таъсир кўрсатади.

Анъанавий равишда темперамент (мижоз)нинг тўрт тури ажратиб кўрсатилади – сангвиник, флегматик, холерик ва меланхолик.

1) **Сангвиник** ҳаётдан қувониб яшайди, чакқон, фаол, янгиликларни тез қабул қилади, одамлар билан анча енгил киришиб кетади. Ўз ҳис-туйғуларини осон назорат қилади ва фаолиятнинг бир туридан бошқасига ўтиб кета олади.

2) **Флегматик** босиқ, биров сузташ, фаолиятнинг янги турлари ва янги шароитга оғир мослашади. Янги ишни узок ўйлаб, режалаштиради, аммо, уни бошлагач, охирига етказмай қўймайди.

3) **Холерик** фаол, тадбиркор, катта иш қобилияти, қийинчиликларни енгиб ўтишда матонатлилиги билан ажралиб туради, бироқ кайфиятнинг кескин ўзгариши, эмоционал

куюшқондан чиқиб кетиш, депрессияга мойил бўлади. Мулоқотда кескин, сўз танлаб ўтирмайди.

4) **Меланхолик** таъсирчан, ҳис-туйғулар оғушида, асосан салбий ҳисларга берилган. Мураккаб вазиятда довдираб, ўзини йўқотиб қўйиши мумкин. Қулай шароитда ўз мажбуриятларини яхши адо эта олади.

Шахслар экстраверт ва интровертларга бўлинадилар. **Экстравертлар** эътибори ўзининг ички оламига эмас, балки кўпроқ ташқи муҳитга қаратилган. Улар одамлар билан тез киришиб, турли шарт-шароитларга осон мослашадилар. **Интровертлар** асосан ўз ички оламлари билан машғул бўлиб, ўз-ўзини таҳлил қилиш ҳамда одамовиликка мойилдирлар.

Хизмат (ишбилармонлик) мулоқоти шакли – суҳбат (диалог) мулоқоти – у ёки бу индивид муайян темперамент (мижоз) типига оид деб топиладиган шахснинг маънавий фазилатлари ва феъл-атвор хусусиятларини энг тўлиқ тарзда намоён этадиган оғзаки мулоқот тури.

Қўл билан тегиш ва қўл бериб кўришиш музокара юритишнинг новербал воситаси сифатида

Кинесика – суҳбатдошини (ҳамкорини) унинг имо-ишоралари, мимикаси ва гавдасини тутишига қараб ўрганиш.

Энг кенг тарқалган ишора, ҳаракат **қўл билан тегиш**, ёки тактил контакт ҳисобланади. Қўл билан тегиш мулоқот қилинаётган ҳамкорга бўлган туйғуларни ифодаловчи белги бўлиб қолади: қўпол, оғриқли контакт тажовуз ва зўравонликда ишлатилса, майин, оғриқсиз контактлар ҳамкорга бўлган ишонч ва мойилликдан далолат беради.

Турли маданиятларда қўл билан тегишга муносабат турлича. Масалан, Англияда суҳбатдошлар бир-бирига камдан-кам ҳолларда қўл теккизадилар; мисол учун, Кембрижда талабалар бир-бири билан бир йилда икки марта қўл бериб кўришадилар – ўқув йили бошида ва охирида. Лотин Америкаси мамлакатларида эса, аксинча, қўл бериб кўришиш одатий тус олган.

Қўл бериб кўришиш – ҳар қандай учрашув ва хайрлашувнинг доимий аломатидир. Қўл бериб кўришиш

турлари: 1) куруқ қўл билан жуда қисқа, бўшгина кўришиш бепарволик, лоқайдликдан дарак беради; 2) давомли кўришиш ва қўлларнинг жуда намлиги кучли ҳаяжон белгиси; 3) биров узок давом этган қўл бериб кўришиш, табассум ва илиқ нигоҳ билан бирга самимиятдан далолат.

Хорижликларда қўл бериб кўришишга бўлган турлича қарашлар: Осиёлик ҳамкорлар билан учрашганда улар кафтини узок вақт ва кучли сиқиб туриш керак эмас, аксинча, ғарбий европалик ва америкалик тадбиркорлар эса бўш (сўлиган), осилиб қолган қўл қисишни умуман ёқтирмайдилар, чунки улар кучкуват ва чаққонликни жуда қадрлайдилар.

Кафтни турлича буриш (тутиш) ёрдамида бу ишорага турлича маъно бериш мумкин:

1) қўл билан бошқа кишининг кафтини пастга қаратиб маҳкам тутиб туриш – ҳукмронликка интилган одамнинг кўришиши, бу ҳол инсон мулоқот жараёнида ҳам етакчилик қилишга интилаётганлигини кўрсатади;

2) кафти юқорига қаратилган қўл узатиш – тобеларча кўришиш. У ташаббусни бошқа кишига бериш ёки унга ўзини вазият эгаси каби ҳис қилиши талаб этилганида зарур бўлади;

3) ҳар иккала ҳамкорнинг қўллари бир хил вазиятда бўлган қўл бериб кўришиш улар бир-бирига ҳурмат ва ҳамжиҳатлик билдираётганини англатади;

4) тўғри, букилмаган қўл билан кўришиш ҳукмронларча кўришиш каби ҳурматсизлик белгиси ҳисобланади. Ундан асосий мақсад – орадаги масофани сақлаш ва тенгсизликни яна бир марта эслатишдан иборат.

Очиқлик ва муҳофаза ишоралари

Очиқлик ишоралари самимийлик ва очиқ-ойдин сўзлаш истагидан далолат беради. Бундай ишоралар гуруҳига “очиқ қўллар” ва “пиджак тугмаларини ечиш” кабилар киради.

“Очиқ қўллар” ишораси суҳбатдошингиз қўлларини сиз томонга кафтини юқорига қилиб узатишидан иборат.

“Пиджак тугмаларини ечиш” ишораси ҳам очиқликдан далолат беради. Бизга нисбатан очиқ ва дўстона ниятдаги кишилар кўпинча суҳбатдош қаршисида нафақат пиджак

тугмаларини, балки унинг ўзини ҳам ечиб қўядилар. Тажрибага кўра тугмаси ечилган пиджакдаги суҳбатдошлар ўзаро кўпроқ битимга эришади. Ўз қарорини мақбул (ижобий) тарафга ўзгартираётган шахс одатда қўлларини ёзиб, пиджак тугмаларини ўз-ўзидан ечиб юборади. Муҳокама қилинаётган масала юзасидан битимга эришиш мумкинлиги аён бўлгач, шунингдек биргаликдаги ишдан ижобий таассурот ҳосил бўлган ҳолларда ўтирганлар пиджак тугмаларини ечиб, оёқларини чўзиб оладилар ва ўзларини қарши тарафдаги суҳбатдошларидан ажратиб турган столга яқинроқ, стул чеккасига сурилиб ўтирадилар.

Ишончсизлик (гумон) ва яширувчанлик ишоралари суҳбатдошга нисбатан ишончсизлик, унинг ҳақлигига ишонмаслик, бирон нимани яшириш ва билдирмасликдан далолат беради. Бу ҳолларда суҳбатдош қўл билан чеккалари, даҳанини ишқалаб, юзини қўллари билан тўсишга ҳаракат қилади. Аммо аксарият ҳолларда у кўзини олиб қочиб, ҳамсуҳбатига қарамасликка интилади.

Яна бир яшириш интилиш кўрсаткичи – **ишоралар номувофиқлиги**. Агар сизга нисбатан ғаразли муносабатда бўлган ёки ҳимояланаётган одам жилмайса, демак у сохта табассум ортида ўзининг риёкорлигини яширишга интилмоқда.

Ҳимоя ишоралари ва позалари – бу суҳбатдошингиз хавф сезаётгани белгисидир. Бундай белгилар орасида энг кенг тарқалгани – кўкрак устида чалиштирилган қўллар ҳисобланади. Қўллар бу ерда тўрт хил ҳолат эгаллаши мумкин:

1) шунчаки чалиштирилган қўллар суҳбатдошнинг ҳимояга тайёр ёки салбий ҳолатини билдиради. Бу ҳолда ўз ҳаракатларингиз ёки сўзларингизни ўзгартириш керак, акс ҳолда суҳбатдош муҳокамадан ўзини тортади. Бу ишора бошқа одамларнинг ўзини тутишига ҳам таъсир кўрсатишини унутмаслик керак. Масалан, сиз тўрт ва ундан ортиқ кишидан иборат гуруҳда қўлингизни ҳимоя позасида чалиштирамангиз, гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам тез орада сизга таклид қиладилар. Баъзан бу ишора шунчаки дадиллик ва хотиржамлик билдириши мумкин, аммо бу суҳбат конфликтли характерга эга бўлмаган пайт рўй беради.

2) агар суҳбатдош қўлларини кўкрак устида чалиштиришдан ташқари бармоқларини мушт қилиб туғиб олса, бу унинг ғаразли

нияти ёки ҳужумкор мақсадидан далолат беради. Бу ҳолда ўз нутқингиз ва ҳаракатларингизни секинлаштириб, суҳбатдошга сизга тақлид қилишни таклиф этгандай бўлинг. Бу ҳам ёрдам бермаса, суҳбат мавзусини алмаштиришга ҳаракат қилинг.

3) чалиштирилган қўл панжалари билан елкаларни кучиб олиш (баъзан панжалар елка ёки бицепсларни шу қадар қаттиқ сиқадики, бармоқлар оқариб кетади). Бу ишора суҳбатдошнинг муҳокама қилинаётган масала бўйича сизнинг позициянгизга салбий муносабатини, реакциясини тутиб турганлигини англатади. Ушбу усул суҳбатдошлар бир-бирини ўз позицияси тўғрилигига ишонтиришга интилиб мунозара қилаётганида қўлланиб, кўпинча совуқ, кўзни биров қисиб ташланган нигоҳ ва сунъий табассум билан бирга ишлатилади.

Иккиланиш, тинглашни истамаслик, норозилик, тайёрликка доир ишора ва позалар

Ишоралар ёрдамида узатиладиган (билдириладиган) ахборот ўз хусусиятларига эга. Биринчидан, ишораларда организм ҳолати ва эмоционал реакциялар намоён бўлади. Иккинчидан, гавда ҳолат ва ҳаракатлари инсоннинг феъл-атворга оид кўплаб хусусиятларини, унинг ўзига бўлган ишончи даражасини, эҳтиёткорлиги ёки жўшқинлигини ифодалайдилар. Ҳаракатларда одамнинг ижтимоий мақоми ҳам намоён бўлади. Учинчидан, ҳолат ва ишораларда инсон томонидан ўзлаштириб олинган маданий меъёрлар кўринади. Тўртинчидан, ишора ва гавда ҳолатларига соф шартли, рамзий маънолар тегишли деб ҳисобланади.

Иккиланиш ва ишончсизлик ишоралари ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи билан қулоқ солинчаги тагини ёки бўйиннинг ён томонини қашиш билан боғлиқ (одатда бешта қашловчи ҳаракат бажарилади).

Бурунга қўл тегизиш ёки уни енгилгина ишқалаш – иккиланиш аломати. Суҳбатдошингиз саволингизга жавоб беришга қийналса, у кўпинча кўрсаткич бармоғи билан бурнига тегади ёки уни ишқалай бошлайди. Тўғри, бу ерда изоҳ бериб ўтиш лозим: баъзан одамлар бурнини у қичигани учун

қашийдилар. Аммо улар бу ишни ғайрат билан бажарадилар, уни ишора сифатида қўллаганлар эса уни озроқ ишқалайдилар, холос.

Тинглашни истамаслик ва суҳбатни тугатиш истагидан далолат берадиган ишора ва ҳолатлар бир қадар яққол.

Суҳбатдошингиз сўзлашиб туриб, қовоқларини туширса, бу унинг сизга бўлган қизиқиши тушиб кетгани ёки сиз унинг жонига текканингиз, ёки у ўзини сиздан устун сезаётганлиги белгисидир. Ҳамсуҳбатнинг қарашлари ана шу томонга ўзгарганини сезганингизда, суҳбатни муваффақиятли тугаллашдан умид қилсангиз, мавзунини ёки суҳбатнинг йўналишини ўзгартириш зарур.

“Қулоқ ичини кавлаш (қашиб)” ишораси суҳбатдошининг у эшитаётган сўзларидан ўзини тўсиб олиш истагидан далолат беради. Қулоқ билан боғлиқ яна бир ишора, қулоқ солинчагинини чўзғилаш – суҳбатдош тинглаб чарчагани ва ўз фикрини билдирмоқчи эканлигидан далолат беради.

Суҳбатдош гапни яққол тугатмоқчи бўлса, у аста (ёки онгсиз тарзда) эшик томон силжийди ёки бурилиб олади, бундан унинг оёқлари чиқиш томонга қараган бўлади. Гавда ва оёқлар ҳолати унинг кетиш истагида эканлигини билдиради. Суҳбатдош кўзойнагини ечиб, уни намоёйишкорона чеккага қўйиб қўйиши ҳам шундай хоҳиш белгисидир. Бундай вазиятда суҳбатдошни бирон-нима билан қизиқтириш ёки унга кетиш имконини бериш лозим. Агар суҳбатни худди шу тарзда давом эттирсангиз, истаган натижангизга эришишингиз гумон.

Атайлаб вақтни чўзиш истагидан далолат берадиган ишоралар, одатда, кўзойнак билан боғлиқ. Узил-кесил қарор устида ўйлаб кўриш мақсадида ва вақтни чўзиш учун суҳбатдош қуйидаги имо-ишораларни бажаради: кўзойнагини ечиб-тақиб ўйнайди, унинг ойналарини артишга киришади. Агар бу ҳаракатлар сиз суҳбатдошингиздан у қандай қарорга келганлиги тўғрисида сўраганингиздан кейин кузатилса, яхшиси бироз индамасдан кутганингиз маъқул. Ҳамсуҳбат кўзойнагини қайта тақиб олиши унинг фактларга яна бир бор назар ташламоқчи эканлигини билдиради.

“У ёқдан бу ёққа юриш” шошилиш керак эмаслигини англатади. Кўпгина ҳамсуҳбатлар мураккаб муаммо қаршисида ёки оғир қарор қабул қилиш олдидан вақт чўзиш мақсадида бу

ишорадан фойдаланадилар. У ёқ-бу ёққа юрганларни гап билан чалғитиш ярамайди: бу уларни фикридан адаштириб, қарор қабул қилишига ҳалал бериши мумкин.

Ўзини бошқалардан устун сезадиган, ўзига ишонган одамлар “қўлларини орқага қилиб билагидан ушлаб олиш” ишорасидан фойдаланиладилар. “Қўлларини орқага қилиб, бармоқларни чалиштириш (кулфлаш)” ишорасини ажратиш керак. Бу ишора одам ҳафалигидан ва ўзини қўлга олишга ҳаракат қилаётганидан далолат беради. Унинг жаҳли қанча кўп чиқса, унинг қўллари шунча юқори чиқиб боради. “Ўзини қўлга олмоқ” ибораси айнан ана шу ишорадан олинган. Асабийлашганини яшириш мақсадида қўлланадиган бу ишорани кузатувчан ҳамкор тезда илғаб олади.

“Қўлларни бош ортига олиш” ишораси ҳам ўзини бошқалардан устун ҳис қиладиган, ўзига ишонган одамларга тегишли. Кўпчилик бу ишорадан асабийлаша бошлайди.

Норозилик ишораларини сиқиб чиқариш ишоралари деб номлаш мумкин, чунки улар ўз фикрини айта олмаслик оқибатида келиб чиқади. “Кийим устидаги кўзга кўринмас тукларни териб олиш” – ана шундай ишоралардан бири. Бу ишорани қўллайдиган шахс, одатда, бошқаларга орқа қилиб ўтиради. Анча кенг тарқалган бу норозилик белгиси унинг эгаси, оғзида барча гапларни маъқуллашига қарамай, бу ерда айтилаётган гаплар унга ёқмаётганлигини билдиради.

Тайёрлик ишоралари суҳбат ёки учрашувни тугатиш мақсадини билдириб, гавдани олдинга узатганликда ифодаланади. Бунда ҳамкорнинг иккала қўли тиззаси устида ёки стулнинг ён қирраларини тутиб туради. Суҳбат жараёнида ана шу ишоралардан бири намоён бўлса, ташаббусни қўлга олиб, гапни тугатишни таклиф этиш керак. Бу руҳий устунликни сақлаб қолиш ва вазиятни назорат қилиш имконини беради.

Қўл бармоқларининг бирлашганлиги ҳамкор ҳафсаласи пир бўлганини ва унинг айтилган гапларга салбий муносабатини билдиради.

Конфликтли вазиятда проксимик ахлоқ

Проксимика (ингл. proximity – яқинлик) – одамлар риоя қиладиган масофа, ҳамда бу биологик қонуният.

Инсоннинг маконга доир шахсий ҳудудини қуйидаги зоналарга бўлиш мумкин:

- 1) интим – 15 дан 45 см гача;
- 2) шахсий – 46 дан 120 см гача;
- 3) социал – 120 дан 360 см гача;
- 4) ижтимоий ёки оммавий – 360 см дан катта.

Интим зона – улар ичида асосийси, айнан уни инсон ўз мулки каби асрайди. **Шахсий зона** – одатда, расмий қабуллар ва дўстона кечаларда одамлар орасини ажратиб турадиган масофа. **Социал зона** – ўзимиз у қадар яхши билмаган одамлар билан орамизда сақлайдиган масофа. **Ижтимоий ёки оммавий зона** – кўп сонли одамлар гуруҳига мурожаат қилганда риоя қилинадиган масофа.

Танланадиган масофа одамлар орасидаги ўзаро муносабатлар (шахс ўзи ёқтирган кишиларга яқинроқ туришга интилади) ва инсоннинг шахсий хусусиятларига боғлиқ (масалан, интровертлар жуда яқин масофага тоқат қила олмайдилар).

Проксимик ахлоқ ўз ичига нафақат масофани, балки одамларнинг макондаги ўзаро жойлашуви, мўлжал олишини ҳам назарда тутди: дўстлар – ёнимиздан, хизмат суҳбати иштирокчилари – стол бурчаги ортидан, рақобатчилар – стол орқасидан жой оладилар.

Мулоқот иштирокчилари музокаралар столи атрофида қайси жой эгалланганига қараб ўзаро ҳаракат (ҳамкорлик) қилиш қоидалари. Иш кабинети шароитида музокара иштирокчилари стандарт музокаралар столи атрофида тўрт хил ҳолатда жойлашадилар: 1) бурчакма-бурчак жойлашиш; 2) хизмат (ишбилармонлик) ўзаро ҳамкорлик позицияси; 3) рақобат-ҳимоя позицияси; 4) мустақил позиция.

Бурчакма-бурчак жойлашиш дўстона эркин суҳбат билан банд бўлган одамларга хос. Бу позиция одамлар бир-бирини бевосита кузатиб туришига, ҳамда имо-ишоралар қилиш ва суҳбатдош ишораларини бемалол кузатиш учун кенг имкон

яратиб беради. Стол бурчаги суҳбатдош томонидан хавф туғилган пайтида қисман тўсиқ вазифасини ўташи ҳам мумкин.

Хизмат (ишбилармонлик) ўзаро ҳамкорлик позициясини, одатда, ҳаммуаллифликда бирон-бир муаммо устида иш олиб бораётган кишилар эгаллайдилар. Бу умумий қарорларни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқариш учун энг қулай ва муваффақиятли стратегик позициялардан бири. Ҳамкорларнинг бир-бирининг қаршисидан ўрин олиши кўпинча рақобат муҳитини пайдо қилади. Суҳбатдошларнинг бундай жойлашиши ҳар томон ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишига кўмаклашади. Улар ўртасидаги стол ўзига хос тўсиқ (барьер) бўлиб хизмат қилади. Бу ҳолатни ўзаро рақобат муносабатидаги одамлар, ёки улардан бири иккинчисини огоҳлантирган пайтида эгаллайдилар.

Рақобат-ҳимоя позицияси суҳбатдошлар бир-бирини тушунишини қийинлаштириб, эркин муҳит яратилишига йўл қўймайди. Рақобат-ҳимоя позициясига нисбатан бурчакма-бурчак ва хизмат (ишбилармонлик) ўзаро ҳамкорлик позициясида мақбул муҳит яратилишига ва кўпроқ натижага эришиш мумкин. Бундай позицияда суҳбат қисқа ва ўзига хос бўлиб ўтади. Баъзан ўз материални тақдим этишда бурчакма-бурчак жойлашиш мураккаб ёки ноўрин бўлиб чиқиши мумкин. Агар суҳбатдошингиз материалингизни яхшироқ кўриб чиқиш учун олдинга эгилса-ю, аммо уни ўз томонига суриб олмаса, демак у материалга қизиқмаган. У материални ўз тарафига суриб олса, бу ҳол ҳамкор қизиқиш билдирганидан дарак беради. Суҳбатдош материални ўзидан нарига суриб қўйиши эса битимдан умид йўқлиги ва суҳбатни тезроқ тугаллаш кераклигини англатади.

Бир-бири билан ҳамкорлик қилишни, бирга ишлашни истамаган кишилар **мустақил позицияни** эгаллайдилар. Бу позиция ҳар икки томондан манфаат, қизиқиш йўқлигини билдиради. Очик-ойдин суҳбат ёки манфаатли музокаралар талаб этилган ҳолларда бу позициядан фойдаланмаслик керак.

Стол шакли руҳий иқлим яратувчи омил сифатида:

1) квадрат шаклли стол эгаллаган мақомига кўра ўзаро тенг кишилар ўртасида рақобатчилик муносабатлари юзага келишига хизмат қилади. Квадрат стол қисқа хизмат суҳбатини ўтказиш, ёки ўзаро одамлар мавқеи ё эгаллаган ўрнидаги фарқни бўрттириб кўрсатиш учун қулай. Бу ҳолда яхши ҳамкорлик

муносабатлари стол атрофидаги одамлардан ёнингизда ўтиргани билан ўрнатилиб, бунда ўнг томонингиздаги одам чап томондагига нисбатан сизга эътиборлироқ бўлади. Шунингдек сизнинг тўғрингизда ўтирган одам сизга энг катта қаршилик кўрсатади;

2) тўғри бурчак стол атрофида, бир хил социал мақомга эга бўлган одамлар учрашувида эшикка қараб ўтирган одамнинг ўтирган жойи энг обрўли ҳисобланади;

3) юмалоқ стол норасмий ва эркин муҳит ҳосил қилиб, бир хил социал мақомли одамлар учрашуви ё суҳбатини айнан унинг атрофида ўтказган маъқул.

Квадрат ёки тўғри бурчак стол кўп ҳолларда хизмат суҳбатлари, музокаралар, брифинглар мақсадида ишлатилса; юмалоқ стол – эркин муҳит яратиш учун қўлланилиб, битимга эришиш талаб этилганида қулай ҳисобланади. Столнинг шаклини тўғри танлашдан ташқари, суҳбатдошни руҳий мақбул шароит, қулайлик ҳосил қиладиган тарзда жойлаштириш ҳам муҳим ўрин тутadi.

Конфликтда визуал контакт

Нигоҳ, унинг йўналиши, кўзларнинг ўзаро тез-тез тўқнашиб (учрашиб) туриши – новербал мулоқотнинг яна бир компонентиدير. **Нигоҳ йўналиши** суҳбатдош эътиборининг нимага қаратилганлигини кўрсатиб, шу билан бирга суҳбатдошнинг у ёки бу хабарга муносабатини билдирадиган тескари боғлиқлик билан ҳам таъминлайди.

Суҳбатдош кайфияти ўзгаришига боғлиқ равишда унинг нигоҳи ҳам ўзгариб туради:

1) кундуз ёруғида кўз қорачиғи инсон муносабати ва кайфияти ижобийдан салбийга ва аксинча тарафга ўзгаришига боғлиқ кенгайиши ҳамда торайиши мумкин.

2) одам хурсандликдан ҳаяжонга тушганида унинг кўз қорачиқлари оддий ҳолатга нисбатан тўрт баробар катталашади.

3) жаҳлдор, ғамгин кайфият кўз қорачиғи кичрайиб кетишига сабаб бўлади.

4) кўпинча кўз қири билан, зимдан қараш (нигоҳ)ни учратиш мумкин. У қизиқиш ёки душманликни англатади. Агар бундай қарашда қошлар биров кўтарилган ёки киши юзида

табассум бўлса, бу ҳол қизиқишдан далолат беради ва у аксарият ҳолларда суҳбатдошини жалб қилиш учун қўлланади. Аксинча, бу каби қарашда қошлар чимирилган, пешона тиришган, оғиз чеккалари пастга қараган бўлса, билинг-ки, бу сизга нисбатан гумонли, душманларча ёки танқидий муносабатни англатади.

5) Суҳбат пайтида кўз қовоғини узоқроқ муддатга ёпиш, пастга тушириш. Бу онгсиз равишда бажариладиган ишора ҳамкорнинг сизни ўз “назаридан чиқариб ташлаш”га уринишидир, чунки сиз унинг жонига теккансиз ё уни қизиқтирмай қўйгансиз, ё бўлмаса, у ўзини сиздан устун ҳис этмоқда. Кўзларнинг нормал ҳолатдаги бир дақиқада очилиб ёпилиш частотаси 6-8 марта бўлганида бу одамнинг қовоқлари бир сония ёки ундан кўпроқ вақтга ёпилади ва у сизни хотирасидан ўчириб ташлагандек бўлади.

6) Агар одам ўз устунлигига урғу бермоқчи бўлса, у кўзини юмишдан ташқари бошини биров орқага ташлаб, кўзини сиздан узмай узоқ қараб туриши билан (такаббурона қараш) ажралиб туради. Суҳбатдошнинг бу каби қарашини оппонент ҳаракатларига нисбатан унда салбий муносабат юзага келгани ва суҳбатни муваффақиятли тугаллаш учун ниманидир ўзгартириш кераклигини англатади.

Визуал контактда ўзини тутиш (ахлоқ) қоидалари:

1) хизматга доир суҳбатлар ва музокаралар пайтида ўз кўз ифодангизни назорат қилиб туриш жуда муҳим;

2) нигоҳингиз ҳамкор кўзлари билан бутун мулоқот вақтининг тахминан 60-70% қисми давомида учрашиши (тўқнашиши) лозим;

3) хизматга доир суҳбатлар ва музокаралар пайтида ҳеч қачон қора кўзойнак тақманг, чунки ҳамкорингиз уни зимдан, кўз узмай кузатиб турибсиз деган фикрга бориши мумкин.

4. Конфликтларни прогнозлаш

Конфликтни бошқариш — унга нисбатан онгли фаолият бўлиб, унинг юзага келиш, ривожланиш ва тугалланишининг барча босқичларида конфликт иштирокчилари ёки учинчи тараф томонидан амалга оширилади.

Конфликтни бошқаришнинг бош принципи – компетентлилик принципи (тамойили): биринчидан, конфликтли вазиятга аралашаётган одамлар унинг юзага келиш, ривожланиш ва тугалланишига доир умумий билимга эга бўлишлари; иккинчидан, муайян вазият тўғрисида максимал даражадаги ҳар томонлама, батафсил, мазмунли маълумотни йиғиш талаб этилади.

Конфликтни бошқариш қуйидагиларни ўз ичига олади: симптоматика, диагностика, прогноз қилиш (башоратлаш), профилактика, олдини олиш, бўшаштириш ва ҳал қилиш. Бошқарувчи таъсирларга қуйидагилар оид ҳисобланади: конфликтлар кесишуви, сўндирилиши, уларни енгиб ўтиш ва бартараф этиш.

Конфликтларни прогноз қилиш (башоратлаш) – уларнинг эҳтимол тутилган юзага келиши ёки ривожланиши тўғрисидаги асосланган фараз (тахмин). Конфликтларни прогноз қилиш (башоратлаш)

Конфликтларни прогнозлаш ва уларнинг олдини олиш (профилактика қилиш)нинг хусусиятлари

Конфликтни бошқариш – конфликт иштирокчилари ёки учинчи томон тарафидан конфликтнинг юзага келиш, ривожланиш ва тугалланишининг барча босқичларида унга нисбатан амалга ошириладиган онгли фаолият.

Конфликтни бошқаришнинг асосий тамойили – компетентлилик (омилкорлик) тамойили: биринчидан, конфликтли вазият ривожига аралашаётган одамлар конфликтнинг юзага келиши, ривожланиши ва унинг тугалланиши тўғрисидаги умумий билимга эга бўлишлари керак; иккинчидан, муайян вазият тўғрисида имкон қадар турли-туман, батафсил ва мазмунли маълумотни йиғиб олиш зарур.

Конфликтни бошқариш ўз ичига қуйидагиларни олади: симптоматика, диагностика, прогнозлаш, профилактика, олдини олиш, бўшаштириш ва ҳал қилишни. Бошқарувчи таъсирларга қуйидагилар киритилади: конфликтни кесиштириш, сўндириш, енгиб ўтиш ва уни бартараф этиш.

Конфликтларни прогнозлаш – уларнинг эҳтимолий юзага келиши ёки ривожланиши тўғрисидаги асосли фараз. Конфликтларни прогнозлаш конфликтларни илмий тадқиқ этиш ва пайдо бўлаётган социал зиддиятлар симптоматикаси ва диагностикасига асосланади.

Конфликтларни прогнозлаш учун фан икки босқични босиб ўтиши лозим:

1) Конфликтлар турли кўринишларининг баёний моделларини ишлаб чиқиш, яъни қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- конфликтлар моҳиятини аниқлаб олиш;
- улар таснифини бериш;
- тузилмаси, функцияси (вазифалари)ни очиб бериш;
- эволюцияси ва динамикасини тасвирлаб бериш;

2) конфликтлар ривожининг ҳаракатлантирувчи кучлари ва уларнинг сабабларини очиш имконини берадиган уларнинг изоҳловчи моделларини ишлаб чиқиш. Изоҳловчи моделлар конфликтларнинг тизимли-генетик таҳлили йўли билан яратилади.

Конфликтлар профилактикаси – социал ўзаро ҳаракат (ҳамкорлик) субъектларининг улар орасида конфликт келиб чиқишига йўл қўймайдиган ҳаёт фаолиятини йўлга қўйиш; бу кенг маънода конфликтларнинг олдини олишдан иборат.

Конфликтлар профилактикасидан мақсад – одамлар фаолияти ва ўзаро ҳамкорлиги учун улар орасида зиддиятларнинг юзага келиши ёки вайронкор ривожланиши эҳтимолининг олдини олишдан иборат; унинг хусусияти шундаки, конфликтларни ижобий ҳал қилишдан кўра уларнинг олдини олиш, уларга йўл қўймаслик анча осон. Профилактика камроқ куч, маблағ ва вақт талаб қилиб, ҳар қандай ижобий ҳал этилган конфликтдан сўнг қоладиган минимал вайронкор оқибатларга йўл қўймайди.

Конфликтлар олдини олишнинг объектив шарт-шароитлари ва ташкилий-бошқарув омиллар

Конфликтларнинг олдини олиш фаолияти тўртта асосий йўналиш бўйича олиб борилиши мумкин:

1) конфликт олди вазиятлари юзага келиши ва вайронкор ривожланишига йўл қўймайдиган объектив шароит яратиш;

2) ташкилотлар яратиш ва улар фаолиятининг ташкилий-бошқарув шароитларини оптималлаштириш – конфликтлар олдини олишнинг муҳим объектив-субъектив шарти;

3) конфликтларнинг социал-руҳий сабабларини бартараф этиш;

4) конфликтлар юзага келишининг шахсга оид сабабларининг олдини олиш.

Вайронкор конфликтлар профилактикасига кўмаклашадиган асосий объектив шартлар:

1. Ташкилотда ишчи-хизматчиларнинг иш фаолияти учун қулай шароит яратиш. Бундай шароитларга қуйидагилар киради:

- оиланинг моддий таъминланганлиги;
- шахснинг хизмат фаолиятида ўз иқтидорини рўёбга чиқариш имконияти;
- меҳнат шароитлари;
- қўл остидаги ишчи-ходимлар, касбдошлар ва бошлиқлар билан шаклланган шўаро муносабатлар;
- инсон саломатлиги;
- оиладаги муносабатлар;
- тўлақонли ҳордиқ учун бўш вақт мавжудлиги.

2. Ташкилот жамоаси ўртасида моддий неъматларнинг адолатли ва ошкора тақсимланиши.

3. Типик конфликт олди вазиятларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва бошқа меъёрий амалиётларини ишлаб чиқиш. Конфликт олди вазиятларга қуйидагилар киради:

- иш ҳақи ўлчамларини белгилаб олиш;
- бир неча даъвогар бўлган вакант лавозимга одам тайинлаш;
- ходимни янги иш жойига ўтказиш;
- ходимни ишдан бўшатиш.

4. Инсонни ўраб турган тинчлантирувчи моддий муҳит.

Конфликтлар эҳтимолини камайтирадиган моддий муҳит омилларига қуйидагилар оид ҳисобланади:

1) ишчи ва яшайдиган хоналарнинг қулай режалаштирилганлиги;

2) ҳаво муҳити, ёритилганлик, электр магнит ва бошқа кўрсаткичларнинг оптимал тавсифлари;

3) хоналарнинг тинчлантирадиган рангларга бўялганлиги;

4) руҳий ҳордиқ хоналарини ташкил этиш;

5) асабга таъсир қиладиган шовқинлар йўқлиги.

Конфликтларнинг олдини олиш билан боғлиқ объектив-субъектив шартларга қуйидаги ташкилий-бошқарув омиллари оид деб ҳисобланади:

1) тузилма-ташкилий омиллар – цех, завод, фирмани, бир томондан, ташкилот сифатида, иккинчи томондан, социал гуруҳ сифатида оптималлаштириш билан боғлиқ;

2) функционал-ташкилий омиллар – ташкилотнинг тузилма элементлари ва унинг ишчи-хизматчилари орасидаги функционал ўзаро боғлиқликларни оптималлаштириш билан боғлиқ;

3) шахсий-функционал омиллар;

4) вазият-бошқарув омиллари.

Конфликтлар профилактикасининг социал-руҳий шартлари

Конфликтлар профилактикаси социал-руҳий шароитларининг хусусиятлари шундан иборатки, улар: биринчидан, объектив ва ташкилий-бошқарув омилларга нисбатан бошқарув таъсирларида осонроқ бошқариладилар; иккинчидан, конфликтга сезиларли даражада таъсир кўрсатадилар, шунинг учун уларнинг ўзгариши социал зиддият ривожланиши жараёнида ҳам жиддий ўзгаришлар келтириб чиқаради.

Беш асосий мувозанат мавжуд бўлиб, уларнинг издан чиқиши конфликтларга олиб келиши мумкин:елик

1) роллар (вазифалар) мувозанати. Ҳамкорлардан ҳар бири бошқасига нисбатан ўз руҳий () психологик мақомига кўра катта, тенг ёки кичик ҳамкор ролини ўйнаши мумкин;

2) қарор қабул қилиш ва ҳаракат қилишда ўзаро боғлиқлик (тобелик) мувозанати. Ҳар бир одамга аввалбошдан эркинлик ва мустақилликка интилиш ички туйғуси хосдир. Мулоқот жараёнида ҳамкорнинг қай даражадаги тобелиги унинг учун оғир тушмаслиги ва ҳар икки томон учун мақбул (қулай) бўлган тобелик мувозанатини сақлаб туриш лозим;

3) ўзаро хизмат кўрсатиш мувозанати. Биргаликдаги фаолият жараёнида одамлар меъёрий ёрдамдан ташқари, шахсий хизматлар кўрсатадилар (масалан, бошқанинг ўрнига ишга чиқиш, маълум вазифани бажаришда сидқидилдан ёрдам бериш, бирон-бир детал, чипта, товар олиб бериш ва б.). Икки одам ўртасидаги ўзаро хизмат кўрсатиш мувозанатининг издан чиқиши ўзаро муносабатларда кескинлик ҳамда конфликтни келтириб чиқариш эҳтимоли мавжуд. Бирон кимса хизматдошига меъёрий бўлмаган хизмат кўрсатсаю, вақт ўтиши билан жавобан унга шу каби кадрли хизмат кўрсатилмаса, хизматлар мувозанати бузилади. Бу эса ўзаро муносабатлар уйғунлиги издан чиқишига, кейинроқ эса – конфликтларга олиб келади;

4) зарарлар мувозанати. Агар бирор шахс жиддий зарар кўрса, унда бунга жавобан ўзига зарар етказган одамларга зарар етказиш ҳисс пайдо бўлади. Конфликтлар профилактикасининг муҳим социал-психологик шарти атрофдагилар билан бирга фаолият юритиш жараёнида уларга зарар етказмаслик ҳисобланади. Зарар етказилиши шахслараро ёки гуруҳлараро ўзаро ҳамкорлик мувозанати уйғунлигини бузиши ва конфликт асоси бўлиб келиши мумкин;

5) ўз-ўзига ва ташқаридан берилган баҳолар мувозанатланганлиги. Ўзаро бир-бирини баҳолаш жараёни айниқса “рахбар-қўл остидаги ходим” ўзаро ҳамкорлиги (фаолияти) давомида жадал кечади.

69. Вазиятга бўлган ўз муносабати ва ундаги ахлоқини ўзгартириш

Конфликтли вазиятга таъсир кўрсатишнинг икки йўналиши: 1) ўз ахлоқига таъсир қилиш; 2) оппонент руҳияти ва ахлоқига таъсир кўрсатиш.

Конфликт олди вазиятига нисбатан ўз муносабатини тузатишнинг усул ва йўллари: 1) мулоқот конфликтга яқинлашиб бораётганини ҳис этиш ва бу вазиятдан конфликтга томон эмас, балки нормал ҳолатга қайтиш маҳорати; 2) бирга фаолият юритаётган ҳамкорини тушуниш ва сабаблар ҳамкор томонидан тўғри тушунилганлигига ишонч ҳосил бўлмаса, конфликт келтириб чиқармаслик; 3) ўзининг нисбатан турғун хавотирлилик ва тажовузкорлик даражасини пасайтириш ҳақида қайғуриш.

Хавотирлилик ва тажовузкорлик даражасини пасайтириш усуллари: 1) аутоген машғулотлар; 2) жисмоний машқлар; 3) тўлақонли ҳордиқ; 4) ишда ва оиладаги ижобий социал-психологик муҳит; 5) атрофдагилар билан мулоқот қилиш жараёнида пайдо бўлаётган муаммоларни ҳамкорлик, муроса, муаммолардан қочиш ёки йўл бериш ёрдамида ҳал қилишга тайёр бўлиш; 6) ҳамкор билан мулоқот давомида баъзи-баъзида бўлса ҳам жилмайиш; 7) атрофдагилардан жуда кўп напраса кутмаслик.

Негатив (салбий) ҳиссиётлар – конфликтлар келтириб чиқарадиган асосий омиллардан бири.

Салбий ҳиссиётларни камайтириш усуллари:

- воқеа-ҳодисаларнинг ривожини олдиндан кўра билиш;
- воқеа-ҳодисалар кутилгани каби ривожланмаса, улар кечишини мақбул томонга ўзгартириш имконига эга бўлиш;
- воқеаларнинг нафақат энг мақбул (ижобий), балки нохуш ривожланишини ҳам кутиш ва унга тайёр бўлиш;
- одамлар билан мулоқот пайтида уларга, уларнинг ишларига чин дилдан қизиқиш билан қараш. Сидқидилдан қизиқиш – мулоқот бўйича ҳамкор муаммоларини англашга, унга ёрдам беришга интилиш.

Конфликтга бардошлилик – инсоннинг конфликт келтириб чиқарадиган омиллар таъсиридан қатъи назар атрофдагилар билан ижобий (конструктив) фаолият юритиш имконини сақлаб қолиш имконияти.

Конфликтга бардошлилик омилларининг тўрт гуруҳи: 1) психофизиологик – ҳиссий-ирода барқарорликда намоён бўлади; 2) когнитив – инсон психик (руҳий) идрок этиш (англаш) жараёнлари сифатида намоён бўлади; 3) мотивацион – инсон шахсияти йўлланганлигида ва муайян мулоқот вазиятида унинг мотивларида намоён бўлади; 4) социал-психологик – шахснинг социал-психологик хусусиятлари, унинг атрофдагилар билан ўзаро ҳамкорлик, мулоқот қилиш шакллари акс эттиради.

Оппонентга таъсир кўрсатиш усуллари ва йўллари

Мулоқот бўйича ҳамкорга таъсир кўрсатишнинг асосий усул ва йўллари:

1) атрофдагилардан иложи бўлмаган нарсаларни талаб қилмаслик, уларнинг турли фаолиятга имконияти ҳар хил эканлигини ҳисобга олиш;

2) инсонни тез, тубдан ва бевосита таъсир кўрсатиш орқали қайта тарбиялашга ҳаракат қилмаслик;

3) мулоқот жараёнида ҳамкорнинг ҳозирги руҳий ҳолатини тўғри баҳолаш ва унинг томонидан тажовузкор жавоб ҳаракатлари эҳтимоли мавжуд бўлса, оғир муаммоларни муҳокама қилишдан қочиш;

4) мулоқот бўйича ҳамкорнинг ҳозирги руҳий ҳолатини баҳолашга имо-ишора, юз ҳаракатлари, гавда ҳолати ёрдамида ахборот узатиш қонунларини билиш ҳам кўмаклашади;

5) конфликтлар олдини олишнинг самарали усули – атрофдагиларни манфаатларингиз зарар кўрганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш;

6) ўз манфаатларини ҳимоя қилишга нисбатан қатъий позицияга эга бўлиш, уларга содиқ қолиш. Оппонентнинг ўзига, унинг шахсига нисбатан имкон қадар юмшоқроқ позиция эгаллаш керак;

7) муаммони муҳокама қилиш жараёнида оппонентнинг сўзини бўлмаслик, унга фикрини тўлиқ айтиб билдириш имконини бериш. Бундай стратегия унинг салбий ҳиссиётларини камайтиришга кўмаклашиб, бу эса конфликт олди вазиятидан осонроқ чиқиб кетиш имконини яратади;

8) одамларни уларнинг манфаатлари билан боғлиқ қарорлардан эртароқ хабардор қилиш мақсадга мувофиқ;

9) конфликтларнинг олдини олиш учун оппонент билан қарама-қаршилик доирасини кенгайтириш, муҳокама қилинаётган муаммолар сонини кўпайтириш, ҳамкорнинг шахсий хусусиятларини танқид қилиш керак эмас;

10) оппонентни оғир аҳволга солиб қўймаслик. Бундай шароитга тушган, камситилган ва таҳқирланган инсон ўз қадрини сақлаб қолиш учун осонлик билан кескин конфликтларга ҳам бораверади;

11) мулоқот бўйича ҳамкор билан норасмий, шахсий алоқалар ўрнатиш. Бунинг учун хизмат билан боғлиқ масалалар муҳокамаси олдидан ундан соғлиғи, оиласи ва ютуқлари ҳақида шахсий тусдаги бир неча савол бериш муҳим ўрин тутади;

12) мулоқот жараёнида муҳокама қилинаётган муаммоларнинг ҳар қандай жиҳатларига, айниқса ҳамкорнинг позицияси ва унинг шахсига қатъий, кескин, узил-кесил баҳо бермасликка интилиш лозим. Биринчидан, мулоҳазалар узил-кесиллиги оқилликдан далолат бермайди. Иккинчидан, қатъий баҳолар кўпинча нотўғри ва адолатсиз бўлиб чиқади. Учинчидан, узил-кесил берилган баҳо тўғри бўлса ҳам, ҳамсухбатингизда унга қарши фикр билдириш истагини пайдо қилади.

Конструктив танқид психологияси

Конструктив танқид психологиясининг тўрт жиҳати қуйидагилардан иборат:

1. Танқид қилишдан аввал амалга оширилиши талаб этиладиган ҳаракатлар: 1) ишни танқидсиз ҳам тузатиб бўлиш-бўлмаслигини аниқлаш; 2) камчиликлар мавжудлиги кимга фойда келтиришини аниқлаб олиш; 3) танқид мақсадларини белгилаб олиш; 4) танқид қилинаётган шахснинг ўз камчиликларига муносабатини аниқлаб олиш; 5) танқид қилинаётган шахс одатда танқидга қандай муносабат билдиришини билиш, ҳамда танқид шаклини шунга мувофиқ тарзда танлаш; 6) нима юз берганини аниқ билиш ва яхши бажарилмаган иш оқибатлари нималардан иборат эканлигини аниқ билиш; 7) танқид қилинаётган шахс позициясини охиригача тинглаш.

2. Конструктив танқид тузилмаси: 1) ишга ҳалал бераётган камчиликлар моҳиятини кўрсатиб ўтиш; 2) салбий натижанинг асосий айбдорини кўрсатиб ўтиш; 3) хатоликларга йўл қўйган бошқа одамларни ҳам аниқлаш; 4) ишда тўхталиш келтириб чиқарган шарт-шароитларни таҳлил қилиб чиқиш; 5) бу каби шарт-шароит юзага келишига сабабчи бўлган одамларни кўрсатиш; 6) шахснинг ишда хатоликларга йўл қўйишига сабаб бўлган руҳий (психологик) сабабларни аниқлаш; 7) камчиликнинг ўзини унинг такрорланувчанлик, аҳамиятлилиқ мезонларига кўра тавсифлаш; 8) танқид қилинаётган ҳодисадан келиб чиқадиган оқибатларни прогноз қилиш; 9) камчиликларни бартараф этишга доир аниқ таклифлар; 10) камчиликларни бартараф этиш муддатлари тўғрисидаги таклифлар; 11) камчиликларни бартараф этиш учун зарур куч ва

восита(маблағ)лар тўғрисидаги таклифлар; 12) бу каби ҳодисалар бундан кейин такрорланмаслигини кўрсатиб ўтиш.

3. Танқиднинг ишга доирлиги, у қуйидагилардан иборат бўлади: 1) танқид таъсирли чиқиши учун эмоционал бўлиши, аммо асло ходимларни душманга айлантормаслиги керак; 2) танқидий чиқиш ишни тузатишга қаратилган таклифлар билан тугалланади; 3) йўл қўйилган камчиликнинг моҳиятини тавсифлаб, унинг объектив ва субъектив сабабларини очиқ бериш лозим; 4) танқид қилинаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилиши керак; 5) танқид камчилик (хато) аниқ кўрсатилмаган, умумий тусга эга бўлиши керак эмас.

4. Танқидга ички қаршилик кўрсатишнинг сусайиши, унга қуйидагилар кўмаклашади: 1) танқиддан инсон қадр-қимматини ерга урадиган тушунчаларни чиқариб ташлаш; 2) танқиддан мақсад – хайрихоҳлик, яъни ходим иззат-нафсини поймол қилиш эмас, балки унга кўмаклашиш; 3) камчилик тузатилган бўлса, қайта танқидга йўл қўймаслик; 4) қўл остидаги ходимларнинг мустақиллик туйғусини йўқотмаслик; 5) ўз мисолида ходимларда ўз-ўзига танқидий муносабат руҳини тарбиялаш; 6) танқид қилинаётган одамга унинг ижобий хислатлари тўғрисида эслатиб ўтиш.

Социал-руҳий (психологик) тренинг конфликтли ахлоқни руҳий тузатиш услуби сифатида

Социал-руҳий тренинг (СРТ) – шахснинг конфликт пайтидаги ахлоқи (ўзини тутиши)ни тузатиш (тўғрилаш) учун қўлланадиган тренинг.

СРТ нинг қўлланиш тамойиллари:

1) дўстона мулоқот, СРТ жараёнида ишонч, бирдамлик шароитини яратишдан иборат;

2) «ҳозир ва шу ерда» тамойили, иштирокчиларнинг биргаликдаги иши жараёнида юзага келадиган вазиятлар таҳлилидан иборат;

3) очиқ-ойдин фикр билдириш, бу иштирокчилардан ўз фикрини яширмай баён этиш, ҳимоя реакциясини олиб ташлаш, ўз позицияси учун масъулиятни зиммасига олишга тайёр бўлишни талаб этади;

4) барча иштирокчиларнинг ишга, мунозарага жалб этилганлигида рўёбга чиқадиган фаоллик;

5) «ҳис-туйғулар тилига урғу бериш» мулоқот давомида пайдо бўладиган ўз туйғулари эркин ифодаланишини, ҳамда уларни бу туйғулар келиб чиқишига сабаб бўлган шахсга очиқ-ойдин узатилишини таклиф этади;

6) сир тутиш, у иштирокчилар бошқа иштирокчилардан олинган ахборотини сир тутишни талаб этадиган яширинлилик.

СРТ нинг базавий услублари: гуруҳли мунозара; ўйин услублари.

Гуруҳли мунозара умумий қарорга келиш мақсадида бирон-бир муаммони жамоа бўлиб муҳокама қилишдан иборат. Мунозара жараёнида муҳокама қилинаётган муаммо бўйича фикрлар бир-бири билан таққосланади. Услубнинг қимматли тарафи шундаки, тескари боғлиқлик тамойили ва мунозара раҳбари маҳорати туфайли ҳар бир тренинг иштирокчиси одамларнинг бир хил конфликтли вазиятларни идрок этиш ва уларга изоҳ беришдаги индивидуал фарқларини кўриш имкониятига эга бўлади.

СРТ ўйин услублари орасида **ишбилармонлик ўйинлари ва ролли ўйинлар** кенг тарқалган. **Ишбилармонлик ўйини**да иштирокчиларнинг конфликт шароитида бирга ҳамкорлик (ҳаракат) қилишига кўпроқ, конфликтли вазият иштирокчилари шахслараро муносабатлари, улар қилмишларининг сабаблари ва мотивлари таҳлилига – анча кам вақт ажратилади.

Ролли ўйинда ўрганиш предмети – шахслараро мулоқот қонуниятларидан иборат бўлиб, унинг уч хил, яъни: коммуникатив, перцептив ва интерактив каби жиҳатлари яхлитлигида тадқиқ этилади. **Ролли ўйин** – гуруҳли мунозарадан иборат, аммо у шахсларга бўлинган бўлиб, ҳар бир иштирокчига унинг конфликт иштирокчиси ахлоқи (ўзини тутиши) тўғрисидаги тасаввурига, шунингдек ролларга бўлиб ўйнаш таклиф этилаётган вазиятга мувофиқ тарзда рол ижро этиш таклиф этилади. Қолган иштирокчилар эксперт-томошабин бўлиб қатнашадилар.

Конфликтли ахлоқни рухий тузатиш (коррекция қилиш) услублари

Конфликтли ахлоқни руҳий тузатиш (коррекция қилиш) услубларига қуйидагилар киради: индивидуал руҳий маслаҳатлашиш, аутоген машғулот, психологнинг воситачилик фаолияти ва ўз ахлоқининг таҳлили.

Индивидуал руҳий маслаҳатлашиш мулоқотни тузатиш (унга ўзгартириш киритиш) мақсадида қўлланилиб, шахснинг оламни идрок этиш ва унинг ахлоқини ўзгартиришга қаратилган руҳий ёрдам кўрсатиш усули сифатида кўриб чиқилади. Психолог маслаҳатлашиш жараёнида маслаҳат олаётган шахсни ўзгартириш учун шарт-шароит яратади. Бу ўзгаришлар учун калит бўлиб маслаҳатчи ва унга мурожаат қилган одам ўртасидаги муносабатлар хизмат қилади. Руҳий маслаҳатлашиш ёрдамида кўпинча психологга кўмак сўраб мурожаат қилган одамларнинг конфликтли ахлоқида ижобий ўзгаришларга эришилади.

Аутоген машғулот – одам томонидан мушаклар релаксацияси (бўшаштириш), ўз-ўзини ишонтириш, эътибор ва тасаввур кучини бир жойга жамлай олиш, ўз ахлоқини назорат қилиш каби усулларнинг ўзлаштирилиши. Унинг ёрдамида ўз руҳий ҳолатини бошқариш, вазиятга боғлиқ хавотирлилик ва тажовузкорлик даражасини пасайтириш мумкин бўлади.

Психологнинг воситачилик фаолияти – реал конфликтларни ҳал қилишда кўмаклашиш жараёни.

У оппонент билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг оптимал усуллари танлаш имконини беради.

Психологнинг воситачилик фаолияти услублари:

- 1) психолог билан яккама-якка суҳбат;
- 2) биргаликда оппонент билан учрашишга тайёргарлик кўриш;
- 3) “мен-у-психолог” учлиги иштирокида ишлаш.

Психолог фаолиятидан мақсад – ўз ахлоқининг нораціоналлигини англаб етишига, шахслараро зиддиятларни ижобий ҳал қилишга кўмаклашиш.

Конфликтли вазиятда ўз ахлоқини таҳлил қилиш – конфликтга аралашиб қолган пайтимиз ёки у тугалланганидан кейин юз берадиган жараён.

Конфликтни таҳлил қилишда талаб этиладиган принцип (тамойил)лар:

- 1) объективлик (холислик);
- 2) нейтраллик;
- 3) бетарафлик;
- 4) мезонлар тенглиги;
- 5) икки хил ёндашув (стандарт)га йўл қўймаслик.

Ўз-ўзини кузатиш, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўзини қўлга олиш билан бирга кечадиган ўз-ўзини таҳлил қилиш турли вазиятларда одамлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш услубини такомиллаштириш имконини беради.

Оптимал бошқарув қарорлари конфликтларнинг олдини олиш шарти сифатида

Оптимал бошқарув қарорларини тайёрлаш ва қабул қилиш босқичлари:

1 босқич – маълумот йиғиш ва бошқарилув объектининг долзарб ҳолатининг ахборот моделини куриш. Бу босқичда:

1) бошқарилув объекти тўғрисида батафсил ахборот олиш зарур, ахборот унинг ҳолатидаги ҳам ижобий, ҳам салбий моментларни акс эттириши лозим;

2) бошқарилув объекти ривождаги ҳозирги вақтга қадар мойилликлар аниқланиши муҳим ўрин тутди.

II босқич - бошқарилув объекти қандай сабабларга кўра ҳозирга аҳволга тушганлиги (аҳволда эканлиги) деган саволга жавоб топилади. Бунда:

1) мавжуд ҳолат сабабларини аниқлай бориб, улар тизимини очиб бериш, асосий ва иккинчи даражали сабабларини белгилаб олиш;

2) қайси сабабларга кўпроқ таъсир кўрсатиш имкони мавжудлигига объектив (холисона) баҳо бериш зарур.

III босқич – бошқарув қарорини асослаш, бошқарилув объекти ривожининг прогнози (башорати).

Прогноз бошқарилув объектидаги бўлғуси ўзгаришларнинг уч хил асосий вариантини ўз ичига олган бўлиши шарт:

1) шарт-шароитлар энг нохуш келган вазият – эҳтимол тутилган вариантларнинг энг ёмони;

2) воқеа-ҳодисаларнинг эҳтимолий энг мақбул (яхши) кечган варианты;

3) бошқарилув объекти ривожининг эҳтимоли энг юқори бўлган варианты.

IV босқич – қарор (ечим) тайёрлаш, у занжирлар моделини қуриш деб номланади. Унинг хусусияти – мақсадга эришишнинг аниқ, очиқ-ойдин мезонларини ишлаб чиқиш заруратидан иборат.

V босқич – бошқарув моделини қуриш, бошқарув қарорини қабул қилиш. Босқич хусусияти – режалаштирилган нарсаларни қай тарзда бажариш мўлжалланганлигини аниқ белгилаб олиш.

VI босқич – буларни қандай амалга ошириш саволига жавоб топиш. Қабул қилинаётган қарорлар сабабли яқин орада келиб чиқадиган оқибатларни (айниқса салбий оқибатларни) прогнозлаш хусусиятлари.

Оптимал қарорга қўйиладиган талаб шундан иборатки, бошқарув объектини ўзгартириш теранлиги ва ҳажми у тўғрисидаги билимлар теранлиги ва ҳажмидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

VII босқич – қарорни ҳаётга татбиқ қилиш. У барча босқичлар ичида энг мураккаби бўлиб, рўёбга чиқариш учун катта вақт талаб этади.

VIII босқич – фаолият натижаларини баҳолаш.

IX босқич – фаолиятни давом эттириш ёки уни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

X босқич – олинган тажрибани умумлаштириш.

Конфликтга оид нокомпетент қарорларнинг асосий руҳий (психологик) сабаблари

Жамият ҳаётининг фаолиятининг турли соҳаларида бошқарув сифатининг пасайишига ва конфликтларга олиб келадиган уч асосий сабаб:

Бошқарувга доир қарорлар сифатсиз асослаб берилиши. Бу сабаб хусусиятлари бошқарув объектининг саёз ва тўлиқ бўлмаган тавсифи, яъни ундан кейин шу заҳоти бошқарув чоратадбирлари тизими тақдим этиладиган баёний моделида деб ҳисобланади. Бунда уларни ҳаётга татбиқ этиш технологияси нафақат очиб берилмайди, балки у эслатиб ҳам ўтилмайди.

Социал ва соціо-техник тизимларни бошқаришга бўлган соф (очиқ-ойдин ифодаланган) технократик ёндашув. Ушбу сабабнинг хусусияти шундаки, барча даражадаги раҳбарлар бошқарувга доир қарорни тайёрлаш жараёнида диққат марказига инсонни қўймай туриб, ҳар қандай мақсадга эриша олмасликларини ҳамон тушуниб етмаганлигидадир. Чунки исталган иш нафақат машиналар, балки одамлар томонидан бажарилиши табиий ҳол.

Мавжуд вазиятдан чиқиш йўли техник таълимни ижтимоийлаштириш, ижтимоий-илмий билимлар сифатини юксалтириш, бошқарув ишига ижтимоий фан мутахассисларини кенгроқ жалб қилиш, маҳаллий бошқарув назарияси ва амалиёти, конфликтологияни тезроқ тараққий эттиришдадир.

Кўп сонли маҳаллий раҳбарларга хос бўлган **волюнтаризм.** Биринчидан, бу етарлича яхши ўрганилмаган объектлар, ҳодисалар, тизимларни тубдан қайта қуриш тўғрисидаги қарорлар қабул қилишда намоён бўлади. Бу каби раҳбарлар қарор қабул қилишда ақлга, мавжуд маълумотга эмас, кўпроқ ўзибиларликка, буйруқбозликка таянадилар. Иккинчидан, волюнтаристик қарор шунингдек бошқарув фаолияти субъекти ёки объект бўлган бошқа одамлар ёки социал гуруҳларни инкор этиш одатий ҳолдир.

Ушбу сабаб хусусиятлари:

1) волюнтаристик типдаги раҳбар муаммони ҳал қилишга бўлган ўз қарашларини мутлақ тўғри деб, ўзи билан ишлайдиганлар фикрини ҳисобга олмайди;

2) раҳбар шахсий манфаатлари ва ўз атрофидаги гуруҳ манфаатларини бошқа ишчи-хизматчилар манфаатлари ҳисобига ҳимоя қилиб, бу турли гуруҳ ишчи-хизматчилари меҳнати сифати ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш ўртасидаги яққол номутаносибликда намоён бўлади. Бундай раҳбарлар кам ишласалар ҳам, қўл остидаги ходимларидан ўнлаб, баъзан юзлаб маротаба кўпроқ маош оладилар;

3) волюнтаризм барча даражадаги кўплаб конфликтларнинг сабаби бўлиб келади.

Фаолият натижаларини компетент (омилкорлик билан) баҳолаш конфликтларнинг олдини олиш шарти сифатида

Фаолиятнинг асосий руҳий (психологик) компонентлари:

- 1) фаолият мотивлари;
- 2) фаолият мақсадлари;
- 3) усуллар, натижалар ва натижаларни баҳолаш.

Фаолият натижаларини баҳолашнинг асосий тавсифлари:

1) у тескари боғлиқлик ролини бажариб, қўйилган мақсадга эришишнинг зарур шарт-шароити, уни амалга ошириш жараёнида фаолиятни ўз вақтида ва тўғри тузатиб боришнинг муҳим шarti ҳисобланади;

2) ҳар қандай баҳолаш асосида бир объектни, унинг ҳолатини бошқаси билан қиёслаш ётади;

3) агар фаолият натижасида асосий мақсадлар эришилган бўлса, иш юқори даражада, акс ҳолда натижалар танқидий баҳоланади. Танқид даражаси фаолият мақсади бўлиб келган, қўйилган вазифаларнинг бажарилмаганлик даражасига мутаносиб бўлади;

4) тажрибали раҳбарлар, фаолият натижаларини баҳолаш эканлар, уларни нафақат қўйилган мақсадлар билан, балки фаолият бошидаги аҳвол билан ҳам солиштирадилар. Бу ҳолда бажарилган ишлар таърифи ва уларга берилган баҳо баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади;

5) бирдан-бир фаолият натижаларини баҳолашнинг турли усулларида фойдаланиш баҳоланаётган ва баҳолаётган шахс ўртасида конфликт келтириб чиқариш мумкин.

Баҳолаётган раҳбар иш бошидаги аҳвол тўғрисида етарлича тасаввурга эга бўлмаган ҳолатлар тез-тез учраб туради. Бундай вазиятда фаолият натижаларини баҳолашда баҳоланаётган ташкилотдаги аҳволни бошқа, шу каби ташкилотлар билан қиёслаш ҳал қилувчи ўрин тутиши мумкин. Бу каби намуна сифатида мазкур ташкилотнинг аҳволи ана шу раҳбарга маълум бўлган энг яхши, ўртача ёки энг ёмон бўлинмалари, бошқа ташкилотнинг тузилма бўлинмалари иштирок этиши мумкин.

Раҳбар томонидан қўл остидаги ходимлар фаолиятини баҳолашнинг муқобил (альтернатив) усуллари:

1) муаммонинг баҳолаш вақтига келиб ҳал этилиш даражаси баҳоловчи тасаввурига кўра ушбу муаммонинг идеал ечими

билан қиёсланади. Эришилган реал ҳолат эҳтимолий идеал вариантга солиштирилади. Бу ҳолда натижалар эришилган натижадан идеалга қадар бўлган “масофа” билан ўлчанади;

2) баҳоланаётган муаммо ечимини меъёрий ҳужжатлар талаблари билан қиёслаш.

Компетент баҳолаш йўли билан конфликтларнинг олдини олиш

Фаолият натижаларини юзаки баҳолаш сабаблари:

- биринчидан, фаолиятни оралик, иккинчи даражали ва яққол натижаларга кўра баҳолаш, одатда, камроқ вақт талаб қилади, чунки фаолиятни акс эттирувчи ҳужжатларни текшириш ишчи-хизматчилар билими, маҳорати, кўникмалари сифатини текширишга нисбатан бир неча маротаба осонроқ ва оз вақт талаб этади;

- иккинчидан, фаолиятни оралик, иккинчи даражали ва яққол натижаларга кўра баҳолаш кўпинча миқдор жиҳатидан ифодаланган бўлади. Ҳар қандай фаолиятнинг якуний ва бош натижаларини миқдор жиҳатидан аниқлаш ва баҳолаш эса анча мураккаб вазифа;

- учинчидан, фаолиятни унинг якуний ва бош натижаларига кўра баҳолаш учун ана шу фаолиятни чуқур ва ҳар томонлама билиш талаб этилади.

Баҳо бераётган шахс унинг теранлиги, ҳар томонлилиги ва ҳолислиги учун жавоб бериши шарт. Баҳоланаётганлар ўзлари нотўғри деб топган баҳо устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

5) Фаолият натижаларининг бир неча компетент мустақил экспертлар томонидан баҳоланиши унинг теранлиги, ҳар томонлилиги ва ҳолислиги даражасини юксалтиради.

6) Фаолият натижаларини баҳолаш мезонлари муҳим талабга жавоб бериши шарт: содда ҳам кам миқдорли бўлиши билан улар ишларнинг бориши, уларнинг аҳволи ҳақида максимал даражада тўлиқ ахборот бериши лозим. Фаолият натижаларини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳар бир тоифа

ишчи хизматчилар учун осонлик билан тушуниладиган ва эсда қоладиган қилиб шакллантирилиши керак.

Шахс ички конфликтини англашга бўлган ёндашувлар. Унинг асосий турлари.

Шахс ички конфликт – шахснинг ички оламига доир узундан узоқ кураш туфайли келиб чиққан кескин салбий кечинма бўлиб, социал муҳит билан зиддиятли алоқаларни акс эттириб, қарор қабул қилишга тўсқинлик қилади.

Шахс ички оламининг конфликтга қиришадиган тузилмалари:

1) турли даражадаги интилишларни акс эттирадиган мотивлар;

2) жамоатчилик меъёрларини ўзида акс эттирган ва шу туфайли ибрат, эталон бўлиб келадиган қадриятлар;

3) ўз-ўзи учун қадрият сифатида белгиланадиган ўз-ўзини баҳолаш, шахс томонидан ўз имкониятлари, фазилатлари ва бошқа одамлар орасидаги ўрнини баҳолаш.

Шахс ички конфликт (конфликтси)нинг 6 асосий тури: Мотивацион конфликт.

Онгсиз интилишлар орасидаги, эга бўлиш ҳамда хавфсизликка интилишлар орасидаги, икки ижобий тенденция орасидаги конфликтлар ёки турли мотивларнинг тўқнашуви ажратиб кўрсатилади.

Маънавий конфликт.

Истак-ҳохиш ва бурч, маънавий принциплар ва шахсий боғлиқликлар орасидаги конфликтлар сифатида кўриб чиқилади.

Рўёбга чиқмай қолган истак-ҳохиш конфликт – ҳохиш-истаклар ва уларнинг амалга ошиши, қондирилишига ҳалал берадиган воқелик ўртасидаги конфликт. Конфликт нафақат воқелик истакнинг рўёбга чиқишига йўл қўймаганида, балки инсон уни амалга ошириш учун жисмоний имкониятга эга эмаслиги натижасида ҳам юзага келади.

Рол (вазифа) бажаришга доир конфликт – бир вақтнинг ўзида бир неча рол (вазифа) ни бажариш билан боғлиқ

кечинмаларда ифодаланган, шунингдек шахснинг ўзи бир рол (вазифа)ни бажаришга қўйган талабларни турлича тушуниш билан боғлиқ конфликт. Бундай конфликтлар қаторига икки қадрият, стратегиялар ёки ҳаёт мазмунлари орасидаги шахснинг ички конфликтлари оид ҳисобланади.

Адаптацион (мослашув) конфликт – субъект ва унинг атрофидаги муҳит мувозанати бузилиши асосида юзага келадиган, тор маънода – социал ёки касбий адаптация (мослашиш) жараёни издан чиққанида пайдо бўладиган конфликт. Бу воқелик талаблари ва инсоннинг касб – ҳунар, жисмоний, руҳий имкониятлари ўртасидаги конфликтдир.

Ўз-ўзига ноадекват (нумовофик) баҳо бериш конфликт. Бундай конфликтларга ўз-ўзига юқори баҳо бериш ҳамда ўз имкониятларини реал баҳолашга интилиш, ўз-ўзига паст баҳо бериш ва инсоннинг объектив ютуқларини англаш, шунингдек максимал муваффақиятга эришиш мақсадида юксакроқ талаблар қўйиш ва омадсизликка дуч келмаслик учун қуйроқ талаблар қўйиш ўртасидаги конфликтлар киради.

Шахс ички конфликтлари кечинмаларининг хусусиятлари. Унинг оқибатлари

Кечинма – шахс фаоллиги шаклларида бири бўлиб, унда зиддият англаб етилади ва уни субъектив даражада ҳал қилиш жараёни кечиб, кечинмалар шахснинг эмоционал бўёқли ҳолати бўлиб келади.

Активацион тавсифлар – руҳий ҳолатнинг физиологик таъминланганлигини акс эттирадиган тавсифлар. **Эмоционал (ҳис-ҳаяжонли) тавсифлар** – руҳий ҳолатнинг таркибий қисмлари бўлиб, у ёки бу кечинмалар мавжудлиги айнан шулар билан қиёсланади.

Шахснинг ички конфликтда унинг эмоционал таркибий қисмида руҳий-эмоционал кескинлик мавжуд бўлади. **Рухий - эмоционал кескинлик** - инсон руҳиятидаги унинг ҳаётида бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларнинг шахсга доир маъносини тасаввур қилиш шакли бўлиб, унинг эҳтиёжлари қондирилиш даражасини акс эттиради. **Субъектив сифати жиҳатидан** руҳий-эмоционал кескинлик, эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги натижасида юзага

келадиган бошқа ҳис-туйғулар каби, салбий эмоционал кечинма ҳисобланади. Руҳий-эмоционал кескинликнинг моҳиятини инсон ҳаёти ва фаолиятида юзага келадиган ва унинг томонидан эҳтиёжлари қондирилиши олдигаги тўсиқ сифатида қабул қилинадиган вазиятлар, шарт-шароитлар ва воқеа-ходисалар ташкил этади.

Шахснинг ички конфликтлари қуйидаги турларга бўлинади: 1) конструктив (маҳсулдор, оптимал); 2) деструктив (инсоннинг шахсга оид тузилмаларини издан чиқарадиган).

Конструктив конфликт конфликтлашаётган тузилмаларнинг максимал тараққий этиши ва уни ҳал қилиш учун минимал шахсий сарф-харажатлар билан фарқланади. **Деструктив** конфликтлар шахснинг иккиланишини чуқурлаштириб, ҳаётини инқирозга ўтадилар ва невротик реакциялар ўсиб боришига сабаб бўладилар.

Шахс ички деструктив конфликтларнинг асосий оқибатлари: 1) давомли ички конфликтлар шахс ривожини тўхтатиб қўйиши мумкин; 2) тез-тез юз берадиган шахснинг ички конфликтлари инсоннинг ўз кучига бўлган ишончи йўқолишига олиб келиши мумкин; 3) шахс ички конфликтининг невротик конфликтга ўсиб етиши.

Невротик конфликтлар уларнинг ички ривожланиш механизмларини ҳисобга олган ҳолда уч типга ажралади:

1) истерик – объектив шарт-шароитларни ёки атрофдагилар талабларини етарли даражада ҳисобга олмаслик билан бирга шахс даъволарининг ўта юқорилиги билан тавсифланади;

2) обсессив-психастеник – турли-туман, зиддиятли ўз эҳтиёжлари билан тавсифланади;

3) неврастеник – шахс имкониятлари ва унинг ўзига ўта юқори талаблар қўйиши орасидаги зиддиятдан иборат.

Инсоннинг шахсга оид муаммолари ва суицидал (ўз-ўзига қасд қилиш билан боғлиқ) ахлоқ. Суицид шахс ички конфликтдан чиқишнинг деструктив усули сифатида

Суицидал ахлоқнинг ички омиллари – ўз жонига қасд қилган шахснинг суицид (ўз жонига қасд қилиш) хавфини оширадиган индивидуал хусусиятлари, улар ташқи омилларни

акс эттириш учун ички муҳитни ҳосил қилиб, шунингдек ўз жонига қасд қилиш вазиятидаги ана шундай хулқни келтириб чиқарадилар.

Ташқи омиллар – таржимаи ҳол, оилавий тусга эга бўлган микросоциал шарт-шароитлар; референт – яъни оилавий, дўстона ёки хизмат билан боғлиқ гуруҳ ичидаги шахслараро муносабатлар.

Суицидал инқироз моҳияти – ўткир ҳиссий кечинмалар билан боғлиқ ҳолат бўлиб, шахснинг ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондириш йўлида тўсиқларга дуч келиши, тўқнашиши туфайли юзага келади.

Суицидал ахлоқнинг руҳий (психологик) тузилмаси – кризис (инқироз) шароитида шахс фаолияти ва мулоқотининг мотивацион, аффектив, мўлжал оладиган ва ижро компонентларининг ўзаро боғлиқлиги. **Мотивацион** компонент социал кўрсатмалар (қоидалар), вазиятга боғлиқ мотивацион тенденциялар ва нисбатан барқарор қадриятларга эътиқод қилиш шаклидаги ундовчи ва маъно ҳосил қилувчи суицидал мотивларни ўз ичига олади. **Аффектив** компонент таркибида эса кризисли вазиятнинг аҳамиятини акс эттирадиган нисбатан барқарор суицидал ҳиссий кечинмалар бўлади. **Мўлжал оладиган** компонент – социал вазиятни таҳлил қилиш, ўз жонига қасд қилишга доир қарор қабул қилиш бўйича англашга қаратилган, ақлий фаолият блокидир. **Ижро** компоненти – мўлжал оладиган ва аффектив компонентларга жавоб берадиган оғзаки ва ахлоқий реакциялар ҳисобланади.

Намойишкорона-шантаж қилиш (дўқ қилиш, қўрқитиш) билан боғлиқ суицидал ахлоқ (ўзини тутиш) ҳам мавжуд. Унинг шахсга доир мазмуни шундан иборатки,

Раҳбар ва унинг қўл остидаги ходимлар ўртасидаги конфликтларнинг объектив сабаблари

1. **Муносабатларнинг субординацион тусга эгаллиги.** Раҳбар ва унинг қўл остидаги ходим муносабатларининг функционал ва шахс сифатидаги жиҳат(томон)лари ўртасида объектив зиддият мавжуд.

Субординация муносабатларининг икки томони: 1) **функционал** (расмий, формал) томон, у одамлар ўртасидаги объектив мавжуд бўлган боғлиқликни англатиб, бунда бир гуруҳ одамлар ўзлари қўл остидаги одамлар фаолиятини йўналтириб турса, бошқалари эса кўрсатмаларни бажарадилар. 2) “раҳбар – қўл остидаги ходим” муносабатларнинг шахсга оид (норасмий, ноформал) томони эса ўзаро ҳамкорлик иштирокчиларининг шахсий-руҳий хусусиятлари, уларнинг феъл-атвори, хизмат ва маънавий фазилатларига боғлиқ.

2. “Инсон - инсон” тизимидаги фаолият ўз туб моҳиятига кўра конфликт келтириб чиқаради. Фаолиятнинг тўрт типидан (инсон-инсон, инсон-табиат, инсон-машина, инсон-белги) конфликтга энг мойили “инсон-инсон” бўлиб, унда фаолиятнинг ўзаро ҳамкорлик хусусиятлари туфайли конфликтга элтадиган кўринишлари мавжуддир.

Раҳбар ва унинг қўл остидаги ходим ўртасидаги конфликтларнинг объектив сабаблари:

1. Вертикал алоқалар бўйлаб юз берадиган конфликтларнинг аксарият қисми шахслараро муносабатларнинг *мавзу-фаолиятга оид моҳияти сабабли* келиб чиқади. Раҳбарлар ва уларнинг қўл остидаги ходимлар ўртасидаги конфликтларнинг тахминан 96% қисми уларнинг биргаликдаги фаолияти билан боғлиқ: профессионал ўзаро муносабатлар соҳасига конфликтли вазиятларнинг 88%; маиший соҳага 9%; жамоатчилик соҳасига 3% тўғри келади.

Профессионал соҳадаги конфликтлар фаолият сифатини таъминлаш (39%), иш натижаларини баҳолаш (8%), инновацияларни жорий этиш (6%) билан боғлиқ.

2. Вертикал бўйича конфликтларнинг юзага келиш частотаси оппонентларнинг биргаликдаги фаолияти жадаллиги билан боғлиқ. Йилнинг асосий вазифаларини бажариш, юқори ташкилотлар томонидан текшириш, аттестация топшириш, йилни якунлаш билан боғлиқ ойга вертикал бўйича конфликтларнинг 60% тўғри келади.

3. Айниқса, “бевосита раҳбар – қўл остидаги ходим” бўғини конфликтга мойил бўлиб, барча конфликтларнинг 53% унга тўғри келар экан.

4. Ташкилотда иш жойлари ўртасидаги алоқаларнинг номувофиқлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

1) қўл остидаги ходимга бир неча бошлиқ кўрсатма бериб, келиб тушган кўрсатмаларни унинг ўзи муҳимлиги даражасига кўра ажратиб олиши, барча нарсани бир вақтнинг ўзида бажариши ёки кўрсатмаларни бажаришдан бош тортиши керак;

2) раҳбарнинг қўл остидаги ходимлари кўп – яъни 7-8 тадан ортиқ бўлиб, уларни оператив бошқаришнинг имкони йўқ.

Конфликтларнинг субъектив сабаблари ва вертикал бўйича конфликтларнинг олдини олиш усуллари

“Бевосита раҳбар – қўл остидаги ходим” бўғинидаги конфликтларнинг субъектив сабаблари орасида **икки гуруҳни** ажратиб кўрсатиш мумкин – бошқарув ва шахсиятга боғлиқ сабаблар.

Конфликтларнинг **бошқарув билан боғлиқ сабаблари**: 1) асоссиз, оптимал бўлмаган ва хато қарорлар; 2) раҳбарият томонидан қўл остидаги ходимларга ортиқча “ғамхўрлик” ва назорат қилиниши; 3) раҳбарларнинг етарли касбий малакага эга бўлмаслиги; 4) ўрта ва қуйи бошқарув бўғинлари ходимлари меҳнатининг қадрсизлиги; 5) қўл остидаги ходимлар орасида хизмат юкламасининг тенг тақсимланмаганлиги; 6) ишчи-хизматчилар меҳнатини рағбатлантириш тизимидаги издан чиқишлар.

Конфликтларнинг **шахсиятга боғлиқ сабаблари**: 1) мулоқот маданияти пастлиги, қўполлик; 2) қўл остидаги ходимлар томонидан ўз мажбуриятларининг сидқидилдан бажармаслиги; 3) раҳбарнинг ўз мавқеини ҳар қандай, доим ҳам маданиятли ва тўғри бўлмаган йўл билан кўтаришга интилиши; 4) самарасиз бошқарув услубини танлаш; 5) раҳбарнинг қўл остидаги ходимига нисбатан салбий муносабати; 6) раҳбар ва қўл остидаги ходимлар ўртасидаги кескин муносабатлар; 7) ўзаро ҳамкорлик иштирокчиларининг руҳий хусусиятлари (юқори даражали тажовузкорлик, эмоционал беқарорлик, хавотирлилиқ, ўзига юқори баҳо бериб юбориш, феъл-атворнинг акцентлашуви ва ҳ.к.).

Вертикал бўйича конфликтларни огоҳлантиришнинг шарт-шароитлари ва усуллари. Амалиёт раҳбарнинг ўз қўли остидаги ходимлар билан конфликтсиз ўзаро ҳамкорлигига ана шундай фаолиятнинг қуйидаги зарур ва объектив шарт-шароитлари кўмаклашишини кўрсатади:

- 1) ташкилотга мутахассисларни руҳий жиҳатдан танлаш;
- 2) ишчи-хизматчилар сидқидилдан ишлашга бўлган интилишини рағбатлантириш;
- 3) фаолиятни уюштиришда адолатлилик ва ошкоралилик;
- 4) муайян бошқарув қарори тегишли бўлган барча ходимларнинг манфаатларини ҳисобга олиш;
- 5) одамларни улар учун муҳим муаммолар ва масалалар бўйича хабардор қилиб бориш;
- 6) биргаликда дам олиш, туғилган кунлар ва бошқа байрамларни, шу жумладан ишчи-ходимлар оила аъзолари иштирокида, бирга ўтказиш йўли билан социал-руҳий кескинликни юмшатиш;
- 7) ҳамкорлик типидagi меҳнат ўзаро бирга фаолиятини ташкил этиш;
- 8) бошқарувчилар ва ижрочилар иш вақтини оптималлаштириш;
- 9) ташкилот ишчи-хизматчисининг раҳбарга боғлиқлик даражасини камайтириш;
- 10) ишчи-ходимлар ташаббускорлигини рағбатлантириш, улар хизмат пиллапоysi бўйлаб ўсиши истикболларини таъминлаш;
- 11) барча ишчи-ходимлар ўртасида хизмат юкламасининг адолатли тақсимланиши.

Раҳбарнинг жамоадаги ахлоқи (ўзини тутиши) қоидалари.
Раҳбар ва қўл остидаги ходим ўртасидаги конфликтларни ҳал қилиш

Раҳбар қуйидаги қоидаларга амал қилиши шарт:

- 1) Қўл остидагилар олдига аниқ, муайян вазифалар қўйиш. Кўрсатма содда, тушунарли тилда берилган бўлиши, буйруқ мазмунида икки маънолиликка йўл қўйилмаслиги лозим.

2) Вазифанинг бажарилишини барча зарур нарса билан таъминлаб бериш.

3) Конфликтлар юзага келишининг эҳтимолини камайтирадиган жорий назоратни амалга ошириб бориш.

4) қўл остидаги ходим фаолияти натижаларини узил-кесил ва бир томонлама баҳолашга шошмаслик;

5) қўл остидаги ходим эришган натижаларни ишларнинг дастлабки ҳолати ҳамда бошқа ишчи-ходимларнинг муваффақиятидан келиб чиқиб баҳолаш.

6) беғам ходимни қисқа муддатда қайта тарбиялашга интилмаслик.

7) фақат мақтаганингиздан сўнг танқид қилиш. Раҳбар ходим оғзидан эшитилган танқид нисбатан конструктив қабул қилинади.

8) шахснинг ўзини эмас, унинг қилмишини, хизмат фаолияти натижаларини танқид қилинг.

Раҳбар мажбуриятлари:

1) ўзининг конфликтга доир талабларини асослаб бериш, қўл остидаги ходимга қўйган талабларини ҳуқуқий меъёрлар ёрдамида изоҳлаш;

2) конфликт жараёнида қўл остидаги ходимларга қулоқ сола билиш. Раҳбар баъзан зарур ахборотга эга бўлмаганлиги сабабли нотўғри қарор қабул қилади;

3) қўл остидаги ходим ташвишларига шерик бўлиш. Вертикал бўйича кўплаб конфликтлар қўл остидаги ходим фаолиятининг тартибга солинмаганлиги, унинг ўз зиммасидаги юкни ўта оғир деб қабул қилиши туфайли келиб чиқади;

4) айниқса, раҳбар ўзининг ҳақлигига ишонч ҳосил қилмаган ҳолларда муросага боришдан қўрқмаслик.

Раҳбар билан конфликтни ҳал қилишда қўл остидаги ходимнинг ўзига тутишига доир тавсиялар:

1) конфликт жараёнида раҳбарга қаршилик кўрсатишга шошмаслик. Зарур ҳолларда бошқа раҳбарлар, ҳамкасбларига мурожаат қилиб, ўз позициянгизни кучайтиришингиз мумкин;

2) конфликтни ҳал қилишнинг фақат битта, принципиал ечимини маъқуллаш билан чекланмай, балки бир неча вариантини таклиф қилиш;

3) ҳақоратга ўтиб кетмаслик ёки кескин иборалар ишлатмаслик;

4) раҳбарни очиқ суҳбатга чақириш. Агар конфликтда қўл остидаги ходим ҳақ бўлса, у раҳбарга ўз позициясини юзма-юз асослаб бергани маъқул;

5) раҳбар таклифларига нисбатан буткул қарама-қарши ечимларни таклиф этмаган яхши.

Талабалар ўртасида юзага келадиган конфликтлар

Бу хил фаолиятнинг тўрт хил субъекти мавжуд: талаба, ўқитувчи, ота-она ва маъмурият. Қайси субъектлар ўзаро муносабатга киришаётганига боғлиқ равишда **конфликтларнинг** қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) талаба – талаба; 2) талаба – ўқитувчи; 3) талаба – ота-она; 4) талаба – маъмурият; 5) ўқитувчи – ўқитувчи; 6) ўқитувчи – ота-она; 7) ўқитувчи – маъмурият; 8) ота-она – ота-она; 9) ота-она – маъмурият; 10) маъмурият – маъмурият.

Булар орасида ўқув фаолиятида айниқса **талабалар ўртасидаги конфликт** кенг тарқалган.

1) етакчилик учун кураш (конфликт), унда икки-уч етакчи ва улар гуруҳларининг гуруҳдаги устунлик учун кураши акс этади, - бу конфликт талабалар ўртасида энг кенг тарқалган;

2) ўрта гуруҳларда кўпинча болалар ва қизлар гуруҳлари бир-бирга қарши ўзаро конфликтлашадилар;

3) уч-тўрт нафар ўсмирнинг бутун гуруҳга қарши конфликти;

4) бир талаба ва гуруҳнинг конфликтли қарама-қаршилиги.

Талабалар конфликтли ахлоқининг олдини олиш. Конфликтларнинг олдини олишда **маънавий, ахлоқий қадриятларни ўзлаштириш** муҳим ўрин тутиб, бунда талабалар ўртасидаги конфликтлар сони кескин камаяди.

Конфликтларни бартараф этишда шунингдек **интизом** – боланинг онгли тартибга риоя қилган ҳолда тўлақонли ривожланиши учун зарур бўлган эркинликни таъминлаб бериш маҳорати ҳам катта ўрин тутади.

Талабаларининг конфликтли ахлоқига **ўқитувчи шахси** ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Унинг таъсири турли жиҳатларда намоён бўлиши мумкин.

1) Ўқитувчининг бошқа талабалар билан муомаласи тенгдошлари билан ўзаро муносабатларда намуна бўлиб хизмат қилади. Биринчи ўқитувчининг мулоқот усули ва педагогик тактикаси талабаларнинг гуруҳдошлари ва ота-оналари билан шахслараро муносабатлари шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Шахсга боғлиқ равишдаги мулоқот услуби ва педагогик ҳамкорлик тактикаси болаларнинг бир-бири билан конфликтсиз муносабатларга киришишига сабаб бўлади. (Бу услубни кичик гуруҳ ўқитувчиларининг оз қисми (тахминан 15%) эгаллаган бўлиб, асосий қисми (85%) эса икки тактикадан бири – айтганини бажартириш (диктат) ёки **опека** ни қўллайди).

2) Ўқитувчи талабалар ўртасида юзага келган конфликтларга аралашishi, уларни мувофиқлаштириб туриши керак. Вазиятга боғлиқ равишда маъмурий аралашishi ёки юракдан берилган маслаҳат талаб этилиши мумкин.

Қуйидагилар ижобий таъсир кўрсатади: конфликтлашаётганларни биргаликдаги фаолиятга жалб қилиш; конфликтни ҳал қилишда бошқа талабалар, хусусан гуруҳ етакчиларининг иштироки ва ҳ.к.

Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги конфликт турлари

Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги конфликтлар ичида мазкур сабабларга кўра конфликт турлари ажралиб туради:

1) талабанинг ўзлаштириш даражаси, унинг дарсдан ташқари вазифаларни бажариши;

2) талаба ахлоқи (қилмишлари), яъни талаба томонидан институтда ва ундан ташқарида ўзини тутиш (ахлоқ) қоидаларини бузиши, ёки фаолиятга доир конфликтлар;

3) талабалар ва ўқитувчиларнинг эмоционал-шахсий муносабатлари соҳасида юзага келаётган муносабатлар.

Фаолиятга доир конфликтлар. Ўқитувчи ва талаба ўртасида юзага келиб, талабанинг ўқув вазифасини бажаришдан бош тортиши ёки уни ёмон бажаришида намоён бўлади.

Фаолиятга доир конфликт сабаблари: 1) чарчаш; 2) ўқув материални ўзлаштиришдаги муаммолар; 3) ўқитувчининг иш юзасидан талабага муайян ёрдам ўрнига номувофиқ танбех бериши.

Конфликт соҳаси: 1) кўпинча ўқишда қийналиб қолган талабалар билан юз беради; ўқитувчи гуруҳда иш бошлаганига кўп бўлмаган ҳамда у ва талаба ўртасидаги муносабатлар ўқув ишлари билан чекланган ҳолларда; 2) бундай конфликтлар гуруҳ раҳбарлари дарсларида, ёки дарсдаги мулоқот талабалар билан бошқача шароитда шаклланган ўзаро муносабатлар билан белгиланадиган бошланғич гуруҳларда камроқ юз беради; 3) сўнгги вақтда ўқитувчи фанни ўзлаштиришга кўпинча юқори талаб қўйиши, баҳони эса интизом бузувчиларга қарши жазо воситаси сифатида қўллаши сабабли бу каби конфликтлар сонининг ортиши кузатилмоқда; 4) бундай вазиятлар кўп ҳолларда иқтидорли талабалар кетиб қолишига, қолганларнинг эса умуман фан ўрганишга бўлган қизиқиши тушиб кетишига олиб келиши мумкин.

Қилмишларга оид конфликтлар. Педагогик вазият ўқитувчи талаба қилмиши таҳлилида хато қилган, асоссиз хулоса чиқарган ҳолларда конфликт келтириб чиқаради, чунки битта қилмишга турли мотивлар сабаб бўлиши мумкин.

Қилмишлар оид конфликт сабаблари: ўқитувчи қилмишнинг ҳақиқий сабаблари тўғрисида етарли ахборотга эга бўлмай туриб, талабалар ахлоқини улар қилмишига баҳо бериш орқали тузатишга ҳаракат қилади. Баъзан у қилмиш сабабларини англаб туриб, болалар ўртасидаги муносабатларни яхши билмайди, шу туфайли ахлоқни баҳолашда хатога йўл қўйиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, талабаларнинг асосли норозилигини келтириб чиқаради.

Муносабатларга доир конфликтлар. Кўпинча педагог томонидан муаммоли вазиятларни нўноқлик билан ҳал қилиши натижасида юзага келадилар. Бундай конфликтлар узоқ муддатга чўзиладилар.

Муносабатларга доир конфликт оқибатлари: шахсиятга оид моҳият касб этади: талаба қалбида ўқитувчига нисбатан давомли адоват руҳини пайдо қилади; ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни узоқ муддатга издан чиқаради.

Педагогик конфликтларнинг хусусиятлари ва уларни бошқариш

Педагогик конфликтларнинг хусусиятлари: 1) муаммоли вазиятларнинг педагогик нуқтаи назардан тўғри ҳал қилиниши учун ўқитувчи масъулияти, чунки институт – жамиятнинг ўзига хос модели бўлиб, унда талабалар одамлар ўртасидаги муносабат меъёрларини ўзлаштирадилар; 2) конфликт иштирокчилари турли социал мақомга эга бўлиб, уларнинг конфликтдаги ахлоқи ана шу билан белгиланади; 3) иштирокчилар ҳаётий тажрибасидаги фарқ конфликтларни ҳал қилишдаги хатолар учун турли масъулият даражасини келтириб чиқаради; 4) воқеа-ҳодисаларни турлича тушуниш сабабли ўқитувчи учун бола кечинмаларининг нақадар теранлигини англаш, талаба учун эса – эмоцияларни енгиб, уларни ўз онгига бўйсундириш осон кечмайди; 5) бошқа талабаларнинг борлиги уларни гувоҳдан иштирокчига айлантириб, конфликт улар учун ҳам тарбиявий маънога эга бўлади; 6) ўқитувчининг конфликтдаги профессионал позицияси уни ҳал қилишда ташаббусни ўз қўлига олиб, талабанинг шаклланиб келаётган шахс сифатидаги манфаатларини биринчи ўринга қўйишга мажбур қилади; 7) ўқитувчининг конфликтни ҳал қилишдаги ҳар қандай хатоси янги муаммо ва конфликтларни пайдо қилиб, уларга бошқа талабалар ҳам жалб этилади.

Конфликтдан чиқиш йўллари: 1) Ўқитувчи конфликтдаги ўз позициясини тўғри белгилаб олиши лозим, чунки гуруҳ жамоаси унинг тарафида бўлса, юзага келган вазиятдан оптимал чиқиб кетиш йўлини топиш осонроқ кечади; 2) Конфликтдан конструктив чиқиш учун педагогнинг ўсмирнинг ота-онаси билан ўзаро муносабатлари ҳам муҳим ўрин тутди; 3) Конфликтни яхшилик билан ҳал қилишни ўқитувчининг ўсиб келаётган болалар билан янги типдаги ўзаро муносабатларга ўтишга руҳий жиҳатдан тайёрлигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу каби муносабатлар ташаббускори катта одам бўлиб келиши мумкин.

Ўқитувчиларга конфликтларни бошқариш бўйича асосий тавсиялар: 1) ўз ҳис-туйғуларини назорат қилиб, объектив бўлиш, талабаларга ўз даъволарини асослаш имконини бериш; талабанинг позициясини ўзича, бошқача тушунмаслик,

фикрни “мен” ёрдамида ифодалашга ўтиш (“сен менга ёлгон гапираяпсан” эмас, балки “мен ўзимни алданган каби ҳис қилаяпман”); 2) талабани ҳақорат қилмаслик; 3) талабани гуруҳдан ҳайдаб юбормасликка ҳаракат қилиш; 4) имкон бўлса, маъмуриятга мурожаат қилмаслик; 5) талаба шахсига, унинг оиласи хусусиятларига тегмаслик, фақат унинг муайян, аниқ ҳаракатларига баҳо бериш; 6) зиддиятнинг ҳал бўлиш натижаларидан қатъи назар бола билан мавжуд муносабатларни сақлаб қолишга ҳаракат қилиш.

5. Конфликтда ахборот ёрдамидаги қарама-қаршилик. Конфликт иштирокчилари ўртасидаги ахборот ва руҳий (психологик) кураш

Қарама-қаршилик – бирон-нимага қарши кураш жараёни.

Гуруҳлараро конфликтларнинг юзага келиш механизмлари

Гуруҳлараро конфликтларнинг юзага келиш хусусиятлари: 1) турли-туман гуруҳлараро конфликтларда улар юзага келишининг у ёки бу механизми устувор бўлиши мумкин; 2) гуруҳлараро механизмлар шахслараро ўзаро ҳамкорликнинг руҳий (психологик) механизмларига нисбатан консерватив ҳисобланади.

Гуруҳлараро конфликтлар юзага келишининг асосий механизмлари: 1) гуруҳлараро душманлик; 2) манфаатларнинг объектив конфликти; 3) гуруҳ ичидаги фаворитизм.

Гуруҳлараро душманлик. Гуруҳлар ўзаро ҳамкорлигида намоён бўлиб, гуруҳ бирдамлигини сақлаб туришнинг асосий воситаси ҳисобланади. Ахлоққа хос хусусиятлар: “бегоналарга” нисбатан душманлик ва “ўзимизникилар”га нисбатан боғлиқлик руҳини шакллантириш.

Манфаатларнинг объектив конфликти. Унинг моҳияти:

1) турли гуруҳлар манфаатлари ўртасидаги келишмовчилик гуруҳлараро конфликтга олиб келиши мумкин;

2) манфаатлар орасидаги келишмовчилик, шунингдек ўтмишда бўлиб ўтган гуруҳлараро конфликт гуруҳнинг баъзи

аъзоларининг бошқа гуруҳ томонидан хавф мавжудлигини идрок этишига сабаб бўлади;

3) бу хавф гуруҳнинг алоҳида аъзолари хавф манбаига нисбатан душманларча муносабатини келтириб чиқаради;

4) хавф гуруҳ аъзоларини ўзаро бирлаштиради;

5) хавф индивиднинг ўзи айнан шу гуруҳга тегишли эканлиги ҳиссини янада тўлиқроқ англаб этишига олиб келади;

6) хавф гуруҳ чегараларининг дахлсизлигини янада кучайтиради;

7) хавф индивидларнинг гуруҳ меъёрларидан четлашиш ҳолларини камайтиради;

8) хавф ўз гуруҳига содиқ қолмаганлар учун жазо чорасини, ҳамда уларнинг таҳқирланиш даражасини оғирлаштиради;

9) хавф гуруҳ меъёрларидан четга чиққан аъзоларини жазолаш заруратини келтириб чиқаради;

10) гуруҳ аъзоларининг ташқаридаги гуруҳ томонидан хавф мавжудлиги тўғрисидаги нотўғри (хато) фикри ҳам гуруҳ ичидаги юксак даражали бирдамлик ва ташқи гуруҳга нисбатан душманларча муносабатга олиб келади.

Гуруҳ ичидаги фаворитизм – гуруҳлараро конфликтлилик бўлиб, у манфаатларнинг объектив тўқнашувисиз, фақат муайян билиш (идрок этиш) жараёнлари туфайли ҳам кузатилиши мумкин.

Гуруҳ ичидаги фаворитизмнинг моҳияти бошқа гуруҳ аъзоларига қарама-қарши тарзда ўз гуруҳи аъзоларига қулай шароит яратишдан иборатдир. **Намоён бўлиш шакллари:** 1) ташқи кузатиладиган ахлоқда; 2) ўз ва бошқа гуруҳ аъзоларига оид фикр, мулоҳаза, баҳоларни шакллантиришда.

Унинг хусусиятлари шундаки, гуруҳлар орасидаги конфликтлар гуруҳ ичидаги фаворитизм ҳамда гуруҳлараро душманлик даражасини кучайтирадilar.

Меҳнат конфликтларининг функциялари ва зиддиятларни ҳал қилиш шакллари

1) Меҳнат конфликти индивидуал (шахсий), гуруҳли, жамоавий манфаатлар мувозанатига таъсир кўрсатиб,

корхонанинг социал жихатдан интеграциялашувига улуш қўшади.

2) Меҳнат конфликтлари жамоа ҳаётидаги энг кескин зиддиятларни очиб бериш билан ўзига хос хабардор этиш (сигнал) функциясини бажаради;

3) меҳнат конфликтининг инновацион, ижодий функцияси мавжуд: унинг ёрдамида жамоанинг иқтисодий, социал ёки маънавий тараққиёти йўлидаги тўсиқларни енгиб ўтиш мумкин.

4) социал-психологик функция шундан иборатки, меҳнат конфликтлари социал-руҳий муҳит, бирдамлик, обрў-эътибор, ўзаро ҳурмат руҳи ўзгаришига сабаб бўлади.

Зиддиятларни ҳал қилиш шакллари: 1) жамоа йиғилишларида сўзга чиқиш; 2) намойишлар ўтказиш; 3) матбуот, радио ва телевидениега мурожаат қилиш; 4) юқори раҳбариятга мурожаат қилиш; 5) қўллаб-қувватлашларини сўраб халқ депутатларига мурожаат қилиш;

Қарама қаршилик - бирон нимага қарши кураш жараёни.

Ахборот бу: 1) атрофдаги олам ва унда кечаётган жараёнлар тўғрисидаги инсон ёки махсус мослама томонидан қабул қилинадиган маълумотлар.

Конфликтда ахборот қарама-қаршилиги – конфликтли вазият иштирокчилари конфликт тўғрисида турлича ахборот тақдим этадиган жараён.

Конфликтда ахборот кураши – бу шундай жараёнки, унинг давомида конфликт иштирокчилари конфликтли вазият ривожланиб бургани сари ахборотнинг турли кўринишлари билан алмашинадилар. Бундай ахборот расмий, норасмий, сохта, сохталиги аввалдан маълум, доимий ўзгариб турадиган бўлиши мумкин.

Конфликт иштирокчилари ўртасидаги руҳий кураш – бу жараён давомида конфликт иштирокчилари турли туман усуллар ёрдамида бир бирига руҳий босим кўрсатадилар. Уларга қуйидагилар кириши мумкин: сохталиги аввалдан маълум, адаштирадиган ахборот тақдим этиш, ахборотни бузиб кўрсатиш, кўрқитиш, шантаж. Руҳий кураш кўпинча сиёсий ва социал конфликтларда қўлланади.

Руҳий кураш оқибатлари: 1) конфликт иштирокчиларининг маънавий ва руҳий ҳолати синишига, асаблар таранглашуви

хавфини келтириб чиқаради; 2) конфликт иштирокчиларидан бири томонидан яхши ўйланмаган ва ноадекват қарор қабул қилинишига сабаб бўлиши мумкин.

Ахборот ёрдамидаги қарама қаршиликда оммавий ахборот воситаларига (ОАВ) муҳим ўрин ажратилади.

Оммавий ахборот воситаларининг хусусиятлари ва уларнинг конфликтли вазиятга кўрсатадиган таъсири: 1) расмий ахборот манбаи бўлиб келадилар; 2) кенг кўламли аудиторияни камраб оладилар; 3) жамоатчилик фикрини шакллантиришга таъсир кўрсатиши мумкин; 4) ҳам ишонарли, ҳам сохта ахборотни тарқатиши мумкин; 5) оммавий ахборот воситалари конфликт жараёнида ўз манфаатларини, шунингдек муайян одамлар гуруҳи ёки жамият қатлами, сиёсий партия манфаатларини тақдим этиши мумкин; 6) оммавий ахборот воситалари конфликтда бирон бир ахборотни тасдиқлаши ёки инкор этиши, ахборот узатиш частотаси ва хусусиятларини, уни узатиш характерини мувофиқлаштириши мумкин. Ахборот тезкор, жорий, расмий, норасмий бўлиши мумкин.

Иш ташлаш меҳнат конфликтининг бир тури бўлиб, иқтисодий, социал ёки сиёсий тусдаги талабларни илгари суриш билан ишни, маҳсулот ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатишни тўхтатиш ёки қисқартиришдан иборат бўлади.

Иш ташлаш (забастовка)нинг конфликт сифатидаги хусусиятлари: 1) унда ишлаётганлар иштирокининг оммавий кўринишга эгаллиги; 2) бошқарув органлари мавжудлиги; 3) иш ташлашнинг у кимга қарши қаратилган бўлса, шуларга жиддий таъсир кўрсатиши.

Иш ташлашлар умумий (всеобщий), тўлиқ, қисман, муддатли, муддати чекланмаган, ҳуқуқлар учун кураш ва бирдамлик белгиси сифатидаги чиқиш каби турларга бўлинади.

Ноқонуний иш ташлашлар бу:

1) Сиёсий сабабларга кўра, конституцион тузумни ўзгартириш, давлат ҳокимиятининг олий органларини чақириш, тарқатиб юбориш, улар раҳбарларини истеъфога чиқариш талаблари билан иш ташлаш;

2) Қонунда белгиланган амалиётларга риоя қилмай эълон қилинган иш ташлашлар.

Ишни тўхтатишга жамоавий меҳнат конфликтини ҳал қилиш воситаси сифатида қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди: 1) темир йўл ва шаҳар жамоат транспорти корхона ва ташкилотларида; 2) мамлакат мудофаа қобилияти ва ҳуқуқ тартиботини таъминлаш вазифаларини бажариш юкланган корхона ва ташкилотларда; 3) ишининг тўхтатилиши оғир ва хавфли оқибатлар билан боғлиқ, тўхтовсиз ишлаб турадиган ишлаб чиқаришларда.

Меҳнат конфликтларининг олдини олиш

Меҳнат конфликтларининг олдини олиш имконини берадиган омиллар: 1) мамлакатда умумий барқарорликка эришиш; 2) социал кескинликни пасайтириш; 3) мамлакатдаги иқтисодий вазиятни яхшилаш; 4) сиёсий тизимни барқарорлаштириш; 5) меҳнат қонунчилигини демократлаштириш.

Иш ташлаш – меҳнат конфликтининг энг кескин шакли.

Иш ташлашнинг олдини олишнинг асосий йўллари: 1) иш ташлашларнинг потенциал иштирокчилари бўлган гуруҳларнинг ўз кучларини жамлаш ва йўналтириш орқали улар манфаатларини қондириш имкониятини таъминлайдиган иқтисодий шарт шароит яратиш; 2) иш ташлашга алоқадор бўлган тарафлар ўртасида ишлаб турадиган “музокаралар механизмини” яратиш; 3) меҳнат конфликтларини ҳал қилишга оид самаралироқ қонун ва меҳнат жамоаларининг иш берувчи билан муносабатларини мувофиқлаштирадиган меъёрлар қабул қилиш; 4) мустақил (независимий) касаба уюшмалари ролини кучайтиришга кўмаклашиш.

Меҳнат конфликтларини ҳал қилишнинг асосий йўллари.

1) Меҳнат конфликтларини тинч ҳал қилишнинг ўта муҳим механизми жамоа шартномаси, шу жумладан конфликт юзага келган ҳолда ҳам келишаётган тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз ичига олган битимлар ва контрактлар ҳисобланади. Жамоа шартномасининг мақсади уни жамоаларнинг умумий йиғилишларида қабул қилиш амалиётининг демократияга асосланганлиги эҳтимолий меҳнат конфликтларининг сабабларини аввалдан очиб бериш, уларни ҳал қилиш чора тадбирларини белгилаб олиш имконини беради. Агар

меҳнат жамоалари шартнома ва битимларнинг амал қилиш даврида иш ташламаслик мажбуриятини зиммаларига олар эканлар, бу ҳолда меҳнат шартномалари меҳнат конфликтларини мувофиқлаштиришга доир ҳукукий механизмнинг асосига айланадилар. Швеция, Финляндия, Германия каби хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълум бўлишича, иш ташлаш чора сифатида фақат тадбиркор жамоа шартномасини бузган ҳоллардагина қўлланиши мумкин.

2) Иш берувчи ва ишчи муносабатларига доир конфликтли масалалар меҳнат баҳслари (тортишувлари) бўйича комиссиялар ёки халқ судлари томонидан кўриб чиқиши мумкин. Ишчи конфликт меҳнат баҳслари бўйича комиссия томонидан кўриб чиқилганидан сўнг, сайланган касаба уюшма органига мурожаат қилмай, бевосита судга мурожаат қилиш ҳукуқига эга.

3) Меҳнат жамоалари, минтақалар ва алоҳида тармоқларнинг тармоқ раҳбарияти ёки минтақа ҳукумати вакиллари иштирокидаги кенгаш ва анжуманлар иши ҳам меҳнат конфликтларини ҳал қилишга ёрдам беради.

4) Давлат органлари вакиллари, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида идоравий ва идоралараро конвенцияларнинг қабул қилиниши ҳам ижобий натижа бери.

Элатлараро конфликтлар тавсифи

Элатлараро конфликтлар – турли этнос(миллат)ларнинг алоҳида вакиллари, социал гуруҳлари ўртасида юз берадиган конфликтлар, икки ёки бир неча этнос (миллат)лар конфронтацияси.

Элатлараро конфликтларнинг типологияси: шахслараро; этносоциал конфликтлар; қатъий маънодаги элатлараро конфликтлар.

Элатлараро конфликтлар сабаблари. Элатлараро конфликтлар дабдурустан, тўсатдан юзага келмай, балки узок вақт давомида “етилиб” борадилар. Уларга элтадиган сабаблар турли-туман бўлиб, ҳар бир алоҳида ҳолда ҳар хил бирикма таркибида келадилар. Конфликт пайдо бўлиши учун уч омил бўлиши талаб этилади:

1) адекват, пасайган ёки, аксинча, ўта юқори бўлиши мумкин бўлган миллий ўз-ўзини англаш даражаси;

2) жамиятдаги муаммоларнинг критик даражага етиб борганлиги;

3) ҳокимият учун курашда дастлабки икки омилдан фойдаланишга қодир бўлган сиёсий кучлар мавжудлиги.

Элатлараро конфликтлар сабабларининг объектив таҳлили.

1. Этнопсихологик омил – конфликтли вазиятда миллий манфаатларнинг умумий компоненти. Одатий турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданият, қадриятлар тизими ва анъанавий меъёрларнинг зўравонлик билан йўқ қилиниш хавфи этнос (миллат)нинг социал гуруҳлари ва индивидлари томонидан турлича идрок этилади. Умуман улар этник ҳамжамиятда ҳимоя реакциясини келтириб чиқаради.

2. Социал-маданий фарқланишлар асосидаги элатлараро конфликтлар жадал, мажбурий тарздаги тил ассимиляцияси, маданият ҳамда диний ёки цивилизацияга оид меъёрларни вайрон қилиш оқибатида юзага келади. Бу эса этнос (элат)нинг социал-маданий ҳамжамият сифатида тарқалиб кетиш хавфини пайдо қилиб, ҳимоя реакциясига сабаб бўлади.

Элатлараро конфликтларни ҳал қилишнинг асосий йўллари ва тамойиллари

Элатлараро конфликтларнинг хусусиятлари шундаки, улар: 1) чуқур тарихий илдизларига, кўп йиллик кескинлашиш ва сўниш тарихига эга;

3) инсоннинг онгсиз жиҳатларига ҳам оид; 3) дин таъсирига ўта мойил.

Элатлараро конфликтдан чиқиш йўллари турлича – муросадан тортиб то куч қўллашга қадар.

Элатлараро конфликтларни олдини олишнинг шарт-шароитлари: 1) уларда ташқаридан ҳарбий иштирок, шу билан бирга ҳар қандай бошқа аралашининг олдини олиш; 3) ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва конфликт иштирокчилари ўртасидаги сиёсий муросага эришиш.

Элатлараро конфликтларни мувофиқлаштириш тизими институционал ва воситали ёндашувлар уйғунлиги асосида амал қилади. **Институционал ёндашув** – ички конфликтларнинг олдини олиш ва уларни мувофиқлаштиришга доир алоҳида инфратузилмасининг ташкилотлари тармоғини яратиш. У миллий, минтақавий ва глобал даражалардаги институтларни ўз ичига олиши керак. **Инструментал ёндашув** – элатлараро конфликтга мувофиқлаштирувчи таъсир кўрсатадиган муайян (аниқ) чора-тадбир (восита)лар уйғунлиги.

Элатлараро конфликтга мувофиқлаштирувчи таъсир кўрсатадиган воситалар: тактик, тезкор (оператив) ва стратегик қарорлар. **Тактик қарорлар** конфликтларни куч ишлатиш, шу жумладан унинг иштирокчиларига иқтисодий босим кўрсатиш ёки музокаралар жараёнини йўлга қўйиш орқали мувофиқлаштиришга қаратилган. **Тезкор (оператив) қарорлар** конфликтлар ўсиб боришини чеклаш ва конфликтлар оқибатларини бартараф этишга қаратилган бир марталик ҳаракатлар билан боғлиқ. **Стратегик қарорлар** элатлараро муносабатлардаги инқирозларни аввалдан муаммоларни йўқотишларсиз ҳал қилишнинг ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-руҳий шароитларини яратишдан иборатдир.

Элатлараро конфликтларни мувофиқлаштириш тамойиллари: 1) миллий ҳосилалар – республика, вилоятлар, туманлар ҳудудий чегараларининг дахлсизлиги; 2) барча мунозарали масалаларни шу вақтга келиб амал қилаётган қонунлар асосида фақат конфликтсиз услублар ёрдамида ҳал қилиш; 3) демократик федерализм тамойилига риоя қилиш; 4) иқтисодий тенг ҳуқуқлилиқ; 5) миллий ва ҳудудий-маъмурий ҳосилаларни комплекс тараққий эттириш; 6) ҳудудий бошқарувнинг номарказлашуви, ваколатларнинг юқоридан қуйига йўлланишини ва чегаралаб қўйилишини кўзда тутди; 7) минтақалараро алмашинувнинг эквивалентлиги.

Сиёсий конфликтлар ва уларнинг замонавий жамиятдаги хусусиятлари

Сиёсий конфликт – қарама-қарши ижтимоий кучлар тўқнашуви, ўзаро тескари сиёсий мақсадлар ва манфаатлар

туфайли келиб чиқади. Сиёсий конфликтнинг хусусияти жамиятда ёки халқаро сахнада сиёсий таъсир учун кураш ҳисобланади. Сиёсий конфликтлар ташқи сиёсий (давлатлараро) ва ички сиёсий конфликтларга бўлинади.

Ташқи сиёсий конфликтлар – турли мамлакатлар ва давлатлар ўртасида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа йўналишлардаги манфаатлар номувофиқлиги сабабли юзага келадиган конфликтлар.

Ички сиёсий конфликтлар – бир мамлакат ёки давлат доирасида сиёсий манфаатлар учун юз берадиган конфликтлар.

Замонавий конфликтларда ОАВ лари ролининг кучайиши

Ишбилармонлик оламининг фирма ва ташкилотлари, ижтимоий ташкилотлар ва турли-туман ширкатларнинг оммавий ахборот воситалари билан бирга ишлаган пайтида конфликтларнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги қоидаларга амал қилиниши лозим:

- 1) зарур қўшимча ахборотни тақдим этиш;
- 2) ахборотнинг ишонарлилиги ва текширилувчанлиги.

Журналистларга ахборот хизмати кўрсатиш – муайян воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ турли ҳужжатлар тақдим этиш.

Замонавий ахборот обзор материалларининг замонавий турлари:

1) **Интернет, матбуотнинг, ТВ ва радиодан чиқишларнинг экспресс-обзорлари** – таҳлилий кўринишга эга. Мутахассислар (экспертлар) ОАВ материаллари гуруҳи бўйича ижтимоий муаммо ривожланиши мойилликларини кузатиб, воқеа-ҳодисалар бундан кейинги боришининг прогнозини берадилар;

2) **муаммо досьеси** – мавзули кўринишга эга бўлиб, бу муайян масала юзасидан матбуот материаллари тўпламидир. Досье бирон-бир муаммога нисбатан ташкилотлар, ОАВ таҳририятлари позициясини динамикада кузатиб бориш имконини беради;

3) **бэкграунд** – мавзули досьенинг бир тури, кўриниши бўлиб, долзарб муаммонинг келиб чиқишига доир материалларни; масаланинг бутун тарихи бошланишига оид

барча майда-чуйдаларни; вазият, унинг ривожланиш тафсилотларини; ҳодиса бош иштирокчиларига оид биографик маълумотларни; ҳужжатларни; гувоҳликларни ўзида жамлайди.

4) пресс-дайджест – турли газета ва журналларнинг маълум даврдаги (ҳафта, ой) бош мақолалари қисқача кўчирмасидан иборат. Тузувчилар, одатда, дайджестни изоҳламайдилар (улар ўзларининг мақолага бўлган муносабатларини соф техник усуллар: материал танлаш, уларни жойлаштириш (навбатлилиги), ахборотни бузмаган ҳолда қисқартириш маҳорати ёрдамида намоиш этадилар);

5) ҳужжатлар, қабул қилинган қарорларнинг ахборот обзори – йўл-йўлакай фикр билдириш, баҳо бериш, аниқлик киритиш, ишора қилиш кабиларни кўзда тутмайди. Ҳодисага оид асосий қоидалар (тезислар, фактлар)нинг эҳтироссиз рўйхати ёки қисқача баёни ахборотнинг расмий тусга эгаллигини таъкидлаб ўтади.

Конфликтли вазиятларга йўл қўймаслик мақсадида журналистлар билан ишлашдаги асосий қоидалар:

1) баён этилаётган муаммо моҳиятини яхши билган, тайёргарлик кўрган тингловчилар билан иш кўраётганлигини ёдда сақлаш.

2) журналистлар пресс-конференция тугашидан аввал, янгиликлар чиқишига улгуриш учун таҳририятга шошаётганлиги кетиб қолиши мумкинлигини ёдда тутиш керак, шу сабабли уларга қисқа, тушунарли баён этилган муҳим ахборотни бериш талаб этилади.

3) устувор ахборотни ажратиб кўрсатиш.

Конфликт шароитида жамоатчилик билан алоқа боғлаш. Кризисли вазиятларни бошқариш жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассиснинг вазифаларидан бири сифатида

Жамоатчилик билан алоқаларнинг бош вазифаси

Конфликтли вазиятларга йўл қўймаслик мақсадида журналистлар билан ишлашдаги асосий қоидалар:

1) баён этилаётган муаммо моҳиятини яхши билган, тайёргарлик кўрган тингловчилар билан иш кўраётганлигини ёдда сақлаш.

2) журналистлар пресс-конференция тугашидан аввал, янгиликлар чиқиш вақтига улгуриш мақсадида таҳририятга шошаётганлиги туфайли кетиб қолиши мумкинлигини ёдда тутиш керак. Шу сабабли уларни қисқа, тушунарли баён этилган муҳим ахборот билан таъминлаш талаб этилади.

3) устувор ахборотни ажратиб кўрсатиш.

Конфликт шароитида жамоатчилик билан алоқа боғлаш. Кризисли вазиятларни бошқариш – жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассиснинг вазифаларидан бири сифатида

Жамоатчилик билан алоқаларнинг бош вазифаси

(public relations - PR) – ижтимоий уйғунлик ва ўзаро ҳамфикрлиликни таъминлаш.

PR – оммавий онгнинг объектив қонуниятларига таяниш, шунингдек одамлар, ташкилотлар ва жамоатчилик орасидаги муносабатлар, субъективизм, жамоатчиликка босим кўрсатиш, исталган нарсаларни ҳақиқий, асл деб кўрсатишдан воз кечиш кабиларга таяниш.

PR моҳияти – ташкилотнинг прагматик мақсадларини жамият учун мақбул келадиган сиёсатга айлантиришга қаратилган фаолият.

PR бўйича мутахассис ишининг мақсади – жамоатчилик фикри ҳолатига таъсир кўрсатиш. PR бўйича аксарият акциялар маълум мақсадларда амалга оширилади: 1) одамларни бирон-бир маҳсулот ёки ташкилот тўғрисидаги ўз фикрини ўзгартиришларига кўндириш; 2) юзага келиб улгурмаган жамоатчилик фикрини ҳосил қилиш; 3) жамоатчиликнинг мавжуд фикрини кучайтириш; 4) конфликтли вазият юзага келишига йўл қўймаслик; 5) конфликтли вазиятни тинчлантириш.

Жамоатчилик билан алоқалар учун масъул мутахассис қуйидагиларни ҳисобга олиши шарт: 1) жамоатчилик фикри ўзгариб туришга мойил: уни бир маротаба шакллантиришнинг ўзи етарли эмас – у билан мунтазам тарзда иш олиб бориш зарур;

2) доим конфликтли вазиятнинг олдини олиш мумкин; 3) ягона ва бир хил фикрдаги жамоатчилик бўлмайди – жамоатчилик фикрига кўрсатиладиган таъсир муайян одамлар гуруҳларига қаратилган бўлиши керак.

PR нинг биринчи даражали вазифаси – субъект (товар ишлаб чиқарувчи) ва жамоатчилик (истеъмолчи) ўртасида барқарор динамик муносабатларни яратиш ва уларни сақлаб туриш.

Жамоатчилик билан алоқаларнинг **асосий функциялари**:

1) PR ҳар қандай замонавий бошқарув фаолиятининг узвий қисми бўлиб, улар синчиклаб режалаштириш билан давлат фаолияти, иқтисодий ва ижтимоий фаолиятнинг ўзаро уйғунлигини таъминлайдилар.

2) PR хизмати муассаса, фирма ва жамоатчилик ўртасидаги боғлиқликни таъминлаб туради.

3) PR бўйича мутахассис жамоатчилик фикрини, ташкилот режалари ёки фаолиятига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахлоқ ва реакцияни олдиндан тахмин қила билади ва талқин қилади.

4) PR хизмати муассаса раҳбарияти ва унинг ишчи-ходимлари ўртасидаги муносабатларда мақбул хизмат муҳитини таъминлаб, барча даражадаги раҳбариятни қарорлар қабул қилиш, алоқалар ва вазият ривожланиши хусусида хабардор қилиб, маслаҳатлар беради ва тушунмовчилик ҳолатларини бартараф қилади, сохта миш-мишларни рад этади ва корхонанинг номини булғашга интилиш ҳолларининг олдини олади.

CNN омили

CNN, ёки “Ал-Жазира” омили – тайёрланаётган ёки содир этилган кўпуровчилик (террористик) актлар тўғрисидаги ахборот.

CNN омили ўлим билан боғлиқ ва вайроналик манзараларига тегишлилик ва руҳий барқарорликни шакллантиради (“ўлим ҳаёт воқеа-ҳодисаларидан бири сифатида”). Электрон ОАВ лар салбий ахборотни беўлчов миқдорда шахс эътиборига максимал тез етказиш воситаси бўлиб, стереотипларни жорий этиш, объектив жараёнларнинг субъектив манзарасини шакллантириш, “виртуал воқеликни”

яратиш ва омма онги ҳамда сиёсий йўналишлар билан манипуляциялар қилиш бўйича чекланмаган имкониятларга эгадир.

Терроризм – террорчиларга ўзининг кам сонли ресурсларини жамлаб, зўравонлик конфликтсида кучи ва имконияти ўзидан беҳисоб даражада устун бўлган давлатларга қарши курашиш имконини берадиган стратегия.

Терроризм сабаблари (мотивацияси) – диний ва мистик сабаблардан тортиб то моддий сабабларга қадар. У душманга, унинг техника тузилмаларига, сиёсий, ижтимоий ва ҳарбий тизимларига, хавфсизлик тизимига, жамоатчилик онгига максимал зарар етказиш мақсадида барча куч орқали таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланишга қаратилган. Терроризмнинг салбий функционал роли замонавий ахборот даврининг янги мустақил воситаси – ОАВ коэффицентига кўпайтирилади. Реал вақт кўламидаги репортажлар ҳар қандай кўпорувилик актидан етказилган зарарни, унинг самарасини кўп маротаба кучайтириб, уни ҳар бир уйга, хонадонга олиб киради.

Терроризм омили иқтисодий ва молиявий ресурсларни жамлашга, ахборот ва илмий-техник инқилоб натижаларини ушбу даъватларга тўлақонли қарши қўйишга ҳалал бериб, ҳарбий мақсадлар учун беҳисоб ресурслар жалб этилишига олиб келади. у ижтимоий муносабатларнинг қатъийлашувининг сабаби, шу билан бирга шу йўлдаги, шу жумладан шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш учун баҳона ҳам бўлиб келади.

Бирорта стратегия ҳам CNN омилидан терроризм стратегияси каби самарали ва муваффақият билан қўллаш имконига эга эмас.

Террористик стратегия хусусиятлари:

1) уруш олиб боришнинг ўз жангчиларини курашда иштирок этмаётган одамлардан фарқлаш ниятида махсус белгилар ёрдамида белгилашдан тортиб, душманнинг тинч аҳолисини тирик қалқон ва террористик гуруҳлар гарови сифатида фойдаланишгача бўлган барча қоидаларини инкор этиш;

2) хужумга дучор бўлган рақибнинг фуқаролик ресурсларидан ўз ҳарбий мақсадларида фойдаланиш.

МДХ мамлакатларидаги конфликтлар

Россияда ҳокимият ва жамиятнинг асосий эътибори ички барқарорликни сақлаш, ички конфликтларни мувофиқлаштириш муаммосига қаратилган.

Ички этник ҳудудий конфликтлар Россия ҳукумати олдида қўйилаётган даъватлар даражасига кўра қуйидаги тартибда берилиши мумкин:

1) Аввалги миллий-ҳудудий автономияларнинг тўлиқ давлат суверенитети талаб қилиб чиқиши оқибатида юзага келган конфликтлар (Чеченистон конфликти);

2) Этник ҳамжамиятлар томонидан янги миллий-ҳудудий автономиялар эълон қилиши ёки мавжуд бўлган автономиялар мақомини ушбу автономиялар асосида мустақил давлат яратилишига расман даъво қилмаган ҳолда бир томонлама кўтариши;

3) Қўшни этник гуруҳлар ёки баҳсли чегара ҳудудлари устидан назорат қилишни даъво қилаётган суверен бўлмаган республикалар ўртасидаги конфликтлар.

МДХ ҳудудидаги конфликтларнинг ўзига хос хусусиятлари. Россия жамиятининг бугунги ҳолати унда омма онгида катастрофа типининг турмушнинг енгиб бўлмас қийинчиликларига ва аввалги мўлжалларнинг буткул унутилишига реакция сифатида тарқалишини рағбатлантиради. Катастрофизм мафкурасининг ёйилиши мавжуд режим позицияси билан белгиланади. Социал норозилик туфайли реал ижтимоий портлаш хавфи мавжуд. Бу мамлакат социал тизимининг емирилиши ва Россия жамияти таркибидаги кўплаб социал гуруҳлар манфаатларининг шаклланиб улгурмаганлиги билан боғлиқ. Ушбу гуруҳларни на ўзаро, на давлат ва ҳокимият билан социал бирдамлик туйғуси боғлаб турмайди, шу сабабли аҳоли оммавий равишда сиёсатдан узоқлашиб, бирон нимани ўзгартириб бўлишига ишончини тобора йўқотиб бормоқда.

Конфликтларнинг ривожланиш сценарийлари:

1) Норозилик ҳаракатининг тараққий этиши (маҳаллий ё бўлмаса, минтақавий ёки тармоқ кўламида мувофиқлаштирилган иш ташлашлар ва чиқишлар). Ҳокимиятнинг федерал органларига сайловлар пайтида оммавий равишда норозилик

овозлари бериш ҳам юз бериши мумкин (ҳозирги пайтда ҳокимият сайловлар тўғрисидаги қонунга ўзига керакли ўзгартиришлар киритиб, ҳодисаларнинг бундай ривожидан ўзини асраб турибди);

2) Умуммиллий тусдаги оммавий социал портлашлар, уларнинг эҳтимолий оқибати – мавжуд режимнинг қулаши бўлиши мумкин;

3) Макроиктисодий кўрсаткичларни яхшилаш тўғрисидаги сохта ваъдалар ўрнига нисбатан самарали социал сиёсат ўтказиш оқибатида ижтимоий қарама-қаршилик кескинлигини пасайтириш.

Собиқ шўро мамлакатлари ҳудудидаги конфликтлар ва уларни мувофиқлаштириш муаммолари

Россия жамиятидаги конфликтлардаги сиёсий муаммоларнинг уч жиҳати:

1) Ҳокимият ичидаги конфликтлар, ҳокимиятга эга бўлиш учун турли сиёсий кучлар ўртасидаги қарама-қаршилик;

2) Жамият ҳаётининг ҳокимиятнинг мавжудлиги асосларига муайян таъсир кўрсатадиган турли жабҳаларидаги конфликтларда ҳокимиятнинг роли;

3) Давлат ҳокимиятининг воситачилик роли.

Россияда ҳокимият билан боғлиқ асосий конфликтлар қуйидаги йўналишларда кечади: ҳокимият шохобчалари ўртасида (қонун чиқарувчи, ижроия, суд); парламент ичида (Давлат Думаси ва Федерация Кенгаши, шунингдек ҳар бир ана шу органлардан бирининг ичида); сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ўртасида; бошқарув аппарати бўғинлари ўртасида ва ҳ.к.

Социал конфликтлар ичида миллатлараро ва элатлараро конфликтлар муҳим ўрин тутadi. Ана шундай конфликтлар орасида энг мураккаблари ҳисобланади. Социал зиддиятлар, тил ва маданият билан боғлиқ муаммоларга тарихий хотира ҳам қўшилиб, у конфликтнинг яна ҳам чуқурлашишига олиб келади. Элатлараро конфликтларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уйғонган миллий онгни кўпинча элатлараро зиддиятларни янада кескинлаштириб, социал-сиёсий вазиятни издан чиқарадилар.

Социал-иқтисодий конфликтнинг юзага келиш асослари: одатий истеъмол даражаси ва турмуш даражасининг ёмонлашуви (реал эҳтиёжлар конфликти), ёки бошқа социал гуруҳларга нисбатан ёмонроқ ҳолат (манфаатлар тўқнашуви, конфликти) сифатида баҳоланадиган иқтисодий аҳволдан қониқмаслик. Иккинчи ҳолда конфликт ҳатто турмуш шароитларининг етарли бўлмаган ёки ноадекват деб идрок этилган бироз яхшиланиши шароитида ҳам юзага келиши мумкин.

1) нисбатан кенгроқ алоқалар тизимининг аҳамиятлилик даражаси, бундан аввалги ҳолат ва унинг беқарорлашувидан келиб чиқадиган устунлик ва йўқотишлар, - буларнинг бари конфликт арафасидаги вазиятга баҳо бериш сифатида белгиланиши мумкин;

2) ўз манфаатларини англаш даражаси ва уларни амалга ошириш мақсадида таваккал қилишга тайёрлик;

3) қарама-қарши турган томонларнинг бир-бирини қандай идрок этиши, оппонент манфаатларини ҳисобга олиш имконияти.

Россияда ва МДХ давлатлари ҳудудида рўй берадиган энг жиддий конфликтлар қаторига сиёсий, социал ва миллий-этник конфликтларни киритиш мумкин.

Шахснинг ички конфликтлари даражасини аниқлаш услугиётлари

Конфликтли вазиятда ахлоқ (ўзини тутиш) турини аниқлашнинг қуйидаги услугиётлари мавжуд:

1) **жавоб бериш (реакция билдириш)нинг рад этилаётган**, яъни энг кам балл тўплаган усулини аниқлаш. Маъқул деб топилган ва рад этилаётган усулларни қиёслаш шахс ички конфликтни аниқлаштириб беради;

2) **трансакт таҳлилини қўллаш**. Мураса турли йўналишдаги позицияларни ўз ичига олган усул ҳисобланади. У конфликтда эмоциялар (ҳис-туйғу)га энг бой усул саналиб, шахс ички конфликтининг кучайишига олиб келади;

3) **жавоб бериш (реакция билдириш) усуллари (маъқул топилган ва рад этилаётган)нинг ўз манфаатлари ва оппонент манфаатлари нисбати нуктаи назаридан таҳлили**.

Шахс ички конфликтининг олти тури: 1) мотивацион (“хоҳлайман” ва “хоҳлайман” ўртасида); 2) маънавий (“хоҳлайман” ва “керак” ўртасида); 3) ролли (“керак” ва “керак” ўртасида); 4) адаптацион (мослашиш) (“керак” ва “бажара оламан” ўртасида); 5) рўёбга чиқмаган истак-орзу конфликти (“хоҳлайман” ва “бажара оламан” ўртасида); 6) ўз-ўзини ноадекват (номуносиб) баҳолаш конфликти (“хоҳлайман” ва “хоҳлайман” ўртасида).

Услугиёт инсоннинг шахс ичи конфликтлилик даражасини, шахс ичи конфликтларининг энг кўп бошдан кечириладиган типларини белгилаб олиш, инсон шахс ичи конфликтлилигининг долзарб ва асосий соҳаларини (мотивацион, зарурий, ўз-ўзини баҳолаш) аниқлаш имконини беради.

Шахснинг ирода сифатлари ривожланганлигининг унинг конфликтлилик даражасига кўрсатадиган таъсирига оид хусусиятлар:

1. Кескинлик даражаси нақадар юқори бўлса, шахс ички конфликтлилиги шу қадар юқори бўлади.

2. Инсонда қатъият, ҳис-туйғулар барқарорлиги, мустақиллик нақадар ривожланган бўлса, шахснинг ички конфликтларини бошдан кечириш шу қадар енгил кечади.

3. Вазминлик ва фидойилик каби ирода фазилатлари шахс ички конфликтлилик даражаси юқори бўлган одамларга хосдир.

4. Мустақиллик ва ахлоқнинг меъёрийлиги даражаси юқорилиги шахснинг ички конфликтлилигига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

5. Шахс ички конфликтлилиги ва нейротизм даражалари ўртасида кучли ижобий ўзаро боғлиқлик мавжуд.

6. Шахс ички конфликтлилиги ва экстраверсия даражалари ўртасида салбий ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланган.

7. Ақлий жиҳатдан тараққий этган шахслар шахс ички конфликтларини чуқурроқ, оғирроқ кечиришлари тасдиқланган.

Касбига, ёшига, жинсига кўра танлаб ўтказилган тадқиқотлар ноадекват баҳолаш, мослашиш билан боғлиқ ва ролли конфликтлар оғирроқ, мотивацион конфликтлар эса — нисбатан енгилроқ кечирилишини кўрсатди.

Инсоннинг конфликтлилик даражасини аниқлайдиган тестлар

Шахс конфликтлилиги – унинг интеграл хоссаси бўлиб, шахснинг шахслараро конфликтларга қанчалик кўп киришишини акс эттиради. Ана шундай кўрсаткичи ювори бўлган индивид атрофдагилар билан доимий кескин муносабатлар ташаббускори бўлиб қолади.

Шахснинг конфликтлилигини белгилаб берадиган омиллар:

1) психологик омиллар – темперамент, тажовузкорлик даражаси, руҳий (психологик) барқарорлиги, талаб ва интилишлари даражаси, ҳозирги ҳиссий ҳолати, феъл-атвор долзарблашуви ва ҳ.к.;

2) социал-психологик (руҳий) – социал қарашлари ва қадриятлари, оппонентга нисбатан муносабати, ўзига нисбатан фаолият йўлланганлиги, мулоқотдаги билим ва омилкорлиги ва ҳ.к.;

3) социал омиллар – ҳаёт ва фаолият шароитлари, ҳордиқ чиқариш имкониятлари, атрофидаги социал муҳит, умумий маданият даражаси, эҳтиёжларини қондириш имкониятлари ва ш.к.;

Шахснинг конфликтлилиги жиҳатларини аниқлаш имконини берадиган тестлар ва сўровномалар:

1) Г.Айзенкнинг шахсга доир сўровномаси – икки шкала – “экстраверсия - интроверсия” ва “нейротизм - барқарорлик” бўйича шахс темпераменти типини аниқлаб беради;

2) Реактив ва шахсий хавотирлилик шкаласи – америкалик психолог Ч.Спилберг томонидан хавотирлилик даражасини эмоционал ҳолат ва шахсга оид хосса сифатида ўлчаш мақсадида ишлаб чиқилган. У шахс хоссаси сифатида объектив хавфсиз вазиятларни хавфли, таҳдидли деб қабул қилишида, кўрқув, хавотир билдиришида намоён бўлади;

3) “Q-саралаш” услубиёти – Х.Зален ва Шток томонидан таклиф этилган бўлиб, гуруҳ аъзоларида ахлоқнинг тобелик – мустақиллик, одамохунлик – одамовилик, курашга интилиш – курашдан қочиш каби мойилликлари даражасини ўлчаш имконини беради.

4) К.Томас сўровномаси – конфликтли вазиятларда ўзини тутиш (ахлоқ) стратегияларини аниқлаш учун мўлжалланган.

Барча стратегиялар қўлланиб, улардан ҳар бири 5 дан 7 баллгача оралиқдаги интервалда жойлашганидаги ҳолат оптимал ҳисобланади. Стратегия танланиши шахсий ва социал омилларга боғлиқ. У ёки бу стратегияга мойиллик атрофдагиларга бўлган муносабат, тажовузкорлик даражаси, инсон ёши, унинг фаолият тури, меъёрий ёки аксил социал (ижтимоий) ахлоққа бўлган мойилликка боғлиқ.

Кузатиш ва социометрия социал гуруҳлардаги шахслараро конфликтларни ўрганиш (тадқиқ этиш) услуги сифатида

Кузатиш – мақсадга мувофиқ, ташкиллаштирилган, бевосита идрок этиш ва конфликтли ҳодисаларни қайд этиш йўли билан ўрганилаётган объект тўғрисидаги бирламчи маълумот тўплашдан иборат.

Услубнинг ижобий хусусиятлари:

- 1) Кузатиш давомида конфликт бевосита идрок этилади;
- 2) Кузатиш кўплаб омилларнинг конфликтга таъсирини, уларнинг мавқеи ва таъсир самарасини баҳолаш имконини беради;
- 3) Кузатишда конфликт кечаётган шароитларнинг табиийлиги таъминланади;

Услубнинг камчиликлари: кузатилаётган конфликтли вазиятнинг хусусий (айрим) тусга эга эканлиги, кузатувчи ва конфликтнинг бир-бирига таъсири, кузатиш яқунларини расмийлаштириш қийинлиги.

Социометрия – кичик гуруҳдаги кескин, конфликтли ўзаро муносабатларни аниқлаш мақсадида қўлланадиган услуб. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси таклиф этилган мезонлар бўйича атрофдагиларга бўлган муносабатини белгилаб беришига асосланади.

Социометрия кўринишлари:

- 1) Координата-социометрия услуги – тадқиқ этилаётган гуруҳларда конфликтли жуфтликлар, индифферент шахслар, расмий ва норасмий мулоқот кичик тизимларида ижобий ва

салбий мақомга эга бўлган кичик гуруҳларни ажратиб олиш имконини беради;

2) Шахсларо конфликтлар диагностикасининг модулли услуги – тўртта базавий ўлчов шкаласини (гуруҳнинг ҳар бир аъзосига бўлган муносабат, ҳар бир шахснинг унинг ўзига нисбатан муносабати тўғрисидаги тасаввури, лавозим вазифаларини бажариш сифати, маънавий фазилатларининг тараққий этганлиги) ўз ичига олиб, улар бўйича + 5 дан то – 5 гача бўлган оралиқда жорий баҳолар қўйиб борилади. Қатор индекслар, хусусан гуруҳ конфликтлилиги ва унинг ҳар бир аъзоси конфликтлилиги индексини ҳисоблаб аниқлаш имконини беради;

3) Маконга доир социометрия – синовдан ўтказилаётган шахснинг гуруҳдаги яқинроқ муносабатда бўлган аъзоларини, ҳамда унинг эътиборсиз бўлган ва конфликтли муносабатдаги аъзоларини билиб олишга кўмаклашади. Талабалар ва психологлар ишида, социал-психологик тренинглар жараёнида қўлланади;

4) Муносабатларнинг рангларга боғлиқ тести (МРТ) – сўровдан ўтаётган шахслар психологдан ўзларининг гуруҳдаги конфликтли муносабатларини яширишга ҳаракат қилганларида қўлланади. МРТ муносабатларнинг муҳим (жиддий) тавсифлари ва улар келтириб чиқарган ҳолатлар муайян ранглар уйғунлиги билан корреляцияланади деган фаразга асосланган. Ранглар уйғунлиги (гаммаси) ҳимоя механизмларини айланиб ўтиб, гуруҳдаги яширин ўзаро муносабатларни аниқлашга ёрдам беради.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Ҳозирги замон конфликтларни таҳлил этиш методологияси

Сўнгги ўн йиллик давомида ижтимоий фан методологлари эътиборини синергетика концепциялари ва у билан боғлиқ хаос назарияси тобора кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Синергетиканинг асосий назариялари пайдо бўлишини Илья Пригожин – кимёвий физика соҳасидаги Нобель мукофоти лауреати, бельгиялик олимпик илмий фаолияти билан боғлаб, номувозанатли тизимлар физикасини ўрганар экан, у унинг “Хаосдан келиб чиққан тартиб” китоби номида акс этган янги эффектларни кашф этди. Бироқ ушбу номда ўз аксини топган фикрни янги дейиш қийин. XIX аср бошларида бу “формулани” М.Т. Каченовский жорий этиб, у немисча “Европадаги сиёсий мувозанат тўғрисида” номли мақолага берган шарҳида шундай деб ёзади: “Хаосдан тартиб барпо бўлади”. Аммо уни ҳам ушбу парадоксни кашф этган дея олмаймиз. Синергетика мураккаб фан, ўз-ўзини ташкиллаштириш, мураккаб динамик тизимлар тараққиётининг номунтазам даврларда ҳолати кескин ўзгариши мумкин бўлган универсал қонуниятлари тўғрисидаги таълимот деб ҳам аташади. Синергетик методологиянинг тасдиқланиши ижтимоий-сиёсий ва табиий фанларда янги ғояларнинг яратилишига сабаб бўлди. Синергетика (ўзини ташкил қилиш назарияси) хаос ва тартибнинг ҳолатини чегаралаш заруратини белгилайди.

Хаотик системаларда ҳар бир элементнинг ҳолати етарлидир, уларнинг ўзаро ҳаракати-тасодиф. Лекин тасодиф конструктив бошланишдек кўриб чиқилади. Хаоснинг қайсидир бўлаги - бу ёмонлик эмас деб кўрсатилган. И. Пригожиннинг асосий ғояси: бошқарилувчи хаос оптималдир. Бу ёндашув "флуктуация орқали тартиб"ни мураккаб тизимларда процессларнинг қайтмаслиги алоҳида кўрсатилади. Уларнинг детерминлашиш муаммоси бошқача қўйилади. Тасодифлар уларни камроқ қаттиқ қилади. Ривожланиш процесси бир чизикли эмас, кўп вариантлидир: ижтимоий ҳаракатлар-ишончли характерга эга. Синергетика ижтимоий жараён устида тўлиқ назоратни кўрсатади. Ижтимоий ташкиллаштириш жараёнига субъект томонидан бошқариш таъсири киритилади. У бу жараёнга

тузатишлар киритади, лекин уни тўлиқ бўйсиндирмайди. Инсон шароитларининг чегаралари аниқланади. Маълум бўлишича, ҳамма муаммолар ҳам ечимга эга эмас, ҳар қандай ҳолатда эффектив ва қонунийдир эмас. Ижтимоий қобик янги синергетик ўқишнинг бир бўғинидир. Ҳақиқатан ҳам, у мавжуд ва тасодифий ҳодисаларнинг доимий тўқнашувини ифодалайди. Унга кўпгина стабиллашмаган жараёнлар чиқади. Ўйланган ва режалаштирилган нарсалар тескарисига айланиб кетиши ва бошқача ривожланиши ҳам мумкин. Жамиятнинг синергетик тушунчаси уни кўп қиррали тизимдек қабул қилади.

Синергетика асосчиларидан бири, немис физик олими Герман Хакен уни ўз-ўзини ташкиллаштириш тўғрисидаги, “кўплаб кичик тизимларнинг биргаликдаги ҳаракати ва таъсири, бунинг натижасида макроскопик даражада янги тузилма ва тегишли фаолият юритилиши юзага келадиган назария” деб таърифлайди. 1970-йилларда ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг умумий қонунлари мавжудлиги масаласи билан шуғулланган Хакен уни ўзи синергетика деб ном берган фан доирасида ўрганишни таклиф этган. Аслини олганда, XX асрнинг 80 йиллардан бошлаб, Германияда ўз-ўзини ташкиллаштириш ва номувозанатлилиқ тўғрисидаги фан айнан ана шундай номлана бошлади. Аммо Франция ва Бельгияда уни “диссипатив тузилмалар назарияси”, АҚШда эса – “динамик хаос назарияси” (М.Фейгенбаум) деб атадилар. Кўпинча ўз-ўзини ташкиллаштириш тўғрисидаги фан “дарахтининг” барча шохларини “complexity science” (мураккаб нарсалар ҳақидаги фан) деб номлайдилар. Ушбу парадигмага мувофиқ ривожланиш тизимнинг барқарор ҳолатларининг давомли даврлари кетма-кетлиги деб англаниб, улар қисқача хаотик фаолият даврлари билан узилиб, шундан сўнг навбатдаги барқарор ҳолатга (аттракторга) ўтиш (бифуркация) рўй беради. Мураккаб нарсалар ҳақидаги фан парадигмасининг муҳим жиҳатларидан бири ўз-ўзини ташкиллаштириш ғояси билан боғлиқ. Унинг аҳамияти жаҳон сиёсий, иқтисодий, экологик ва ўзга жараёнлари ривожига жиддий таъсир кўрсата бошлайдиган тармоқли ҳамжамиятлар роли кучайиши билан орта бошлайди. Бунда ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг ички манбаи бўлиб ривожланишнинг nobarqarorlik ва барқарорлик, бетартиблик ва тартиб,

тасодифийлик ва зарурат каби бир-бирига зид тенденцияларининг ўзаро фаолияти ва таъсири хизмат қилади. Турли илмий фан вакиллари бир-биридан алоҳида ҳолда мураккаб тизимлар элементларининг ночизиқли боғлиқликларини ўрганаётган ўз-ўзини ташкиллаштириш назариясини қўллаш Интернет глобал макони каби қудратли ва ички ҳолатини сакраб ўзгартиришга мойил бўлган тизимлар эволюцияси қонуниятларини яхшироқ тушуниб олиш имконини беришини қайд этадилар.

Синергетиканинг муҳим қоидаларидан бири – очик ўз-ўзини ташкил этадиган макротизимларда соф ахборот ўзаро ҳамкорликларга асосланган кооператив ҳодисалар (интеграция) юз бериши мумкин. Улар ўз ҳолича, яъни тизимдан ташқари таъсирларсиз янги тузилмалар ва ҳодисаларни яратиши мумкин. Россиялик олимлар Е.Н. Князева ва С.П. Курдюмовлар ночизиқли синтезнинг потенциал шакллари сони чекланганлигини таъкидлаб ўтадилар. Ҳар қандай тузилма интеграцияланмайди ва бу ривожланишнинг ҳар қандай босқичида ҳам юз бериши мумкин эмас. Демак, интеграция ўз-ўзича ёки эркин тарзда рўй бермайди. Шу сабабли синергетика эътибори мураккаб тизимлар механизмлари ўз-ўзини ташкиллаштиришининг нобарқарор ҳолати моментларида тадқиқ этишга қаратилиб, тизимнинг барқарорликка томон у ёки бу йўлни танлаши ана шу пайт маълум бўлади. Барқарор ҳолат вариантлари эса синергетикада “тизим эволюциясининг тузилма-аттракторлари” деб белгиланади. Механизмларни ўрганиш хаос тизимини ўз-ўзидан енгиб ўтиш йўллари шундай таҳлил қилишни назарда тутиб, бунда эволюция жараёнларининг вақт давомида сиқилиш алгоритмларини аниқлаш мумкин бўлади. Кичик, аммо топологик жиҳатдан тўғри ташкил этилган таъсир, агар у муҳит ўзининг ва уни ташкиллаштиришнинг барқарор ҳолати хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўрсатилса, тизимда пропорционал кучли самара бериши мумкин. Демак, бу каби таъсирнинг стратегияси ва тактикасини тўғри белгилаб олиб, назарий жиҳатдан тизимни оралиқ эволюцияларнинг узундан-узоқ йўлини кезмай, ривожланишнинг “қулай, мақбул” траекториясига “олиб чиқиш” мумкин бўлади. Албатта, бу жуда хавфли стратегия бўлиши мумкин. Синергетикага оид

адабиётларда “улкан сакрашлар” хавфи, аттракторларнинг барча вариантлари (эҳтимолий барқарор ҳолатлар) хусусиятларини англаш зарурати, улар ичидан ягона, мазкур муҳит шароитига мувофиқини танлаб олиш аҳамияти тўғрисида кўрсатиб ўтилади. Муҳитга унинг учун хос бўлмаган ташкиллаштириш шакллари “тиқиштириш” ўта хавфли. Синергетика концепцияларининг умумилмий парадигма сифатида тарқалиши шунчаки ижтимоий-гуманитар фанлар категория аппаратини кенгайтириш эмас, балки ночизиқли динамик тизимлар ва хаоснинг математик назарияси доирасида ишлаб чиқилган баъзи универсал математик моделлардан фойдаланиш масаласини кўтарди. Бироқ синергетика реал ҳаётда “жараёнлар ривожининг чизиқли кўриниши” ва “мувозанатли ҳолатлар” ҳамиша ҳам устувор бўлмаслигидан келиб чиқади.

Тизимларнинг нобарқарор ривожланиш давларидаги ишлашининг мураккаблиги ва олдиндан билиб бўлмаслигини ҳисобга олиш анча кўпроқ эътибор талаб қилади. Бундай ҳолларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин – давлатлар тарқалиб кетиши, ташқи хуружлар, давлат тўнтаришлари, кенг кўламли террорчилик ҳаракатлари, урушлар, молиявий ва бошқа кризислар, жадал кечадиган ислохотлар, оғир электорал вазиятлар, инқилоблар, жамиятнинг қудратли норозилик билдиришлари кабиларни киритиш мумкин. Айнан ана шундай шароитларда “аҳамиятсиз” сабаблар сиёсий ва халқаро жараёнларнинг траекториясига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши мумкин.

Бифуркация нуқтаси яқинида юзага келадиган “хаос” тартиб йўқ бўлиб кетишини англаб бериш мумкин. Айтиш мумкинки, жараён кечиши ички жиҳатдан (ташқи сабаблар туфайли эмас) билиб бўлмайдиган кўриниш олади. Шунга боғлиқ ҳолда социал билим методологлари томонидан муҳокама қилинадиган асосий масала – ижтимоий тараққиёт муқобилларини танлаш механизмлари, бифуркация нуқталарида аввалдан аниқлаб ва башорат қилиб бўлмайдиган тасодифларнинг таъсиридир. Синергетиканинг социал фанларда қўлланишининг амалий методик жиҳати ҳам муҳим ҳисобланади. Агар манбалар жараённинг давомли ривожланиш қонуниятларини қайта тиклаш имконини берса, компьютерлаштирилган услубиётлар ёрдамида унда хаотик режимлар, шу жумладан ташқи сабаблар таъсирисиз, шунчаки

жараённинг ночизикли ривожланиши юзага келадиганларининг пайдо бўлиш эҳтимолини аниқлаш имкони туғилади. Синергетиканинг социал-гуманитар билимга таъсирининг уч даражаси тўғрисида айтиш мумкин: концептуал, категориал ва услубий. Фикримизча, синергетик ёндашувлар айнан шундай тартибда ижтимоий-амалий фанлар методологияси ва амалий таҳлилига кириб боради. 1982 йили ночизикли динамика масалалари бўйича россиялик мутахассис Ю.А. Данилов синергетиканинг ночизикли тизимлар ишлашининг хусусиятларини ҳисобга олган таърифини берди: “Асримизга фан тараққиёти келтирган кўплаб фахрий унвонлар орасида “ночизиклилик асри”ни – энг жарангдор ва гўзал номлардан деб бўлмайди, аммо у энг аҳамиятли ва арзигулик... Ночизикли функциялар олами, унинг ортида турган ночизикли ҳодисалар дунёси каби ўзининг чексиз турлитуманлиги билан хавотирга солиб, қалбларни эгаллайди ва ўзига жалб этади. Бу ерда шунчаки доимий стандартга ўрин йўқ, бунда ўзгарувчанлик ва шакллар хилма-хиллиги ҳукмрон”. Синергетикани кўпроқ келиб чиқишидан қатъи назар тизимлар эволюциясининг умумий қонуниятлари қизиқарлидир, холос. Ўзига хосликни чеккага суриб қўйиб, айтиш мумкинки, бу фан улар эволюциясини умумлаштирувчи тилда баён этишга интилиб, турли фанлар гуруҳи воситалари томонидан ўрганиладиган, аммо ягона моделга олиб келадиган ҳодисалар гуруҳининг ўзига хос изоморфизмини белгилаб беради. Ягоналикни белгилаб олиш синергетикага бир фан соҳаси ютуқларини бутунлай бошқа йўналиш вакиллари тушунадиган қилиш имконини беради. Бунда синергетика бир неча фан чегарасида юзага келадиган чегаравий фанлардан (физик кимё ва математик биология каби) эмас. Синергетика алоҳида фанлар “ўзиники” деб билган қонуниятлар ва боғлиқликларининг умумий жиҳатларини белгилаб, ўрганадиган метафан вазифасини бажариши мумкин. Янги фанлараро йўналишнинг шаклланиш жараёни осон кечмади, албатта. Ўз вақтида синергетика тарафдорлари ва унга қарши бўлганлар ўртасидаги кўп мунозаралар бўлиб ўтган. Аммо бугунги кунда ўз-ўзини ташкиллаштириш, турли жараёнлар динамикасидаги ночизикли самаралар, улар ҳолатининг хаослашуви (тартибсизлашуви) кўплаб фан вакиллари томонидан ўрганилмоқда. Турли соҳа ва йўналиш вакиллари синергетика

категория-тушунча аппарати ва услубларидан фойдалана бошладилар. Давом этаётган мунозаралар ушбу “метафаннинг” айнан қайси “қатламлари” у ёки бу алоҳида фанда самаралироқ фойдаланиши мумкинлиги хусусида бормокда. “Ночизиклилик” тушунчаси тўғрисидаги илмий мунозаралар қисман жаҳон илмий ҳамжамиятининг эпистемиологик қарашларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолда сиёсий муаммолар ва конфликтлар проблематикасининг глобаллашуви ночизиклилик ғоясининг ижтимоий фан вакиллари томонидан қабул қилинишига сабаб бўлди. Кейинги йилларда синергетиканинг янги “тармоқ” йўналишлари “оёққа туриш” жараёни юз бериб, улар орасида социал синергетикани кўрсатиб ўтиш лозим. Россиялик файласуф В.П. Бранский уни қуйидагича кўрсатади: “Социал синергетика социал ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг умумий қонуниятлари, яъни социал тартиб ва социал хаос ўзаро муносабатларини тадқиқ этиш билан шуғулланади”. Тарихий тараққиёт назарияси қурилишига турлича ёндашувларни қиёслар экан, ушбу муаллиф анъанавий назария (Гегель диалектикасига бориб тақалади) ривожланишни бир тартибдан бошқасига ўтиш деб кўриб чиққанлигини қайд этади. Хаос умуман ҳисобга олинмаган ёки қўшимча (ортиқча) ва шу сабабли тартиблар қонуний алмашинувининг (одатда, нисбатан соддасининг мураккаби билан) муҳим бўлмаган маҳсули сифатида кўриб чиқилган. Аммо хаос синергетика учун ривожланишнинг тартиб каби қонуний, “тенг ҳуқуқли” ва ўрганишга молик босқичидир. “Синергетика ривожланиш эски назариясининг шунчаки янги тилга кўчирилишидан иборат эмас, балки узоқни кўзлаган ривожланиш ва умумлаштиришдир”. Ночизиклилик ғояси ўз ичига эволюция йўллариани танлашнинг кўп вариантлилиги, муқобиллилиги, унинг ортга қайтмаслигини олади. Ночизикли тизимлар номунтазамлик, ёки нобарқарорлик шароитларида тасодифий, кичик таъсирларга непропорционал реакция бериб, бу бифуркацияларда (эволюция йўллариининг шаҳобчалари), фазали ва ўз ҳолича юз берадиган ўтишларда намоён бўлади. Бу каби тизимларда маҳаллий (локал) жараёнлар сақланиб, қўллаб-қувватланади ва уларда тузилмалар эволюцион яхлитликка жамланишнинг баъзи қонунларига биноан интеграцияланиб, бирлашадилар. Параллел равишда уларнинг мураккаблиги

ортиши босқичларида ушбу тузилмалар хаотик тарзда парчаланиши юз беради. Хўш, бифуркация нуқтасида тизимнинг ривожланиш вариантлари сони чекланганми ё йўқ? Синергетик моделлаштириш ҳатто бифуркация (аникроғи, полифуркация) нуқталарида ҳам ҳар нарса юз бермаслигини кўрсатди. Реал сценарийлар сони доим чекланган бўлиб, ҳодисалар режимлардан (траекториялардан) бирига кирган экан, тизим тегишли якуний ҳолат (аттрактор) йўналишида ўзгариб боради.

Цивилизация ривожини очиқ мураккаб тизимларнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёни сифатида тушунтириш “жамият кризис ҳолатларининг муқаррарлиги, траекториялар майдонини ҳосил қилган кўплаб ривожланиш йўллари ва бифуркация давлари мавжудлигини” изоҳлайди. Эволюция назарияси соҳасининг таниқли мутахассиси Эрвин Ласло жаҳон тарихининг замонавий босқичини “Бифуркациялар асри” деб атаб, бугунги кунда рўй бераётган янги бутунжаҳон цивилизациясининг шаклланишини кўзда тутди. Яқинда ишлаб чиқилган ўз-ўзидан ташкиллаштирилган танқидийлик назарияси ҳам анча қизиқ. Унинг ёрдамида зилзилалар, биржа синишлари, “портловчи” социал конфликтлар, маҳаллий урушлар моҳиятини белгилаб берадиган қонуниятларни ўрганиш мумкин. Ана шундай жараёнлар ривожда камдан-кам ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган ҳалокатли ҳодисалар энг катта ўрин тутди. Уларнинг юзага келиш механизмини россиялик олим Г.Г. Малинецкий тоғдаги тош қулаши билан қиёслади: “бир тошнинг тушиши ҳеч қандай таъсир қилмаслиги, иккинчисининг тушиши эса – тоғ ўпирилишга олиб келиши мумкин”. Сиёсий-тарихий жараёнларга нисбатан олганда ўз-ўзини ташкиллаштириш танқидийлик назарияси этногенез ёки “турғунлик” давларида социал nobarqarorlik юзага келишини аниқлаш учун фойдали бўлиши мумкин. Тарихий вазиятлар таҳлили шуни кўрсатадики, социал норозиликларнинг “улкан тўлқинлари” жамиятни барқарор йўлга тушириши мумкин бўлган ислохотларнинг кечикиш ҳоллари учун хослигини кўрсатади. Жамиятнинг ўз-ўзидан емирилишига олиб келадиган nobarqaror ҳолатлар тарихий вазиятда нима қилишни англаб етмаган цивилизациялар учун хос. Синергетикани ижтимоий- сиёсий тадқиқотларда қўллаш тўғрисида ягона қарашлар мавжуд эмас. Хорижий

мутахассисларнинг бу масаладаги фикрлари турли-туман: синергетика услубларини буткул инкор этишдан уларни тўлиқ эътироф этишга қадар. 1980-1990 йилларда методология мутахассислари “бир тузилмадан бошқасига ўтиш учун объектив, формаллашган назария” йўқлиги туфайли изланишда бўлган бўлсалар, кейинчалик ўтиш даврлари, тарихий ривожланиш муқобиллари, социал ларзалар даврларига хос қонуниятлар ва тасодифлар нисбатини ўрганишга бўлган қизиқиш фақат ортиб борди. Польшалик олим Ежи Топольский айтишича, хаос назариясини гуманитар фанларда қўллаш имконияти тўғрисидаги мунозара 1991-1995 йиллари “History and Theory” журнали саҳифаларида бўлиб ўтган. Бироқ унинг фикри ва хулосаларига эътироз билдириш ҳам мумкин. Е. Топольский фикрича, мунозара иштирокчилари хаос назариясини тарих фанига нисбатан қўллаш назариясини ёқлаб чиққан бўлсалар, унинг ўзи бу ёндашувга қарши. Аслида мунозарада синергетика концепциясининг тарафдорлари ҳам, унга қаршилар ҳам иштирок этиб, бунда иккинчиси сони камроқ бўлган. Бундан айнан скептиклар фикри тадқиқотчи учун кўпроқ қизиқиш пайдо қилиб, чунки улар синергетика ёндашувлари рақибларининг далил-исботлари тўғрисидаги йиғма тасаввур ҳосил қилиш, демак, тегишли контр далиллар топиш имконини беради.

Биринчидан, ростдан ҳам ушбу назарияга таянган ҳолда тарихни баён этишнинг янгича услубига ўтишда социал воқеликни янгича изоҳлаш ёки ҳеч бўлмаса, тушунтириш мумкинми? Агар “фанлар бирлигига” ишора қилиш ва синергетикани хаоснинг умумлаштирувчи назарияси сифатида англаниши билан чекланса, бу савол риторик кўриниш олиши мумкин. Аслида, ижтимоий фан мутахассислари табиий фан тадқиқотчиларига нисбатан бу тушунчага бошқача маъно беришлари ҳисобга олинганида ҳам сиёсий тарих ўзини хаотик тизим сифатида тутди. Синергетик қараш хусусияти бутунлай ўзгача. Табиий ва гуманитар фан мутахассисларининг “тизимга” қарашларидаги фарқ аҳамиятга эга. Табиий фан тадқиқотчилари жамиятга ташқаридан кузатиладиган нарсга деб қарашса (ботаник ўсимлик ривожини, зоолог — ҳайвонни, метеоролог — об-ҳаво fronti шаклланишини кузатади), гуманитар йўналиш вакилларининг ўзи сиёсий-тарихий оқимга тушиб, уни ичидан

туриб кузатадилар. Ижтимоий воқеликда таҳлилнинг асосий элементи бўлиб инсон, унинг ҳаракатлари ва мотивацияси хизмат қилади. Одамлар ҳаракатлари (айниқса гуруҳли ҳаракатлар) хаотик бўлиши, улар натижаси кутилганидек бўлиб чиқмаслиги мумкин. Бу каби кузатишлар анъанавий фан учун одатий ҳол бўлиб, жиддий синергетика уни бошқача сўзлар ёрдамида ифодалашга интирмайди. Унинг вазифаси – социал тизимга кичик (шартли тасодифий ёки шартли ташкил этилган) таъсирлар ҳам тизим хоссаларини сакраб (кескин) ўзгартирадиган вазиятларни моделлаштириш имконияти исботланган бўлса, келажакда ҳам ҳозирда рўй берганидек қайтарилиш ё қайтарилмаслигини тушуниб етишдан иборат. Хаос назарияси мунозараларда аргументларни аниқлаштириши ёки тўлдириши, улар тилини янги тушунчалар билан бойитиши мумкин. Бироқ хаос назариясининг иқтисодиёт фанидаги роли фақат қўшимча метафоралардан иборат эмас, албатта. Швециялик мутахассислар шундай дейдилар: “замонавий тизимлар назариясида энг ёрқин ҳодиса хаосни кашф этиш бўлди... Хаосни иқтисодий назариянинг мавжуд пойдеворидан айри ўрганиш мумкин эмас”.

Иккинчидан, синергетикага доир баҳс-мунозаранинг муҳим жиҳати скептикларнинг “тасодиф” ва “зарурат”нинг анъанавий бўлинганлигини сақлаб қолиш зарурлиги ҳақидаги талабидир. Одамлар ҳаракат қилиш сабаблари уларнинг индивидуаллигига боғлиқлигидан келиб чиқиб, хаос назариясини инсон онги соҳасига қўллаб бўлмайди деб ўйлаш учун асос бор. Аммо кўпгина хорижий психологларининг бош мияси иши ва социал ахлоқнинг хаотик режимларига доир ишларида бу фикрга қарши чиқилган. Фаннинг ўзи “улкан бифуркация марказида” жойлашиб, уни тадқиқ этиш учун ишчи қуроли бўлиб динамик тизимлар назарияси ҳисобланади.

Учинчидан, хаос назариясида одамларнинг нисбатан онгли ҳаракатларига ўрин йўқлиги тўғрисидаги фикр ҳам ўзига эътиборни жалб этади. Инсон “хаоснинг даҳшатли кучи олдидаги ўйинчок” бўлиб кўринади. Шу билан бирга қуйидагиларга ҳам диққат қилиш лозим: хаос назарияси оптимизм руҳини пайдо қилиши ҳам мумкин. У инсоннинг “ўйинчокқа” айланиш вазиятлари ривожланиш жараёнининг меъёрини намоиш этмай, балки ўзига хос истисно бўлиб, ижтимоий тизим бифуркация

нуқталарига (яъни асло исталган вақтда эмас) келганида рўй беришини кўрсатади.

Тўртинчидан, синергетик таҳлил танқидчилари тарихий тараққиёт (ривожланиш) оқим, йўналиш, асосан зарурат бўлиб келишига ишора қиладилар. Тасодиф муюлишлар, яъни бифуркация нуқталарида жиддий аҳамият касб этиб, улар ўтилганидан сўнг яна зарурат “ғолиб келади”. Аммо бу ҳолда тасодиф “заруратни рўёбга чиқаришга қаратилмаган”: у заруратга нисбатан ўз автономиясига эга. Унга заруратнинг бир неча эҳтимолий вариантлари орасидан танлаб олиш имкони берилган.

Синергетика бўйича америкалик олимлар уларга компьютер технологиялари ёрдамида олинган ўз жавоб вариантларини тақдим этадилар. Уларнинг маълумотлари хаотик ҳолатларнинг параметрлари ва бифуркациялар хусусиятларини аниқлаштириш, тинчликдан урушга ўтишнинг баъзи индикаторларини белгилаб олиш, ички барқарорлиги заиф ва кучли тизимларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятларини кузатиб бориш имконини беради. АҚШда синергетика бўйича тадқиқотлар электорал кампаниялар материаллари асосида ҳам ўтказилади. Хаос назарияси ёрдамида АҚШ президентиликка даъвогарларни илгари суриш бўйича кампаниялар давомида жамоатчилик фикрининг ўзгариб бориши, динамикасини ўрганиб борадилар. Америкалик мутахассислар вақти-вақти билан хаотик ҳолатга тушиб турадиган давомли вақт (давр) қаторлари тўғрисидаги маълумотларни жамлашга мойиллар. Бу ишнинг аҳамияти шундаки, у маълум вақт ўтиши билан фактлар ва бирламчи умумлашмаларнинг қудратли базасини яратиш имконини бериб, бу кейинчалик хаотик вазиятларни олдиндан кўра биладиган ва башорат қиладиган фанга айланади. Сўнгги икки ўн йиллик давомида ночизиқли динамика услублари биринчи навбатда, глобаллашув билан боғлиқ халқаро жараёнларни моделлаштириш ва таҳлил қилиш мақсадида қўлланилди. Давлатлар ва мамлакатлар, шунингдек давлатлараро уюшмалар каби мураккаб тизимларнинг ривожланиши ночизиқли кўринишга эга ва кескин трансформациялар (ўзгаришлар) билан кузатилиб, улар давомида муқаррар равишда хаотик ҳолатлар юзага келади. Ушбу жараёнларнинг ночизиқли динамикаси уларни рационал башоратлаш, марказлашган бошқариш ва назорат қилиш имкони

чекланганлигини англатади. Нобарқарорлик аломатлари ва тартиб ёки тартибсизликка элтадиган мойилликларнинг эҳтимолий параметрларини ўз вақтида аниқлаб билиш олдини олишга интилиш лозим. Аммо динамиканинг ўзгарувчан нобарқарор ҳолатларини диагностика қилишнинг ўзи етарли эмас. Нобарқарор ҳолатларга таъсир кўрсатишни ўрганиш, глобал жараёнларнинг нозичлиги эканлигини ҳисобга олиш талаб этилади. Уларнинг нобарқарорлиги бир қатор омилларга боғлиқ: геосиёсий силжишлар, кўп қутбли оламга қарши рақобатда “бир қутбли олам”нинг шаклланиши, жаҳон террорчилик тармоғининг фаоллашуви, ядро қуролининг тарқалиши, халқаро молия бозорларининг нобарқарорлиги, этник конфликтлар, глобал даражага ўтиб кетиши мумкин бўлган минтақавий экологик кризислар. Жаҳоннинг нобарқарорлигини қайд этишдан келиб чиқиб, тадқиқотчилар оламни глобал бошқаришнинг турли жиҳатларига эътибор қаратадилар.

Биринчи навбатда қатор муаллифлар стратегик режалаштириш ва жорий бошқарув амалиётига жорий халқаро жараёнларнинг нозичлиги ва нобарқарорлигини ҳисобга олган ҳолда ихтисослашган мониторингини киритишни таклиф қиладилар. Бу каби мониторингни универсал халқаро ташкилотлар (БМТ), минтақавий иттифоқлар (ЕИ), халқаро иқтисодий молия институтлари (БСТ, ХВФ) мақсадларига нисбатан қўллаш мумкин. Бундай жараёнларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш халқаро ўзаро ҳамкорлиkning кўрсатилган соҳаларини тартибга соладиган тегишли ҳуқуқий майдонлар мослаштирилишини талаб қилади. Масалан, жаҳон бозорлари ўз-ўзини аниқ “мўлжал” билан ташкиллаштириши ёки халқаро куч ишлатиш билан боғлиқ жазоларни (интервенцияларни) пухта ўйлаб қўллаш. Ҳозирча яқин келажакда халқаро бошқарувнинг тўлиқ марказлаштирилган ва самарали тизими яратилиш эҳтимоли ҳақиқатдан анча йироқ. Бундан ташқари, глобаллашув синергетика адабиётларида мураккаб динамик тизимлар ичида энг қудратлиси сифатида намоён бўлади. Юзага келган “кўп векторли тенгсизлик” “совуқ уруш” давридаги кўп қутбли тенглик динамикаси ўрнини эгаллади. Ягона асосий конфликт (Шарқ-Ғарб) ўрнини кўплаб маҳаллий конфликтлар эгаллаб, улар глобал фалокатга олиб

келишлари мумкин. “Даҳшат мувозанати ўрнини мувозанатсизлик даҳшати эгаллайди”. Қатор муаллифлар фикрига кўра, глобаллашув шароитларида бирон-бир алоҳида “бутун жаҳонни бошқарувчи давлат” мавқеига интилиш ўта хавфли: биронта ҳам давлат планетар глобаллашув каби мураккаб динамик тизимда мувофиқлаштириш функцияларини якка ўзи бошқара олмайди.

Ниҳоят, баъзи муаллифлар замонавий оламнинг глобал nobarqarorligini АҚШнинг етакчилигидаги **кучлар маркази** феномени билан боғлайдилар. Тадқиқотчилар “хаос кучлари”, “бошқариладиган кризислар” стратегияси ва “бошқарувчилик хаоси” тўғрисида ёзадилар. Балки ночизиқлилиқ динамикаси ва хаос назариясининг концепцияларини “буюртмачининг бошқариладиган хаос”га бўлган буюртмаси манфаатларида ишлатиш, яъни ягона ўта қудратли давлатнинг устувор ҳолатини кучайтириш мумкин бўлар. Глобаллашувнинг энг жиддий хавф-хатарларидан бири – молия бозорларининг ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнидаги беқарорлиги. Жануби-Шарқий Осиёдаги маҳаллий кризис бошқа минтақалар бозорларида кетма-кет синишлар, хонавайрон бўлишларни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли иқтисодиёт соҳасидаги “бошқариладиган кризислар” стратегияси (масалан, АҚШ ёки Россия каби қудратли давлатлар учун) бутун жаҳон иқтисодиёти учун хавф туғдирмаган ҳолда энг хавфли потенциал рақобатчиларни кучсизлантиришдан иборат. Глобаллашув жараёнлари мураккаб, nobarqaror ва ночизиқли жараёнлар каби таърифланади. Оптимал даражада фаолият юритиш учун глобал олам очик бўлиши, унда юзага келаётган муаммолар барча эҳтимолий таъсирлар, ҳатто сезиларсиз ва тасодифий таъсирларни ҳам ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши лозим. Шунга боғлиқ равишда “ўзга”, бегона маданий анъаналарни англаш ва оппонентлар билан муносабатлар ўрнатишга қодир бўлган “креатив-диалог маданияти”нинг халқаро роли тобора ортиб бормоқда.

Бир томондан, глобаллашув жаҳон цивилизациясини кўпроқ барқарорлаштириб, чунки у бошқариш осонроқ бўлган цивилизациянинг таркибий қисмлари потенциалини юксалтиришга хизмат қилади. Бошқа тарафдан у ҳақиқатдан ҳам

жаҳон тизими нобарқарорлиги ортишига сабаб бўлиб, чунки унинг натижаси оламни мураккаблаштиради, уни ўзгарувчан, мураккаб тарзда уюшган, нафақат чизиқли қонуниятлар асосида ривожланадиган қилиб қўяди. Замонавий фаннинг асосий муаммоларидан бири – бўлғуси бифуркацияни “диагностика” қилиш услублари мавжудми ёки йўқ? Умуман олганда, улар мавжуд. Ана шундай диагностиканинг математик услублари мавжуд бўлиб, уларни амалга ошириш сиёсий кескинликни тавсифлайдиган бирон-бир параметрни узундан узоқ, давомли ўлчаш заруратини талаб этади. Сифат жиҳатидан жараённинг хаотиклашуvidан (бифуркация нуқтасининг яқинлашуvidан) жараён нобарқарорлигини кўрсатадиган тизимли кузатувлар натижалари далолат бериши мумкин. Вазиятнинг ташқи таъсирсиз нобарқарорлашув тарафига кескин бир неча марта ўзгариши – бифуркация яқинлашуvidан яққол далолат беради. Сиёсий жараённинг хаотик тус олиши ва “критик танлов” нуқтасига ўтишни ҳамиша ҳам салбий нуқтаи назардан баҳолаш керак эмас. Бир неча эски халқаро конфликтлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳал этилиши анъанавий фан нуқтаи назаридан истиқболсиз вазифа бўлиб кўринади. Аммо конфликт вазиятнинг сурункали нобарқарорлиги шароитида тасодифий ҳодиса баҳснинг радикал ечими томон йўл очиб бериши мумкинлигини истисно этиб бўлмайди.

Тадқиқотга оид атамалар талқини

Анклав - атрофи бошқа давлат худуди, қуруқлик билан ўралган макон (давлат)

Геомафкўра - халқаро муносабатлар назариясига оид категория бўлиб, уҳар томонлама хусусиятларга ҳамда муайян қонуниятлар ва мезонларга асосланувчи геосиёсага ва маф кўра ўртасидаги ҳам узаро боғланиш, ҳам узаро таъсир этувчи амалий ҳаракатлар йигиндисидан иборатдир.

Геосиёсат - халқаро муносабатлар назариясининг энг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, у маълум бир тарихий шароитда давлатнинг ёки давлатлар системасининг ҳудудий жойлашуви асосида ўрганиладиган сиёсий билимлар мажмуаси. Қисқача қилиб айтганда, уни географик ўлчовлар билан инсоний муносабатларнинг (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, ҳарбий) бир бутунлиги мужассамлашган соҳа деб айтиш мумкин.

Глобализм - латинча “globus” - шар демакдир. 1. Илмий жихатдан - янги шаклланган фан бўлиб, унинг атамаси илмий луғатда 60-70 йилларда пайдо бўлган. Мазкур атама бевосита Рим клубининг илк фаолият давлари билан боғлиқ бўлиб, у клубнинг дастлабки таҳлилий маърузалар туплами - “Биринчи глобал инқилоб”да илмий-назарий жихатдан талқин қилинган. 2. Сиёсий жихатдан - инсониятга дахлдор глобал муаммоларни нафақат назарий жихатдан, балки амалий жихатдан ўрганиш, уларни бартараф этиш йўллари топиш каби масалаларни англатади.

Гуруҳ - ўз фаолиятларида ёки муносабатларида умумий қарашлар, мотив ва қоидаларга асосланувчи кишилар уюшмаси.

Гуруҳбозлик - икки ёки ундан ортиқ индивид ёки гуруҳларнинг ўзаро келишиб яширинча ёки очиқча фаолият олиб бориши.

Детерминизм - географик асосда барча ҳодисаларнинг узаро объектив қонуний алоқадорлиги ва сабабий боғланиши тўғрисидаги таълимот.

Диний модернизм - диний таълимотларни янги замон муҳитига мослаштириш, диннинг турли муаммолари олдини олиш учун динда янгича принцип ва йўللارни ишлаб чиқишни ёқловчилар ҳаракати.

Диний традиционализм - диний таълимотларнинг ҳар қандай томондан ислоҳ қилинишига қарши чиқиб, диннинг фундаментал принципларини қайта тиклаш тарафдорлари.

Догматизм - ижтимоий ҳаёт ўзгариб борса-да, унинг ҳар қандай янги хусусиятларини тан олмасдан муайян тарихий шароитда юзага келган тушунчалар ва қарашларни қаттиқ туриб ёқловчилар.

Исломизм - бугунги кундаги “сиёсий фундаментализм” ва “ислом фундаментализми” атамаларининг синоними тарзида тадқиқотчи О. Руа томонидан ишлатилган атама. Тадқиқотчи бу атама талқинида исломнинг ўта сиёсийлашганлигига катта эътибор берган.

Ислом фундаментализми - атама илк бор Франциянинг Алжирга қилган юришлари давомида француз шарқшунослари томонидан ишлатилган (Атама талқини тадқиқотнинг асосий қисмида берилган).

Конфликт - муайян индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ёки давлатлар ўртасида узаро манфаатларнинг номутаносиблигидан келиб чиққан қарама-қаршилик, зиддият ва, натижада, тўқнашув.

Консенсус - маълум бир индивидлар, ижтимоий гуруҳлар ёки давлатлар ўртасида юзага келган у ёки бу даражадаги қарама-қаршиликларга барҳам бериш, муросага келиш.

Конфронтация - қарама-қаршилик туфайли давлат ичида ёки халқаро муносабатларда вазиятнинг кескинлашиб, бир ижтимоий гуруҳнинг иккинчи ижтимоий гуруҳга ёки бир давлатнинг иккинчи бир давлатга муайян масалаларда қарши турган даврини кўрсатиш учун ишлатиладиган атама.

Монотеизм - грекча monos - бир, ягона, theos - худо демакдир, яъни ягона худолик.

Мотив - одамларнинг бирон бир эҳтиёжини қондириш учун ҳаракатга келишига сабаб бўладиган ёндашув ёки интилиш.

Политеизм - грекча poly - кўп, theos - худо маъноларини англатиб, кўп худолилик маъносини англатади.

Популизм - лотинча populus - халқ, халқпарвалик, халқ манфаати ва ҳуқуқлари учун кўраш маъноларини англатади. Бироқ бугунги кунда кўпроқ “популизм” деганда, маълум бир арбоб ёки сиёсий лидернинг хоқимият тепасига келиши учун

халқнинг долзарб муаммосига эътиборини қаратиб, улар олқишига сазовор бўлиши тушунилади.

Прозелитизм - бирор диний йўналиш ёки конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар.

Поляризация - ижтимоий гуруҳлар ёки муайян бир жамиятнинг иккита асосий қутбга бўлиниб кетиб, улар ўртасидаги кескин қарама-қаршилик ҳолатларининг юзага келиши.

Радикализм - маълум бир гуруҳ ёки жамоанинг ҳар қандай йўл билан бўлса, ҳам кўзлаган мақсадига эришиш учун ҳаракат қилиши.

Сегментация - давлат ёки жамиятда муайян даражадаги қатлам ва гуруҳларнинг юзага келиши, уларнинг бирор консенсусга келмасдан ўртада конфликтларнинг тобора авж олиши.

Секта - 1) диний жихатдан - секта, мазҳаб, тариқат; 2) умумий олганда - кўпчиликдан ажралган гуруҳ.

Секуляризация - одамларни маълум бир диндан чиқариш, диний мулкларнинг мусодара қилиниши.

Сепаратизм - маълум бир гуруҳ ичидан ажралиб чиқиб, ўз манфаатлари йўлида ҳаракатини давом эттириш; маълум бир давлат ичидаги миллатларнинг давлатдан ажралиб чиқиб ўз мустақил давлатларини тузишга интилиши.

Сиёсий антипатия - бирор сиёсий лидер, ижтимоий гуруҳлар ёки давлатнинг давлат ва жамиятдаги фаолиятини хуш кўрмаслик оқибатида у билан муросасиз бўлиши.

Тақводор - арабча суз, худодан кўрқиш; динга ўта эътиқод қилувчиларга нисбатан ишлатиладиган атама.

Терроризм - жиноятчиликка бошловчи сиёсат бўлиб, унинг тактикаси ва турлари жуда кўп.

Фанатизм - муросасиз; ўта кетган мутаассиблик.

Фракция - 1) парламентдаги мавжуд партияларнинг у ёки бунисининг гуруҳи. У доимо шу партия аъзолари илгари сураётган ғоялар асосида фаолият олиб боради; 2) маълум бир ижтимоий ҳаракат ёки партия ичидаги гуруҳлар. Улар ҳам ўз ғояларининг бир бутун ҳаракат ёки партия аъзолари томонидан тан олиниши учун кўрашади.

Фундаментализм - асосга қайтиш демакдир. Бу ҳаракат амалиётда қандай тус олишига боғлиқ. Агар у сиёсий тус олса, қайси соҳада асосга қайтишни ёқламасин, унинг моҳияти ўзгаради.

Экстремизм - маълум маънода терроризмнинг синоними. Муайян гуруҳ ва ташкилотлардаги ўта мутаассиб кишилар фаолиятининг мафкўраси.

Фойдаланилган адабиётлар

Асосий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.-51 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016.- 56 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. - 48 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Т.: “Ўзбекистон”, 2017.-488 б.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997 й.

2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: “Шарк”, 1999 й.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: “Ўзбекистон”, 1998 й.

4. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қўрамиз -“Туркистон” газетаси, 1999 йил

5. Қўшимча адабиётлар:

6. К.Аннан Обновление на переходном этапе. -Годовой доклад о работе ООН, Нью-Йорк, 1997 г.

7. Бутрос-Гали Б. Повестка дня для мира. Превентивная дипломатия, миротворчество и поддержание мира: Доклад генерального секретаря ООН. Нью-Йорк, 1992 г.

8. Римский клуб. История создания, избранные доклады и выступления, официальные материалы. Под редакцией академика РАН Д.М. Гвишиани. М., 1997 г.

9. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият.-Т.: “Шарк”, 1997 й.

10. Жумаев Р.З. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида.- Т.: “Шарк” 1998 й.

11. Жумаев Р.З. Политическая система Республики Ўзбекистан: становление и развитие Т.: “Фан”, 1996 г.

12. Комилов Н. «Тасаввуф»-, Биринчи китоб, Т.: “Ёзувчи” 1996 й.

13. Наше глобальное соседство. Доклад комиссии по глобальному управлению и сотрудничеству. М.: “Весь мир”, 1996 г.

14. Левитин Л., Карлайл Д.С. Ислом Каримов - янги Ўзбекистон Президенти, Т.: “Ўзбекистон”, 1996 й.

15. Поздняков Э.А. Философия политики. //Том-1,2 2-е изд., перераб. и доп. М., 1994 г.

16. Национализм: теория и практика. Сборник статей под редакцией проф. Позднякова Э.А., М., 1994 г.

17. Из истории цивилизации и современной религии. Сборник статей. Руководитель авторского коллектива проф.

Мунчаев Ш.М., М., 1997 г.

18. Пугачев В.П., Соловьев А.И. Введение в политологию. 3-е изд, перераб. и доп. М., 1996 г.

19. Ислам. Энциклопедический словарь. М., “Наука”, 1991.

20. Политология. Энциклопедический словарь. М., 1993 г.

21. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия Т.: 1997 й.

22. Марказий Осиё: хавфсизлик ва хамкорлик йўлида Маърузалар туплами, Т.: 1995 й.

23. “Вопросы истории” журналы, М., 1987 г. № 9.

24. “Эхо планеты” журналы, М., 1998 г. № 26.

25. Полякова Е.Ю. Шимолий Ирландия: конфликтлар манбаи М., 1990 йил.

26. Кременюк В.А. Проблемы переговоров в отношениях двух держав, США: Политика, экономика, идеология, 1991 г. № 3

27. Иераэлян В.О. О дипломатических переговорах. Международная жизнь. 1998 г. №

Ў б о б б ў й и ч а

1. Гуторов В.А. Античная социальная утопия, Л., 1989 г.

2. Бэкон Ф. Сочинения, в 2 т., М., 1979 г.

3. Английские материалисты XV11 в., М., 1968 г.

4. Кант И. Сочинения, М., 1996 г.

5. Атология мировой философии, М., 1971 г.

6. Хайруллаев М. Фаробийнинг фалсафий ва ижтимоий карашлари // Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан, Т., “Ўзбекистон”, 1995 й.

7. Хайруллаев М. Фалсафа. (тўплам) // Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан, Т., “Ўзбекистон”, 1995 й.

8. Мустақиллик изохли илмий-оммабоп луғат, Т., “Шарк”, 1997 й.

II боб бўйича

1. Социологический словарь, Минск, 1991 г.
2. Российский социум: конфликтологическая экспертиза, М., 1995 г.
3. Скакунов Э.И. Чеченский конфликт, М., 1996 г.
4. Чумиков А.Н. Управление конфликтом, М., 1995 г.
5. Степанов Е.И. Методологическое обеспечение конфликтологических исследований // Социальные конфликты, М., 1994 г., N7.
6. Общая теория права // Под ред. В.К.Бабаева, Нижний Новгород, 1993 г.
7. Общая теория права и государства, М., 1996 г.
8. Лукич Р. Методология права, М., 1981 г.
9. Саидов А.Х. Введение в основные правовые системы современности, Т., 1988 г.

III боб бўйича

1. Запрудский Ю.Г. Социальный конфликт (политологический анализ). Ростов, 1992 г.
2. Рубенштейн С.Л. Человек и мир, Методологические и теоретические проблемы психологии, М., 1969 г.
3. Щепаньский Я. Элементарные понятия социологии, М., 1969 г.
4. Философский энциклопедический словарь, М., 1983 г.
5. Социальный конфликт. Современные исследования: Реферативный сборник, М., 1991 г.
6. Вятр Е. Социология политических отношений, М., 1979г.
7. Социологические исследования, М., 1992 г., №3.
8. Конфликты и консенсус (сборник), М., 1996 г., №3-4.
9. Szumski J. Konflikt sociologzny, Kotowicc, 1987, S.
10. Coser L.A. The Function of Social Conflict, Sociological Theory, L., 1957.

11.Бородкин Ф.М., Коряк Н.М. Внимание, конфликт!, Новосибирск, 1989 г.

IV боб бўйича

1. Христианство и цивилизация (Сборник статей А.Тойнби), М., “Прогресс”, 1995 г.

2. Солодовник С. “Центральная Азия. Геополитические контуры” - Международная жизнь, №9, 1993 г.

3. Малышева Д. Центральная Азия - мусулманский вызов России?, МЭиМО, №12, 1993 г.

4. Тырин С.В., Анайкина Л.И. Мировые религии, М., 1997г.

5. Тырим С.В., Анайкина Л.И. Национальные религии, М., 1997 г.

6. Самсин А.И. Православие и современность, М., 1997 г.

7. Самсин А.И. Ислам в зеркале социологии, М., 1997 г.

8. Н.Комилов “Ислом - маърифатдир”, туплам - “Огох бўлайлик”, Т., “Академия” 1997 й.

V боб бўйича

1. Худойбердиев И. Ислом, шахс ва миллий психология, Т., “Ўзбекистон”, 1994 й.

2. Сагадеев А. Исламский фундаментализм: что же это такое?, “Азия и Африка сегодня”, №6, 1994 г.

3. Новая политика старой веры, “Новое время”, №35, 1990г.

4. Бастарды запада, “Коммерсантъ”, №25, 1996 г.

5. “Диёнат” газетаси, №8, август, 1998 й.

6. “Ислом нури” газетаси, 1998 йил, 11 сон.

7. Трофимов Д.А. Исламский фактор и проблемы внутренней стабильности в Центральной Азии (на примере Узбекистана)// Вестник МГУ, серия 13, востоковедение, 1996, №2.

8. G.Fuller “Central Asia: the New Geopolitics”, 1992, №7.

9. Независимая газета / И.Фролов, 27.02.1997 г.

10.Дипломатический вестник // №9, сентябрь, 1996 г.

11.А.Дж.Тойнби “Ислам, запад и будущее”, С-Петербург, 1995 г.

12.Хужанов Б. “Геополитик ўзгаришлар ва унда Марказий Осиёнинг тутган ўрни” , (маъруза), Т., 1997 й.

13.Резникова О. Центральная Азия в контексте мировой политики - МЭиМО, №12, 1993 г.

14. Огоҳ бўлайлик (туплам), Т., “Академия”, 1999 й.

VI боб бўйича

1. Чубарьян А.О. XX аср тарихи: янги тадқиқот ва муаммолар. Янги ва энг янги тарих, М., 1994 й.

2. Ҳозирги замон фалсафасида дуне ва ижтимоий тараққиёт масалалари, М., 1983 й.

3. Поляков Л.Е. Уруш баҳоси: демографик аспект, М., 1985Й.

4. Соллснберг М., Валленштейн П. Кенг кўламдаги қуролли можаролар.// Жаҳон иқтисоди ва халқаро муносабатлар, 1996 й., №1.

5. Минтақавий можаролар, “Давра суҳбати” // “ Ҳалқаро хаёт” журнали, 1989 й., №10.

6. Ремарчук В.Н. Постсовет маконидаги можароларнинг ҳал этишда армиядан фойдаланишнинг айрим йўналишлари, М., 1994 й.

VII боб бўйича

1. Кременюк В.А. Проблемы переговоров в отношениях двух держав.// США: Экономика. Политика. Идеология. /№3, 1991 г.

2. Пряхин В. Новые средства в практике дипломатических переговоров// Международная жизнь, №12, 1987 г.

3. Кулиниченко В.А. О соотношении насилия и согласия в теории и на практике // Политические конфликты: от насилия к согласию, М., 1996 г.

4. Израэлян В.О. О дипломатических переговорах // Международная жизнь, №12, 1998 г.

5. Мохонин В.А. Подходы к квалификации вооруженных конфликтов // Политические конфликты: от насилия к согласию, М., 1996 г.

6. Санистебан Л.С. Основы политической науки, М., 1992г.

7. Психологический словарь, М., 1990 г.

8. Кондель П.Е. Социальный конфликт в политической системе / Опыт теоретического анализа // Рабочий класс и современный мир, М., 1990 г.

9. Лебедева М.М. Политическое урегулирование конфликтов, М., 1997 г.

10. Полонская Л. Политический тупик или альтернатива развития?// “Азия и Африка сегодня” №11, 1994

Мундарижа

Сўзбоши.....	3
1-боб. Конфликтологияга кириш	6
1.Конфликтология тўғрисида маълумот йиғишни таъминлайдиган асосий услублар	6
2. Конфликт тўғрисидаги илк тасаввурлар	8
3.Янги давр.....	16
4.Х1Х-ХХ асрларда конфликтологиянинг ривожланиши	22
2-боб. Конфликтология предмети ва услублари.....	42
1. Конфликт тушунчаси	42
2. Конфликтология ва ҳуқуқ.....	53
3.Ҳуқуқий конфликтология ва бошқа фанлар	58
3-боб. Конфликтлар табиати ва турлари	62
1. Конфликт сабаблари ва мотивация.....	62
2. Конфликтлар типологияси.....	68
3. Конфликтлар функцияси	76
4-боб. Диний конфликтлар	81
1.Диний конфликтлар турлари	81
2.Конфликтми ёки консенсус?	87
5-боб. Конфликтология муаммолари тизимида миллий-этник муносабатлар.....	89
1.Миллий-этник конфликт тушунчаси	89
2.Миллатлараро конфликтларнинг сабаблари	98
6-боб. Конфликтларни бартараф этиш	116
1.Музокаралар конфликтларни бартараф этишнинг асосий омилдир	116
2. Конфликтлар ечимида информация воситаларнинг аҳамияти	131
7-боб. Амалий конфликтологияда можароларнинг категориал таҳлили	139

1. Социология, педагогика ва психологияда конфликтни ўрганишнинг хусусиятлари	139
2. Коммуникатив мулоқот услублари.....	158
3. Конфликтли вазиятда қарор қабул қилиш жараёни	165
4. Конфликтни прогнозлаштириш	227
5. Конфликтда ахборот ёрдамидаги қарама-қаршилик.....	256
Хулоса ўрнида	276
Ҳозирги замон конфликтларни таҳлил этиш методологияси	276
Тадқиқотга оид атамалар талқини	289
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	293

Джумаев Рустам Зиятович

КОНФЛИКТОЛОГИЯ

МОНОГРАФИЯ

Босишга рухсат этилди: 26.02.2018.

Бичими 60x84 1/16 Шартли 18,75 б.т. нусхада босилди.

Буюртма №_____

© Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2018.